

Кобо  
Абэ

---

# Құмдаги хотин



«KAMOLOT»  
KUTUBXONASI



  
ЯНГИ АСР АВЛЮДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 821.512.133-94**

**КБК: 84(5Япо)**

**А – 20**

**Абз, Кобо**

Қумдаги хотин. Кобо Абз / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. Таржимонлар: Ваҳоб Рўзиматов, Эркин Эрназаров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 352 б.

ISBN 978-9943-27-732-8

Ноёб ижоди Япония адабиётида алоҳида ўрин тутадиган Кобо Абз инсоннинг ҳали тадқиқ этилмаган ҳаёт қирралари ни бетакрор усулда тасвирлайди. Унинг ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилаётган «Худди одамдек» қиссасида асар қаҳрамони – журналист ва драматург беҳисоб қўлли илоҳ билан воқелик ва хаёлий дунё, ҳақиқат ва сунъийлик хусусидаги фалсафий мушоҳадалари инсоний қадриятлар-нинг том маъносига қарашларни ифода этган.

Кобо Абзининг адабиётшунослар томонидан антиқа ва жумбоқли асар сифатида талқин этиладиган «Қумдаги хотин» романнida шахс ва жамият ўртасидаги зиддият ҳаёт-мамот нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилади. Муаллиф мажозий тасвирлар орқали ҳақиқий инсоннинг яшашдан мақсади – жамиятнинг ўзи каби аъзоларига сидқидилдан хизмат қилиш, эзгуликка интилиш бўлиши кераклигини таъкидлайди.

**Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:**

А.Х.Саидов, профессор

**Таржимонлар:**

Ваҳоб Рўзиматов,  
Эркин Эрназаров

ISBN 978-9943-27-732-8

© Кобо Абз, «Қумдаги хотин». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## КОБО АБЭ: АДАБИЁТ ЧҮЛҚУВАРИ

«Узлуксиз ҳаракатдаги құмнинг бу манзараси уни таърифлаб бўлмайдиган даражада тўлқинлантирап ва шошилтириш учун савалаётгандек туюларди. Құмнинг одатда тасаввур қилинадиган бесамарлиги шунчаки қуруқлигидан эмас, балки бирор мавжудот дош беролмайдиган муттасил ҳаракати билан изохланади. Бу ҳар куни бири-бирига чирмасиб оладиган одамларнинг мунгли ҳәётига нақадар ўхшаши.

...Агар қўзгалмас қоя улоқтириб ташланса ва ўзингни қум ҳаракатига баҳшида қилсанг, рақобат ҳам тугайди. Ахир саҳрода ҳам гуллар ўсади, қумурсқа ва йиртқичлар яшайди...

У тасаввуррида құмнинг ҳаракатини кўз олдига келтирап ва хаёлот дунёсига шўнгирди – ўзини ҳам ана шу поёнсиз оқимда кўрарди».

(Кобо Абэ «Құмдаги хотин»)

Й.В.Гёте<sup>1</sup> бундан икки аср муқаддам «... **шоирни англаш учун** шоирнинг мамлакатига бориши кепрак», – деган эди. Бу фикр, айниқса, мутлақо бошқача, алоҳида тамаддун ҳисобланган, қуйида сўз борадиган япон маданияти ва японларнинг миллий ўзлигига нисбатан айни ҳақиқатdir. Буюк немис шоирининг юқоридаги сўзларида курраи заминимиздаги инсон тафаккуридек аниқ ва мавжуд бўл-

<sup>1</sup> Йоханн Волфганг Гёте (Johan Wolfgang von Goethe, 1749 – 1832) – буюк немис мутафаккири, шоир, ёзувчиси ва давлатарбоби.

ган воқеликдан хаёлт дунёсига – бу ўзига хос дунёни тадқиқ этиш ва тушунишга олиб борадиган йўл кўрсатилган.

Ҳақиқатан ҳам буюк япон ёзувчиси Кобо Абэ ижодини англаш учун ёзувчининг китоблари, асарлари асосида ишланган фильмлар (масалан, режиссёр Тесигахара томонидан суратга олинган «Кумдаги хотин» 1964, «Бегона юз», 1966) билан танишиш камлик қиласди. Кобо Абэнни тушуниб этиш учун у томонидан тасвиirlанган замин ва табиатга, у ўсиб улгайган маданий муҳитга мурожаат қилиш даркор. Ёзувчининг ватани – Япония энг қадимий анъаналар, айни пайтда Фарб маданиятини ўзига фаол сингдираётган давлатdir. Шунинг учун япон ёзувчисининг асарлари ҳам ўтмиш ва замонавийликнинг, Шарқ ва Фарбнинг чорраҳасида, саволлар ва уларга янги-янги саволлар туғдирадиган жавобларни таққослашда дунёга келган.

Япониянинг замонавий адабиётида Кобо Абэ алоҳида ўрин тутиши шу билан изоҳданади. Унинг адабий ижоди, энг аввало, бадиий тасаввурининг ўзига хослиги, ривоятлар ва хаёлотнинг бугунги кун воқелиги билан ноёб шаклларда чирмасиб кетганлигидадир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда япон авангарди етакчиларидан бири ҳисобланган бу муаллифнинг инсоннинг ҳали тадқиқ этилмаган ҳаёт қирралари бетакрор усуlda кашф этилган ҳар бир асари фақат Япония адабий доиралари ва китобхонлари ўртасида жуда катта қизиқиш билан қарши олинмасдан, балки жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари ўқувчиларининг эътиборини жалб қиласди.

Одатда, жаҳон адабиётида қаламга олинмаган ҳәётий муҳим мавзулар қолмаган, деган фикр устун турди. Кобо Абэ ўзининг асарлари билан бу дунёда ҳам ҳали очилмаган қўриқлар бисёрлигини исботлашга интилган. Ёзувчи ҳеч қачон бошқалар ўзлаштирган экинзорда жўяқ тортишга уринмайди, аксинча болалиги ўтган яйдоқ чўлларни ўзлаштиришга астойдил

ҳаракат қилган. Шу маънода уни адабиётнинг чўлқувари, деб таърифлаш ҳам мумкин.

Кобо Абэ (ҳақиқий исми Абэ Кимифуса, 1924 – 1993) – Токио яқинидаги Кита шаҳрида, врач оиласида туғилган. Лекин болалиги Манчжурияда<sup>1</sup> ўтди. Бу ерда отаси Мукден империя университетининг тиббиёт факультетида дарс берган. Маданияти ва урф-одатлари японларницидан ўзгача бўлган бу юртдаги ҳаёт Кобо Абэ дунёқарашининг кенгайишига таъсир қилгани шубҳасиз. Бу ерда кўрган-кечирганлари ва таассуротлари адибнинг қатор асарлари бош мавзуси бўлган.

Кобо Абэ Манчжурияда мактабнинг ўрта босқичида таълим олган. У 1940 йилда Японияга қайтиб келганидан сўнг Сёдзе шаҳридаги олий босқич мактабини тугаллаган. 1943 йилда, Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан пайтда Кобо Абэ отасининг тавсиясига мувофиқ Токио университетининг тиббиёт факультетига ўқишга кирган. Аммо бир йил ўтгач, ўқишини ташлаб Манчжурияга – Мукден шаҳрига қайтган. Бу ерда у урушда Япониянинг мағлубиятга учраганининг гувоҳи бўлган. Шу йили унинг отаси ҳам вафот этган.

Япония империясининг таназулли Кобо Абэ оиласининг тирикчилик ўтказиш учун маблағи қолмасдан, ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолган пайтига тўғри келган. У яна Токиога келиб, университетга ўқишга тикланган. Унинг ўқишини давом эттириш учун пули етмасдан, катта қийинчиликларга дуч келган, аслини олганда врачлик касби уни унчалик қизиқтиргмаган. Шундай бўлса ҳам, 1948 йилда университетни базўр тугаллаган ва врач дипломини олган. Бунда энг қийин – ихтисослиги бўйича имтиҳонни фақат профессорга ҳеч қачон докторлик амалиёти билан шуғулланмаслигига ваъда берганидан кейингина топшира олган.

---

<sup>1</sup> Манчжурия – Хитойнинг шимолий-шарқидаги минтаقا.

Үша йиллари күпгина тенгдошлари сингари у ҳам сиёсатта қизиққан, Япония коммунистик партия-сининг аъзоси бўлган. Аммо совет қўшиларининг Венгрияга киритилиши Кобо Абэда кескин норозилик туфдирган ва у партиядан чиққан. Сиёсатдан ихлоси қайтган Абэ ҳаётини тўла-тўкис адабиётга бахшида қилган ва унга жаҳон миқёсида шуҳрат келтирган асарлар битган.

1947 йилда у ўзининг илк асари – Манчжуриядаги ҳаёти ва таассуротларига асосланган **«Номсиз шеърлар»** номли 62 бетдан иборат тўпламини тузган ва унинг ҳамма ададини ўзи мимеографда<sup>1</sup> чоп этган. Кобо Абэнинг Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ёшларнинг тушкунлиги ва ўша даврдаги воқеликка норозилик туйғулари акс этган шеърларида Р.М.Рильке<sup>2</sup> ижоди ва М.Хайдеггер<sup>3</sup> фалсафасининг кучли таъсири яққол ҳис этилади.

Кобо Абэ ижодининг дастлабки босқичларида Ф.Кафка<sup>4</sup> ва У.Фолкнернинг<sup>5</sup> кучли таъсири яққол ҳис этилади. Умуман у жаҳон адабиёти, айниқса Э.А.По<sup>6</sup>,

<sup>1</sup> Мимеограф (қадимиј юноча «міміөомі» – «тақлид қиламан» ва «ყұрғақ» – «ёзаман» сўзларидан) – американлик Томас Альва Эдисон томонидан китобларни кам нусхада чоп этишга мўлжалланган қурилма.

<sup>2</sup> Райнер Мария Рильке (тўлиқ исми-шарифи Рене Карл Вильгельм Йоҳанн Йозеф Мария Рильке, немисча René Karl Wilhelm Johann Josef Maria Rilke, 1875, Прага – 1926) – XX аср модерн усубида немис тилида ижод қилган, Австрия фуқаролигига эга таниқли шоир.

<sup>3</sup> Мартин Хайдеггер (немисча Martin Heidegger, 1889 – 1976) – немис файласуфи, борлик тўғрисидаги таълимот асосчиси.

<sup>4</sup> Франц Кафка (немисча: Franz Kafka, 1883 – 1924) – австрия ва чех носири, ҳикоянавис, немис тилида ижод қилган адаби.

<sup>5</sup> Уильям Катберт Фолкнер (инглизча William Cuthbert Faulkner, 1897 – 1962) – американлик ёзувчи, адабиёт бўйича 1949 йилги Нобель мукофотининг лауреати.

<sup>6</sup> Эдгар Аллан По (инглизча Edgar Allan Poe, 1809 – 1849) – американлик ёзувчи, шоир, адабий танқидчи ва муҳаррир, Америка романтизмининг вакили, илмий фантастика асосчиларидан бири.

Л.Кэрролл<sup>1</sup>, Ф.М.Достоевский<sup>2</sup>, Н.В.Гоголь<sup>3</sup> ва бошқалар ижоди билан яхши таниш бўлган. «Мактабда ўқиётган йиллардаёқ рус адабиётининг икки улкан вакили – Гоголь ва Достоевский ижодига мафтун бўлгандим, – деб эътироф этган Кобо Абэ. – Менга, айниқса, Гоголь катта таъсир кўрсатди. Асарларимда тўқима ва воқеликнинг чатишиб кетиши ва шу туфайли воқеликнинг ниҳоятда ёрқин ва таъсирчан гавдаланиши менга буни ўргатган Гоголь туфайли пайдо бўлди».

1947 йили унинг дастлабки йирик асари – «**Пахса деворлар**» ҳам битилган. Адабиёт дунёсида бу ижод намунаси билан биринчи бўлиб муаллиф Сёдзедаги олий босқич мактабида ўқиётганда унга немис тилидан дарс берган танқидчи ва тиалшунос Рокуро Абэ танишган ва юқори баҳо берган. Уч жиlldдан иборат бу асарда қадрдон шаҳрини тарк этиб, Манчжурияда дарбадарликда жиноятчилар тўдасига асир тушиб қолган ёш японнинг хотиралари баён этилган. Рокуро Абэ ташаббуси билан қўлёзма «Замонавий адабиёт» журналига юборилган. Ва «Пахса деворлар» нинг биринчи жилди «Интеллектуал» журналининг 1948 йил февраль сонида эълон қилинган. Ушбу асари орқали танилган Кобо Абэ машҳур япон адабиари Ютака Хания<sup>4</sup> ва Таро Окамато<sup>5</sup> раҳбарлик қилган «Тун» адабий бирлашмасига аъзо бўлиб киришга

<sup>1</sup> Льюис Кэрролл (инглизча Lewis Carroll, ҳақиқий исми-шарифи Чарльз Лютвидж Дожсон, 1832 – 1898) – инглиз ёзувчиси, файласуфи, математиги.

<sup>2</sup> Фёдор Михайлович Достоевский (1821 – 1881) – жаҳоннинг энг машҳур рус ёзувчиларидан бири, мутафаккир.

<sup>3</sup> Николай Васильевич Гоголь (туғилгандаги фамилияси Яновский, 1809 – 1852) – буюк рус ёзувчиси, драматурги, шоир ва публицист.

<sup>4</sup> Ютака Хания (японча 塩谷 雄高, 1909 – 1997) – буюк япон ёзувчиси ва адабий танқидчи, иккинчи жаҳон урушидан кейинги япон адабиётининг энг ёрқин намояндаларидан бири.

<sup>5</sup> Таро Окамото (японча 岡本太郎, 1911 – 1996) – машҳур япон рассоми ва санъатшунос, япон авангарди ва сюрреализмининг энг машҳур намояндаси.

таклиф этилган. Кобо Абэнинг ноёб истеъдодини биринчи бўлиб пайқаган Ютака Ханиянинг қўллаб-қувватлаши туфайли «Пахса деворлар» 1948 йилнинг октябрида «**Йўл охиридаги кўрсаткич**» номи билан «Синдзэнбися» нашриёти томонидан алоҳида китоб шаклида нашр этилган.

«Замонавий адабиёт» журналининг 1951 йил февраль сонида Кобо Абэнинг «**Девор. S.Карма жинояти**» қиссаси эълон қилинган. У Льюис Кэрроллинг «**Алиса мўъжизалар мамлакатида**» машҳур асари таъсирида ёзилган бўлиб, япон адабининг Манчжурия чўлларидағи хотиралари асосига қурилган. Мазкур қисса Япониянинг 1951 йилги адабиёт бўйича энг олий – Акутагава мукофотига<sup>1</sup> муносиб деб топилган.

Японлар дунёси кўпинча нафис ва жимжимадор чизиқлар – иероглиф тафаккури, иероглиф коинотини акс эттирадиган иероглифлар тарзида тасаввур этилади. Бевосита худди шу тушунча Кобо Абэнинг адабий дунёсининг тимсоли деса бўлади: бу дунё ҳам сеҳрли ва сермањо, ҳам жумбоқди, чигал, шу билан бирга тугал иероглиф дунёсидир.

Масалан, «Девор» қиссаси асар қаҳрамонининг ўз ташриф қофозини йўқотиб қўйишидан бошланади. Муаллиф бу билан ўз қаҳрамони исми-шарифидан маҳрум бўлганлигини англатишга ҳаракат қилган. Умуман олганда, Кобо Абэ асарлари матнларига атанин яширин маънолар сингдирилган. «Девор»да ҳам ташриф қофозининг йўқотилиши билан шахс жамиятдан бегоналаштирилишининг биринчи босқичига ишора қилинади. Яъни номсиз қаҳрамон жамиятга қарши қўйилган, аниқроқ айтиладиган бўлса, жамият рўйхатидан ўчирилган. Аммо воқеалар ривожи фақат бу билан якун топмайди. Бегоналаштирилиш

<sup>1</sup> Рюноскэ Акутагава номидаги мукофот – буюк япон ёзувчиши Рюноскэ Акутагава хотираси учун 1935 йилда «Бунгэй сюндою» нашриёти томонидан бошловчи ижодкорларга бериладиган, Японияда адабиёт соҳасида энг нуфузли ҳисобланадиган мукофот.

давом эттирилади: қаҳрамоннинг ички дунёсида ҳам уни ўзидан тўсаётган девор қад кўтара бошлайди. Таъбир жоиз бўлса, иккинчи даражали бегоналаштирилиш содир бўлади.

Адабиётшунослар фикрига кўра, Кобо Абэнинг «**Тўртинчи муз даври**» (1959) асари япон фантастика адабиётида янги даврни бошлаб берган. Бу даврда япон авангардининг етакчисига айланган ноёб услубчининг мазкур жанрга мурожаати япон фантастикасини, ҳеч муболагасиз, янги чўққиларга кўтарган. «Тўртинчи муз даври» шакли бўйича класик роман ҳисобланади. Унда оламшумул сув тошиши арафасида олимларнинг сувда яшай оладиган одам янги зотини яратиш устида иш олиб бориши ҳикоя қилинганди. Аммо моҳият жиҳатидан эса бу асар тор дунёқарashi доирасида бўғилаётган иқтидорли инсон фожиаси тўғрисидаги ўзига хос ҳикоятдир.

Япон ёзувчиси кейинги асарларида ҳам фантастикага мурожаат қилган. Япон адабиётининг шоҳ асарларидан бири сифатида эътироф этилган «**Бегона юз**» (1964), «**Таёқقا айланган одам**» (1969), кафкача усулда битилган «**Одам-қути**» (1973), «**Сакура** нажот кемаси» (1984) ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

1973 йилда ёзувчи «**Кобо Абэ студияси**» шахсий театрини ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган. Бу унинг драматургия жанрига кўпроқ мурожаат қилишига туртки бўлган. Адид пьесаларни ўз театри учун ёзган. Уларнинг юксак маҳорат билан битилганлиги пьесаларидан «**Арвоҳ – шу ерда**» (1958) Япониянинг Кисида мукофоти, «**Дўстлар**» (1968) Танидзаки мукофоти, «**Яшил пайпок**» (1974) Йомиури мукофотига сазовор бўлганлиги далолат беради. Фарбда япон драматургининг «**Таёқقا айланган одам**», «**Қалъя**», «**Қуллар ови**», «**Шарпалар орамизда**», «**Дўстлар**» ва бошқа пьесалари ниҳоятда машҳур.

«Кобо Абэ студияси» 1979 йилда Америка Кўшма Штатларида гастролларда бўлиб, Нью-Йорк, Вашинг-

тон, Чикаго ва бошқа йирик шаҳарларда ўз спектакларини катта муваффақият билан намойиш этган.

Кобо Абэ ёзувчи, драматург, театр режиссёри бўлиши билан бирга радио ва телевидениеда ҳам фаол иштирок этган. У санъатнинг туб табиатини чуқурроқ англашига, асарларида даврнинг энг ўткир муаммоларини кўтариб чиқишига бевосита ана шундай серқирралик ёрдам беради, деб ҳисоблаган.

Ёзувчининг кўпгина романлари драматургия асарлари услубида битилган. Бу унинг фикрича, адаб, энг аввало, инсоннинг ҳиссиётига таъсир кўрсатиши, қаламга олаётган воқеалари қалбда акс садо уйғотиши, шундан кейингина онгни жунбишга келтириши керак. Кўп жиҳатдан шу сабабли Кобо Абэнинг эътиборини ёшлигидан ихлос қўйган Франц Кафка билан бир қаторда немис мутафаккири, адабиёт бўйича 1981 йилги Нобель мукофотининг лауреати Элиас Канеттининг<sup>1</sup> ижоди ўзига жалб этган. Айни пайтда дўсти Донольд Киннинг тавсияси бўйича колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес<sup>2</sup> асарлари билан танишган. Канетти ва Маркеснинг асарлари уни шу қадар ларзага солганки, Абэ бу ёзувчиларнинг Япониядаги энг оташин тарғиботчисига айланган.

Кобо Абэ асарларида инсоният олдида турган энг ўткир муаммолар кўтарилган. Унинг романларининг асосий гояси – шахс ва жамият ўртасидаги зиддият, инсоннинг ҳаёт воқелиги олдидағи иложсизлиги, тақдир зарбаларига бардошлигини синовдан ўтка-

<sup>1</sup> Элиас Канетти (инглизча Elias Canetti, 1905–1994) – австрия, болгар ва инглиз ёзувчisi ва драматурги, адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати. Болгарияда туғилиб, шу давлат фуқаролигини олган, Австрия университетида ўқиган, 1952 йилда Буюк Британия фуқаролигини олганлиги учун шу мамлакатлар адаби ҳисобланади.

<sup>2</sup> Габриэль Хосе де ла Конкордия «Габо» Гарсиа Маркес (испанча Gabriel Jos de la Concordia «Gabo» García Marquez, 1927) – колумбиялик адаби, журналист, ношир ва сиёсий арбоб, адабиёт бўйича 1982 йилги Нобель мукофоти лауреати.

зишдир. Муаллиф ўз қаҳрамонларини оддий одамлар, айни пайтда ниҳоятда бетакрор шахслар сифатида гавдалантирган.

Ёзувчининг бадиий тасаввури ҳам ноёб. У асарлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қаҳрамонларининг инсоний қиёфасини кутимаган янги шаклларда тасвирлаб, улар ички дунёсини ўзига хос тарзда очиб бериш истеъодига эга. «**Қумдаги хотин**» романидаги Ники Дзюмпей, «**Бегона юз**»даги ниқобли одам, «**Ёқиб юборилган жарита**»даги изқувар, «**Одам-қути**»даги одам-қути турли сабабларга кўра одатий кўринишларини ўзгартирган бўлсалар ҳам, ўзлигини сақлашга астойдил ҳаракат қиласди, бироқ ҳамиша ҳам омад улар томонида бўлмайди.

«**Қумдаги хотин**» (1960) Кобо Абэижходида романнавислик дебочасидир<sup>1</sup>. Япон адаби тадқиқотчиларининг ҳисоблашича, ушбу асар «ҳозирги давр адабиётининг энг антиқа ва жумбоқли асари»дир. Бу лўнда ва ихчам авангард роман билан рус ёзувчи Н.В.Гоголининг «Бурун» асари баҳслаша олади. «Қумдаги хотин»даги воқеалар тўқима, бироқ тулаш идишлар қонунига асослангандек воқелик билан узвий боғлиқ. Япониянинг «қумли ички дунёси» воқеалари ҳақиқий Японияга – газета мақолалари ва расмий ҳужжатларга, шаҳар ва қишлоқлари оддий аҳолисининг турмуш тарзига чамбарчас боғланган.

Асарда муаллифнинг диққат-эътибори оддий, камтарин ўқитувчи Ники Дзюмпейга қаратилган. Бирор соҳада ном чиқаришни орзу қилган бу кимса август ойида уч кунга таътилга чиқиб, саҳрова ноёб курт-қумурсқаларни қидириб юриб, бу ерда улкан кум ўрасида яшайдиган аёлникида тунашга мажбур бўлади. Мазкур хароба бошпанани қум босиб қолмаслиги учун аёл куну тун ўрага тушаётган қумни куракда ташқарига отишга мажбур. Ники бошида

<sup>1</sup> Таниқли таржимон Ваҳоб Рўзиматов томонидан ўзбек тилига ўтирилган.

бу ишда аёлга ёрдам беради. Аммо кейинчалик офтоб урганидан бетоб бўлиб қолади. Бунинг устига ўзи бу ерга тушган арқон нарвон ғойиб бўлади ва у ҳам ушбу аёл каби қум ўрасининг асирига айланади.

Романда Кобо Абэнинг бошқа қатор асарларида бўлганидек, шахс ва жамият ўртасидаги зиддият тасвириланган. «Қумдаги хотин»да қум остида қолиш хавфидаги қишлоқ учун алоҳида бир одам (Ники Дзюмпей) – ҳеч вақо, унинг манфаатлари ҳеч кимни қизиқтирамайди. Худди шунингдек, жамият тимсоли бўлган давлат ҳам қум барханлари орасида қолиб кетган қишлоқ аҳди манфаатлари билан сира иши йўқ.

Муаллиф ана шу ҳолат орқали жамиятга хизмат қилиш гоясининг нақадар абгор этилиши мумкинлигига диққат-эътиборни жалб этади. Бундай жамиятда унинг ҳар бир аъзоси улкан механизмнинг арзимас мурвати сифатида кўрилади. Бу мурват механизм айрим қисмларини бирлаштириб туради, лекин механизм мурват манфаати учун ишламайди.

Ана шу зиддият орқали Кобо Абэ ниҳоятда ўткир ижтимоий масалани кўндаланг қўйган: инсон – унинг манфаати учун ҳамма нарса қилиниши кўзланган мақсадми ёки бирор мавҳум мақсадга эришиш вosisатими? 1940 йилларнинг охири – 1950 йилларнинг бошида кўпгина япон ёзувчилари ўз асарларида ана шу муаммони кўтариб чиққан.

Кобо Абэ ўзининг бу романни марказига яна бир муҳим мавзу – ҳаёт билан ўлим қарама-қаршилигини қўйган. Асарда бу сув ва қум қарама-қаршилигидир. Асар қаҳрамони ўлик қумда сув топади. Сув – қишлоқ аҳолиси учун ҳаёт-мамот масаласидир. Шунинг учун асар қаҳрамони ҳамма томонидан унтутилган қишлоқ одамларига зарурлигини англайди. Унда ўзининг ижтимоий аҳамиятга эгалик туйғуси пайдо бўлади. Авваллари унинг қум ўрасида бўлиши маънисиз бўлганди, қишлоқ аҳолиси эса душманлари ҳисобланганда ягона мақсади – қум асирилигидан қутулиш эди. Энди эса ўзининг одамларга зарурли-

гини тушунган Ники уларга хизмат қилишга интилади. Бунда қандайдир мавхум жамиятга эмас, балки аник одамлардан ташкил топган жамиятга, демак ҳар бир одамга хизмат қиладиган бўлади. У, Кобо Абэ таърифлашича, «кўмда сув билан бирга гўё ўзидаги янги инсонни топди».

«Қумдаги хотин» 1963 йилда Япониянинг Йомиури<sup>1</sup> мукофотига, 1968 йилда Францияда чет эллик муаллифга энг буюк бадиий асар учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган. Ушбу роман асосида режиссёр Х.Тэсигахара томонидан яратилган «Қумдаги хотин» кинофильмига Канн ҳалқаро кинофестивалининг энг яхши чет эл тилидаги мукофоти берилган, у Ўзбекистонда ҳам намойиш этилган. Роман асосида композитор К.Банч томонидан «Қумдаги хотин истиффори» операси ҳам яратилган.

Даврга ҳамоҳанглик – Кобо Абэ ижодининг энг муҳим белгиларидан бири. Масалан, «**Бегона юз**» асари, биринчи қарашда, фожиа оқибатида ўз юзи ни йўқотган инсоннинг тақдири тўғрисидаги роман сифатида тасаввур этилади. Лабораторияда портлаш содир бўлиши асар қаҳрамонининг юзини бадбашара қилиб ташлайди. У эндиликда бу даҳшатли жароҳатлари одамлар орасида кўрина олмаслигига ишончи комил. Яъни, у ёлғизликка маҳкум этилган.

Роман қаҳрамони ўз тақдирига тан бермайди, қандай бўлса ҳам инсоний қиёфасини тиклашга уринади. Бунинг йўли битта – ўрадек из қолдирган жароҳатларни ниқоб билан яшириш.

Юз – одамлар ўртасидаги сўқмоқ йўл. Кобо Абэнинг нуқтаи назари шундай. Бу йўлнинг йўқотилиши одамнинг қамоқхонанинг бир кишилик каталагига тиқиб кўйилгани билан баробар. Одам чеҳрасига шундай қарап ниқобга мутлақо ўзгача маъно беради.

<sup>1</sup> «Йомиури» мукофоти – 1949 йилда «Йомиури симбун» нашриёт уйи томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейин япон адабиётини тиклаш мақсадида таъсис этилган мукофот. Ҳар йили наср, назм, драматургия, адабий танқид, адабий тадқиқот, бадиий таржима бўйича энг яхши асарларга берилади.

Ҳозирги давр илми бунинг имкониятини беради, бироқ ҳаётда ҳамма нарса анча мураккаброқ ва фожиалироқ эканлиги аён бўлади. Шу вақтгача асар қаҳрамони учун ниқобнинг ҳақиқий моҳияти маълум эмасди, у инсон доимо ниқобда бўлишини пайқамаганди. Ўз қисматигина ниқобнинг ҳақиқий моҳиятини кашф этишига имкон беради: «ҳамма одамлар қалб деразасини тана ниқоби билан беркитишади ва унда жойлашиб олган зулукларни яширишади». Яъни, ниқоб «одамнинг ҳақиқий қиёфасини тўсиш» ролини бажаради.

Кобо Абэнинг мазкур романи асосида яратилган фильм экранларга чиққач, танқидчилар асосли равишда «юзи даҳшатли жароҳатланган одам Япониянинг уруш ҳалокати оқибатидаги чандиқлари рамзидек тасаввур этилади. Шу тариқа ёзувчи жаҳонда, шу жумладан, Японияда инсоннинг ўзлиги ва унинг дунёдаги ўрни хусусидаги жўшқин баҳсада ўз сўзини айтган», деб қайд қилишган.

«Бегона юз» қаҳрамони ниқоб тақиб, кутилмагандада «осонгина ҳақиқатни тўсиш вазифасини ўз зиммасига олиши» мумкинлигини англаб етади. У кашф этган яна бир жуда муҳим хусусият – одамларнинг ташқи қиёфасини адаш ички мазмун билан айнанлаштириш, «юз ва қалб мутлақ муайян ўзаро боғлиқликда» эканлигига ишончdir. Шу сабабли одамлар бегоналар қалбларига сукилиб кирмасликлари учун ҳақиқий қиёфасини яширишга интилишади. Шунинг учун ҳам, мушоҳада юритади асар қаҳрамони, қадим замонларда қотиллар, босқинчилар ниқобга муҳтож бўлган.

Ҳа, афтидан, Ўрта асрларда ёки ҳозирги кунларимизда бўлсин, ноҳақ ишга қўл урадиганлар тўғри ва мажозий маънода ўз юзларига ниқоб тақишига ҳаракат қилишади. Чунки, ниқоб «инсон қиёфасини яширишга, юз ва қалб ўртасидаги алоқадорликни узиб ташлашга, одамларни ўзини жамият билан бирлаштириб турган маънавий ришталардан ҳалос этиш»га даъват этилган.

Шу тарзда маънавий айниш учун одам ўзининг ҳақиқий юзини ниқоб билан бекитиши кифоя қиласди. Ниқобсиз унинг ҳақиқий ўзлиги, баъзан жуда хунук, ҳатто даҳшатли ички дунёси билиниб қолиши мумкин. Демак, биз ҳисоблаб келганимиздек, инсоннинг юзи фақат уни бошқалардан ажратиб турадиган қиёфагина бўлиб қолмасдан, анча муҳимроқ вазифаларга эга: ҳаётда ҳамма нарса, шу жумладан тартиб, одатлар, қонуналар – «юпқа тери – ҳақиқий юз томонидан ушлаб турилган, ҳар лаҳза сочилиб кетилиши мумкин бўлган қум қалъасидир».

Китобхон асар қаҳрамони мулоҳазаларининг туб моҳиятини англагач, ёзувчи инсоннинг юзи ва қалбини таққослаб, нимани назарда тутганилигини тушуниб етади: яъни инсон юзи – унинг вижданидир. Одам юзини ниқоб билан беркитар экан, вижданни амридан ўзини тўсади. Эндиликда у ҳар қандай, ҳатто даҳшатли қилмишларга, эҳтимол, жиноятга ҳам тайёр. Демак, ҳам бевосита, ҳам мажозий маънода ёвузликка қўл урадиганлар ниқоб тақиши шарт. Шу ўринда асар қаҳрамонининг: «бевосита аскар мутлақ номсиз мавжудотdir. Унинг шахсий юзи илғанмаса ҳам, бурчини бажариши учун бу тўсиқ бўла олмайди. Одам юзларини ажратиб бўлмайдиган ҳарбий қисм – мукаммал жанговар тузилмадир. Бу мукаммал тузилма қалбан азобланмасдан ҳамма нарсани яксон қилишга тайёр».

«Бегона юз» қаҳрамони ҳам ниқоб тақиб, охир-оқибат зулмкорга айланади. Атрофидаги одамлар билан муносабатни тиклаш мақсадида тақилган ниқоб унинг қўлига қурол олишига сабабчи бўлади. Бу билан зулмкорнинг ниқоби уни одамларга бошлаб борадиган йўлдан абадул-абад маҳрум қиласди.

У ўз-ўзига шундай савол беради: агар ҳамма одамлар юзларига ниқоб тақиб, жамият олдидаги бурчларидан халос бўлса, нима рўй беради? Жавоби – аниқ; унда барча содир этилган жиноятлар номсиз бўлади. Чунки, аниқ жиноятчи йўқ – унинг ўрнида ниқоб.

**«Одам-қути»** романининг қаҳрамони ҳам жамиятдан яширинишни хоҳлайди. Аммо у жамиятдан қочиб қутулиш йўлини излаб ўтирумайди, балки қутига, бу билан янги мавжудотга айланади. Одамлар бундай қутиларга турли сабабларга кўра тушиб қолади. Баъзи бирвлар юлгичлар, фақат бойлик орттириш кетидан қувиладиган истеъмол, зулмкор жамиятда ўзларининг фақирлигини ҳис этиб яшашга қодир эмас. Одам-қути нияти эса ўзгача, у аввал бошда ўз одатларидан жуда ҳайиқиб, жуда қатъиятсиз қутулмоқчи бўлади. «Бойлик орттириш қийин, уни ташлаб юбориш эса янада мушкулдир», деб тан олади асар қаҳрамони. Лекин аста-секин, ўзи ҳақиқий одам-қутига айланиши билан вужудини забт этган юлгич ҳалок бўлади. Инсон бойлик жамғариш одатидан халос бўлади.

Бундай одам учун қутида яширинишга интилиш – озодликка интилишдир. Асар қаҳрамони учун қути боши берк кўча бўлмасдан, аксинча бошқа дунёга ланг очилган кенг эшикдир: «Кимdir бирор марта хаёлида фақат номсиз аҳоли учун мавжуд бўлган, эшиклари (агар уларни эшик, деб аташ мумкин бўлса) ҳамма учун ланг очиқ турган ва ҳар бир одам дўстинг бўлган, номсиз шаҳарни тасаввур эта олса... уни одам-қутига айланиш хавфи пойлаб туради». Шунинг учун у ўзининг қароргоҳини тарқ этиш ниятида эмас. Қути ҳамма нарсани чинакам ўзлигича кўриш имконини беради – унинг афзаллиги шунда. Одам-қутининг зийрак нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулмайди: «Қутидан қараб, манзаранинг кўз илғамас қисмида яширган ёлғонни ҳам, ёвуз ниятни ҳам пайқаса бўлади».

Романда икки образ: ўзини қути ичига яширган инсон ва яланғоч одам образи гавдаланади. Муаллиф фоясига кўра бу «биқиқдик», «ёпиқдик»нинг жамият билан тўқнаш келиш қўрқинчи ҳамда одамлар билан узуб ташланган алоқаларни тиклашга бўлган «очиқдик»дир.

Ана шуға бир ўсмир унга жазо сифатида яланғоч бўлишга мажбур қилинган лавҳада ёрқин ифодасини топган. Ўсмир кўпчилик кўз ўнгида шарманда қилинади ва жамият у қадар муҳим ҳисобламаган бу воқеа мазкур шахснинг бутун ҳаётини чилпарчин қиласи. У умрининг охиригача танҳо қолади. Романдада бу унинг тушида уйланишга муваффақиятсиз уринишида жуда таъсирчан ифодасини топган.

Дунёниг иероглиф сифатида тасаввур этилиши тасвир ва рамзнинг бир-бирини ўзаро тўлдиришидир. Фарб фалсафасининг дунёни зиддиятлар, уларнинг кураши ва яхлитлиги сифатида талқин этилишидан фарқли равишда Шарқ фалсафасида асосий ғоя ҳаётда ҳамма нарса бири-бирини тўлдиради, бойитади, такомилга етказади. Кобо Абэнинг асарларида ҳам тўқима ривоят воқеликка қарши қўйилмаган, балки ҳикоят ҳаётий воқеаларга янгича маъно беради, яъни хаёлот мавҳум эмас, «шу яқин орада» мавжуддир. Бунинг ёрқин намунаси Кобо Абэнинг **«Ёқиб юборилган жарита»** романидир.

Япон ёзувчисининг бу асарида «инсон ва унга адватдаги жамият» муаммосига янгича ёндашилган. Унда эртаси кунига ишончи йўқ инсоннинг рўшносиз оддий кунлари, катак хоналарига яшириниб олган одамларнинг бир тарздаги зерикарли турмуши манзарасида бугунги аянчли тирикчилигидан ажрабиб қолиш хавфи, ҳаётда ўзига бирор таянч топиш илинжи яққол ҳис этилади.

Асарда хусусий қидирув бюросининг изқувари бир аёлнинг илтимосига мувофиқ йўқолиб қолган эрини қидиради. Бедарак кимса тирикчилик ўтказишидан кўнгли тўқ бўлиш учун дипломли бўлиши керак, деган фикрда бўлган. Яъни, мабодо ҳозирги ишидан маҳрум бўлса, дипломи ёрдамида бошқа жойда иш топиши осон кечади. Шунинг учун у автомеханик, радиист, мактаб ўқитувчиси дипломларини кўлга киритади, ўз келажаги таъминланган, деб ҳисоблайди.

Бироқ ҳеч қандай диплом одамнинг ўзини ўзидан күткәра олмайди ва шунинг учун у ҳаётдан қочишга мажбур бўлган. Йўқолган одам ишлаган фирманинг ёш хизматчиси Тасиро бунинг сабабларига ойдинлик киритади: «Бу жирканч фирма... Ана шу фирма учун ҳаётим билан чайқовчилик қилаётганим ҳақида ўйласам, жонимга қасд қилгим келади... Ҳозир унга хизмат қиляпман, лекин олдимда мени нима кутаяпти? Бўлим бошлиғи бўламан, кейин бошқарма бошлиғи... Агар бу ҳақда орзу қилмасанг, ҳаёting янада фуссали тасаввур этилади... Орзу қилсанг – дўстларинг устидан тепкилаб ўт, бошлиққа лаганбардорлик қил... Ким бу қоидага амал этмаса, тепки ейди, у билан ташландиқдек муомала қилишади».

Ҳаётдан биргина йўқолган кимса қочмаган. Уни қидираётган изқувар ҳам аслида қочоқ. Бундан изқувар рафиқасининг гаплари ҳам далолат беради: «Сен жўнгина уйдан кетдинг, қочдинг... Йўқ, мендан эмас, ҳаётдан қочдинг... Бетиним алдоқчилик қилишдан, ҳамиша ўзингни дор устида юргандек ҳис этишингдан қочдинг». Ана шунда бедарак йўқолган изқувар ёлғиз эмаслигини, «у беҳисоб қиёфаларда мавжудлиги»ни англағ етади.

Изқувар йўқолган одамни қидиришни олиб бориши керак бўлган ҳар соат ва дақиқа аниқ белгилаб қўйилган. Даставвал бу иш суст кечади: далиллар тўпланади, ўзаро солиширилади. Кейин вақт оқими ниҳоятда жадаллашади. Воқеалар ниҳоятда чигал бойланган тугун каби тасаввур этилади. Аввал изқувар хотирасидаги воқеа, ҳодисалар фойиб бўлади, кейин одамлар йўқолади... Асар қаҳрамони одам зоти учрамайдиган шаҳарга келиб қолади. Бунда муаллиф худди китобхонга «Одам ўзини қачон ёлғиз ҳис этади: оломон орасидами ёки ҳувиллаб ётган шаҳардами?» саволини бераётгандек.

Шаҳарда одамлар пайдо бўлганда эса изқуварнинг хотираси йўқолади. «Одамларсиз ёлғиз» вази-

яти «ҳамманинг орасида хотирасиз» ҳолатига айланади. Асар қаҳрамони ўзи тўғрисида бирор нарсани ёдга солиш учун қофозларини титкилайди, чўнтағида нима борлигини текшириб кўради. Аммо уларнинг ҳаммаси бефойда: «Аслида ўзим ўзимни йўқотиб қўйдим. Йўқ, эҳтимол, ўзимни йўқотганим йўқ, балки ўзим томонимдан йўқотилдим».

Шу тарзда изқувар изланаётган кимсага, яъни овчи ўлжага айланади. Хотира йўқотилади, бу билан вақт ва макон йўқотилади. Одам ўзини муайян оиласа, жамоага мансуб, деб ҳис этган, японлар учун энг муқаддас бўлган мавқе мақомини йўқотади ва ёқиб юборилган харитага айланади.

Японлар учун ўзини улкан яхлитликнинг бир қисми деб ҳис этиш хос. «Менинг улушим, менинг қисмим» – Японияда бу шахснинг жамият билан муносабатларидағи, табиат, дунёга муносабатидаги ўз мавқеидир. Япон анъаналарига кўра, шахс оиласа (оиласавий муносабатларга), жамоага ёки гуруҳга мансубдир. Одамлар бундай мансублигида ва мақоми белгиланишида ўзлигини намоён этади.

Японларнинг «Ёлғизлик дўзахи» деб номланган қадимий сурати бор. Унда учиб бораётган беҳисоб одамлар тасвиrlанган. Улар бир-бирларини туртиб, четта суриб, олдинга ўтиб олишга интилади. Бир қарашда бу одамлар яхлит, олга томон интилаётган якдил жамоадек тасаввур қилинади. Аммо суратнинг даҳшатлиги шундаки, учиб бораётганларнинг ҳар бири ёлғиздир. Уларнинг ҳар бири мангутанҳоликка ҳукм қилинган гуноҳкорнинг руҳидир. Кобо Абэ ҳам ўз асарларида жамиятда ўзини ёлғиз ҳис этадиганларнинг фожиасини қаламга олади.

**«Яширин учрашув»** ҳам ёвузлик дунёсидаги инсон фожиаси тўғрисидаги романдир. Кобо Абэ аввалги асарларида жамиятда ўз ўрнини топишга тиришаётган, аммо одатда, топа олмайдиган шахснинг ўқинчли қисматини тасвиrlаган бўлса, мазкур ро-

маннинг танқид тифи жамиятнинг ўзига йўналтирилган. Асар қаҳрамонлари эса бу ижтимоий қабиҳлик манзарасининг бўёқлариридир.

Муаллиф «Ўз романимда дунёни нафрат бошқарадиган бўлса, инсоний муносабатлар хотимасини топса, у нимага айланиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлдим», – дейди. Асар воқеалари қаҳрамоннинг хотинини ҳеч ким чақиртиргмаган «тез ёрдам» машинаси олиб келган сирли касалхонада кечади. Бу касалхона – ҳамма нарса оёғи осмонда қилинган, тийиқсиз қаҳр ҳукмрон бемаъни дунёдир. У ташқи кўринишидан қамоқхонани эслатади: «Икки қаватли узун, тахтадан ясалган бино, атрофи сим билан тўсиленган, ичкарида палаталар бўлса керак, улар кўз илғамайдиган тарзда чўзилиб кетган». Бу қурилишнинг устида асосий маъмурий бино – «ун беш қаватли, тепа томони торайиб борадиган, пастга машъум қушнинг ерга санчилган панжалари каби тўрт устун чўзилган». Яъни маъмурий бино – йиртқич ҳокимият тимсоли. Бу қамоқхона кўринишидаги касалхонанинг ёлғиз бино эмаслиги, унинг чегараси йўқлиги – шаҳарга суқилиб кирганида равшанлашади.

Кобо Абэ антиқа касалхонанинг кундалик воқелик билан узвий боғлиқлигини таъкидлаш учун у ерда ишлаётган ҳамма ходимлар – айни пайтда беморлар эканлигига ургу беради: ҳамма бемор, ҳамманинг ўрни касалхонада – бу мазкур муассаса маъмурларининг фалсафасидир. Уларнинг фикрича, ҳамма масала ташхисда, айрим нооқилларгина ўзларини мутлақо соғлом, деб ҳисоблайдилар ва ташхис қўйилишини хоҳлашмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳали ҳам ўзларининг ягона макони – касалхона эканлигини англаб етмаган одамлар бор. Демак, одамлар ёвузлик дунёсида яшашга маҳкум этилган.

Шунинг учун ҳам муассаса директорининг ўринбосари антиқа фикр билдиради: яхши шифокор – яхши bemордир. Бу билан фақат ҳеч нарсага қодир

бўлмаган, ўзини даволай олмайдиган бошқани даволай олади, деган телба фикр уқтирилади. Чинакамига тескари дунё.

Касалхонада ҳамма нарса тартибга солинган. Беморларнигина эмас, барча врачлар, хизматчилар, ҳатто қоровуллар халатларига ҳам уларни бир-биридан фарқладиган белгилар тикилган. Шунинг учун уларни ажратишда ҳеч ким адашмайди: бир одамдан қўрқиши керакми, бошқасини аямасдан калтакласа бўлаверадими – ажратиш осон.

Бу касалхонада bemорлар даволанмайди. Muассасанинг вазифаси мутлақо бошқача – бу ерга келиб қолганларниг ҳаммаси муттасил кузатув остида бўлиши шарт. Amмо муаллиф асарда ҳақиқатан ҳам гап даволаш муассасаси тўғрисида кетаётганлиги га ишора қилиб, унинг бўлимларига антиқа номлар беради: масалан, «кемирчак жарроҳлиги бўлими». Amмо, нима учундир бу бўлим ёлғон сўзлайдиганларни аниқлайдиган қурилма билан жиҳозланган.

Касалхона учун бундай қурилма нимага керак? Маълум бўлишича, у одамлар ўртасида ўзаро ангашувга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Бу ерда ҳеч ким ҳеч кимга ишонмайди. Шунинг учун янги турмуш қурган эр ва хотин бир-бирларига ишонишлари мумкинлигини аниқлаш мақсадида қурилма хизматига мурожаат қилишади. Вокеалар ривожидан касалхонанинг туб моҳияти, унинг bemорларни даволаш эмас, уларни кузатиб туриш ва устларидан чақимчилик қилиш жойи эканлиги ойдинлашади..

Кобо Абэнинг «Яширин учрашув» романи – тўрачиликнинг шафқатсиз танқидидир. Касалхона – тўрачилар давлатидир. Бу foя романда жуда таъсиричан тасвирланган. Жумладан, жонлаштириш бўлимига ҳушсиз bemор келтирилади. Уни дарҳол ҳушига келтиришади ва шу ондаёқ бу bemор бўлимдалигини унутишади. Чунки жонлантириш бўлимининг вази-

фаси – одамни даволаш эмас, ҳушига келтиришдир. Оқибатда бемор яна ҳушидан кетади, врачлар эса уни тағин жонлантиришади ва шу ондаёқ мавжудлигини эсдан чиқаришади. Бу бир неча кун давом этади, бемор фақат ўз «халоскорлар»ига миннатдорчиллик билдириш учун ҳушига келади ва яна ўзидан кетади.

Ривоятга ўхшаш бу романда эзгулик ҳалок бўлади, ёвузлик эса тантана қиласи. Китобхон биринчи қарашда, муаллиф жамиятнинг соғлом кучларига ишонмайди, деган фикрга бориши мумкин. Аммо Кобо Абэ асарининг мазмуни бундай эмас. У эзгулик йўлида қандай кучли тўсиқлар бўлмасин, ўзи даъват этилган олижаноб мақсадларга хизмат қилиши зарурлигини уқтироқчи бўлади. Бу асар ғоясининг бир томони бўлса, иккинчиси – одамлар эзгуликка нақадар эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари зарурлиги таъкидланади. Агар инсоният ўзига таҳдид солаётган хавфни сезмаса, романдаги касалхона каби жирканч муассаса bemoriga айланиши мумкин.

Кобо Абэнинг аксарият асарларида, жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, эътиборингизга ҳавола этилаётган «Худди одамдек»<sup>1</sup> қиссасида воқеалар ривожи деярли сезилмайди, тасвирлар қабариқ эмас, нозик, илғаш қийин чизгилар орқали берилади, тоя мулоқот ва ички кечинмаларга сингдирилган. Асар қаҳрамони ижодкор – журналист ва драматург бўлса-да, умуман, оддий одам сифатида беҳисоб қўлли илоҳ билан фалсафий жангга киради. Мавзу ўша – инсон ва жамият, воқелик ва хаёлий дунё, ҳақиқат ва ёлғон. Аммо адид ўқувчисига тайёр жавобларни тақдим этмайди, аксинча уни ҳаммуаллифликка – биргаликда мушоҳада юритиш,

---

<sup>1</sup> Кобо Абэнинг «Худди одамдек» қиссаси «Жаҳон адабиёти» журналининг 2011 йил 6-сонида чоп этилган.

түқдан пучни, оқдан қорани ажратиша иштирок этишга даъват этади.

Умуман, Кобо Абэ жуда сермаҳсул ёзувчи бўлган. 1997 йилда Японияда нашр этилиши ниҳоясига етказилган унинг тўла асарлар тўплами 30 жилни ташкил этгани худди шундан далолат беради.

Япон адабининг қизиқиши доираси кенг бўлган. У тилшунос, мусиқа ва фотография шайдоси бўлган, автомобилларни таъмиглашдаги ихтироси учун патент олган, бунинг учун ҳатто халқаро кўргазмада кумуш медаль билан тақдирланган. Кобо Абэ Колумбия университетининг фахрий фан доктори унвонига эга бўлган, Америка санъат ва фан академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган.

Кобо Абэ 1992 йил охирида оғир хасталикка дучор бўлган ва 1993 йилнинг 22 январида вафот этган.

Кобо Абэ етти марта адабиёт соҳасидаги мукофотга сазовор бўлган. Унинг номзоди адабиёт бўйича 1992 йилги Нобель мукофотига ҳам кўрсатилган. Япониянинг энг машҳур адабаридан бири – Кэндзабуро Оэ<sup>1</sup> Кобо Абэ жаҳон адабиётида Ф. Кафка ва У. Фолкнер билан бир қаторда туришини таъкидларди. Оэ Кобо Абэ ҳаёт бўлганида Нобель мукофотига ўзидан ҳам у муносиброқ топилиши мумкинлигини эътироф этган.

**Акмал САИДОВ,  
профессор**

---

<sup>1</sup> Кэндзабуро Оэ (японча 大江 健三郎 O:э Кэндзабуро, 1935) – машҳур япон ёзувчиси, адабиёт бўйича 1994 йилги Нобель мукофоти лауреати.

# ҚУМДАГИ ХОТИН<sup>1</sup>

Роман

*Жазо таҳдииди бўлмаса,  
қочиш қувонч баҳши этмайди.*

## БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Август қунларидан бирида бир одам йўқолиб қолди. У таътилидан фойдаланиб, поездда ораси ярим кунчалик келадиган соҳилга бориб келмоқчи эди. Ўшандан бери дом-дараксиз кетди. На полициянинг қидиришлари, на газетадаги эълонлар бирор натижа берди.

Одамларнинг йўқолиб туриши – умуман айтганда, унча кам учрайдиган ҳодиса эмас. Статистик маълумотга кўра, дараксиз кетган одамлар ҳақида ҳар йили бир неча юзлаб ахборотлар эълон қилинади. Шуниси таажжубланарлики, топилганлар жуда озчиликни ташкил этади. Суиқасд ва баҳтсиз ҳодисалардан далиллар қолади; ўғирлаб кетишлилар юз берган тақдирда ҳар доим уларнинг сабабларини аниқлаш мумкин. Аммо йўқолишнинг бошқача бирор сабаби бўлмаса, йўқолган одамнинг изини топиб олиш жуда қийин бўлади. Рост, йўқолиш қочиш деб аталса, булардан кўплари дарҳол худди шу оддий қочиш деб атаб қўя қолинади шекилли.

Мазкур ҳодисада ҳам қандай бўлмасин бир из йўқлиги ҳеч файритабиий кўринмас эди. Унинг қаёққа жўнаб кетганлиги тахминан маълум, аммо ўша ёқдан ўлиги топилганлиги ҳақида хабар келмаган эди.

<sup>1</sup> Ваҳоб Рўзиматов таржимаси

Иш ҳам қандай бўлмасин яширин сирларга дахлдор эмас эдики, уни шу туфайли ўғирлаб кетишган, деййилса. Барча хатти-ҳаракатларида, хулқ-авторида қочиш ниятида эканлигидан асар ҳам йўқ эди.

Аввал бошда, табиий, ҳамма, бу ишга хотин киши аралашган бўлса керак, деб тахмин қилди. Аммо полиция амалдорлари билан ҳамкасабалари йўқолган одамнинг хотинидан, у ўз коллекцияси учун ҳашарот йиққани кетганини билишгач, ҳафсалалари пир бўлди. Дарҳақиқат, хотин киши билан қочиб кетаётганини яшириш учунгина цианли калий солинган банка, ҳашарот ушлайдиган матрабча кўтариб юриш бу ўтакетган анойилик бўларди. Энг муҳими – станция хизматчиси, ўша куни S станциясида поезддан кийими альпинистларникига ўхшаган, елкасига рассомлар ишлатадиган таҳта қути ва сувдон осиб олган бир эркак тушганини, у одамнинг ёлғиз эканлигини хотирлаған эди. Шундай қилиб, у тахмин ҳам бекор бўлди.

Одамовилиги туфайли ўзини ўзи ўлдирган, деган тахмин ҳам юзага келди. Бу фикрни руҳий таҳдилга жуда ишқибоз бир ҳамкасабаси айтди. Унинг фикрича, кап-катта одамнинг ҳашаротлардан коллекция тузишдек бемаъни иш билан шуғулланишининг ўзиёқ, ўша одамнинг руҳан нуқсони борлигини тасдиқлар эмиш. Ҳатто ёш боланинг ҳам ҳашаротлардан коллекция тузишга муккасидан кетиши, кўп ҳолларда унинг Эдип дардига мубтало эканлигини кўрсатармиш. Муроди ҳосил бўлмаганигидан хумордан чиқиши учун, у бари бир ҳеч қочиб кета олмайдиган жонсиз ҳашаротга ҳузур билан тўғнағич қадар экан. Модомики, шу машғулотини улфайгандан ҳам ташламабдими, бу унинг дарди яна ҳам оғирлашганидан муқаррар дарак бергани эмиш. Ахир, энтомологлар жуда кўп ҳолларда нокасталик дардига гирифтор, минграймас бўладилар, арзир-арзимас нарсаларни ўғирлайверадилар, педерастия<sup>1</sup> билан шуғуллана-

---

<sup>1</sup> Педерастия – баччавозлик.

дилар. Бинобарин, одамовилик туфайли ўз-ўзини ўлдириб қўйиш ҳеч гап эмас. Қолаверса, коллекционерлар орасида шундайлари ҳам бўладики, коллекция тузишдан ҳам кўра кўпроқ банкалардаги цианли калийга ишқибоз бўладилар, ўzlарининг бу машғулотларидан сира ҳам воз кечолмайдилар. Ниҳояг, бу иштиёқи ҳақида бирор марта бирор кишига очиқ гапирмагани, бу ишқибозлигининг номуносиб бир ишлигини ўзи ҳам пайқаганини исботламайдими?

Аммо ўлик топилмаганлиги туфайли жўяли кўринган бу тахминларнинг ҳаммаси чиппакка чиқди.

Асл сабабини бари бир ҳеч ким билолмади. Орадан етти йил ўтди, Фуқаролик кодексининг 30-моддасига биноан уни ўлганга чиқаришди.

Август кунларидан бирида, тушдан сўнг S станциясининг платформасида кулранг пикэ панама кийган одам пайдо бўлди. У елкасига каттакон тахта қути билан сувдон осган, худди тоққа чиқиб кетаётгандек шимининг почасини пайпогига тикиб олган. Бироқ теварак-атрофда бирорта ҳам тоф йўқ эди. Эшик олдида билет текшираётган станция хизматчиси унинг орқасидан шубҳа билан қараб қолди. Ҳалиги одам тўппа-тўғри бориб станция яқинида турган автобусга чиқди-да, орқадаги жойга ўтирди. Автобус тоққа қарама-қарши томонга қараб йўл олди.

Ҳалиги одам энг охирги манзилгача борди. Автобусдан тушаркан, бу атрофдаги жойлар паст-баландликлардан иборат эканлигини кўрди. Пастликлар туташ энсиз-энсиз шолипоялар билан қопланган, уларнинг ораларида қад кўтариб турган кичик-кичик хурмозорлар эса худди оролчаларга ўхшар эди. Йўловчи қишлоқдан ўтиб соҳил томонга йўл олди. Тупроқнинг тобора туси оқариб, қуриб бормоқда эди.

Тез орада уйлар ҳам орқада қолди, у ер-бу ердагина бир неча қарагай қаққайиб турарди. Заранг ер аста-секин товонга ботадиган майда қумга айланди. У ер бу ерда қовжираган гиёҳлар оролчадек қорайиб

туар, худди бу ерга янгишиб келиб қолгандек мүйжазгина мажмагил бақлажон пайкалчалари күриниб қолар эди. Аммо теварак-атрофда қылт этган жон асари йүк. Олд томонда денгиз бўлса керакки, у ўша тарафга қараб кетмоқда эди.

Ниҳоят, йўловчи тўхтади. Атрофга аланглаб курткасининг енги билан юзидағи терни артди. Қутини бамайлихотир очиб, бир даста чўп олди. Уларни бирлаштирган эди, ҳашарот тутадиган матрабча ҳосил бўлди. Йўлида учраган сийрак гиёҳларни четта сурганча яна олдинга қараб кета бошлади. Қумдан денгиз ҳиди анқирди.

Вақт ўтиб борар, денгиз эса ҳамон кўринмас эди. Бу паст-баланд жой эҳтимол, олдинда нималар борлигини кўришга йўл қўймасди-ю, аммо манзара бир хил эди. Тўсатдан унинг кўз ўнгидаги қишлоқ намоён бўлди. Бу одатдагидек қашшоқ бир қишлоқ эди: ўт ўчириш ҳавозасининг атрофини чоғроқ-чоғроқ тошлар билан бостирилган тўсинли томлар қуршаган эди. Бир неча уйнинг томи қора черепица билан, баъзилари эса ҳатто қизил рангга бўялган тунука билан ёпилган эди. Қишлоқдаги бирдан-бир чорраҳанинг муйилишида турган тунука томли уй, афтидан, балиқчилар артелининг бошқармаси бўлса керак.

Қишлоқнинг нарёфи денгиз ва қум тепаликлар. Аммо нима учундир қишлоқ жуда ҳам ёйилиб кетган. Унинг атрофида бир қанча ҳосилдор экин майдонлар, қолгани оқиши қумлоқ ер. Кичик-кичик ерёнгоқ ва картошка пайкаллари кўриниб туар, денгиз ҳиди қорамол шиптири билан омухта бўлиб кетган эди. Қум ва тупроқ билан цементлангандек заранг йўлнинг четида чақилган оппоқ чиганоқлар тоғ-тоғ бўлиб ўюлиб ётарди. Бу одам йўлдан ўтиб бораркан, артель бошқармаси олдидағи очиқ ялангликда ўйнаётган болалар ҳам, тўр ямаётган чоллар ҳам, қишлоқдаги бирдан-бир резавор дўконининг олдида уймалашаётган сочи тўзғиган хотин-халажлар ҳам

бир лаҳзагина жим бўлиб, унинг орқасидан таажжуб билан кузатиб қолар эди. Аммо йўловчи уларга сира ҳам эътибор бермасди. Уни қум тепалар билан ҳашаротларгина қизиқтирарди.

Аммо қишлоқнинг миқёсигина ғалати эмас экан. Йўл бирдан юқорига қараб кўтарилиди. Бу ҳам мутлақо кутилмаган нарса эди. Башарти у денгизга олиб борса, табиийки, пастга қараб кетиши керак. Балки харитадан қараётганида янглишгандир? У қаршисидан чикиб қолган қиздан суриштириб билмоқчи бўлди. Аммо қиз ер сузганча, унинг саволини эшитмагандек индамай ўтиб кетди. Майли, йўлда давом этади. Ҳарқалай, қумнинг тузи ҳам, балиқ тутадиган тўрлар ҳам, тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган чиганоқдар ҳам – ҳаммаси денгизнинг яқинлигидан далолат бериб турибди. Хуллас, ташвишланишга ҳожат йўқ.

Йўл тобора тиккаланиб борар, теварак-атрофда қумдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Шуниси ғалатики, уйлар турган жой сира ҳам кўтарилмаган эди. Йўлнинг ўзигина юқорилаб борар, қишлоқ эса ҳамон пастликда қолиб кетмоқда эди. Йўқ, йўлгина эмас, у билан бирга уй оралиғидаги ерлар ҳам кўтарилиб борарди. Шунинг учун бутун қишлоқ юқорилаб кетаётгандек, уйларгина бир сатҳдаги текисликда қолаётгандек эди. Бу таассурот қум тепанинг чўққисига чиққан сари кучая борди, ҳадемай назарида бинолар қум ўртасида қазилган каттакон чуқурликда тургандек бўлиб кўринди. Ниҳоят, у кетаётгтан йўл билан уйларнинг ўрталаридағи оралиқлар томлардан ҳам юқорилашиб кетди. Уйлар эса тобора қумга чўкиб борар эди.

Қиялик бирдан анчагина тикка бўлиб қолди. Энди у билан томларнинг оралиғи йигирма метрчадан кам эмасди. «У ерда қандай ҳаёт бўлиши мумкин?» – деб ўйлади йўловчи, чуқурликка сесканиб қаараркан. Бирдан қутурган шамол эпкини йўловчини энтиқтириб юборди, у чуқур лабидан шоша-пиша нари-

га кетди. Туйқусдан жуда пастлиқда күпираётган, соҳил қумини ялаётган бўтана денгизни кўриб қолди. Йўловчи қум тепа чўққисида – худди кўзлаб келган манзилида турарди.

Кум тепанинг кучли шамол эсадиган денгизга қараган томони, одатдагидек, тик ва яйдоқ эди. Аммо қияроқ жойларда найча баргли гиёҳлар тўп-тўп бўлиб ниш уриб чиққан эди. У орқасига қараб қум тепа чўққисига яқинлашган сари чуқурлашиб бораётган баҳайбат ўралар худди ўртасидан кесилган болари уясини эслатиб, қишлоқ марказига бир неча зина тарзида тушиб борганини кўрди. Қишлоқ худди қум тепага ўрмалаб чиқиб келаётгандек эди. Балки қум тепа қишлоққа ўрмалаб чиқиб келаётгандир? Ҳарқалай, бу одам қишлоқни кўриб тажанг бўлар, ғижинар эди.

Хўш, хуллас, кўзлаган қум тепасига етиб келди, иши жойида. У сувдонидан қултумлаб сув ичиб, чуқур нафас олди, жуда соф туюлган ҳаво томофини худди жилвир қофоздек қириб ўтди.

Йўловчи ўз коллекциясини қумда яшайдиган ҳашаротлар билан бойитмоқчи эди.

Қумликдаги ҳашаротлар майди, ранги хира бўлади, аммо коллекция тузиш дардига дучор бўлган одамни қанотлари ранго-ранг капалаклар ёки ниначилар қизиқтирумайди. Бундай одамлар ўз коллекцияларини аллақандай экзотик намуналар билан безашга интилмайдилар, улар тартиблаштиришга ҳам унча қунт қилмайдилар. Хитой медицинасида қўлланиладиган дориворларни тайёрлаш учун керак бўладиган хомашёларни қидириш билан ҳам шуғулланмайдилар. Энтомологларнинг янги турларни тошишдек ўзларига хос соддагина ва оддий эрмаклари бор. Бунга муваффақ бўлсанг, энтомология<sup>1</sup> атласида янги топилган ҳашаротнинг узундан-узоқ лотинча илмий номи билан бир қаторда сенинг номинг ҳам пайдо бўлади, номинг унда агадулабад қолса

<sup>1</sup> Энтомология – зоологиянинг ҳашаротлар ҳақидаги бўлими.

ҳам ажаб эмас. Модомики, сенинг номинг, ҳаттоқи ҳашаротнинг номи билан боғлиқ бўлган ҳолда ҳам одамларнинг хотирасида узоқ вақтлар сақланиб қоларкан, демак, ҳаракатларинг беҳуда кетмабди.

Одатда кўз билан илғаб бўлмайдиган жуда кўп, турли-туман ҳашаротлар янгидан-янги қашфиётлар очиш имконини беради. Мана у ҳам қўш қанотлиларга, ҳатто одамлар жуда ёмон кўрадиган оддий хонаки пашшаларга кўп вақтини берди. Пашшаларнинг турлари ҳайрон қоларли даражада сон-саноқсиз. Барча энтомологларнинг фикрлари асосан бир йўналишда бўлганлиги учун улар, жумладан, Японија топилган камдан-кам учрайдиган саккизинчи мутант деб аталувчи пашша билан биргаликда бу турларнинг кўпчилигини ўрганишни деярли тугалланалар. Чамаси, одамларнинг ҳаёти пашшаларнинг ҳаёти билан фоятда чамбарчас боғланиб кетганлиги учун шундай бўлса керак.

Энг яхшиси, аввал диққатни мана шу муҳитга қаратиш. Балки турларининг кўплиги пашшаларнинг ўзларини шароитга мослаштира билишдек зўр салоҳиятлари туфайлидир. Бу қашфиётдан севиниб кетиб бир сакраб кўйди. Фикри унча чакки эмас. Пашшаларнинг бу қадар зўр кўника олиш салоҳияти бошқа ҳашаротлар яшай олмайдиган энг ноқулай шароитларда ҳам осонликча кўнишиб кетавериш сабабларини очиб беради. Мана, чунончи, улар ҳатто умуман тирик жон чидолмайдиган саҳродаги ҳаётга ҳам мослашиб олишган...

Бу қашфиётдан сўнг, у қумликларга, айниқса, қизиқа бошлиди. Тез орада ишнинг самараси ҳам кўрина қолди. Бир куни у уйи яқинидаги суви қурриган ариқ ўзанида қаттиқ қанотлилар тоифасига (*Gicindela Japonica*, *Motschulsky*) мансуб бўлган, испан пашшасини эслатувчи жажжигина сарғиши ҳашаротни кўриб қолди. Маълумки, испан, пашшаларининг ранги ҳар хил ва турли катта-кичикликда

бўлади. Аммо олдинги оёқлари бир-бирлариникидан фоятда кам фарқ қиласди. Уларни гуруҳларга бўлишда шу нарса муҳим аҳамиятга эга, чунки олдинги оёқларнинг шаклларидағи тафовут турлар орасидаги тафовутни билдиради. У кўриб қолган ҳашарот олдинги оёқдарининг иккинчи бўғими дарҳақиқат диққатга сазовор хусусиятларга эга эди.

Испан пашшаси тоифасидан бўлган ҳашаротларнинг олдинги оёқлари одатда ингичка, қора ва фоятда ҳаракатчан бўлади. Бу пашшанинг олдинги оёқлари эса юмалоқ, йўгон, тузи эса тўқ сариқ эди. Эҳтимолки, уларга куқун ёпишгандир. Балки ҳашаротнинг ҳаттони куқун йиғиш учун маҳсус мосламаси ҳам бордир. Борди-ю, кўздан кечираётганида янглишмаган бўлса, муҳим кашфиёт очса ҳам ажаб эмас.

Аммо, афсуски ўша ҳашаротни тутиб ололмади. У фоятда ҳаяжонланган, пашша ҳам фоятда фалати бир тарзда учар эди. Пашша учеб кетди. Кейин: «Қани, ушлаб ол-чи» демасдангина қайтиб келди-да, унинг яқинлашишини кутди, аммо у яқинлашиши билан пашша яна учеб кетиб, кейин қайтиб келди-да, тағин кута бошлади. Пашша уни қалака қилаётган-дек, ўт-ўланлар орасига кириб фойиб бўлди.

Шу тариқа у ўша олдинги оёқлари сарғиши испан пашшасининг асири бўлиб қолди.

Кумлоққа назари тушаркан, тусмоли тўғри эканлигига яна ҳам чуқурроқ қаноат ҳосил қилди. Ахир испан пашшаси – саҳрорагина хос бўлган ҳашарот-ку. Бир назарияга кўра, у пашшаларнинг одатдан ташқари бир тарзда учиши – майдада маҳлуқларни инларидан авраб чиқариш учун қўллайдиган ҳийласи эмиш. Шу тариқа пашша эргаштириб кетган сичқонлар, қалтакесаклар инларидан йироқлашиб саҳрорга бориб қолиб, очлик ва толиқищдан ҳалок бўлар эмиш. Пашшаларнинг муддаоси шу бўлиб, ҳалок бўлган маҳлуқларни ер эмиш. Бу пашшаларнинг японча «хат ташувчи» деган латиф номи бўлиб, зо-

тан, биринчи қарашда улар нозик кўринсалар-да, аслида тишлари ўткир, ўзлари шу қадар қонхўр бўладиларки, ҳатто бир-бирларини еб қўядилар. Бу назариянинг тўғри ёки тўғри эмаслигидан қатъи назар, у шубҳасиз, испан пашшасининг сирли учишига маҳлиё бўлиб қолган эди.

Табиий, испан пашшасининг яшави учун шароит яратиб берадиган қумга ҳам қизиқиши ортиб қолди. У қум ҳақидаги китобларни ўқишига киришиди, ўқиган сайин бу нарсанинг қизиқ бир ҳодиса эканлигига тобора кўпроқ қаноат ҳосил қила бошлиди. Чунончи, агар энциклопедиядаги қумга бағишиланган мақолага мурожаат қилинса, қуйидагиларни ўқиши мумкин:

«Қум емирилган тоғ жинсларининг йифиндисидир. Баъзан таркибида магнитли темир, каситерит, баъзан олтин ҳам учрайди. Диаметри 2 дан 1/16 мм гача бўлади».

Қандай аниқ таъбир. Қисқасини айтганда, қум емирилган тоғ жинсидан ҳосил бўлиб, майдо тош билан тупроқ ўртасидаги бир нарсадир. Аммо қумни, ўртадаги бир нарса дейиш тўла-тўкис таъбирлаб берилди, деган гап эмас. Нима учун, бирлашишлари натижасида ер таркиб топадиган уч элемент – тош, қум ва тупроқдан, уч элементдан фақат қумгина алоҳида айрилган ҳолатда бўлиб, сахролар ва қумликлар ҳосил қила олади? Агар у шунчаки бирлиқдаги нарсанинг ўзи бўлса, яйдоқ қоялар билан тупроқди ерлар ўртасида бўладиган емирилишлар туфайли, уларнинг бир-бирларига қўшилишлари натижасида пайдо бўладиган сон-саноқсиз ўртacha маҳсулотларни учратиш мумкин бўлар эди. Ҳолбуки, аслида аниқ уч турга эга бўлган жинсларгина мавжуддир: тош, қум, тупроқ. Шуниси ҳам таажжубланарлики, қум зарраларининг кўлами доимо қарийб бир хил – хоҳ бу Эносимо оролининг соҳилидаги қум бўлсин, хоҳ Гоби сахросидаги қум бўлсин – у ўрта ҳисоб билан 1/18

мм га тенг бўлади, қум зарралари Гаусс жадвалидаги белгиларга яқин доиралар бўйлаб тарқалади.

Бир тадқиқотда тупроқнинг емирилиши жўн тарзда таъбирлаб берилган эди: енгил элементлар узоқ масофаларга қараб кетар экан. Аммо унда 1/8 мм га тенг қум зарралари ҳажмининг хусусиятлари мутлақо таъбирлаб берилмаган эди. Геология ҳақидаги бошқа бир асарда мутлақо аксинча таъбирланган эди:

«Сув оқимлари ҳам, ҳаво оқимлари ҳам гирдибод ҳосил қиласидилар. Гирдибод тўлқинининг энг қисқа узуонлиги саҳродаги қумнинг диаметрига тенг келади. Шу хусусият туфайли ердан қумгина оқим йўналишида ажралиб чиқади. Агар ердаги айрим таркибий қисмлар бир-бирлари билан заиф жипслашган бўлса, тош билан тупроқни олиб кетишга қодир бўлмаган заиф ел ҳам қумни ҳавога қўтариши мумкин. Сўнгра қум еннинг йўналишига қараб ерга қўнади. Қумнинг хусусиятларини, чамаси, аэродинамика фани нуқтаи назаридан қараш керак».

Юқорида келтирилган таъбирни давом эттирамиз: «...яъни, емирилган тоғ жинсларининг зарралари шундай бир кўламдаки, бу уларни ғоят ҳаракатчан қилиб қўяди».

Модомики, ер юзида шамол билан сув оқимлари ҳамиша мавжуд экан, қумнинг ҳосил бўлиши муқаррардир. Токи шамоллар эсишда, дарёлар оқишда, денгизлар тўлқинланишда давом этар экан, ердан янгидан-янги қум уюмлари ажралиб чиқиб, худди жонли маҳлуқлардек турли томонга ёйилишда давом этади. Қум тиним билмайди. Сездирмасдан, аммо қатъият билан ерни забт этади ва емиради.

Бу абадий ҳаракатдаги қум манзараси уни мислиз ҳаяжонлантирап ва тинчлик бермас эди. Одатий тасаввурдаги қумнинг унумсизлиги унинг қуруқлигидан эмас, ҳеч қандай жон эгаси бардош беролмайдиган тинимсиз ҳаракатда эканлиги туфайлидир.

Бу, кун сайин бир-бирига ёпишиб оладиган одамлар-нинг ҳазин ҳаётига жуда ўхшайди.

Ҳа, қум ҳаёт учун унча қулай эмас. Аммо турғунлик яшаш учун мутлақо бир зарур нарсами? Ахир бу расво рақобатларнинг ҳаммаси турғунликни қарор топтиришга интилиш туфайли юзага келмайдими? Агар турғунликдан воз кечиб, ўзингни қум ҳаракатининг ҳукмига топширсанг, рақобат ҳам барҳам ейди. Ахир аслида, саҳрода ҳам гуллар ўсиб, ҳашаротлар билан маҳлуқлар яшайди-ку. Булар ҳаммаси ўзларининг мослаша билиш салоҳиятлари туфайли рақобат доирасидан чиқиб кета олган тирик жон эгаларидир. Бамисоли, бунинг испан пашшаларига ўхшаб...

У қум ҳаракатини тасаввур қиласар экан, кўзига алланима бало нарсалар кўриниб, ўзини шу чексиз-худудсиз оқимда кўрди.

### 3

Йўловчи бошини куйи солганча, қишлоқни худди истеҳком деворига ўхшаб ўраб турган ярим ойдек қум тепа сиртидан олдинга қараб кета бошлади. У йироқда нималар бўлаётганига деярли эътибор бермасди. Энтомолог учун ўз оёғи тагидаги уч метрча масофа доирасигагина диққат-эътиборини қаратиш муҳим. Энг асосий қоидалардан бири эса – қуёшга орқа ўтирумаслик. Агар қуёшга орқа ўтиранг, соянг билан ҳашаротни чўчитиб қўйишинг мумкин. Шунинг учун ҳам ҳашарот овловчиларнинг пешаналари билан бурунлари офтобдан қоп-қора бўлиб кетади.

Йўловчи ҳеч ошиқмасдан аста-секин олға қараб бормоқда. Ҳар бир қадам ташлаганида ботинкала-рига қум сачрарди. Теварак-атрофда, яккам-дуккам, бир озгина нам бўлса гуллашга тайёр гиёҳлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Борди-ю, бу ерда бирор учадиган ҳашарот пайдо бўлса, у ҳам одамнинг тер ҳидига келган, тузи худди тошбақа косасининг ран-

гига ўхшаш пашшалар бўларди. Аммо кўпинча худди шундай жойларда орзу амалга ошади. Лекин шуниси ҳам борки, испан пашшалари тўп-тўп бўлиб яшамайди, шундай ҳоллар ҳам бўладики, битта пашшанинг ўзи бир неча километр жойни эгаллайди. Начора, қидиришни қатъяят билан давом эттириш керак.

Бирдан у тўхтади. Ўтлар орасида нимадир қимирлаб қолди. Ўргимчак экан. Унга бунинг кераги йўқ. Сигарета чекиш учун ўтирди. Денгиздан ҳамон шамол эсар, оппоқ асов тўлқинлар қум тепа этагига ёпишарди. Қум тепанинг ғарбий учи пастлаб бориб йўқоладиган томонда, денгиз устида чоғроқцина қоя қад кўтарган эди. Унинг устида қуёш нури худди даста-даста ўткир игналарга ўхшаб кетарди.

Гугурти ҳеч чақилмасди. Ўнатача гугурт чақди – бирортаси ҳам ёнмади. Ташлиган гугурт чўплари ёнидан сония милининг тезлигига қўмлар шувиллаб оқарди. У кичкина қум тўлқинини кўриб қолди, тўлқин тўпифига етиб келиши билан ўрнидан турди. Шимининг почасидан қум тўкилди. Тупурган эди – оғзини худди бирор қирғич билан қиргандек бўлди.

Бироқ бу ерда ҳашаротлар жуда озга ўхшайди-ку! Балки қумнинг ҳаракати тезлигидандир. Йўқ, ҳали умидсизликка тушишга эрта. Ахир назарияга амал қилинса, бу ерда ҳашаротлар бўлмаслиги мумкин эмас.

Қум тепа сирти анчагина текис бўлиб қолди, баъзи жойларда у денгиздан анча ичкарига чекинган эди. Қаршимда мени ўлжа кутмоқда, деган иштиёқ билан у қия ён бағирдан пастга туша бошлади. Баъзи жойларда қумни тўсиш учун ўрнатилган гаров тўсиқларнинг қолдиқлари қаққайиб турар ва ундан бир оз қуйироқда дўнглик кўзга ташланарди. Одам, шамол худди машина билан ясагандек пухта нақш қилган жимжимадор қумдан юриб илгарилаб кетди. Бирдан кўз ўнгидаги ҳамма нарса фойиб бўлиб, у ўзини чуқур ўра лабида кўрди.

Чуқур қінғир-қийшиқ, чўзинчоқ шаклда бўлиб, эни йигирма метрдан ортикроқ келарди. Унинг қарши томондаги девори анчагина қия кўринар, йўловчи турган томондагиси эса деярли тик кесиб тушган эди. Чуқурнинг худди чинни коса четидек силлиқ ва сирғанчиқ, дўппайган лабида оёқ сирғанаради. У учуримнинг лабига бир оёғини тираб, эҳтиётлик билан пастга қаради. Шундагина, гарчанд атроф ҳали ёп-ёруғ бўлса-да, кеч кириб келаётганини пайқади.

Чуқурнинг қаърида ҳувиллаб бир кулба турарди. Томнинг бир чети чуқурнинг қия қум деворига келиб ёпишган. «Худди устрицанинг чиганогига ўхшайди, – деб ўйлади у. – Нима бўлганда ҳам қумга қарши туролмайсан...»

Энди фотоаппаратини ишга солаётган ҳам эдикি, оёғи остидаги қум шувиллаганча пастга қараб жила бошлиди. У жон ҳолатда оёғини тортиб олди, аммо қум яна анчагача шувиллаб оқиб турди. Қумнинг мувозанати қандай бекарор! Ҳаяжондан нафаси тиқилганча у жиққа ҳўл кафтини шимига артди.

Орқасида кимдир йўталди. Қараса, бир чол пайдо бўлиб қолибди, важоҳатига қараганда қишлоқдан келган балиқчига ўхшайди. Аввал фотоаппаратга, кейин эса чуқурга қараб пишиқ магиз юзини тириширганча илжайди. Қон қуйилган кўзларининг жиягини шапоқ босган эди.

– Ҳа, тафтишми?

Овозини ел учирив кетди, овози худди кўчирма приёмникдан чиқаётгандек ширасиз, фўнфиллаб эшитилар эди. Аммо сўзлари дона-дона, тушуниб олиш қийин эмас эди.

– Тафтиш? – Йўловчи шоша-пиша объективни кафти билан тўсиб, чолнинг диққатини тортиш учун иккинчи қўли билан матрабчани тузата бошлиди. – Нима демоқчи эдингиз? Мен тушунолмадим... Мен, сизга айтсам, ҳашаротлардан коллекция тузаман. Ҳунарим – худди шундай қумликларда яшайдиган ҳашаротлардан коллекция тузиш.

– Нима, нима? – Чол ҳеч нарса тушунмагандек эди.

– Ҳа-ша-рот-лар-дан кол-лек-ция ту-за-ман! – деб тақрорлади одам баланд овоз билан. – Ҳа-ша-рот-лар-дан, тушундингизми, ҳа-ша-рот-лар-дан! Мен уларни тутаман.

– Ҳашаротларними? – Чол сира ҳам ишонгиси келмай, юзини ўғирди-да, тупурди. Ёки, тўғрироғи, лабида сўлаги осилиб қолди. Шамолда сўлак худди узун ипдек чўзилиб кетди. Нега бунчалик безовта бўлаётган экан?

– Бу районда бирорта текшириш ўтказиляптими?

– Ҳа йўқ, агар сиз текширувчилардан бўлмасангиз қўнглингизга келган ишни қиласаверинг, менга бари бир.

– Йўқ, йўқ, мен инспекциядан эмасман.

Чол ҳатто бош ҳам қимиранлатмай унга орқасини ўғирди-да, похол кавушининг тумшуғи билан қумни сурганча аста-секин тепаликдан кета бошлади.

Эллик метрча нарироқда, эҳтимолки, чолни кутиб бўлса керак, бир хил кийинган учта эркак қимир этмай чўнқайиб ўтиради. Улар қачон пайдо бўлишди экан? Улардан бирида дурбин бор шекилли, уни яккаш тиззасида ўйнаб ўтирибди. Чол уларнинг олдига етиб борди. Тўртговлари бир-бирларининг оёқлари остидаги қумни шахт билан сурганча нима ҳақдадир маслаҳатлаша бошлашди: ораларида қизгин баҳс кетаётгандек эди.

Йўловчи пашибасини қидиришни давом эттиromoқчи бўлиб турган эди ҳамки, яна ҳаллослаганича чол етиб келди.

– Шошманг, сиз ростдан ҳам префектурадан эмасмисиз?

– Префектурадан эмасмисиз?.. Йўғ-э, сиз янглишяпсиз.

Бас етар, деб ўйлади у ва хира чолга ташриф қофзини кўрсатди. Чол лабларини пичирлатганча қофозни узоқ ўқиди.

- Э, сиз мактабда муаллим экансиз...
- Биласизми, менинг префектурага ҳеч қандай алоқам йўқ.

– Ҳа, сиз муаллим экансиз...

Ниҳоят, пайқади шекилли, чол кўзларини сузиб, қоғозни ушлаганча ҳамроҳларининг олдига қайтиб борди. Ташриф қофозидан улар қаноат ҳосил қилишди шекилли, ўринларидан туриб кетишиди.

Чол яна қайтиб келди.

- Хўш, энди нима қилмоқчисиз?
- Ҳашаротларни қидираман.
- Ахир охирги автобусга кечикдингиз-ку.
- Тунаб қолсам, бирорта жой топилмасмикан?
- Тунашгами? Бу қишлоқдами? – Чол нечукдир сесканиб кетди.
- Хўп, агар бу ерда топилмаса, қўшни қишлоқча бора қоларман.

– Борасизми?

- Мен, умуман бирор ёққа ошиқаётганим йўқ...
- Йўқ, йўқ, овора бўлиб нима қиласиз... – Чол бирдан сертавозе бўлиб, сўзамоллик билан давом этди:
- Ўзингиз кўриб турибсиз, қашшоқ бир қишлоқ, бирорта ҳам тузуккина бошпана йўқ, аммо қарши бўлмасангиз мен кўмаклашардим, бир оғиз айтиб қўйишм мумкин.

Унинг нияти бузукқа ўхшамайди. Улар бир нарсадан хавотир олаётган бўлсалар керак, эҳтимол префектура бошлигини кутишаётгандир, у келиб тафтиш ўтказса керак. Энди кўнгиллари жойига тушди шекилли, оддий балиқчилардек муомала қила бошлашди.

– Фоятда миннатдор бўлардим. Сизни қуруқ қўймайман, албатта. Мен умуман мана шунаقا дехқонча уйларда қўнишни яхши қўраман.

Қүёш ботиб, шамол бир оз сусайди. Йўловчи тепаликда шамол қумга нақш этган жимжималарни кўз илгаш мумкин бўлган пайтгача айланиб юрди.

Ўлжалар умуман унча кўп эмас.

Чирилдоқ билан тўғри қанотлилар тоифасидан бўлган оқбуруут тезгизак.

Булоқчилар ва яна бир ҳашарот – номини аниқ билмас эди, аммо бу ҳам булоқчиларнинг бир тури бўлиши керак.

Ўзи қидириб чиққан қаттиқ қанотлилардан – фақат узун тумшукди ва узун оёқ исқабтопарлар.

Сафаридан кўзлаган бирдан-бир мақсади, пашша тутиш эди. Аммо у тоифадан бирорта ҳам нусха учрамади. Балки эртага қўлга киритадиган ўлжалари кувонч бағишлар...

Чарчаганидан кўз ўнгида аллақандай хира шульалар жимириларди. Бирдан беихтиёр тўхтаб, қоп-қоронфи қум тепа сиртига тикила бошлади. Турган гапки, қимирилаган жон асари кўзига испан пашшаси бўлиб кўринарди.

Чол уни ваъдасига кўра артель бошқармаси олдида кутиб турган экан.

– Кечирасиз-да мени...

– Бе, нима деяпсиз. Сизга ёқса бўлгани... Бошқармадагилар, афтидан, нима ҳақдадир маслаҳатлашишмоқда эди. Тўрттами, бештами киши доира қуриб ўтирас, кулги эшитилар эди. Эшик тепасида: «Ватанин севсанг, садоқатли бўл!» деган сўзлар ёзилган каттакон лавҳа осилиб турарди. Чол уларга нимадир деб тўнфиллаган эди, кулги бирдан тўхтади. У истар-истамас олдинга қараб юрди, йўловчи унинг орқасидан эргашди. Куюқлашиб бораётган қоронфиксикда чиғаноқ йўл оппоқ оқарип турарди.

Улар ниҳоят, тепага яқин чуқурлардан бири олдига етиб келишди. Қишлоқ шу ерга келиб тугарди.

Икковлари пастга олиб тушадиган ўнгдаги энсизгина сўқмоққа қараб бурилишди. Бир оз юришди, кейин чол қоронгиликда ғойиб бўлиб, чапак чалди-да, баланд овоз билан қичқирди:

– Ҳой, кампир, қаёқдасан?

Пастда, худди оёқдарининг тагида, қоронги зулматда фонарь пайдо бўлиб:

– Ҳозир, ҳозир... Нарвон қопларнинг олдида, – деган овоз эшитилди.

Дарҳақиқат, бундай тик тепаликдан нарвонсиз тушишинг маҳол. Пастдагига ўхшаган уйдан учтасининг бўйига баравар келади; у ерга ҳатто нарвон билан тушиб боришинг ҳам анча қийин. Ён бағир анча тик экан, ҳали кундуз куни, ҳозир аниқ эсида, анчагина қийин кўринган эди. Нарвонга ҳам ишониб бўлмайди, ҳар хил арқонлардан қуралган, борди-ю, мувозанатингни йўқотиб қўйсанг, ўртасидан тутун тушиб, чигаллашиб қолади. Қамоққа тушасан-қўясан.

– Ҳеч нарсадан ташвишланманг, дамингизни олинг... – Чол пастга тушмади, тепада бир оз турди-да, кетди. Йўловчи бошдан-оёқ қумга беланганди назарида бирдан болалик вақтига қайтиб қолгандек бўлди. Уни фонарь билан кутиб олган хотинни кампир деб аташган, у ҳам кекса бир хотинни кўраман, деб ўйлаган эди, аёл эса ҳали ёш, ўттизларга борган, ўрта бўйли, ёқимтойгина жувон экан. Хотин упа қўйса керак, унинг юзи денгиз бўйида яшайдиган аёлларнинг юзларига нисбатан оқ эди. Умуман хушнудлик билан, самимий кутиб олгани учун хотиндан миннатдор эди.

Шуниси ҳам борки, агар хушнудлик билан кутиб олмаса, у ўлақолса ҳам бу кулбанинг остонасидан ичкарига ҳатлаб кирмасди. Мени лақиллатишяпти, деб ўйлаб, дарров қочиб қолиши ҳам мумкин эди. Деворларидағи сувоқлари кўчиб кетган, фусума<sup>1</sup> ўрнига

---

<sup>1</sup> Фусума – япон уйларида йиғиб қўйиш мумкин бўладиган тўсиқ, айни бир вақтда эшик хизматини ҳам ўтайди.

бўйра тутилган; томга тираб қўйилган устунлар қийшайиб қолган; ҳамма деразалар тахтакачлаб ташланган; ерга тўшалган похол бўйралар тўкилай-тўкилай деб турибди, оёғинг тегиши билан худди ҳўл нарсани босгандагидек товуш чиқади. Устига-устак қотиб қолган қумнинг бадбўй ҳиди анқийди.

Лекин ҳамма нарса ҳам кайфиятга боғлиқ. У хотиннинг сермулозаматлигига маҳлиё бўлиб қолди. Майли, бунақа нарса кишининг умрида бир марта юз беради, дерди у ўзича. Омади келиб бирорта қизиқ ҳашаротни учратиб қолар. Ҳарқалай, бундай муҳитда ҳашаротлар йўнаб-йўнаб кун кўради.

Тахминлари тўғри чиқди. Хотиннинг таклифи билан ер ўчоқнинг олдига энди ўтирган ҳам эдики, атрофида худди ёмғир томчилётгандек сас эшитилди. Бу фужон йўнаётган бургалар эди. Бунақа нарсалардан у қўрқмайди. Энтомолог бундай кутилмаган ҳодисаларга нисбатан ҳамиша шай туради. Фақат кийимнинг ичига ДДТ сепиш, ётишдан олдин баданга ҳам ҳашаротларга қарши мой суртиш керак.

– Мен овқат пишириб келаман, шунинг учун ҳозирча... – хотин энгашиб чироқни олди, – бир оз қоронфида сабр қилиб ўтира турасиз-да.

– Хўш, чирогинг биттами?

– Ҳа, афсуски...

Хотин гуноҳкорона жилмайди, чап юзида кулгич пайдо бўлди. Агар кўзига эътибор берилемаса, юзи жуда кўҳдик экан, деб ўйлади эркак. Балки бундай боқиши кўзларининг оғриғидандир. Яллилаган мижжаларини ҳатто упа ҳам яшиrolмабди. Ётар олдидаги кўзига дори томизиб қўйишни унутмасин...

– Аммо мен, овқатдан олдин чўмилиб олсам, деган эдим.

– Чўмилиб олсам дейсизми?..

– Нима, бунинг иложи йўқми?

– Афсус, индингача кутишга тўғри келади.

– Индингача? Ахир индингача бу ерда турмайманку, – беихтиёр шарақлаб кулиб юборди эркак.

– Наҳотки?..

Хотин ўгирилиб олди, унинг елкалари уча бошлиди. Хафа бўлди шекилли. Бу қишлоқилар орият учун ҳам сирларини яширмайдилар. Эркак ўнгайсизланниб, лабларини қимтиди.

– Хўш, чўмиладиган жой бўлмаса, устимдан бир сув қуиб олсан ҳам бўлади. Бўлмаса, ҳамма ёғим қум...

– Сув, кечирасиз-да энди, бир челаккина қолган. Бу ердан қудуқ жуда узоқ...

Хотиннинг важоҳати қандай ҳазин. Майли, энди индамайди. Тез кунда бу ерда чўмилишдан ҳеч қандай маъно йўқлигига қаноат ҳосил қиласа керак ўзи ҳам.

Хотин унга қайнатилган балиқ билан моллюскалардан пиширилган шўрва олиб келди. Умуман, денгиз соҳилининг овқати, унча чакки эмас. Овқат ейишга киришиши билан хотин каттакон қофоз соявон очиб, боши устида ушлаб турди.

– Бунинг нима кераги бор? Маҳаллий одатлардан бўлса керак?

– Шундай қилмаса овқатга қум тушади.

– Нима учун? – Эркак таажжуб билан шифтга қаради, аммо у ерда ҳеч қандай туйнук, тирқиши йўқдек эди.

– Қум, биласизми... – хотин ҳам шифтга қаради, – у ҳамма ёқдан учиб келади... Бир кун супурмасанг уч энли бўлиб қолади.

– Балки том тешилгандир.

– Йўқ, том янгилигига ҳам бу ёққа қум кириб кела-верарди. Шу қумдан даҳшатли нарса йўқ. У ёғочхўрдан ҳам ёмон.

– Ёғочхўр?

– Дарахтларни илма-тешик қиладиган бир қўнғиз бор.

– Қир чумоли бўлса керак-да?

- Йүқ, булари жуда қаттиқ бўлишади.
- Ҳа-а-а, ёғоч тешар қўнғиз экан.
- Ёғоч тешар қўнғиз?
- Қизғиши, мўйловдор бўлади. Ўшаларни айтяпсанми?
- Йўқ, йўқ, булар худди шоли донасилик келади, туслари ҳам қўнғир.
- Э, шунаقا дегин. Бўлмаса у камалак қўнғиз экан.
- Агар бепарволик қилиб, қараб турилмаса, ҳов анавига ўхшаган тўсинни сал кунда чиритиб туширади.
- Нима, камалак қўнғизми?
- Йўқ, қум.
- Нима учун?
- У ҳамма нарсадан ўтиб киради. Шамол терс томондан эсганда томнинг таги қумга тўлади, агар то-залаф турилмаса, сал вақт ичидаги шунаقا кўпайиб кетадики, шифтнинг ёғочлари кўтаролмай қолади.
- Ҳа, томнинг тагига қум тўлиб қолиши ярамайди... Қум тўсинни чиритади деяпсан, шу гапинг фалатироқ эмасми?
- Нега энди, чиритади-да.
- Ахир қумнинг хусусияти унинг жуда қуруқ бўлишида-ку.
- Бари бир чиритиб юборади... Мана, чунончи, янгигина гэтани<sup>1</sup> кўйиб қўйинг-да, қумини қоқманг – ярим ойдан кейин ундан асар ҳам қолмайди.
- Сабабини тушунолмадим.
- Ёғоч чирийди. У билан бирга қум ҳам чирийди... Қум босган уйнинг шифтидаги тахталарини қазиб олиб кўринг-чи. У ер шундай сергўнг бўладики, бемалол бодринг экаверишингиз мумкин.
- Беҳуда гап! – нафрат билан юзларини буриштириди эркак. Назаридаги қум ҳақидаги тасаввурини хотин ўз нодонлиги билан оёқ ости қилаётгандек бўлди.
- Менинг ҳам қум важига унча-мунча ақлим етади...

---

<sup>1</sup> Гэта – ёғоч кавуш.

Биласизми, худди шу қум йил-үн икки ой ҳаракатда бўлади... Унинг ҳаёти ҳаракатдан иборат... Бирон жойда тўхтаб туролмайди. Хоҳ сувда бўлсин, хоҳ ҳавода бўлсин – ўз-ўзича ҳаракатда бўлади. Шунинг учун ҳам оддий жонли маҳлуқлар қумда ҳаёт кечира олмайдилар... Бу чиришга сабабчи бўладиган бактерияларга ҳам алоқадор. Қумни озодагарчиликнинг тимсоли деб аташ мумкин, лекин у чиришнинг олдини олиш учун хизмат қилса ҳам ажаб эмас, уни чиригади, деб айтиш тутуриқсиз бир гап. Сен бўлсанг, у ўзи ҳам чирийди, дейсан; қум мутлақо ажабтовур бир минерал.

Хотин гарангсиганча индамай турарди. У ҳамон кўтариб турган соявон остида ўтирган эркак овқатни апир-шапир еб тугатмоқда, ортиқ чурқ этмас эди. Соявонни шу қадар қум босган эдики, унда ҳатто бармоқ билан ёзиш мумкин эди.

Расво бир намхушлик. Йўқ, қум намхуш эмас, бадани нам босган. Том тепасида шамол увилларди. Сигарета олиш учун чўнтағига қўл солганди, қум тўлиб қолибди. Ҳали чекмасдан туриб оғзи тахир бўлиб кетди.

Цианли калий солинган банкадаги ҳашаротларни олса тузук экан. Куриб қолмасдан уларни ақалли тўғнағич қадаб оёқларини ростлаб қўяди. Хотиннинг уй олдидаги бостирмада идиш юваётгани эшитилмоқда. Бу ерда ундан бошқа ҳеч ким яшамайди шекилли.

Хотин қайтиб кириб, индамай хона бурчагига жой сола бошлади. Агар эркак бу ерда ётса, кечаси хотин қаерда ётар экан? Албатта буйранинг нарёғидаги юқори хонада-да. Бошқа хона йўқ шекилли. Фалати иш бўляпти-ку. Меҳмонни ташқарига чиқадиган йўл устидаги хонага ётқизса-да, ўзи тўрдаги хонада ётса. Аммо у ерда ўрнидан туролмайдиган, оғир касалга чалингтан бемор ётгандир балки?.. Ҳа, шундай бўлса керак. Ҳарқалай, шундай деб ўйлаш табиий-

роқ бўларди. Аввал бошлаб, ёлғиз хотин биринчи дуч келган ўткинчига шу қадар хушмулозамат бўлиши амри маҳол.

– Бу ерда яна бошқа бирор одам борми?..

– Бирон бошқа одам дейсизми?..

– Оиласдан...

– Ҳеч ким йўқ, ёлғизман. – Хотин унинг фикрлари ни уқиб олгандек, ийманганча кулиб қўйди. – Қумнинг касофатидан ҳамма нарса жиққа ҳўл, ҳатто кўрпа ҳам...

– Эринг-чи?

– Ўтган йили тўфонда... – Хотин солиб қўйилган ўринни яккаш текислаб тузатар – хуллас, мутлақо кераксиз иш билан шуғулланар эди. – Биз томонда тўфон жуда даҳшатли бўлади. Қум устимизга худди шалоладек гулдурос билан отилиб тушади. Кўз очиб-юмгунингча қарабсанки, бир кечада бир-икки дзё ёғиб қолади.

– Ахир икки дзё – олти метр деган гап-ку...

– Бундай пайтда қумни қанча қазиб тозалаганинг билан унга бари бир бас келиб бўлмайди. Шундай қилиб эrim бирдан: «Товуқхонамизни босиб қолади», деди-ю қизимиз билан, – ўрта мактабга қатнайдиган бўлиб қолган эди. Уйдан отилиб чиқиб кетди. Мен чиқолмадим – нуқул эrim омон қолса, дердим... Ниҳоят, тонг оқара бошлиши билан, шамол тиниб, ташқарига чиқдим. Товуқхонамиздан асар ҳам қолмабди. Уларни ҳам тополмадим...

– Қум босиб қолибдими?

– Ҳа, мутлақо.

– Жуда ёмон... хунук иш бўлган экан. Қум шундай қилибди-я. Қандай хунук..

Чироқ бирдан липиллай бошлади.

– Яна қум.

Хотин эмаклаганча қўлинни чўзди-да, кула-кула пиликни ушлади. Чироқ бирдан пориллаб ёна бошлади. Ўша ҳолатда турганча у чироққа тикилиб қарап,

чөхрасида намойишкорона табассум акс этар эди. Афтидан, юзидаги кулгичини күрсатиши учун жүрттага шундай қилаёттан бўлса керак. Эркак беихтиёр сергакланди. Хотин унга фоят беҳаёдек бўлиб кўринди – ахир ҳозиргина яқин кишиларининг ҳалок бўлганини гапириб ўтирган эди-я.

## 5

– Ҳой, бу ёққа қара, биз яна бир киши учун белкурак билан бидонлар олиб келдик.

Узоқдан, эҳтимолки карнай орқали келаётган аниқ овоз, икки ўртадаги ноқулайликка барҳам берди. Кейин пастта қараб отилган темир-терсак буюмларнинг тарақ-туруғи эшитилди. Хотин жавоб бериши учун ўрнидан турди.

Эркакнинг ғаши келиб ғижинди: бундан яшириқча бир балолар бўлаётган эди.

– Нима гап ўзи? Демак, бу ерда яна бошқа одам бор экан-да!

– Кўйинг, илтимос қиласман... – Хотин худди бирор қитиқдаётгандек фужанак бўлиб олди.

– Аммо ҳозиргина аллаким: «Яна бир киши учун», деди-ку.

– Ҳа-а-а. Улар... улар сизни айтишяпти.

– Меними?.. Белкуракни нима қиласман?..

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, эътибор берманг...

Яккаш ҳуда-бехудага суқилишгани суқилишган.

– Балки янглишишгандир?

Бироқ хотин жавоб бермай, ерга чўккалаб ўтирди.

– Сизга ҳали чироқ керакми?

– Унча ҳожати йўқ... Ўзингга у ерда керак бўлар.

– Йўқ, қоронфида ишлашга ўрганиб кетганман.

Хотин далада ишлаганда кийиладиган похол қалпоқни кийиб қоронфиликда фойиб бўлди.

Эркак яна сигарета чекди. Атрофида алланима балолар бўляпти, ўрнидан туриб, бўйранинг орқаси-

га қаради. У ёқда дарҳақиқат хона бор экан, аммо бўм-бўш. Уй ўртасида девор тирқишидан сизиб кирган бир уюм қум дўппайиб турарди. Эркак анг-танг бўлганча серрайиб қолди... Уй ичини, панжаси ҳамма ерга етадиган тиним билмас қум ярмигача кемириб қўйибди... Ўрта ҳисоб билан 1/8 мм диаметр ҳажмидан бошқа ўз шаклига эга бўлмаган ўша қум. Шакл-шамойили йўқ бу омонсиз кучга нисбатан ҳеч нарса қарши туролмайди... Эҳтимолки, бутун куч-қудрати шакл-шамойилининг йўқлигидадир...

Бироқ эркак дарҳол сергакланди. Ия, бу хонадан фойдаланиб бўлмаса, хотин қаерда ётаркин? Мана ҳозир ҳам тахта деворнинг нарёғида у ёқдан бу ёқка бориб келяпти. Эркак қўл соатининг миллари саккиздан икки дақиқа ошганини кўрсатиб турибди. Шундай бемаҳалда у ерда изфишдан муддаоси нима экан?

Эркак сув қидириб ерга тушди. Сув бакнинг таг-гинасида қолган, юзида занг сузиб юрар эди. Оғзингда қум ғижирлаганидан кўра шундай сув ичганинг ҳам афзал. Қолган сув билан юз-қўlinи чайди, бўйини ювди, бирдан тетиклашиб қолди. Ерни юзалаб салқин ел эсарди. Ташқарида унга бардош бериш осон бўлса керак. Кум босиб қолган эшикни аранг очиб, ташқарига чиқди. Йўл томондан эсаётган шамол дарҳақиқат хийлагина сарин эди. У қулогига пи-капнинг тарақ-туругини олиб келди. Диққат билан қулоқ солинса, одамларнинг овозларини ҳам илғаб олиш мумкин. Эҳтимол, назарида шундай туюлаётгандиру, аммо кундузгидан кўра гала-ғовурроқ эди. Ё бу денгиз шовқинимикан? Осмонда юлдузлар чаракларди.

Чироқ ёруғи тушиши билан хотин орқасига ўгирилди. У белкуракни чаққонлик билан ишлатиб, катта керосин бидонларига қум тўлдирмоқда эди. Орқасида қаққайғанча қора қум девори қад кўтариб турарди. Тахминан худди шу ернинг устида эркак кундуз куни ҳашарот ушлаган эди. Хотин бидонлар-

ни түлдириб, даст күтарди-да, девор томонга олиб кета бошлади. Унинг олдидан ўтар экан, кўзларини ердан узиб, бўғиқ овоз билан: «Қум...», деди. Хотин бидонларни чуқурга олиб тушадиган сўқмоқдан оси-либ турган арқон нарвон тагига бўшатди. Қўли билан юзидағи терни сидирди. У ташиб қўйган қум анчаги-на уйилиб қолган эди.

– Қум тозалаяпсанми?

– Қанча тозалаганинг билан сира соб бўлмайди.

Олдидан бидонларни олиб ўтаётib хотин худди қитиқламоқчи бўлгандек бўш қўли билан унинг биқинига енгилгина туртиб қўйди. У жон ҳолатда четга сакрар экан, чироқни тушириб юборишига сал қолди. Чироқни ушлаганича тураверсинми ёки ерга қўйиб, шунга яраша жавоб қиласинми? Нима қилишини билмай тараддулданиб қолди. Ниҳоят, эркак ҳарқалай, мен қулай бир вазиятдаман, деган қарорга келди. Чеҳрасига маъносини ўзи ҳам тушунмайдиган тиржайганнамо бир қиёфа бериб, қўлида чироқни ушлаганча алпон-талпон юриб, хотин томон яқинлаша бошлади. Етиб борганида, хотиннинг сояси қум деворини бутунлай қоплади.

– Кераги йўқ, – деди хотин ҳарсиллаганча, орқасига ўгирилмай. – Қумни тортиб олиш учун сават туширишгунча яна олти бидон ташиб қўйишим керак.

Эркакнинг қошлиари чимирилди. Зўрма-зўраки тетик кайфиятини жўрттага бузганлари учун ҳатто фаши ҳам келди. Аммо ихтиёридан ташқари томирларига бир нарса отилиб киргандек бўлди. Баданига ёпишган қум қон томирларига кириб бориб ичдан шахтини сўндиргандек эди.

– Сенга бир оз қарашсаммикан?

– Йўғ-э... Сизни биринчи куниёқ ишлатишум уят бўлади-ку, ҳатто озроқ бўлса ҳам.

– Биринчи куни?.. Яна ўша гап... Мен бу ерда бир кечагина тунайман!

– Шунақами?

– Ҳа, албатта, ахир мактабда ишлайман-ку... Курекни бер, бер куракни!

– Сизнинг қурагингиз ҳов анави ерда, қўя қолсангиз бўларди дейман-да...

Дарҳақиқат, уйга кираверишдаги бостирма тагида белкурак билан банд ўтказилган иккита керосин солинадиган бидон турарди. Юқоридан: «Яна бир киши учун», деб бақириб ташлаганлари худди шулар бўлса керак. Ҳаммаси фоятда пухталик билан шай қилиб қўйилган. Назарида улар унинг муддаосини сезишгандек туюлди. Аммо ўша вақтда ишлагиси келиб қолишини ўзи ҳам билмас эди-да! Ҳарқалай, бунаقا ишлар одамнинг қадрини ерга уради, деб ўйлади-да, таъби тирриқ бўлди. Белкуракнинг йўғон, ғадир-будур сопи кўп ишлатилаверганидан қорайиб кетган – хуллас, қўлига олгиси келмай қолди.

– Вой, саватлар қўшнимизникига келиб қолди! – деб хитоб қилди хотин унинг тараддуdda турганини сезмагандек. Хотиннинг овози хушчақчақ, самимий, илгаригидан мутлақо бошқача эди. Одамларнинг узоқдан эштилаётган ғала-ғовур садолари энди яқингинадан кела бошлиди. Бир маромдаги хитоблар устма-уст янграр, баъзан эса улар шивир-шивир ва бўғиқ кулги билан бўлинниб турар эди. Меҳнат мароми бирдан эркакни ҳам тетиклаштириб юборди. Бу жўнгина кичик оламда бир кечагина тунаб кетмоқчи бўлган меҳмоннинг қўлига белкурак олишини ўзлари учун унча иснод деб билмасалар керак. Тўғрироғи, унинг иккиланишлари юқоридагиларга ғалатироқ қўринар балки. Чироқ қулаб кетмаслиги учун, пошнаси билан қумни ўйиб чуқур қилди-да, уни ўрнашибтириб қўйди.

– Хоҳлаган ердан қазиш мумкинdir қазилса бўлди-да, шундайми?

– Йўқ, хоҳлаган ердан қазиш керак эмас...

– Хўп, манави ерни қазисам бўладими?

– Бу ердан қазисанғиз бўлади, аммо деворнинг тағидан қазиманг.

– Бутун қишлоқ бўйлаб қум шу вақтда чиқариб ташланадими?

– Ҳа. Кечаси қум нам бўлади. Қазиш енгил кўчади... Қум қуруқ бўлган пайтда, – хотин юқорига қаради, – қайси дақиқада қайси ери ўпирилиб тушишини билмай турасан.

Дарҳақиқат учуримнинг қоқ лабида худди қор уюмига ўхшаб ҳўл қум дўппайиб чиқиб турарди.

– Ахир бу хавфли-ку!

– Бе, ҳечқиси йўқ, – деб қўйди истиғноли кулиб хотин. – Уни қаранг, туман кўтариляпти.

– Туман?..

Улар сұхбат билан бўлиб, осмон тўла юлдузлар сийраклашиб, аста-секин ғойиб бўла бошлаганини сезмай қолишибди. Осмон билан қум девор туташган уфқда аллақандай хира парда гужгон ўйнамоқда эди.

– Бунинг сабаби шуки, қум туманни сингдириб олади... Шўр қум туманни сингдириб олса, худди крахмалга ўхшаб зич бўлиб қолади.

– Наҳотки... .

– Рост, рост. Ҳозиргина тўлқин бўлиб ўтган дениз соҳили ҳам шунаقا бўлади – ундан бемалол танк юриб ўтади.

– Ана холос!..

– Гапимга ишонаверинг... Шу сабабдан ҳам анатви чиқиб турган қум уюми катталашиб қолади. Терс томондан шамол эсган кунлари бўлса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у худди қўзиқорин қалпоғидек осилиб туради... Кундуз куни қум қурғаб, қанча чиқиб турган бўлса, ҳаммаси пастга ўпирилиб тушади. Агар у қалтис жойга келиб тушса – хўш, томни кўтариб турган устунлар ингичка ёинки яна бирор бошқа сабаб бўлса унда иш тамом.

Бу хотиннинг савияси фоятда паст. Аммо ўз ҳаёти доирасига кириши билан шу заҳотиёқ завқ-шавқи ошиб кетади. Ана шу томондан қўйнига қўл солиб кўрса бўлади шекилли. Рост, бу эркакка унча хуш келмаса-да, аммо хотиннинг сўзлари унинг қалбида, дағал коржома яшириб турган шу аёл вужудини ҳис қилиш истагини уйғотди.

Эркак кемтик куракни жон-жаҳди билан пешма-пеш қумга ботира бошлиди.

## 6

Эркак керосин бидонни иккинчи марта олиб боргандা одамларнинг овозлари эшитилиб, юқоридаги йўлда фонарь лопиллади.

Хотин ҳаттоқи малол келиши мумкин бўлган бир оҳангда шундай деди:

– Саватлар келиб қолди! Бу ер бўлди, энди бориб менга қарашинг!

Эркак юқоридаги, нарвон олдидаги қумли қопларнинг вазифасини эндиғина тушунди. Саватларни тушириб чиқараётганда нарвон шу қопларга тирадарди. Ҳар бир саватни тўрт киши тушириб, тортиб олар, афтидан, бундай тўдалар икки ё учта бўлиши керак эди. Эркакнинг пайқашича булар ёшлар бўлиб, эпчиллик билан тез ишламоқда эдилар. Бир тўданинг савати тўлатилгунча, иккинчи сават навбат кутиб турарди. Олти марта ниңг ўзидаёқ чуқурдаги бир гарам қумдан асар қолмади.

– Ажойиб йигитлар экан, ўт-олов-а?

Эркак кўйлагининг енги билан терини артар, овози ҳам хушнуд эди. Бераётган ёрдами учун ҳазиллашиб бўлса ҳам раҳмат айтмаган йигитларга нисбатан эркакнинг ҳурмати ошиб қолди.

– Ҳа, бизда «Ватанин севсанг, садоқатли бўл», деган қоидага қаттиқ амал қилинади.

– У қанақа садоқат экан?

– Ўзинг яшаб турган жойга муҳаббат-да.

– Бу жуда соз!

Эркак кулиб қўйди. Унга қўшилиб хотин ҳам кулди. Аммо нима учун кулаётганини ўзи ҳам билмас эди.

Узоқдан жўнаб кетаётган пикапнинг тарақ-туруғи эшитилди.

– Хўш, бир оз дам оламизми? – деди эркак.

– Иложи йўқ, улар бир сидра айланиб чиқишигач, саватлари билан яна келиб қолишади, – деди хотин.

– Зарари йўқ, қолганини эртага қиласа ҳам бўлади...

Эркак қўлинин силтаб ўрнидан турди-да, уй томонга кета бошлади, аммо орқасидан эргашиш хотиннинг хаёлига ҳам келмасди.

– Бундай қилиб бўлмайди. Қўлда курак билан уй атрофини ақалли бир марта бўлса ҳам айланиб чиқиши керак.

– Уйнинг атрофиними?

– Ҳа, уй бузилиб кетмасин-да... Ахир қум чор атрофдан ёғилиб турибди-ку...

– Унақада эрталабгacha ҳам юраверамиз-ку.

Хотин гўё зарда қилгандек шарт бурилиб кетди. Учуримнинг тагига қайтиб бориб ишини давом эттирмоқчи шекилли. Худди испан пашшасига ўхшайди, деб ўйлади эркак. Ҳаммаси тушунарли, энди уни ҳеч ким бу йўл билан лақиллатолмайди.

– Тавба! Ҳар кун кечаси шу аҳволми?

– Қум тинмайди ҳам, тиним ҳам бермайди... Саватлар ҳам, пикап ҳам кечаси билан физиллагани-ғизиллаган.

– Ҳа, шунақага ўхшайди.

Ҳа, дарҳақиқат шундай. Қум ҳеч қачон тинмайди, ҳеч қачон тиним ҳам бермайди. Эркак саросимада қолди. Назарида, енгилтаклик қилиб, кичкина, беозоргина деб думини босиб олган илони тоятда баҳайбат, заҳарли калласи билан орқасидан таҳдид солиб тургандек туюлди.

– Бу нима деган гап? Сен фақат қум ташиш учунгина яшар экансан-да!

– Ахир кечаси туриб қочиб кетишнинг иложи йўқ-да!

Эркак ҳайратда қолди. Бунақа ҳаёт кечиришга унинг сира ҳам тоқати йўқ эди.

– Йўқ, мумкин! Бу қийин ишмиди? Агар истасанг, хоҳлаган маҳсадингга эришишинг мумкин!

– Йўқ, бундай қилиб бўлмайди... – Хотин қуракка ҳамоҳанг бир маромда нафас олиб, лоқайдик билан сўзини давом эттирди: – Қишлоқ, биз тиним билмасдан қумни қазиб ташиб турганимиз, шу билан жонига оро кираётганимиз учунгина бир амаллаб тирикчилик ўтказяпти. Агар биз қазимай қўйсак, ўн кундаёқ қум босиб қолиб, кўмилиб кетади... Қолаверса... Вой, навбат қўшниларимизга келибди шекилли...

– Қизиқ ҳангомангиз учун ғоятда миннатдорман... Сават ташувчилар ҳам шунинг учун файрат билан ишлашяптими?

– Ҳа, лекин улар ростини айтсам, қишлоқ маҳкамасидан кунбай ҳисобида бир нима олиб туришса керак...

– Агар қишлоқда шунча пул бўлса, қумдан сақданниш учун қунт қилиб дараҳт ўтқазишишса бўлмайдими?

– Ҳисоблаб чиқилганда, бизнинг усулимиз анчагина арzon тушади шекилли...

– Усулимиз?.. Шу ҳам усул бўлдими? – Эркакнинг разаби қўзиб кетди. Хотинни шу аҳволга солганлардан ҳам, бунга йўл қўйган хотиндан ҳам газабланди.

– Агар шундай экан, бу қишлоққа ёпишиб олишнинг нима кераги бор? Хўш, сабабини тушунолмадим... Қум деган нарса ҳазилакам гап эмас! Шу қилаётган ишимиз билан қумга бас келамиз, деб ўйласангизлар катта хато қиласизлар. Тутуриқсиз гап... Бу бемаъни ишга барҳам бериш керак... Узил-кесил барҳам бериш керак. Мен сизга ҳатто хайриҳоҳлик ҳам билдиrolмайман!

У белкуракни нарироқда ётган бидонлар томон улоқтириб юбориб, хотиннинг юз ифодасига ҳам эътибор бермай, уйга қайтиб кирди.

Уйқуси келмай, хотиннинг ҳаракатларига қулоқ солиб ётди. У бир оз хижолатда эди: борди-ю, унинг бу хатти-ҳаракати, аслида, ишини ташлаб бўлса-да, унинг ёнига келиб ётмаётган хотинга зарда бўлса-чи? Аслида, у кечираётган ўткир ҳис хотиннинг аҳмоқлигидан фазабланиш эмас, ундан кўра ҳам чуқурроқ бир нарса эди. Кўрпа тобора намиқиб, баданига қум кўпроқ ёпиша бошлади. Қанақанги адолатсиз, нафратингни оширадиган нарса! Куракни улоқтириб ташлаб, уйга қайтиб киргани учун ўзини айбситиб ўтиришига ҳожат ҳам йўқ. У бундай масъулиятни зиммасига ооломмайди. Бусиз ҳам зиммасидаги мажбуриятлар ошиб-тошиб ётибди. Қолаверса, қум билан ҳашаротларга қизиқиб келганининг асл сабаби ҳам зерикарли тирикчиликнинг серташвиш мажбуриятларидан вақтинча бўлса-да бош олиб қочиши эди...

Қани энди уйқуси келса.

Хотин тинимсиз бориб-келиб турибди. Бир неча марта саватлар тушиб-чиқиб, ўз вазифасини бажармоқда. Агар ахвол шу тариқа давом этадиган бўлса, у эртага ишга ярамай қолади. Ахир тонг отиши билан туриб, кунни унумли ўтказиши керак. Ухлайман деб қанчалик тиришмасин, тобора уйқуси қочиб кетмоқда. Кўзи ёшланиб, пириллаб, сурункасига қуилиб турган қумга бас келолмай ачиша бошлади. У сочиқнинг тахини ёзиб, юзига ёпди. Нафаси бўғила-да, ҳарқалай шуниси дуруст.

Яхиси бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаб кўра қолсин. Кўзини юмиши билан иланг-билинглаганча аллақандай узун иплар суза бошлади. Булар тепа бўйлаб кетган қум юзидаги нақшлар. Ахир улардан яrim кун кўзини узмади-да, кўзига шуларнинг акси тушиб қолганга ўхшайди. Худди шундай қум оқим-

лари шаҳар ва катта-катта империяларни босиб, ютиб кетган. Буни, ҳа шундай, Рим империясининг сабуляцияси деб атайдилар... Умар Хайём қўйлаган шаҳарлар-чи... Уларда тикувчилик устахоналари, қассоблик дўконлари, бозорлар бўлган. Уларни чирманиб кетган кўпдан-кўп йўллар ўраб олган, йўлларни эса ҳеч нарса жойидан қўзғатолмайдигандек эди. Шулардан ақалли бирортасининг йўналишини ўзгартиш учун давлатлараро бир қанча йил урушиш керак бўларди... Собит эканлигига бирорта одам ҳам шубҳаланмаган қадимий шаҳарлар... Аммо оқибатда улар ҳам 1/8 мм диаметрли ҳаракатчан қум оқими қонунига бардош беролмадилар.

Кўм...

Агар қум призмаси орқали қаралса, ўз шаклига эга ҳамма нарсалар ҳам нореал бўлиб кўринади. Ҳар қандай шаклни инкор этадиган қумнинг ҳаракатигина реалдир. Хотин яланг қават тахта деворнинг нарёғида қум қазишда давом этмоқда. Хўш, шу ингичка, ирвоқ қўллари билан у нима ҳам қила оларди? Бу – денгизнинг ўрнига уй солиш учун сувини чеълак билан олиб қуритишга интилиш демакдир. Кемани сувга тушираётганингда сувнинг қандай эканлигини билишинг керак.

Бу фикр бирдан кўнглидаги диққатликни ёзиб юборди. Бу хотин қазиётган қумнинг шитирлаши туфайли туғилган эди. Агар кема сувда сузишга яраса, қумда сузишга ҳам яраши керак. Агар, уй ҳаракатсиз бўлади, деган қолоқ фикрдан халос бўлинса, унда қум билан курашишнинг ҳожати ҳам қолмайди... Қум бўйлаб сузиладиган эркин кема... Сузувчи уйлар... Шаклсиз қишлоқлар ва шаҳарлар...

Қум, табиийки, суюқлик эмас. Шунинг учун ҳам, бирор нарсани ўз сатҳида ушлаб туради, деб ўйлаб бўлмайди. Агар, чунончи, қумга ҳатто унинг ўзидан енгилоқ чогиштирма оғирликка эга бўлган пўкакни ташлаб қўйсангиз ҳам маълум вақтдан сўнг чўкиб

кетади. Қум бўйлаб сузиш учун кема одатдагидан кўра мутлақо бошқа сифатларга эга бўлиши керак. Масалан, уй бочка шаклида бўлиши керакки, думалаб-думалаб юрсин... Агар у ақалли бир оз айланниб турса-да, босиб қолган қумни тушириб юбориб яна юзага чиқа олади... Албатта, бутун уй тинимсиз айланган тақдирда, унда яшайдиган одамлар оёқ устида туролмай қоладилар... Шунинг учун, ҳунар ишлатиш керак бўлади – чунончи, бочканинг ичига бочка жойлаш керак бўлади шекилли... Шундай қилинадики, ичидаги бочканинг маркази бир жойда, таги пастда бўлади... Ички бочка доимо ҳаракатсиз бўлади-ю, устки бочкагина айланниб туради... Бу худди баҳайбат соатнинг капгирига ўхшаб тебраниб турадиган уй... Бешик уй... Қум кемаси...

Тўп-тўп шундай кемалардан иборат, тинимсиз ҳаракатдаги қишлоқдар ва шаҳарлар...

Эркак беихтиёр мудраб кетди.

## 7

Эркак зант босган аргимчоқнинг фижирлашидек хўроз қичқириғидан жон ҳолатда, таъби тирриқ бўлиб уйфонди. Ҳозир тонг отгандек туюлса-да, соат миллари 11 у 16 дақиқани кўрсатарди. Дарҳақиқат, қуёш тушдагидек нур сочиб турибди. Лекин бу ер шунинг учун нимқоронфики, қуёш нурлари ҳали чуқур қаърига етиб келган эмас.

У ўрнидан салгичиб турди, юзи, боши ва кўкрагидан шувиллаб қум тўкилди. Лабининг четлари ва бурнининг ёnlарида тер билан қоришиб қотган қум ёпишиб ётарди. Уни кафтининг орқаси билан артиб, кўзларини пириллатганча гарангсиб қолди. Гўё бирор мижжалирини фўдир нарса билан ишқалагандек яллилаган кўзларидан тирқираб ёш оқарди. Аммо нам кўзларининг бурчакларига тиқилиб қолган қумни ювиб ташлаш учун ёшларининг ўзи кифоя қиласди.

Озроқ бўлса ҳам сув олиш учун ерда турган бакнинг олдига борган эди ҳамки, бирдан ўчоқ олдида пишиллаб ухлаб ётган хотинни кўриб қолди. Кўзларининг ачишаётганини унутиб, нафасини ичига ютди.

Хотин шир яланғоч эди.

Кўзини ёш хира қилиб турганидан хотин унга гиришира, ноаниқ шарпа бўлиб кўринди. У тақир бўйрада чалқанчасига ётар, бошидан ташқари бутун вужудини намойиш қилаётгандек, чап қўли қорнининг қуийисини яшириброқ турар эди. Баданидаги, одатда одамлар яширадиган жойлари кўриниб турар, ҳеч ким очиб юришдан уялмайдиган юзигина сочиқ билан ўралган эди. Албатта, оғзи, бурни, кўзларини қумдан сақдаш учун шундай қилган, аммо, ҳарқалай бундан яланғочлиги яна ҳам яққолроқ кўзга ташлашарди.

Бутун баданини юпқагина қум қатлами чулғаган. Қум баъзи жойларни кўздан яшириб, хотинларга хос қоматини аниқ кўрсатиб турибди. У худди қум билан ҳал берилган ҳайкалга ўхшарди. Бирдан эркакнинг оғзи сув очди. Аммо у сўлагини ютолмади. Тишлари билан лаблари орасига тиқилиб қолган қум сўлакни ўзига шимиб олиб, бутун оғзи бўйлаб ёйилди. У ерга энгашиб қум аралаш сўлагини тупура бошлади. Аммо қанча тупурмасин, оғзининг фўдири ҳам, қум ҳам кетмади. Назаридা, тишлари орасида узлуксиз равишида янгидан-янги қум зарралари пайдо бўлаётгандек эди.

Бахтига бакка яна лиммо-лим сув тўлиб қолибди. Эркак оғзини чайқаб юзини ювгач, дунёга янги келгандек бўлди. У сувнинг мўъжизавор кучини бу қадар сезмаганди. Қумга ўхшаб сув ҳам минерал, аммо буниси шу қадар тоза, шаффоф, файри узвий жисмки, ҳар қандай узвий нарсага қараганда вужуд билан анча осонроқ бирлашиб кетади... Сув томогидан аста-секин ўтаркан, ўзини тош еб кун кўрадиган ҳайвондек ҳис қилди...

Эркак яна қайтиб келиб, хотинга каради. Аммо унинг яқинига боргиси келмади. Қум гардлари қўнган хотинни томоша қилиш хуш ёқяпти-ю, аммо унга тақалиш унча ёқимли бўлмаса керак.

Кечаси кечирган ҳаяжон ва ғазаби ҳозир, кундуз куни унга ақл бовар қилмайдиган даражада бўлиб туюлди. Ҳангама қилиб берса бўладиган бир талай нарсаларни кўрди. Гўё ҳамма кўрганларини хотирасида пухтароқ сақлаб қолмоқчи бўлгандек атрофга яна бир назар ташлаб, наридан-бери отлана бошлади. Кўйлаги билан шими зил-замбил – уларга бир дунё қум тиқилиб қолибди. Шу арзимаган нарсага диққат бўлишнинг нима кераги бор. Аммо кийимга тиқилиб қолган қумни қоқиши бошдаги қазгоқни аритишдан ҳам қийин бўлди.

Ботинкаларига ҳам қум тўлиб қолибди.

Кетишдан олдин хотинга бирор нарса дейиши ҳам керакдир? Аммо, иккинчи томондан, ухлаб ётган хотинни уйғотса, уялиб кетади. Ҳа, айтмоқчи, кечаси ётгани учун жой ҳақини нима қиласди?.. Ёинки, яхшиси, артель бошқармасига кириб, пулни кечаси бу ерга бошлаб келган таниш чолга ташлаб кета қолсанмикан?

Шовқин кўтармаслик учун аста-секин юриб уйдан чиқди.

Қайнаб турган симобдек қуёш қум деворнинг лабига тегиб шуълалари аста-секин чуқурга ёйилмоқда эди. Эркак бехосдан юзига тушган кўз қамаштирувчи ёғуддан сапчиб, афтини тўсади. Аммо бир лаҳзадан кейин буларнинг ҳаммасини унутиб, гарангсиганча қаршисидаги тикка деворга тикилиб қолди.

Ақл бовар қилмайди! Бу ерда кечаси осилиб турган арқон нарвон йўқ эди.

Кеча у кўрган қоплар сал-пал қум босганча ўша жойида турарди. Демак, у адашашётгани йўқ. Ахир нарвонни қум босиб қолиши мумкинми ахир? Деворга ёпишиб, уни қўллари билан қазий бошлади. Қум

каждыңсыз билан күчиб пастга түкилаверди. Ахир у нина қидираётгани йүқ-ку, аввал бошдаёқ топилмадими, қанчалик уринмасин, фойдаси йўқ... Зўраяётган хавотирига эрк бергиси келмай, таажжубланганича яна қум чуқурини кўздан кечира бошлади.

Чиқиб кетса бўладиган жойи йўқмикан? Эркак уй атрофини бир неча бор айланиб чиқди. Уйнинг шимол томондаги денгизга қараган тарафидан томга чиқилса, юқорига чиқиш осон бўларди, аммо бари бир бу ҳам ўн метрча. Эҳтимолки, ундан ҳам баланд, қолаверса, жуда тикка. Бунинг устига тепадан кўриниши жуда ваҳимали залвордор қум қояси осилиб турибди.

Унга қараганда гарб томондаги девор хийла қи-яроқдек, яъни конуснинг ичига ўхшаш эгилганроқ. Энг холис мўлжал билан ҳисоблаб кўрилганда у ердаги бурчак эллик, энг камида қирқ беш даража келади. Синамоқликка эҳтиёт билан биринчи қадамни қўйиб кўриш керак. Бир қадам юқори кўтарилган эди – ярим қадам сирғалиб тушди. Аммо, ҳарқалай, ҳаракат қилинса чиқиб олиш мумкин. Дастрлабки беш-олти қадам худди тахминидагидек бўлди. Сўнгра оёқлари қумга ботиб кета бошлади. Олдинга жилган-жилолмаганлигини ҳали аниқ билолмай туриб, тиззасигача қумга ботиб кетди, жилишга мадори ҳам қолмади. У қияликдан эмаклаб чиқиб кетишга уриниб кўрди. Иссиқ қум кафтларини куйдиради. Аъзойи баданини тер босди, терга қум ёпишди, кўзларини очолмай қолди. Шундан кейин оёқларининг томирлари тортишиб, мутлақо юролмади. Эркак нафасини ростлаб олиш учун тўхтади. Анчагина жилиб одим, деб кўзларини очган эди, беш метрча ҳам кўтарилмабди. Шунча қилган хатти-ҳаракат нима бўлди? Қияликнинг ўзи ҳам пастда кўрганига қараганда икки баравар тик экан. Тепа қисми эса ундан ҳам ваҳималироқ эди. У юқорига қараб эмаклаши керак эди, аммо бунинг ўрнига бутун кучини айти-

дан, қум деворга ёпишганда сарф қилиб юборганга ўхшайди. Қоқ түғрисида қаққайиб турган қум қояси йўлини тўсган эди.

Эркак тепасидаги қурғоқ қум дўнглигига қўлини олиб борган эди, шу лаҳзадаёқ оёқлари остидаги қум шувиллаб юриб кетди. Номаълум бир куч уни қумдан улоқтириб юбориб нақ чукурга бориб тушди. Аммо унча оғриқ сезмади. Бир оз вақт гўё оғригини босмоқчи бўлгандек қияликдан шувиллаганча майда қум қўйилиб турди. Кейин тўхтади. Хайриятки, қаттиқ шикастланмабди.

Ҳали умидсизланишига вақт эрта. Бақириб юборишдан ўзини аранг тийиб, аста-секин уйга қайтиб кирди. Хотин бояги вазиятда ухламоқда эди. Эркак аввал уни секин, кейин қаттиқроқ чақира бошлиди. Хотин жавоб ўрнига, худди ранжигандек мук тушиб олди.

Устидаги қум тўкилиб елкалари, ёнбошлари ва бели кўриниб қолди. Аммо эркакнинг бу билан иши йўқ эди. Хотиннинг тепасига бориб бошидан сочиқни тортиб олди.

Юзи доғ қоплаган, дағал, хунук – қум босган тана-сига сира ўхшамасди.

Кечаки чироқ ёруғида маҳлиё қилиб қўйган оппоқ юзи муқаррар упа билан оқартирилган экан. Ҳозир баъзи жойларидағи упа кетиб, парча-парча дормлари кўриниб қолган эди. Эркакнинг ёдига тұхумсиз пиширилган жүн котлет тушди, уларда буфдой ун гардлари хол-хол бўлиб туради.

Ниҳоят, хотин кўзларини очди, ёруғлиқдан кўзла-ри қамашиб кетди. Эркак унинг елкаларидан ушлаб, жон ҳолатда силкитганча ёлбора бошлиди:

– Менга қара, нарвон йўқ-ку! Юқорига қандай қи-либ чиқиши мумкин? Ахир бу ердан нарвонсиз чиқиб кетиб бўлмайди-ку!

Хотин саросимада сочиқни олиб бехосдан бир неча марта юзига урди-да, кейин эркакка орқасини ўгириб бўйрага мук тушиб олди. Уялиб кетдимикан?

Бу ҳунарини кейинчалик кўрсатса ҳам бўларди. Эр-  
как тоқати тоқ бўлиб бўкирди:

– Ҳазиллашма! Агар ҳозир нарвонни бермасанг,  
оқибати ёмон бўлади! Шошиб турибман! Жин ургур,  
нарвонни қаёққа қўйдинг? Ҳазил ҳам эви билан-да!  
Бер деялман!

Аммо хотин жавоб бермасди. У ўша вазиятда ётга-  
нича аста-аста бошини чайқаб қўярди.

Бирданига эркак бўшашиб қолди. Нигоҳи сў-  
ниб, томоги фиппа бўғиди, деярли нафаси тиқиди,  
сўроқнинг мутлақо фойдаси йўқ эканлигини пайқаб  
қолди. Ахир нарвон арқондан қилинган эди-ку...  
Арқон нарвон ўзини-ўзи тутиб туролмайди... Агар у  
ҳатто қўлингда бўлса ҳам, уни пастдан туриб ўрна-  
толмайсан. Демак, нарвонни хотин эмас, юқоридан  
бошқа бир одам олиб қўйган... Соқоллари ўсиқ, қум  
ёпишган юзи аянчли бурушиб кетди.

Хотиннинг феъл-автори, чурқ этиб оғиз очмасли-  
ги, ақд бовар қилмайдиган машъум бир маъно касб  
этди. Ундей эмасдир, деб ўйлади ўзича, аммо ич-  
ичидан хавотирлари тўғри чиқаётганини пайқади.  
Нарвонни хотиннинг изми, тўғрироғи, изми ва ал-  
батта тўла-тўқис рози-ризолиги билан олиб кетиши-  
ган. Шак-шубҳасиз, тил биритиришган. Ҳозирги ва-  
жоҳати ҳам уялганидан эмас, аҳволининг танглиги-  
дан. Бу важоҳат муқаррар жиноятчининг, эҳтимол-  
ки, ҳар қандай жазога тайёр турган жабрдийданинг  
важоҳати. Улар жуда апчиллик билан иш қўришиб-  
ди. Лаънати тузоққа тушиб қолди. Испан пашшаси-  
нинг аврашига лаққа учди, пашша уни ҳеч қандай  
нажот йўқ саҳрого авраб олиб келиб, худди очликдан  
ўлаётган сичқоннинг кунига туширди-қўйди.

У ўрнидан сапчиб туриб, юргурганча ташқарига  
чиқди. Шамол бошланган эди. Қуёш нақ чуқурнинг  
тепасида турарди. Қизиган қумдан юқорига жи-  
мир-жимир иссиқ ҳовур кўтарилар, худди ҳўл не-  
гатив плёнкаларига ўхшаб товланар эди. Қум девор

тобора баланд кўтарилиб борарди. У эса ҳамма нарсадан воқиф. Шунинг учун эркакнинг мушак ва сувякларига қаршилик кўрсатиш маъносиз эканлигини уқтираётгандек эди. Қайноқ ҳаво баданга санчиларди. Жазира маънни тобора тоқатни тоқ қила борарди.

Туйқусдан эркак ақлдан озган кишидек бақира бошлади. У қандайдир маъносиз сўзларни айтиб қичқирди. Ўз аламини ифодалаш учун сўз топа олмай жон-жаҳди билан бўкирарди. Бу гўё даҳшатли бир тушу, қичқирсан, ғоятда қўпол ҳазили учун кечирим сўраб, мени тарк этади-да, чуқурликдан юқорига улоқтиради, деб ўйларди у. Аммо қичқириб ўрганмаган овози ингичка ва заиф эди. Қолаверса, овозини қум ютиб, шамол сусайтирас, узоқларга эшитилиши маҳол эди.

Бирдан даҳшатли гулдурос эшитиди. Эркакнинг нафаси ичига тушиб кетди. Кеча хотин айтганидек шимолий девор тепасидаги қум қояси қурғаб қолиб, ўпирилиб тушган эди. Худди номаълум бир куч човут солгандек бутун уй зорланиб инграрди, унинг изтиробларини намойиш қилгандек бўғот билан деворнинг тирқишиларидан кулранг тусдаги қон тирқираб оқа бошлади. Эркакнинг оғзи сув очиб кетди, зарба худди ўзига келиб тушгандек қалтирай бошлади.

Лекин қайси томондан олиб қараманг, бари бир ақлга сифмайдиган, ҳеч бир таомилга тўғри келмайдиган қандайдир бир ҳодиса. Жон боши рўйхатига киритилиб, ишлаб турган, айни вақтда солиқ тўлаб, текин медицина хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган бир одамни сичқон ёки ҳашаротга ўхшатиб тузоққа тушириб олиш мумкинми ахир? Ақл бовар қилмайди. Аллақандай хато юз берганга ўхшайди. Ҳа, албаттa, бу хато. Шундай деб айтишдан бошқа йўл йўқ.

Аввал бошдан, улар эркакка нисбатан аҳмоқона бир муносабатда бўлишиди. Ахир у от ёки ҳўқиз эмаски, бирор одам зўрма-зўраки куч билан ишлата олса.

Модомики шундай экан, уни бу қум девор орасида асир қилиб сақлаб ўтиришларидан ҳеч қандай маъно йўқ. Хотин кишининг бўйнига бирони боқим қилиб қўйишнинг нима кераги бор?

Аммо нима учундир кўнглида ишонч йўқ эди... Теварак-атрофини ўраб турган деворни кўздан кечи-раркан, гарчанд, бу кўнглига сира хуш келмаса-да, унга чиқаман деб беҳуда уринганини сезиб турарди... Деворга ёпишиб қанча типирчиламасин, ҳеч қандай фойдаси йўқ. Шунинг учун ҳам ҳафсаласи пир бўлди қолди... Афтидан, бу қум маҳв этадиган алоҳида бир дунё бўлса керакки, одатдаги андазаларни бунга нисбатан татбиқ қилиб бўлмайди...

Агар тусмол қиласа, тусмол қилиши учун сон-саноқсиз сабаблар бор... Масалан, янги бидонлар билан белкуракнинг унинг ўзига атаб олиб келинганилиги тўғри бўлса, арқон наровонни жўрттага олиб кетганлари ҳам рост. Қолаверса, юз берган ҳодисани тушунтириб бериш учун хотиннинг ақалли чурқ этиб оғиз очмагани, бунинг аҳволи танглигидан дарак бермайдими? Хотиннинг маҳкум бир мутелик билан ўз тақдирига хотиржамгина тан бериб юрганлиги эр-какнинг ёмон бир аҳволда қолганлигидан дарак бермайдими ахир? Хотиннинг кечаги сўзлари ҳам балки беҳуда айтилган гап эмасдир? Эркак шу сўзлардан бу ерда анча вақтгача қолиб кетажагини пайқаб олиши қийин эмасди.

Яна бир чоғроқ қум қўчкиси кўчди.

Эркак чўчиб уйга қайтиб кирди. У бўйрада ҳамон мук тушиб ётган хотиннинг тепасига келиб, зарда билан унга қўлини кўтарди. Кўзларида кучли нафрат чақнаб, бутун вужудини алам чулгади. Аммо бирдан мажолсизланиб, хотинга тегмай, кўтарган қўлини шилқ этиб ташлади. Уни тарсакилаш ҳам кўнглида йўқ эмас эди. Хотин ҳам, эҳтимолки, шундай қиласи деб ўйлаётгандир? Албатта, шуни кутиб ётибди. Ахир жазо тортиш ҳам қисман бўлса-да, гуноҳни ювиш, деган гап-ку.

Эркак хотинга орқасини ўгириб, ерга чўзилди-да, бошини қўллари билан чангллаганча оҳиста ингради. Сув очиб кетган оғзидаги сўлакни ютмоқчи эди, ютолмади – томогига тиқилиб қолди. Шиллиқ пардалари қум ҳидини жуда тез сезадиган бўлиб қолган шекилли, бу ерга келганига анча бўлиб қолган бўлса ҳам сира кўниколмаяпти. Сўлаги оғзининг четларида қўнғир, қўйқа кўпик бўлиб йифилиб қолибди. Сўлагини тупуриб ташларкан, оғзида қолган қумнинг гўдирлигини яна ҳам кучлироқ сеза бошлади. У лабларининг ички томонларини тилининг учи билан ялаб, тупуриб ташламоқчи бўлган эди, иложи бўлмади. Қайтага оғзи қурниб, ҳамма ёфи яллиғланиб кетгандек ачиша бошлади.

Майли, на чора? Хотин билан албатта гаплашиб, бор гапни муфассал айтиб беришга мажбур қиласди. Агар аҳвол мутлақо равшанлашса, бир йўлини топади. Ҳаракат қилишдан оддин режа тушиб олинади-да. Ахир шунақсанги бемаъни бир аҳволга тушиб кўникиб кетаверадими?.. Борди-ю, хотин жавоб бермаса, нима қиласди?.. Индамаслик энг даҳшатли жавоб бўлади-ку! Бундай бўлиши сира ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хотин яккаш безраяди... Нега энди худди ҳимоясиз бир жабрдийдага ўхшаб тиззаларини йиғиштирганча фужанак бўлиб ётибди экан?..

Мук тушиб ётган ялангоч хотиннинг важоҳати фоят даражада шармандали, аллақандай бир ҳайвоний эди. Агар елкасига қўлинг тесса, зумда бу ёқса ўгирилиб оладигандек. Эркак шу фикрнинг ўзиданоқ уялиб кетиб бўғзига алланарса тиқилди. Бирданнига хаёли бузилиб, ўзини қумга белашган ялангоч хотиннинг устида кўргандай, уни жаллод каби қийнаётгандай бўлди. Дарҳол сергакланди... Эртами, кечми шундай бўлиши турган гап... Ана унда бирор нарса дея олишга тили қисиқ бўлиб қолади...

Човида бирдан кучли оғриқ бошланди. Тарс ёрилиб кетай деяётган қовуғи танг қилмоқда эди.

Ёзилиб олган эркак енгил тортиб, бадбўй исни ҳидлаганча турарди... Шу туришида бирор нажот келиб қолишига ишонмасди, албатта. Уйга сира қайтиб киргиси келмасди. Хотиндан узоқда экан, унинг ёнида бўлиш нақадар хавфли эканлигини аниқ тушунди. Йўқ гап хотиннинг ўзида эмас, унинг қай ҳолатда ётганлигига, унинг ўша важоҳатида эди шекилли. Бунаقا шарманда хотинни сира ҳам кўрмаган эди. Уйга ўла қолса ҳам қайтиб кирмайди. Хотиннинг важоҳати жуда қалтис.

Ўзини ўлганга солади, деган бир таъбир бор. Баъзан ҳашаротлар, жумладан, ўргимчакларнинг баъзи турлари бехосдан тегилса караҳт бўлиб қолади. Чалакам-чатти тасвир... Диспетчерлар хонаси жиннilar томонидан эгаллаб олинган аэродром... Совуқда караҳт бўлиб ётган қурбақалар қиши бор-йўқлигидан бехабар бўлганидек, мени чулғаб олган ҳаракатсизлик ҳам шояд бутун дунёдаги бор ҳаракатни тўхтатса, деб ишонгиси келарди.

У хаёл суриб тураркан, қуёш яна ҳам забтига олиб кўйдира бошлади. Эркак қуёш тифидан ўзини олиб қочмоқчи бўлгандек икки букланганча гужанак бўлиб олди. Сўнгра бошини чаққонлик билан энгаштириб, кўйлагининг ёқасидан тутди-да, куч билан тортиди. Юқоридаги учта тутмаси узилиб кетди. Кўйлагининг ёқасидан кирган қумни қоқаркан, хотиннинг, қум ҳеч қачон қуруқ бўлмайди, у ҳамиша анчагина намхуш бўлади, аста-секин ҳамма ёқни чиритиб юборади, деган гапларини эслади. Эркак кўйлагини тортиб чиқариб, шимини шамоллатиш учун камарини бўшатди. Умуман, шунча безовта бўлишнинг ҳожати бормикан? Беҳоллик қандай туйқусдан пайдо бўлган бўлса, шу қадар тез барҳам еди. Афтидан, қумнинг намлиги ел тегиши билан ўзининг иблисона кучини дарҳол йўқотади шекилли.

Шу пайт жиддий хато қилиб қўйганини пайқаб қолди. Унинг хотин нима учун яланғоч эканлиги-га берган таъбири ўта бир ёқлама эди. Хотиннинг, эркакни зимдан тузоққа илинтириш нияти бор, деб бўлмайди албатта. Аммо бу нарса хотин ҳаёт кечи-радиган шароит туфайли юзага келган бўлиши ҳам ажаб эмас. Маълумки, хотин тонг отганда гина ётади. Одам ухлаётганда бехудага терлайверади. Модомики, кундуз куни, қолаверса, қизиб ётган қум чуқурда ухлашга тўғри келаркан, яланғоч ётиш мутлақо табиий. Агар имконият бўлса, хотиннинг ўрнида ўзи ҳам шундай ечиниб ётган бўларди.

Енгил шабада киши танасидаги қум билан терни ажратиб қўйганидек, бу кашфиёт ҳам бирдан уни чулраб олган оғир ҳисларига барҳам берди. Зўр бериб қўрқаверишидан ҳеч бир маъно йўқ. Чинакам эркак пўлат ва темир бетондан қилинган қанчадан-қанча деворларни бузиб қочиб кета олиши мумкин. Қулфга кўзинг тушиши билан, унинг калити бор-йўқлигини суриштирмай туриб, умидсизланиш ярамайди. У қумга бота-бота аста-секин уй томон кета бошлиди... Бу гал хотин билан бамайлихотир гаплашиб, зарур нарсаларнинг ҳаммасини билиб олади. Хотинга ўшқирганида чурқ этмай тўғри қилган экан. Балки бечора уялиб кетганидан индамагандир: ахир, эркакка ўзини яланғоч кўйсантиб қўйган эди-да.

## 9

Қизиб кетган, кўзни қамаштирувчи ярқироқ қумдан сўнг хона ним қоронфи, салқин ва намхуш кўринди. Бадбўй уй ҳавосидан могоғ иси келарди. Бирдан, назарида уни қора хаёл элитаётгандек бўлди.

Хотин кўринмасди. Бир лаҳза эркак серрайиб қолди. Топишмачоқ ўйнаш етар! Аммо, умуман олганда топишмачоқ деган нарсанинг ўзи йўқ. Чунки хотин

шу ерда. У сувлик бак олдида унга орқа ўғирганича бошини қуи солиб, индамай турарди.

Хотин кийиниб олган эди. Оч яшил нақшли кимоноси билан чөлворидан ялпизли бальзамнинг сарин атри таралаётгандек эди. На чора? У яна хотин ҳақида ўйлай бошлади. Мутлақо ақл бовар қилмайдиган вазиятда, қолаверса, уйқудан қолгани учун ҳар хил хаёлларга бормай иложи йўқ эди.

Хотин бир қўли билан бакнинг четига суюнганча, бакнинг ичига тикилиб бармоғи билан аста-секин сув сатҳини чизмоқда. Эркак қум ва тердан вазминлашиб қолган кўйлагини шахт билан силкитганича, қўлига зичлаб ўраб олди.

Хотин орқасига ўғирилиб, сергакланди. Унинг чеҳрасида шундай бир самими, сассиз савол, илтижо акс этардики, гўё бир умр худди шундай қиёфа-да яшагандек. Эркак ўзини мумкин қадар осойишта тутмоқчи бўлиб кўрди.

– Иssiқ-а?.. Бунақа иссиқда одамнинг кўйлак кийгиси ҳам келмайди.

Хотин эса унга ҳамон ишонқирамай ер остидан савол назари билан қараб турарди. Ниҳоят, ясама ҳиринглаганча журъатсизгина энтикиб-энтикиб шундай деди:

– Ҳа... рост... кийимда терласанг баданингни қум тепки қоплаб кетади.

– Қум тепки?

– Ҳа... Одамнинг териси қизариб худди куйганга ўхшаб шилиниб тушади.

– Ҳм, шилиниб тушадими?.. Мен, намиққандан бичилиб кетса керак, дейман.

– Эҳтимол, шундайдир... – Хотин бир оз дадиллашиб, тилга кира бошлади. – Бизлар терлай бошлашимиз биланоқ, устимиздаги бор нарсани ечиб ташлашга ҳаракат қиласиз... Туриш-турмушимизни кўриб турибсиз-ку, бирор кўриб қолишидан ҳам истиҳола қилмаймиз.

– Ҳа, албаттa... Ростини айтсам, агар малол келмаса, шу күйлагимни ювиb берсанг, деб илтимос қилмоқчи эдим.

– Дуруст, эртага сув олиб келишади.

– Эртага?.. Эртага, мавриди ўтиб кетади... – Эркак димоқ қоқиb қўйди. У устомонлик билан суҳбатни керакли мавзуга буриб юборишга муваффақ бўлди.

– Дарвоқе, мени қачон тортиб олишади?.. Жуда ҳам нокулай аҳволга тушиб қолдим. Менга ўхшаган хизматчи учун жорий тартибни ҳатто яrim кунгагина бузиш ҳам foятда жиддий оқибатларга олиб бориши мумкин. Бир дақиқа вақтим ҳам беҳуда кетмаслиги керак... Қаттиқ қанотлилар – ер бағирлаб учадиган ҳашаротлар... Улар қумлиқда жуда кўп бўлади, сиз уларнинг туси, турқини биласизми?.. Мен отпуска вақтида шу ҳашаротнинг қандай бўлмасин янги бир турини топишга ҳаракат қилмоқчи эдим...

Хотин лабларини аста-секин қимиirlатарди-ю, аммо ҳеч нарса демасди. Афтидан, у «қаттиқ қанотлилар» деган нотаниш сўзни ичida такрорламоқда эди. Аммо эркак унинг яна мингаймас бўлиб олганини аниқ пайқади-да, ноҳосдан, мавзуни ўзгартирди.

– Сизларда қишлоқдаги бошқа одамлар билан алоқа қилиб туриш учун ҳеч бир восита йўқ эканда?.. Борди-ю, чунончи, керосин бидонларни чалса нима қиласди?

Хотин жавоб бермади. Сувга иргитилган тош каби, яна ўзининг сукути билан жон сақдай бошлиди.

– Ўзи нима гап?.. Нега индамайсан? – у бўкириб юборишга ҳам тайёр эди-ю, аммо ўзини аранг тийиб қолди. Нима гаплигига тушунолмай ҳайронман... Агар хато юз берган бўлса, хато юз берибди деб қўя қоламиз, вассалом... Бўлар иш бўлди, ўтди кетди, мен машмаша кўтариб ўтиromoқчи эмасман. Шунинг учун сен сукут сақдаб чакки қиляпсан. Яхши. Худди сенга ўхшаган ўқувчи болалар ҳам бор, мен уларга ҳамиша: қанчалик айбларингга иқрор бўлгандек кўрин-

манглар, бари бир аслида бу учига чиққан қўрқоқлик бўлади, дейман. Борди-ю, сен ўз хатти-ҳаракатингни бирор нарса билан оқламоқчи бўлсанг, нима гап ўзи, муддаонгни айта қолмайсанми!

– Ахир... – хотин қўзларини олиб қочди, аммо унинг овози фавқулода катъий эштиди. – Энди ўзингиз ҳам тушунгандирсиз, дейман?

– Тушунгандирсиз? – Эркак саросимага тушганини ҳатто яширмади ҳам.

– Ҳа, мен, сиз аллақачон тушунган бўлсангиз керак, деб ўйлаган эдим...

– Мен ҳеч нарса тушунганим йўқ! – Эркак қичқириб юборди: – Қандай тушунаман? Бирор ҳеч нарса демаса нимани тушунишим мумкин?

– Ахир хотин киши ёлғиз боши билан шундай аҳвол-тирикчиликда кун кечириши қийин-ку...

– Яхши. Аммо буларнинг менга нима дахли бор?

– Ҳа, мен сизнинг олдингизда гуноҳкорга ўхшайман.

– «Гуноҳкорман» деганинг нимаси?.. – Ҳаяжондан эркакнинг тили фўлдираб қолди. – Бундан чиқдики, каттакон бир фитна уюштирилган экан-да?.. Тузоқقا ем – хотин киши қўйилса, мени, худди ит ёки мушукка ўхшаб шартта келиб илинади, деб ўйлаган экансиzlар-да...

– Тўғри, аммо ҳадемай шимолдан эсадиган шамол билан қум бўронлари бошланиб кетади – биз улардан жуда қўрқамиз... – Хотин ланг очиқ турган эшикка қараб қўйди. Унинг осойишта бўғиқ овозидан кўр-кўrona бир эътиқод сезилиб турарди.

– Бу ҳазил эмас! Бемаънилик ҳам эви билан-да! Бу гайриқонуний зўравонликдан бошқа нарса эмас. Чинакам жиноят... Зўравонлик қилмасликнинг иложи йўқми? Хўш чунончи, кунбай йўли билан ишсизлардан ёлласаларингиз бўлмасмиди, улар сон-саноқсиз-ку!

– Ахир, у ёқдагилар бу ердаги аҳволни билиб қолишиша, иш чатоқ бўлади-да...

– Мени олиб қолсаларингиз ҳеч нарса бўлмайдими?.. Тутуриқсиз гап!.. Агар шу фикрда бўлсангизлар, қаттиқ янгишасизлар! Афсус ва надоматлар бўлсинки, мен бир дарбадар саёқ эмасман! Солиқ ҳам тўлайман, доимий истиқомат жойим ҳам тайин... Ҳадемай мени қидириб ариза беришади-да, ана унда кўрадиганларингни кўрасизлар! Наҳотки, шундай бир оддий нарсани ҳам тушунмасаларингиз? Қизиқ, ўзларингизни нима билан оқламоқчисизлар?.. Шу ишни бошлаган одамни чақириб бер... Мен унга я-а-ахшилаб тушунтириб берай, қанақа бир аҳмоқона иш қилиб қўйганини.

Хотин ерга қараб, оҳиста хўрсиниб қўйди. Елкалари эгилиб тушди, аммо қимир этмади. Худди амри маҳол бир иш буюрилган ожиз кучук боланинг дидини берди-қўйди. Бу эса эркакнинг ғазабини баттар ошириди.

– Нега имиллайсан, юрагинг дов бермаяптими?.. Гап ёлғиз менинг устимдагина эмас. Ўзинг ҳам менга ўхшаган бир банди экансан-да?.. Йўқ дегин-чи! Улар бу ердаги аҳвол-тирикчиликни билиб қолишиша ёмон бўлади, деб ҳозиргина ўз оғзинг билан айтдинг... Ахир шунинг ўзи ҳам, бундай яшаш мумкин эмас, деб тан олиб турганингни билдирамайдими? Юзингни ҳадеб унақа таҳаммулсифат қиёфага солаверма – ахир сен билан ҳудди қул хотиндек муомала қилишяпти-ку! Сени бу ерга тиқиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ эди!.. Қани, бўл, бирорта одамни чақир! Бу ердан чиқиб кетамиз!.. Ҳа, тушундим... Қўрқяпсанми, а?.. Беҳуда гап!.. Нимадан қўрқасан?.. Ёнингда мен бўлсам!.. Менинг газетада ишлайдиган ошналарим бор... Биз буларнинг ҳаммасини бир ижтимоий масала сифатида кўтариб чиқамиз... Хўш, нима дединг?.. Нега индамайсан?.. Қўрқишингнинг ҳожати йўқ, деяпман-ку, сенга!

Бир оз ўтгач, ҳудди унга тасалли бераётгандек, хотин бирдан шундай деб қолди:

– Овқат қила қолайми?..

## 10

Хотиннинг картошка артаётганини кўз қири билан зимдан кузатиб турган эркак ич-этини еганча ўй сурарди: у тайёрлаётган овқатни есинми, емасинми?

Хозир фоятда хотиржам ва совуққон бўлиш хонаси... Хотиннинг ниятлари аниқ, ҳар қандай андишани йифиштириб қўйиши керак. Қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб ўтирмасдан дадил иш кўриб, бу ердан чиқиб олишнинг пухта чорасини топиши лозим... Файриқонуний иш қиляпсизлар, деб айб тақашни кейинроққа қўя туради... Очлик иродасини букиб, руҳини тушириб юборади. Иккинчидан, борди-ю, ҳозирги вазиятини қатъян инкор этса, унда овқатни ҳам рад этиши керак бўлади. Норозилик изҳор қила туриб овқатни паққос туширавериш кулгили бўлади. Ҳатто ит ҳам овқат бераётганларида суллоҳлик қиласмай, жим туради.

Аммо-лекин ошиқиши керак эмас. Токи хотиннинг ниятлари нечоғлик жиддий эканлигини билмай туриб, мудофаа позициясини эгаллашининг ҳожати йўқ... Унинг қўлидан бирор нарсани текинга олиш, бирор саховатга йўл қўйиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас... Еган овқатига мунтазам равишда пул тўлаб боради. Агар пул тўласа, у ўзини сира ҳам бурчли ҳисобламайди. Ҳатто, телевидениедаги бокс шарҳчиси ҳам, ҳужум – ҳимоянинг энг яхши йули, деб айтган эди.

Шундай қилиб, овқатдан воз кечмасликка ажойиб баҳона топганидан мамнун бўлиб, енгил тортди. Бирдан қўзи ярқ этиб очилиб кетгандек бўлди. Шу вақтгача тутқич бермаётган фикрнинг ипини ушлаб олди. Унинг бирдан-бир душмани қум эмасмикан? Модомики, шундай бўлса, олдига ҳуда-беҳудага аллақандай ҳал қилиб бўлмайдиган масалалар қўйиб ўтиришининг ҳожати ҳам йўқ – хўш, чунончи, пўлат тамбани бузиб чиқиб кетаман, яна шунга ўхшаган

қатор ишларни қиласман, деб ўтиришининг ҳожати йўқ. Башарти, арқон нарвон олиб қўйилган экан, ёғоч нарвон ясаш мумкин. Қум девор фоятда тик бўлса, уни қазиб қия қилиш мумкин... Агар мия сал-пал ишга солинса, ҳамма ишнинг ҳам чорасини топса бўлади... Эҳтимол, бу жуда ҳам содда бир нарсадир, модомики, айни муддао экан, қанча содда бўлса, шунча яхши. Колумбнинг тухум турғизиш<sup>1</sup> усули мисол қилиб олинса, баъзи масалалар қўпинча кулгини қистатадиган даражада содда йўл билан ҳал қилинади... Агар қийинчиликлардан қўрқмаса... Агар чинакамига курашса... Ҳали ҳеч умидсизланмаса бўлади.

Хотин картошкани артиб бўлиб, тўғради-да, унга пояси билан майдалаб тўғралган турпни аралаштириб, ўчоқдаги катта темир қозонга солди. У полиэтилен халтачадан эҳтиётлик билан гутурт олди-да, ўт қўйиб, гутуртни яна жойига солиб, резинка билан тангифб қўйди. Сўнгра қумини ювиш учун бўлса керак, сузгичга гуруч солиб устидан сув қуя бошлади. Қозондаги овқат биқиллаб қайнай бошлаган ҳам эдик бадбўй турп ҳиди анқиб кетди.

– Сув озроқ қолгану, юзингизни ювиб олсангизмикан?

– Йўқ, юзимни ювгандан кўра ичганим дуруст...

– Вой, кечирасиз... Ичимлик сув бошқа жойда. – У юз ювиладиган жойдан полиэтиленга ўраб қўйилган каттагина қозонни олди. – Унча муздек эмасу, ичса бўлади, яхшилаб қайнатганман.

– Аммо бакда ақалли озгина сув қолдирилмаса, идишлар ювуқсиз қолади-ку!

– Йўқ, мен идиш-товоқни қум билан ишқаб артаман, топ-тоза бўлади. Хотин шундай деб дераза рафидан бир сиқим қум олиб, қўлида ушлаб турган тақсимчага ташлади-да, бир неча марта айлантириб

---

<sup>1</sup> Колумб бир қанча одамлар билан мунозарада тухумни пақ этиб ерга уриб тик турғизган. Бу билан, энг содда нарсаларга ҳам ақл ишлатиш керак, деган иборага ишора қилинади.

ишқалади. Эркак тақсимчанинг тоза бўлган-бўлмаганлигига яхши аҳамият бермади-ю, тоза бўлган бўлса керак, деб қўя қолди. Харқалай, қумнинг бу тариқа татбиқ этилиши унинг қум ҳақидаги аллақачонлардан бўёнги тасаввурларига мос келар эди.

У соярон остида овқатлана бошлади. Қайнатилган сабзавот билан қоқ балиқ... Хаммасига ҳам унча-мунча қум аралашган. Агар соярон шифтга осиб қўйилган бўлса, бирга овқатлансан ҳам бўларди, деб ўйлади у. Аммо хотин буни, мен билан яқинлашишга уриняпти, деб тушуниши мумкин. Чой паст бўлгани учун аччиқ қилиб дамланса-да, ниҳоятда bemаза эди.

У овқатланиб бўлгач, хотин ҳам ювинадиган жой яқинига ўтириб олиб бошига бир парча полиэтилен ташлади-да, аста-секин овқатлана бошлади. Шу ўтиришида у аллақандай ҳашаротга ўхшаб кетарди. Наҳотки, у ўла-ўлгунча шу аҳволда кун ўтказса?.. Сиртдан қаралса, бу жой каттакон ернинг кичкинагина бир парчаси хисобланади-ю, аммо чуқурликдан бепоён қумлик билан осмонгина кўринади, холос... Худди кўз қорачигида умрбод акс этиб қолгандек, бир маромдаги турмуш... Умри бино бўлиб тузукроқ ҳаёт кечирмаган бу хотиннинг қунлари шундай ўтади. Ҳеч кимдан бир оғиз илиқ-иссиқ сўз ҳам эшигтан эмас. Буни тузоққа илинтириб, хотинга айрим бир саховат сифатида тутганларида, юраги худди қизларнинг юрагидек орзиқиб кетган бўлса керак. Унга одамнинг раҳми келади...

Эркакнинг хотинга бир нима дегиси келиб, баҳона топиш учун чекмоқчи бўлди. Дарҳақиқат, бу ерда полиэтилен энг зарур буюм экан. У чақилган гугуртни сигарета учига қанча тутмасин сира ҳам тутамади. Жони борича ичига тортар, лекин қанчалик уринмасин дуд таъминигина сезар эди, холос. Никотинли қуюқ тутун тилини қитиқдарди-ю, аммо хуморини босмасди. Таъби тирриқ бўлиб, баҳона излаш у ёқда турсин, гаплашишга ҳам ҳафсаласи келмай қолди.

Хотин ювуқсиз идишларни йиғиб олиб бир ерга түплади-да, аста-секин унга қум сепа бошлади. Сўнг журъатсизлик билан аранг:

– Биласизми... Том тагидаги қумни пастга ташламаса, бўлмайди, – деди.

– Ташламаса бўлмайди? Ҳа-а, майли, марҳамат... – Бунинг менга нима алоқаси бор, – деб ўйлади эркак лоқайдик билан, – тўсинлар чириб устунлар қуласа қулайвермайдими? Менга нима? – Агар сизга халал бераётган бўлсан, бирор ёққа чиқиб кета қолайми?

– Мени кечирасизу, аммо...

Ўсмоқчилашининг ҳожати йўқ! Сир бой бергиси келмайди-я! Бўлмаса, афти-ангори-ку сасиган пиёз тишлаб кўйгандек бўлиб турибди... Бироқ хотин одатича хотиржамгина чаққонлик билан юзининг пастини икки қават сочиқ билан боғлади-да, қўлтиғига супурги ва бир парча тахта қистириб, бир тавақа эшигигина қолган девордаги жавоннинг рафиға чиқди.

Ростини айтганда, агар менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, бунақа уйнинг қулаб йўқ бўлиб кетгани яхши!..

Эркак шундай деб қичқирапкан, жини қўзиб кешиб талмовсираб қолди, хотин эса ундан кўра ҳам баттар ҳолатга тушди. Уни қара-я, ҳали тамоман ҳашаротга айланиб қолмаган шекилли...

– Йўқ, айниқса мендан аччиқданаётган экан, деб ўйлама... Ҳамманглар бир бўлиб мени занжирбанд қилиб олдик, деб қувонаётган бўлсанглар керак. Бунақа фисқ-фасодларга ҳушим йўқроқ. Тушундингми? Бордию, тушунмасанг ҳам менга бари бир. Мен сизга бир қизиқ воқеани айтиб берай... Бу бир вақтларда бўлган. Ижарага олиб турган хонамда ҳеч нарсага яроқсиз хонаки бир кўпракни боқардим... Жуни foятда аломат, қалин, ҳатто ёзда ҳам тулламас эди... У ҳамиша тунд, шумшайиб юрарди. Шунинг учун жунини олиб ташламоқчи бўлдим. Шундай қи-

либ жунини қиришилаб олиб, энди ташлаб юбораман, деб турсам, билмадим, итнинг кўнглига нималар келди-ю, бирдан увиллаб, шу жундан бир тутамини тишлаганча ётадиган жойига қараб уриб қолди. Қирқиб олинган жун танамнинг бир қисми, деб ажралгиси келмадимикан. – Эркак унга, синовчан назар ташлаб кўйди. Хотин эса ҳамон ўша ҳолатда – файритабиий эгилганича жавон рафида турарди, ҳатто бу томонга қайрилиб қарагиси ҳам келмади. – Хўп майли... Ҳар каллада бир хаёл... Қум қазиши, ё бошқа бирор ишми – марҳамат, билганларингни қилинглар. Мен эса қатъиян бунга тоқат қилмоқчи эмасман. Бас! Майли, яна бир оз сабр қиласай, ана унда изимни топа олармикансизлар... Мени назар-писанд қилмай чакки қиляпсизлар... Агар хоҳласам, бу ердан қочиб кетишим ҳеч гап эмас. Ҳа, мана, қолаверса, сигареталарим ҳам тугабди...

– Сигарета дейсизми? – Хотиннинг соддадиллиги аҳмоқликка ўхшаб кетди. – Бу, сув олиб келганлардан кейин бўлади...

– Сигаретами?.. Сигарета ҳам сув олиб келганларидан кейин бўладими?.. – Эркак беихтиёр пиқиллаб кулиб юборди. – Масала бунда эмас... Қирқиб олинган жунда, ҳа, қирқиб олинган жунда... Наҳотки тушунмасангиз?.. Мен, қирқиб ташланган жун важидан машмаша қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ демокчиман.

Хотин чурқ этмади, ҳатто ўзини оқлаш учун ҳам бир нима демоқчи эмасди. У бир оз эркакнинг гапи тугашини кутиб турди-да, яна тўхтаб қолган ишига киришиб кетди. У жавон тепасидаги туйнук қопқоғини суриб қўйиб, унга белигача суқилиб кирди-да, тирсакларини тираб ноқулай бир ҳолда оёқларини лапанглатганча юқорига чиқа бошлади. У ербу ердан бамисоли ингичка ипдек шувиллаб қум қуюла бошлади. Эркак, том тагида одатдан ташқари аллақандай бир ҳашарот яшаса керак, деб ўйлади...

Құм ва чириган ёғоч. Йўқ, бас, күраёттан одатдан ташқары ҳисобланған нарсалари бусиз ҳам етиб орт-моқда!

Сұнгра шифтнинг гоҳ у еридан, гоҳ бу еридан құм тасмалари оқа бошлади. Шунча құм оқимининг ерга сассиз келиб қуиши жуда галати туоларкан. Мижжа қоқиб улгурғунча похол түшалған ерга сертиркиш ва барча күзанак тешиклари билан тахта шифтнинг акси тушиб қолди. Эркакнинг бурун катакларига, күзларига құм кирди. Шунинг учун ҳам шоша-пиша ташқарига югуриб чиқиб кетді.

Илк лаҳзада худди гулханга отилиб киргандек, товоңлари эриб кетаёттандек бўлди. Аммо ичининг аллақаерида шундай жазирамага ҳам бўш келмаётган муз бор эди. Бу хотин худди ҳайвонга ўхшайди-я... Унинг кечаги куни ҳам, эртаги куни ҳам йўқ – шу бугунги кунни билади, холос... Одамни худди қора тахтадаги бўрдек сидириб йўқ қилиб ташлаш мумкин, деган эътиқод ҳукм сурәттган бир дунё... Бизнинг замонамизда шундай бир ваҳшийлик ҳукм сурәттган ковак бор, деган гап етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди... Хўп, майли... Борди-ю, буни у кучли ларздан ўзига келиб, ниҳоят, яна хотиржам бўла бошлаганининг белгиси, деб қараса, бунақа уялиши унча чакки эмас.

Бироқ вақтни беҳуда ўтказишининг ҳожати йўқ. Бу ишни қоронғи тушгунча амалга оширса чакки бўлмасди. У кўзларини сузиб, худди эриган ойнани эслатувчи юпқа тўр қоплагандек нақшиндор қум деворнинг баландлигини чамалаб кўрди. Унга нечоғлик тикилгани сари шу қадар баланд кўринар эди. Табиатнинг раъйига қарши бориб, қия ён бағирни тикка қилиш қийин албатта, аммо лекин у тик ёнбағирни қия ён бағирга айлантироқчи холос, вассалом. Ниятидан қайтишига арзидиган баҳоналар йўқ.

Юқоридан бошлиса тўғрироқ бўларди-ю, аммо иложи бўлмаганлиги учун пастдан қазий қолади.

Аввал энг пастдан керагича қазиб, юқоридаги құм ўпирлиб тушгунча кутиб туради, сүңг яна пастдан қазийди ва яна юқоридаги құм ўпирлиб тушади... Шу тариқа такрорлай-такрорлай тобора баландлаб, ниҳоят, юқорига чиқиб олади. Албатта, бу йўлида уни кўчкilar кутиб туради, құм оқимлари уни пастга олиб тушиб кетади. Зотан, уларни оқим деб атасалар ҳам, ҳарқалай, құм сув эмас. Шу пайтгача ҳеч кимнинг құмда фарқ бўлганини эшитган эмас.

Белкурак билан бидонлар ташқаридаги девор тағида қатор турарди. Ярим доира қилиб чархланган куракнинг тифи худди чинни парчасидек ялтиради.

У анча вақтгача бутун вужуди билан ишга берилib, тўхтамасдан қазиди. Қум жуда юмшоқ, иш ҳам тез юришиб кетди. Белкуракнинг қумга ҳар бир ботирилиши, унинг ҳар нафас олиши билан баробар борарди. Аммо тез орада унинг қўллари тола бошлади. Назарида аллақачонлардан бери қазиётгандегу, аммо натижаси сезилмаётгандек эди. Фақат тепадаги зич бўлиб қолган құм парчаларигина ўпирлиб туша бошлади. Булар ҳаммаси хаёлида тасаввур қилиб кўрган оддий геометрик схемадан жуда кўп фарқ қиласади.

Ташвишланишига вақт эрта эди, шунинг учун ҳам нафасини ростлаб, мўлжал қилган ҳисобини текшириб кўриш мақсадида чуқурнинг хомаки нусхасини ясаб кўрмоқчи бўлди. Бахтига, керакли материал жуда сероб. У уй бўғоти тагидаги соя бир жойни танлаб, эллик сантиметр чамасида чуқур қазий бошлади. Аммо унинг қиялигини ўзига керак бўлган қияликдай ясай олишга муваффақ бўлмасди. Нари борса, қирқ беш даражадан ошириб бўлмасди... Бамисоли оғзи кенгроқ ховончадек...

Чуқурчанинг тагини қазиб кўрмоқчи бўлган эди, ён бағир бўйлаб құм ёйилиб, юзаси ҳамон боягисича қолаверди. Назарида құм мўътадил бир қиялик даражасига эга эди. Құм зарраларининг вазни билан

қаршилиги мутаносиб шекилли. Борди-ю, шундай бўлса, демак у забт этмоқчи бўлган девор ҳам қиялик бурчагига эга экан.

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас... Ё кўзига шундай кўриняптими, йўқ бундай бўлиши мумкин эмас... Ҳар қанақа қияликка пастдан туриб қаралса, ҳамиша аслидагидан тик бўлиб кўринаверади.

Умуман, бу нарсага балки миқдор масаласи сифатида қараш керакдир?.. Агар миқдорда тавофут бўлар экан, табиийки, босимда ҳам тафовут бўлади. Башарти, босимда тафовут бор экан, бинобарин, вазн билан қаршилик мутаносиби ҳам муқаррар ўзгаради. Бунда қум зарраларининг тузилиши ҳам роль ўйнаса ажаб эмас. Чунончи, қизил тупроқни олиб кўрайлик. Табиий ҳолдаги қизил тупроқ билан қазиб олингандан кейинги қизил тупроқ мутлақо турлича кўламдаги босимга эга бўлади. Бунинг устига намлигини ҳам ҳисобга олиш керак... Шундай қилиб, хомаки нусха мутлақо бошқача қонунларга мансуб бўлиши мумкин.

Аммо, ҳарқалай, тажриба фойдасиз бўлмади. У қиялик бурчагининг ўта мўътадил эканлигини тушуниб олди – шунинг ўзи ҳам чакана самара эмас. Қолаверса, умуман ўта мўътадилликни оддий мўътадилликка айлантириш унча қийин эмас.

Ўта тўйинган эритмани салгина чайқатиб қўйилса, кристаллар барҳам топиб, оддий тўйинган эритмага айланиб қолади.

Бирдан, ёнида аллаким бордек туюлиб, эркак ўтирилиб қаради. Хотин оstonадан у томонга тикилиб турарди. Эркак унинг қачон чиққанини ҳам эшитмай қолибди. Бехабар қолганидан саросимага тушиб гарангсиганча теварак-атрофига аланглай бошлади. Шарқий қиялик лабидан учта калла қараб турганини у шундагина кўриб қолди. Каллалар сочиқ билан танғилган бўлиб, сочиқларнинг учлари юзларини яшириб туарар, эркак шунинг учун ҳам уларнинг ке-

чаги чолларми ё бошқа одамлар эканлигини аниқ биломади. Аммо ўшаларга ўхшатди. У бир лаҳзагина шошиб қолди, аммо дарров үзини қўлга олиб, уларга эътибор бермай, ишини давом эттиришга қарор қилди. Кузатиб турганлари унга ҳатто туртки бўлди.

Тер кўзларига қўйилиб, бурнининг учидан чакиллаб томарди. Терини артишга ҳам вақтини аяб кўзи ни юмиб қазишида давом этаверди. Сира ҳам қўлига дам бериши керак эмас. Агар улар бунинг чаққонлик билан ишлаётганини кўришса, ўзларининг нақадар бефаросат, қабиҳ одам эканликларини пайқашади.

У соатига қараб, ойнасини шимига артди. Иккидан ўн дақиқагина ошган эди, холос. Сўнгги марта соатига қараганида ҳам вақт ҳамон иккидан ўн дақиқа ўтган эди. Шунда унинг ўз тезкорлигига ишончи ҳам йўқолиб қолди. Агар шиллиқ қуртнинг кўзлари билан қаралса, қуёш ҳам бейсбол тўпининг тезлигига юрса керак. У яна белкуракни қўлига олиб, кум деворга ёпишди.

Бирдан пастга қараб қум қуюни отилди. Резина буюм отилгандек аллақандай бўғиқ бир овоз эшитилиб, кўкрагидан нимадир босиб тушди. Нима воқеа юз берганини билиш учун бошини кўтариб, юқорига қаради. Аммо юқори қаёқда эканлигини аниқлаёлади, чунки икки букилганча ўз қусурига беланиб ётар, теварак-атрофини сут ранг гира-шира ёрурлик чулғаган эди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### 11

Жаранг, жаранг, жаранг, жаранг,  
Бу ниманинг садоси?  
Бу қўнгироқ садоси.  
Жаранг, жаранг, жаранг, жаранг,  
Бу ниманинг овози?  
Бу иблицининг овози.

Хотин эшитилар-эшитилмас хиргойи қилмоқда. У яккаш шу бир жумлани такрорлаб, бакнинг тагидаги қуйқани тозаларди.

Ашула тўхтаб қолди. Кейин хотиннинг шоли туяётгани эшитилди. Эркак оҳиста хўрсинади, ёнбошига ағдарилиб сабрсизлик билан, ҳатто муштоқ бўлиб кутади... Ҳозир хотин унинг танасини артиб қўйиш учун тогорада сув қўтариб келса керак. Қум билан тердан териси шу қадар чаقا бўлиб кетганки, яллигланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. У муздек нам сочиқни эслашнинг ўзиданоқ жунжикиб кетди.

Қум босиб қолиб ҳуши кетгандан бери ҳали ўрнидан тургани йўқ. Дастрекни икки кун қарийб ўттиз тўққиз даражали иситма билан ўқчиқ қаттиқ қийнади. Аммо кейин иссиғи қайтиб, иштаҳага кира бошлиди. Афтидан, қум тагида қолиб майиб бўлганидан эмас, қуёш тифида сурункасига узоқ ишлаб ўрганмаганидан шундай бўлган бўлса керак. Хуллас, унчалик хавфли эмас.

Балки шунинг учун ҳам тез тузалиб кетаётгандир. Тўртингчи кунга борганда оёғи билан белидаги оғриқ деярли сезилмай қолди. Бешинчи куни, бир оз мадорсизлигини айтмаганда, тузалиб қолди ҳисоб. Аммо у ётган жойидан турмай, ўзини оғир касалга солиб ётаверди. Бунинг ўз сабаблари бор эди, албатта. Яъни қочиши фикридан батамом воз кечмаган эди.

– Уйғондингизми? – деди хотин тортинибгина.

Эркак хотиннинг чолворларидан ҳам билиниб турган тиқмачоқ тиззаларига киприклари орасидан қараганича минғиллаб, ингроқ билан жавоб берди. Хотин сочиқни пачоқ жомга аста-секин сиқа туриб сүради:

– Аҳволингиз қалай?

– Бир нави...

– Елкангизни артамизми?..

Эркак ўзини итоаткорлик билан хотиннинг ихтиёрига топширди, bemорлигидан фойдаланиб эмас, бир чеккаси унга бу анча-мунча хуш ёқар эди ҳам... Эсида, у безгак тутиб турган бир боланинг, муздаккина зарқоғозга ўраётгандарини туш кўргани ҳақида ёзган шеърини ўқиган эди. Тер билан қум тўсиб димиқиб қолган эти салқин тегиб, аста-секин ором ола бошлади. Жонланган эти орқали вужудига кирган хотиннинг ҳиди уни сал-пал ҳаяжонлантирди ҳам...

Ҳарқалай, ҳали ҳам хотинни батамом кечиргани йўқ. У гап бошқа, бу гап бошқа – тамоман бошқа-бошқа нарсалар, уларни бир-бирига аралаштиришнинг ҳожати йўқ. Уч кунлик рухсат муддати аллақачон тамом бўлди. Энди шошилишнинг унча ҳожати ҳам йўқ. Дастлабки тепалик тагини қазиб, қум ён бағрини қия қилиш режаси барбод бўлишига сабаб, унга етарли даражада тайёргарлик кўрмаганлиги эди. Кутимаган сабаблар юз бермаганда, уни офтоб урмаганда, ҳаммасини бинойидек амалга оширган бўларди. Рост, қум қазиш у тахмин қилганидан кўра анча сермашаққат меҳнат экан, энди ҳаммаси унинг ўзига, анчагина қулай бир йўл топа олиш-олмаслиги-га боғлиқ. Ўзини касалга солиб ётиб, ҳийла ишлатиш фикри ҳам миясига шунда келган эди.

Кўзини очиб ҳамон ўша жойда, хотиннинг уйида ётганини кўяркан, ғазаби қўзиб кетди. Қишлоқдаги анави нусхалар ундан ҳатто ҳол-аҳвол ҳам сўрай демайдилар. Очик-ойдин кўриниб турибдики, унинг

касалы хатарлы әмаслигини пайқаб, врач чақиришмаган. Ўз навбатида у бундан фойдаланиб, ўшаларни роса тавбасига таянтиради. Кечалари эса хотин ишләётганды, роса үйқуни уради. Кундузи, хотин дам олиши керак бўлганда эса ўзини оғриқ азоб берәётганга солиб уни ухлатмайди.

– Оғрияптими?

– Ҳа, оғрияпти... Умуртқамнинг аллақаери шикастланганга ўхшайди...

– Силаб кўрсакмикан?

– Ўлақолсам ҳам кўнмайман! Билар-бilmас одамга ишониб бўлармиди? Бунақада майиб бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Ахир ҳароммагиз – ҳаёт йўли-я. Бирданига ўлиб қолсам-чи? Унда ҳаммаларингизга ёмон бўлади-ку! Врач чақиринглар, врач! Оғрияпти... Оғрифига тоқат қилиб бўлмайди. Имилласанглар, фурсат кетади!

Хотин бунақа ташвишга узоқ вақт бардош беролмай, ҳолдан тояди. Натижада, ишлашга чофи келмай, уй хавфли аҳволда қолади. Бу эса қишлоқ учун ҳам ҳазилакам гап эмас. Қўшимча ишчи кучи орттириш ўрнига лақмалик қилиб ўзларига ўзлари дардисар орттириб оладилар. Агар ундан ҳозироқ қутулишмаса, кейинги пушаймоннинг фойдаси бўлмайди.

Аммо бу режа ҳам у тахмин қилганидек осонлик билан амалга оша қолмади. Бу ернинг кечалари кундузига қараганда анча гала-ғовурроқ бўларкан. Девор орқали белкуракнинг жаранглаши... хотиннинг ҳарсиллаб нафас олиши... қум солинглан давлатни тортиб олаётган эркакларнинг қичқириқдари эшитилиб туради. Қолаверса, шамол ҳам узоқдан пикагнинг тарақ-туруғи билан итларнинг вовуллашини олиб келади... Ухламайман деб қанча ҳаракат қилмасин, ҳеч бир иложи бўлмас – асаблари фоят қақшаб кўзинн юма олмасди.

Кечаси ухломаганидан кундуз куни ухлаб олишга тўғри келарди. Энг ёмони, тобора тоқати тугаб бормоқда эди: борди-ю, ҳатто бу режам ҳам барбод

бўлса, қочиши учун яна бир қанча йўллар топилади албатта, деб ўзини ўзи юпатарди. Тузоққа тушганига мана, бир ҳафта бўлди. Қидириш ҳақида ариза беришларига фурсат етди. Дастраси уч кун унинг қонуний отпускаси эди. Ундан бу ёғига айтмай-нетмай бормай юрибди. Ҳар нарсага қизиқувчи ҳамкарабалари шундай фактдан индамай кўз юмиб қўя қолишлари амри маҳодир. Шу оқшомлардан бирида битта-яримта холис ниятилиси унинг уйига бош суқиб кўргандир. Жазирама туш қизигидан сўнг дим бўлиб кетган хона ивирсиган – эгаси йўқлиги шундай билиниб тургандир. Келган одам шу ковакдан бош олиб чиқиб кетган баҳтли одамга беихтиёр ҳасад қиласа ҳам ажаб эмас. Эртасига эса таҳқирлаб роса фийбат қилишгандир, уни ерга қоришириб, қошлирини чимириб, бармоқларини маънодор ўйнаётганча ивир-шивир қилишгандир. Мутлақо ўринли... Бу тарзда отпускага чиқиб кетаётганинг оқибати шундай бўлиши мумкинлигини у ўша вақтдаёқ қалбининг чуқур бир жойида ҳис қилган эди. Таажжуబланадиган ери йўқ. Ўқитувчилар доимо ўзларига хос алоҳида бир ҳаёт кечирадиларки, бошқалар бунга ҳасад билан қарайдилар. Йил сайин уларнинг олдидан ўқувчилар худди дарё сувларига ўхшаб оқиб ўтиб кетадилар, ўқитувчилар эса худди чуқурликка кўмиб қўйилган тошлардек шу оқимнинг тагида қолаверишга мажбуллар. Улар орзу-умид ҳақида бошқаларга гапирадилару, ўз орзу-умидларини эса ҳатто тушларида ҳам кўролмайдилар. Улар ўзларини кераксиз қақир-қуқур деб ё мазоҳик ёлғизликка<sup>1</sup> гирифтор бўладилар, ёки пурист<sup>2</sup> бўлиб қоладилар, бошқаларга гумон билан қараб, бачканаликда айблайдилар. Ҳар қандай эркин ҳаракатни кўтарга кўзлари бўлмай қолади.

<sup>1</sup> Мазоҳик ёлғизлик – аёл кишини қийнаб, ўз нафсини қондириш.

<sup>2</sup> Пурист – пуританство, яъни хулқ-ахлоқни покиза тутишга, унга қатъий риоя қилишга юзаки уринувчи шахс.

...Балки бахтсиз ҳодисадир?.. Йўқ, агар бу бахтсиз ҳодиса бўлганида қандайдир йўл билан хабар беришган бўларди... Балки ўз-ўзига суюқасддир?.. Аммо бу тақдирда ҳам албатта полиция билган бўларди!.. Бу ақди кўтоҳ йигитнинг мақтовини ошириб юбориш керак эмас!.. Ҳа, ҳа, у ўз ихтиёри билан бедарак йўқолиб кетган, бу ишга аралашиб ўтиришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ... Ахир бир ҳафта бўлиб қолди-я... Бу қандай одам ўзи, кишиларнинг ўз ташвиши етмасмиди? Диlidаги муддаосини билиб кўр-чи...

Астойдил ачинишмаса ҳам керак. Бирорта сирга қизиқсалару билолмасалар, худди вақтида узиб олинмай пишиб ўтиб кетган хурмонинг ўзи деяверинг. Шундан сўнгги воқеалар бундай ривожланади. Бош ўқитувчи қидириш ҳақидаги аризанинг мазмунини билиб олиш учун полицияга боради. Унинг кўриниши тунд бўлса ҳам қувончини ичига сифдиролмайди. «Фамилияси билан исми: Ники Дзюмпэй. Ёши: ўттиз бирда. Бўйи: бир м эллик саккиз см. Офирилиги: эллик тўрт кг. Сочи: сийрак, орқасига тараф қўйилган, бриолин ишлатмайди. Кўриш қуввати: ўнг кўзи 0,8, чап кўзи – 1,0. Териси қора мағиз. Белгилари: юзи чўзинчоқ. Филайроқ. Бурни калта. Энгаги чор қирра, чап қулогининг тагида каттагина холи бор, бошқа кўзга ташланадиган белгилари йўқ. Қон гуруҳи: АВ. Сал дудукланиб, хирқираб гапиради. Сердиққат, ўжар, аммо одамлар билан муомала қилишни билмайди, деб бўлмайди. Кийими: афтидан, эгнида энтомологик ишлар вақтида кийиладиган либос бўлса керак. Юқоридаги ён томондан тушган сурати бундан иккимой мұқаддам олинган».

Модомики, қишлоқ аҳолиси бу бемаъни авантюрани қатъият билан давом эттираётган экан, зарур эҳтиёт чораларини кўриб қўйган албатта. Қишлоқдаги бир-иккита полициячини лақиллатиш ҳам жўн бир иш. Улар, шубҳасиз, полициячиларнинг қишлоққа ҳуда-бехудага келавермасликлари учун ҳам тадбир

кўриб қўйишиган бўлса керак. Аммо тутун буруқсит-ганга ўхшаган бу тўсиқ парда унинг саломатлигига ва қум қазий олишга лаёқати бўлган бир пайтдаги-на керак ва мақсадга мувофиқ бўларди. Бир ҳафта-дан бери тўшакдан бошини кўтаролмай ётган бемор одамни яширишлари қалтис ва тутуриқсиз бир иш. Агар улар, буни бошимизга урамизми, деб ўйлашса, энг яхшиси ҳар хил мушкул мاشаққатлар юз бер-масдан туриб, тезроқ, қутулишлари керак. Ҳозир ҳам бирорта ақл ишонса бўладиган баҳона ўйлаб топиш мумкин. Чунончи, бу одамнинг ўзи чуқурга йиқилиб тушди, мияси лат еганидан кўзига алланима нарса-лар кўриниб, фалати бўляпти, дейиш ҳам мумкин. Одамлар ҳам унинг, мени ҳийла билан чуқурга қамаб қўйишиди, дейдиган мутлақо ақл бовар қилмайдиган даъвосидан кўра, бу гапга тезроқ ишонишади.

Сигир маъради – унинг бўғзига гўё мис карнай тиқиб қўйилгандек эди. Аллақаерда хўroz қичқирди. Қум ўрада на масофани-ю ва на бирор томонни билиб бўлади. Фақат у ёқда, ташқарида, одатдаги, таомилдаги ҳаёт ҳукм суради, йўл бўйида болалар синф-синф ўйнайдилар, вақти билан тонг ҳам ота-ди, унинг ранги қайнаётган гуруч ҳиди билан омухта бўлиб кетади.

Хотин унинг баданини ҳафсала билан, ҳатто фо-ятда зўр ҳафсала билан ишқалаб артарди. Ишқалаб артгач, нам сочиқни суви қолмагунча бураб сиқди, у худди ёғочдек қаттиқ бўлиб қолди, ана шу сочиқ билан худди буғ босган ойнага сайқал бераётгандек ях-шилаб артди. Уйғониб келаётган тонг садолари ва бу бир маромдаги ишқашдан уни уйқу элита бошлади.

– Ҳа, айтмоқчи... – Бирор худди ичидан оташкуюрак билан тортиб чиқаргандек бошланган эснофини аранг босди. – Иложи йўқмикан... Анчадан бери газе-та ўқигим келяпти. Бунинг ҳеч бир иложи йўқмикан?

– Дуруст, мен кейинроқ сўраб кўрарман.

Эркак дарҳол пайқади: хотин ўзининг самимиятини кўрсатмоқчи. Тортинчоқ, журъатсиз овозида эркакка озор етказмасликка тиришаётгани шундай сезилиб турарди. Бу унинг ғазабини баттарроқ қўзишиб юборди. «Сўраб қўрарман»?! Демак, у рухсатсиз газета ҳам ўқиёлмас экан-да?.. Тўнфиллаганича хотиннинг қўлини силтаб ташлади. Тоғорани ичидаги сув-пуви билан ағдариб юборишга ҳам тайёр эди.

Бироқ шу аҳволда экан, унча тўполон кўтариши ҳам ярамайди, чунки ҳамма режалари барбод бўлиши мумкин. Ахир оғир касал одамнинг аллақаёқдаги арзимаган бир газета учун шунчалик жигибийрон бўлиши мумкин эмас-ку. У газетани кўздан кечирмоқчигина, холос. Агар унда манзаралар бўлмаса, суратларини кўради – ахир бу одамларга одат бўлиб қолган-ку. У аллақайси китобда ҳам ўқиган эди, манзара чизиш санъати қашшоқ табиатли жойларда ривожланган бўлиб, газеталар эса, одамларнинг бир-бирлари билан алоқалари сусайган саноат районларида кўпроқ тараққий топган экан. Ундан ташқари, дараксиз йўқолган одам тўғрисидаги эълонни ҳам учратиб қолар. Омади келиб, газетанинг ижтимоий масалаларга бағишлиланган саҳифасининг бир бурчагида ўзининг дараксиз кетгани ҳақидағи мақолани учратиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу қишлоқилар бундай мақола босилган газетани унинг қўлига тутқазишлари амри маҳол албатта. Ҳозир энг муҳими – сабр-тоқат.

Ўзини касалга солиб ётиш хуш ёқадиган иш эмас албатта. Бу кафtingда отилиб чиқиб кетай деяётган пружинани чанглаб туришнинг худди ўзи деган сўз. Бунга кўп бардош беролмайсан. Ҳамма нарсанн ўз маромига ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди. Анави нусхаларни, унинг бу ерда туриши ўзлари учун нечоғлиқ ташвиш эканлигини тушуниб олишларига мажбур қилиши керак. Шу бугун қандай қилиб бўлса ҳамки, хотинга сира кўз юмдирмаслиги керак!

(Ухлама... Ухлашинг мумкин эмас!)  
Эркак тўлғаниб, инграб қўйди.

## 12

У хотин тутиб турган соявон тагида ўтириб олиб денгиз ўланлари, сабзавот солинган қуюқ хўрдани оғзи куйиб апир-шапир ичади. Товоқ тагида қум қуйқаси қолади.

Аммо шу ерда унинг хотиралари узилиб, ундан у ёғи аллақандай сердиққат хаёлотларда фарқ бўлади. Тушида чатнаган эски жўка-чўпга миниб олиб, галати нотаниш кўчаларда юрганмиш. У жўка-чўпда маза қилиб худди елканда елгандек елармиш, сал хаёли қочса ерга тушиб кетай дермиш. Яқиндан кўча фишт ранг бўлиб кўринармишу, нарироқقا бориб хира яшил рангга айланиб, кўздан фойиб бўлармиш. Бу ранглар омухтасида аллақандай ташвиш туғдирувчи бир нарса бор эмиш. Ниҳоят, у казармани эслатадиган узун бир ёғоч иморатга учиб борганмиш. У ердан паст атир совуннинг ҳиди келармиш. Тушиб кетаётган шимини кўтарганча у зинапоядан бўш хонага кириб борганмиш. Унда фақат биргине узун стол турганмиш. Стол атрофида аллақандай ўйин билан машғул ўн чоғли эркак ва аёл ўтирганмиш. Ўртадаги одам қарта сузаётганмиш. Сузиб бўлиб, бирдан охирги қартани бунга берганмиш-да, нимадир деб қаттиқ қичқириб юборганмиш. У қартани беихтиёр қўлига олиб қараса, қарта эмас, хат эмиш. Ушлаб кўрса, қандайдир юмшоқ эмиш, хатни қўли билан қаттиқроқ сиқса, ундан тирқираб қон отилиб кетганмиш. Эркак бақирганча уйғониб кетди.

Қандайдир кир парда қарашига йўл қўймасди. Қимиrlаган эди, қуруқ қофознинг шитирлагани эши-тилди. Юзига газета ёпиб қўйилган экан. Жин урсин, яна ухлаб қолибди-да!.. Газетани четга суриб қўйди. Ундан шувиллаганича қум қуйилди. Кумнинг микдо-

рига қараганда анча вақт ўтганга ўхшайды. Девор тирқишидан тушаётган қүёш шуъласининг йўналиши вақт тушга яқинлашиб қолганини кўрсатиб турибди. Ҳа, майли, аммо бу ниманинг ҳиди бўлди? Босмахона бўёғининг ҳиди келиб турибди-ку!.. Бундай бўлиши сира мумкин эмас, деб ўйлади у ва газетанинг қайси куни чиққанлигига қаради. Ўн олтинчида, чоршанба куни чиққан экан... Ахир шу бугунги газета-ку! Ишонгиси келмасди-ю, аммо ҳақиқат кўз ўнгига турар эди. Демак, хотин унинг илтимосини ерда қолдирмабди-да!

Эркак тердан жиққа хўл бўлган тўшагига тирсаги билан суюнганча ярим кўтарилди. Бирдан миясида турли-туман фикрлар фужрон ўйнай бошлади. У машиққат билан қўлга киритилган газетани ўқтин-ўқтин алаҳисиб наридан-бери кўздан кечира бошлади.

«Япон-Америка бирлашган комитетининг кун тартибига қўшимча киритилди...»

... Бу хотин газетани қандай топиб келди экан?.. Ё анавилар бунга нисбатан ҳарқалай бурчли эканликларини сезишдимикан? Афтидан, одатдагидек ташқи дунё билан бўлган алоқа нонуштадан сўнг таққа тўхтайди. Шу нарсанинг иккисидан бири муқаррар: ё хотин эркакка номаълум бўлган бир восита туфайли ташқи дунё билан алоқа қилиб туради, ёинки бу ердан ўзи чиқиб бориб газета сотиб олиб келган.

«Транспортдаги турғунликка қарши муҳим тадбирлар кўрайлик!»

Хўп, яхши... Хотин юқорига чиқиб келди, ҳам десин... Буни арқон нарвонсиз амалга ошириб бўлмайди-ку. Унинг бунга қандай муваффақ бўлганини билмайди-ю, аммо бир нарса равшан – хотин арқон нарвондан фойдаланган... Хўп, борди-ю, шундай экан... Унинг фикри жадал ишга тушиб кетди. Яккаш қочиб кетишни ўйладиган банди – бу ўз йўлига. Аммо қишлоқда яшайдиган хотин ўзини чуқурдан бемалол чиқиб юришдан маҳрум қилиб қўйишларига кўниши

мумкин эмас... Нарвонни олиб қўйишларидан мурод – эркакни бу ерга қамаб қўйиш учун кўрилган вақтингча чорадан бошқа нарса эмас... Бинобарин, уларни чалғитишда давом этса, эртами-кечми унинг ўзи ҳам бундай имкониятга эга бўлади.

«Нўш пиёзда – атом радиацияси оқибатларини шифолашда иш берадиган фойдалар моддалар бор».

Афтидан, ўзини касалга солиб ётиш стратегияси га кутилмаган баҳоналар келиб қўшилди шекилли. Қадимги донишманлар жуда тўғри айтишган экан: агар омад ухлаётган бўлса, сабр қил. Аммо нима учундир бунга сира ҳам кўнгли чопмас эди. Кўнгли негадир безовта эди. Бу ўша даҳшатли, қандайдир ёқимсиз, фалати туши туфайли эмасмикан?.. Хавфли кўринган – нима учун хавфли эканлигини ўзи ҳам пайқай олмаётган хат ҳақидаги йийи тинчлик бермасди. Бу тушни нимага йўйса бўлар экан?

Оддий бир тушдан бу қадар ташвишланавериш ярамайди. Нима бўлса ҳам бошланган ишни охирига етказиш керак.

Хотин ўчиқ яқинида бошини нимдошгина кимоно билан ўраб, тиззаларини қучоқлаганча гужанак бўлиб одатдагидек беозор, пиш-пиш ухлаб ётарди. Ўша кундан бери хотин унга бирор марта ҳам яланғоч кўринмади, лекин ҳозир бошқа кимоносини яланғоч этига кийиб олган бўлса керак.

Эркак ижтимоий масалаларга бағишлиланган саҳифани, маҳаллий ҳаётга бағишлиланган устунни наридан-бери кўздан кечирди. Афсуски, ўзининг фойиб бўлгани ҳақидаги мақолани ҳам бошқа бирор одамнинг бедарак йўқолиб кетгани ҳақидаги эълонни ҳам учратолмади, албатта. Оҳиста туриб, ерга тушди. Устида сунъий шоҳидан тикилган узун иштондан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ҳарқалай, шундай бўлгани дуруст эди. Кум резинка сиқиб турган жойга йифилиб қолиб, роса ачиштиарди.

У остоңада турғанча юқорига, құм деворға қаради. Күзига шуъла тушиб, худди теварак-атрофини сарғыш алғанга чулғаб олғандек бўлди. Зоғ йўқ. Нарвон ҳам йўқ, албатта. Таажжубланмаса ҳам бўлади. Фақат кўриб қаноат ҳосил қиласи келарди. Нарвон туширганлар деса, бунинг ҳеч қандай белгиси ҳам йўқ. Бундай шамолда, рост, беш дақиқа ўтар-ўтмас ҳар қандай из ҳам йўқ бўлиб кетади. Эшикдан чиқаверишдаги қумнинг сиртқи қатлами тўхтовсиз шувиллаб оқа бошлади – гўё кимдир қумнинг пўстини сидириб олаётгандек эди.

У уйга қайтиб кириб ётди. Пашиша учиб юради. Кичкина қўнғир дрозофилла пашиаси. Аллақаерда нимадир чириётган бўлса керак. Бош томонидаги полиэтиленга ўраб қўйилган чеълакчадаги сув билан томогини чайқаб, хотинни чақирди:

– Менга қаранг, турсангиз бўлармиди...

Хотин бир сесканиб ўрнидан сапчиб турди. Халати сирғалиб тушиб, кўкси кўриниб қолди. Сал осилган, аммо ҳали тиқмачоқдек кўкрагида кўкиш томирлар кўриниб турарди. Хотин бўшашган қўллари билан шоша-пиша халатини ўнглаб олди. Ҳали ҳам уйқуси ўчмаганидан кўзларини бир очиб, бир юмарди.

Эркак иккиланиб қолди. У хотиндан тўғридан-тўғри зарда билан нарвонни суриштириши керакми... ёинки газета учун миннатдорчилик билдириб, айни бир пайтда осойишта, хушмуомала бўлиш керакми? Модомики у хотиннинг уйқусини бузган экан, демак, ўзини ҳамлакор тарзда тутиши керак. Ўчакишишга баҳона тўлиб ётибди. Аммо бу билан ўзини оғир касалликка солишдек асосий мақсадидан жуда ҳам четта чиқиб кетиши мумкин. Бундай хатти-ҳаракатни умуртқаси шикастланган одамнинг хатти-ҳаракатига ўхшатиб бўлмайди. Унинг учун энг зарур нарса – уларни, буни мутлақо ишчи кучи сифатида фойдалана олишимиз мумкин эмас экан, деган қатъий фикрга келтириб, ҳар қандай йўллар билан

чалғитиши керак; жуда раҳмлари келиб кетибди шекилли, ҳатто унга газета беришди, энди бундан буён келишиб олиш керак. Аммо унинг барча ширин хаёлари бирдан пучга чиқди.

– Йўқ, мен ҳеч қаёққа чиққаним йўқ. Артелимизда гилардан биттаси, анчадан бери, ёғочнинг чиришига қарши ишлатиладиган дори олиб келиб бераман, деб юрган эди, келиб қолди. Мен ўшандан илтимос қилдим... Қишлоғимизда тўрт-бештагина хонадон газета олиб туради... Атайлаб шаҳарга тушиб олиб чиқди.

Бундай тасодиф мутлақо табиий. Аммо бу унинг қулфига калит топилмайдиган қафасга қамаб қўйилганлигини билдирамасмикан? Модомики, бу тариқа асоратга маҳаллий аҳоли ҳам кўникиб кетган бўлса, бу қум деворларнинг тиккалиги ҳазилакам эмас. Эркакни умидсизлик чулради, аммо у ўзини қўлга олди.

– Шунақами ҳали?.. Менга қаранг... Сиз шу уйнинг эгасисиз, а? Тўғрими?.. Аллақаёқдаги эрксиз ит эмассиз-ку... Бу ердан хоҳлаган вақтингизда чиқиб, хоҳлаган вақтингизда қайтиб келишингиз учун ихтиёрингиз ўзингизда бўлиши керак-ку, ахир! Ё ҳамқишлоқларингиз олдида юзингиз шувут бўладиган иш қилиб қўйганмисиз?

Хотиннинг уйкули кўзлари таажжубдан бақрайиб қолди. Қизишиб кетгандек уларга қон тўлди, эркакнинг назарида ҳатто хона ёришиб кетгандек бўлди.

– Вой, нима деяпсиз! Нега юзим шувут бўларкан? Қўйсангиз-чи!

– Яхши, унда бунчалик қўрқоқ бўлишингизнинг ҳожати йўқ-ку!

– Бу ердан чиқиб, юқорида қиласидиган ишим ҳам йўқ!

– Сайр қилиб келасиз!

– Сайр қилиб келасиз?..

– Ҳа, сайр қилиб келасиз... У ёқ бу ёққа юрсангиз, бу ҳам фойдали. Ахир мен бу ерга келгунимча, хоҳдаган вақтингизда bemalol чиқиб тушиб юрган бўлсангиз керак?

– Ҳадеб беҳуда юраверса, одам оёқдан қолади...

– Мен ҳазиллашаётганим йўқ! Бундай, танангизга ўйланг. Тушунсангиз-чи. Узоқ вақт қамаб қўйса, ҳатто ит ҳам жинни бўлиб қолади.

– Мен сайр қиласдим! – бўғиқ овоз билан қичқирди хотин. – Рост, қанча хоҳласам шунча сайр қилишинга йўл қўйишарди... То шу ерга тушгунимгача... Қўлимдаги болам билан узоқ-узоқ сайр қилиб юардим... Ҳатто бу сайрлардан тинкаларим қуриб кетди...

Эркак бундай жавобни кутмаган эди. Жуда галати бир тарзда гаплашяпти-я. Ҳали гапига жавоб беромай ҳам қолмай тағин.

Ҳа, тўғри... бундан ўн йилча муқаддам, вайрон-валингорлик даврида ҳамма ҳам, ҳеч қаёққа бормасам, деб орзу қиласдим. Озодликни улар шундай тасаввур қилишарди. Ҳозир улар ўша озодликдан тўйганлар деб айтиш мумкинми?.. Балки, ҳақиқатан ҳам шу хаёлий озодлик кетидан юра-юра тинка-мадоринг қуриганилиги туфайли шу қумлар ўлкаси сени ўзига жалб этгандир... Қум... 1/8 мм нинг поёнсиз ҳаракати... Бу негатив плёнкадаги астари афдарилган автопортрет бўлиб, ҳеч қаёққа чиқмай озод яшаш ҳақида ривоят қиласди. Ҳатто узундан-узоқ сайр қилишга тайёр ёш бола ҳам адашиб қолса йифлайди-ку.

Хотин гап оҳангини бирдан кескин ўзгартириди:

– Аҳволингиз қалай? Тузалиб қолдингизми?

Нега ҳайвонга ўхшаб бақраяди-я! Эркакнинг жини қўзиди. Сени исканжага олиб бўлса ҳам, тав-бангга таянтириб ҳаммасига ўзинг айбдор эканлигингга иқрор қилдирмай қўймайман! Шуни ўйлар экан, этлари жимирилашиб кетди, ҳаттоки, худди теридан қотиб қолган елимни кўчираётгандарида бўладиган ҳолатга тушди. Эти «исканжа» сўзини эслаганда туғиладиган ҳисни кечираётгандек эди. Бирдан хотин сояга айланди. Йигирма яшар эркакни ҳаёл қитиқлайди. Қирқ яшар эркакни эт қитиқлайди. Ўттиз яшар эркак учун эса энг хавфли нарса – хотин

кишининг сояга айланишидир... У сояни худди ўзини қучоқлагандек бемалол қучоқлаш мумкин.. Аммо хотиннинг орқасида сон-саноқсиз кўзлар бор... У шу нигоҳдар ипидан тортиб ўйнатадиган бир қўғирчоқ, холос... Уни қучоқладингми, бурнингга ип тақиб ўйнатишлари мумкин. Унда умуртқам шикастланди, деган ёлғонинг бир зумдаёқ ошкора бўлади қолади. Ахир у шундай бир жойда ўзининг ўтмиш ҳаётидан бутунлай кечиб юбориши мумкинми ахир!

Хотин ёнбоши билан унга яқинроқ сурилиб ўтириди. Унинг тиқмачоқ тиззалари эркакнинг сонига тақалди. Оғзи, бурни, қулоқлари, қўлтиқлари, аъзойи баданидан анқиётган бадбўй сув ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетди. Оловдек қайноқ бармоқлари эркакнинг умуртқаси бўйлаб юқоридан пастга, пастдан юқорига журъат ва қатъиятсиз юра бошлади.

Бирдан бармоқлари эркакнинг биқинига тегди. Эркак қийқириб юборди:

– Қитифим келяпти!

Хотин ҳам кулди-да, журъатсизлик билан енгилгина ўйнаша бошлади. Бу ғоят кутилмаган нарса қаршисида эркак ўзини қандай тутишини билмай қолди. Хотиннинг муддаоси нима экан?.. Жўрттага шундай қиляптими ё бармоқлари тойиб кетдими? Ҳозиргина уйқусини ўчириш учун кўзини пир-пир учираётган эди... Аммо дастлабки куни олдидан ўтиб кетаётиб ёнбошига туртганида ҳам худди шунаقا ғалати кулган эди... Балки у ўзининг хатти-ҳаракатларига алоҳида бир маъно бераётгандир? Эҳтимолки, кўнглининг аллақаери эркакнинг касал эканлигига ишонгиси келмай, синаш учун шундай қилаётгандир... Ажаб эмас... огоҳ бўлиши керак... Унинг бу қилифи энг оддий бир тузоқ, бамисоли, ҳашаротларни еб қун кўрадиган йиртқич ўсимликларнинг бол атрига ўхшаган нарса. Дастлаб хотин уни зўравонлик қилишга мажбур қиласди-да, сўнг жанжал чиқаради, ана ундан кейин шўрлик эркак қўл-оёғи билан фирибнинг домига илинади қолади.

Эркак ҳўл бўлиб, мумдек эрий бошлади. Аъзойи баданидан тер қуярди. Соати тўхтаб қолган, вақт қанча бўлганини аниқ билмасди. Ҳозир у ёқда, тепада куппа-кундуздиру, йигирма метрлик чуқурнинг тагида аллақачон қоронги тушиб бўлган.

Хотин донг қотиб ухлаб ётарди. Унинг қўл ва оёқлари асабий титраб-титраб қўяди – ниманидир туш кўраётган бўлса керак. Эркак унинг уйқусини бузмоқчи ҳам бўлди, аммо фойдаси йўқ, чунки хотин уйқуга қонган бўлса керак.

Эркак ўрнидан туриб, танасини елга тутди. Ухлаётганида ағдарилган бўлса керак, юзига тутиб қўйилган сочиқ тушиб кетган шекилли, чунки қулоқларининг орқаларига, бурнининг атрофига, оғзининг четларига қиртишлайдиган даражада бир дунё қум ёпишиб қолибди. У кўзларига дори томизиб, сочиқнинг учини ёпди. Буни бир неча марта такрорлагачгина, кўзини бемалол оча одди. Яна икки-уч кундан кейин кўз дори ҳам тугайди. Ҳатто шунинг ўзи учун ҳам ишлар, қандай йўл билан бўлмасин, бир ёқлик бўлишини истарди. Танаси шу қадар зил-замбилки, худди темир совут-жавшон кийиб, магнит устида ётгандек. У зўр бериб тикилар, аммо эшикдан тушиб турган хира ёруғда газетадаги иероглифлар ўлик пашшаларнинг тарвақайлаган оёқларига ўхшарди.

Кундуз куниёқ хотиндан астойдил газета ўқиб беришини талаб қиласа бўларкан. Бу уни уйқудан қолдирарди. Бир ўқ билан икки қуённи урган бўларди. Аммо афсуски, ўзи хотиндан олдин ухлаб қолди. Қанча тиришмасин, ишни бузиб қўйди.

Мана энди тағин уйқусизликдан тоқатсизланади. У ичида юзни тескарисига санаб кўрмоқчи бўлди. Мактаб билан уй орасидаги йўлдан хаёлан қадам-бақадам юриб кўрмоқчи бўлди. Ўзига маълум ҳашаротларни муайян тартибда номма-ном атаб,

уларни турлар ва тоифаларга тақсимлаб кўрмоқчи бўлди. Аммо бу хатти-ҳаракатларининг ҳаммаси беҳуда эканлигига қаноат ҳосил қилгач, ундан баттарроқ асабийлаша бошлади. Чуқур лабида ўйнаётган шамол бўғиқ увиллайди... Нам қумни палахса-палахса қилиб кўчираётган белкурак жаранглайди... Йироқларда итлар вовиллайди... Шам алангасидек лишиллаётган фира-шира овозлар эшитилади... Узлуксиз қуюлаётган қум асабларини худди жилвир қофоз ишқагандек қақшатади. У шуларнинг ҳаммасига бардош бериши керак.

Майли, бир амаллаб бардош қиласди. Аммо сарин мовий нурлар чуқур лабидан пастга қараб ёйилганда аксинча бўлиб кетди – худди булат сувни шимгандагидек вужудини чулгаётган уйқуга қарши кураш бошланди. Ана шу сурункасига айланниб келаётган иллатли давра бирор жойдан узиб юборилмаса, фалокат босиб, қум зарралари соатнигина эмас, вақтни ҳам тўхтатиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Газетадаги мақолалар ҳам ўша-ўша эди. Унда ҳатто орадан, ҳарқалай, бир ҳафта вақт ўтганини билдириб турадиган бирор белги ҳам йўқ. Агар бу ташки дунёга қараган дераза бўлса, ойналари ниҳоятда хира эди.

«Солиқлар муносабати билан порахўрлик хусусий ширкатлардан шаҳар маъмуриятларига ҳам ёйилди»... «Университет шаҳарларини индустрия Маккасига айлантирайлик»... «Корхоналар кетма-кет ишдан тўхтамоқда. Касаба уюшмалари бош кенгашининг мажлиси яқинлашмоқда; ўз фикрини эълон қиласди...» «Она икки боласини ўлдириб, ўзини ҳам заҳарлаган»... «Автомобиль ўфирилашнинг авж олиши – ҳаётнинг янгича бир йўриғими ёки жиноятнинг янгича турими?».. «Номаълум бир қиз уч йилдан бўён полиция будкасига гул олиб келади»... «Токио олимпия бюджетининг қийинчиликлари»... «Арвоҳ бутун ҳам иккита қизни сўйиб кетган»... «Талабалар таряқ

билин саломатликларига путур етказмоқдалар»... «Акцияларнинг курси пасайиб кетди»... «Машхур тенор Блю Жексон Японияга келади»... «Жанубий Африка Иттифоқида яна галаёнлар бўлмоқда; ҳаммаси бўлиб икки юз саксон киши ўлган ва яраланган»... «Текинга ўқитадиган ўғрилар мактаби; хотинлардан ҳам қабул қиласиди; имтиҳондан муваффақиятли ўтган тақдирдагина – мактабни тутгатиб чиққанлиги тўғрисида шаҳодатнома берилади».

Ўқишига арзийдиган бирорта ҳам мақола йўқ. Хаёлий гиштлардан қурилган хаёлий минора. Зотан, дунёда арзийдиган нарсаларгина мавжуд бўлса, воқеалик тақилиш хавфли бўлган мўрт, омонат шиша буюмга айланаб қолган бўларди. Аммо ҳаёт ҳам бамисоли газетадаги мақолаларнинг ўзи. Шунинг учун ҳам ҳар ким ҳаётнинг бемаънилигини тушуниб, компас марказини ўз уйига ўрнатади.

Бирдан кўзи танг қоларли бир мақолага тушиб қолди.

«Ёкокава кўчасидаги ўттизинчи турар жой қурилишида ўн тўртинчи куни соат саккизга яқин Хинохара ширкатида ишлайдиган экскаваторчи Тосиро Цутому (йигирма саккиз ёшда) қум босиб қолиб, қаттиқ шикастланган. У яқин орадаги касалхонага олиб кетилган, аммо тез орада ўлган. Ёкокава полициясининг ўтказган текширишига биноан баҳтсиз ҳодиса, афтидан, у ўн метрлик баландликдаги қум тепани қўпораётib пастдан жуда кўп қум қазиб қўйганлигидан юз берган бўлиши керак».

Тушунарли. Юқоридагилар унга бу мақолани жўрттага тутқазишган. Беҳудага унинг илтимосини адо эта қолишмас. Хайриятки, мақоланинг атрофи ни қизил сиёҳ билан ўраб қўйишмабди. Жанжалкашларни Қора Жек билан қўрқитишгандир-да... Кўн халтачани қум билан тўлатишади – бу нарсанинг зарби темир ёки қўрошин калтакнинг зарбидан сиражам қолишмайди... Қум ҳам оқади, деб қанчалик га-

пирмасинлар, аммо унинг сувдан фарқи бор... Сувда сузиш мумкин, қум эса одамни кўмиб, уни ўз залвари билан ўлдириб қўяди.

Назарида ҳозирги вазият жуда ҳам қулайдай туълоди.

## 14

Аммо тактикани ўзгартириш жиддий иккиланишлар билан боғлиқ бўлиб, анча-мунча вақт талаб қиласди. Хотиннинг қум қазигани чиқиб кетганига тўрт соатча бўлди шекилли. Вақтга қаралса қум солинган сават иккинчи марта тортиб олинди, ташийдиганлар ишларини тугатиб, пикапга қараб кетишли. Уларнинг қайтиб келмасликларига қаноат ҳосил қилгач, эркак ўрнидан аста-секин турди-да, кийинди. Хотин чироқни олиб чиқиб кетганлиги учун ҳамма ишни пайпаслаб қилишга тўғри келди. Ботинкаларига қум тўлиб қолган. Шимининг почаларини пайпогига тиқиб, гетраларини олди-да, чўнтағига солди. Ҳашарот тутадиган асбоби билан бошқа буюмларини осонгина топиб олиши учун эшик олдига қўйди. Ерни қум гилами қоплаган, пусиб юрмаса ҳам бўлади – одим товушлари бари бир эшитилмайди.

Хотин иш билан овора. Белкуракни қумга ботира-ботира чаққонлик билан ишламоқда... Бир ма-ромда ҳансираф нафас олмоқда. Ерда турган чироқ ёруғида узун соя ўйнамоқда... Эркак нафасини ютганча ўйнинг муюшига биқинди. Сочиқнинг икки учидан ушлаб тортиди. Ҳозир ўнгача санайди-да, сапчиб чиқади... Худди хотин энгashiб қумли куракни кўтараётган пайтида ҳужум қилиши керак.

Ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, деб бўлмайди, албатта. Қолаверса, юқоридагиларнинг муносабатлари яrim соат ичиде кескин ўзгариб кетиши мумкин. Ахир вилоят маҳкамасидан келган анави амалдор бор экан-ку. Чол уни бошда ўша амалдор деб ўйлаб,

хавотир олганлиги бежиз эмасдир, албатта. Чунки яқын орада тафтиш қилгани келиб қолишар, деб күтиб туришган бўлса керак. Модомики, шундай экан, текшириш вақтида қишлоқдагилар орасидан ихтилоф чиқиб сирлари ошкора бўлиб, уни тутқунда сақлаш фикридан воз кечсалар ҳам ажаб эмас. Рост, шу ярим соат ярим йилга, бир йилга, эҳтимолки, ундан ҳам кўпроқقا чўзилиб кетса ҳам ҳеч гап эмас. Ярим соатми ёки бир йилми бари бир. У бу тўғрида бас бойлашиб ўтирамайди.

Башартики, ҳадемай ёрдам қўли чўзилиб қолар, деб ўйласа, ўзини касалликка солиб ётиши анча мақбулроқ бўлар эди. Шу фикри ўзига ҳам ёқиб тушарди. Модомики, у қонун ва тартиб мавжуд бўлган мамлакатда яшаётган экан, нажотга умид боғлаши табиийдир. Сирлар туманида яшириниб, бор-йўқликларини сездирмай, дараксиз кетгандар, кўп ҳолларда буни ўз истаклари билан қилганлар. Ундан ташқари, ҳеч нарса жиноятдан зуҳур этмас экан, одамнинг ғойиб бўлиб кетишини жиноий иш деб эмас, оддий иш деб қаралади-да, полиция ҳам буни унча синчиклаб текширмайди. Унинг ишида эса вазият бутунлай бошқача. У нажот тилайди, у ҳаммага мурожаат қилиб нажот тилайди – нажотнинг қаёқдан келиши эса у учун бари бир. Ҳатто бирор марта ҳам кўрмаган, овозини эшитмаган одам ҳам унинг эгасиз қолган уйига бир назар ташлаб қўйса, ҳамма нарса равshan бўлади, қўяди. Ўқиётиб келган жойида очик қолган китоби... Ишга кийиб борадиган костюмининг чўнтакларида майдада пуллар... Бир озроқ маблағ сақданаётган чек дафтарчаси... Ҳали қуритилиб, тартибга келтирилмаган ҳашаротлар турган қутича... Ҳашаротлар учун янги банкалар буюртириб марка ёпиштирилган ва жўннатишга тайёрлаб қўйилган хат... Ҳаммаси чала қолган, яъни уй эгасининг қайтиб келажагидан нишона бериб туради. Бу хоналарга кириб қолган одам уларда эшитилиб

турган илтижога чор-ночор қулоқ солмасликка илож тополмайди.

Ха... ўша хат бўлмаганданда эди. Ўша аҳмоқона хат бўлмаганданда эди... Аммо у мавжуд-да... Туши-ку, ҳақиқатни айтиб турибди-я, лекин ўзини яна нимагадир ишонтиришга тиришяпти. Нега шундай қилади-я? Қачонгача чалфитади! Кўлдан кетган нарса қайтиб келармиди? Ахир у ўзини ўз қўллари билан аллақачон бўғиб ўлдирган-ку!

У шу отпускага алоқадор гапларнинг ҳаммасини ниҳоятда сир тутиб, қаёққа кетаётганини ҳамкасабалидан бирортасига ҳам айтмаган эди. Индамаганлиги етмагандек, сафарини жўрттага сирли бир пардага ўрашга ҳам тиришган эди. Бу ажойиб бир йўл эди – бир турдаги дикқинафас қилувчи кундалик ҳаётларида, ўзлари ҳам қандайдир тундлашиб кетган бу одамларнинг фашига тегиши учун бундан қизиқроқ бир йўлни ўйлаб топиш амри маҳол эди. Ҳозир у ўзини камситиш билан банд. Ўйлаб кўрса, шу тундлашиб қолган одамларнинг ҳаммаси ҳам қувноқ, хушчақчақ бўлишлари мумкин экан, албатта...

Кўз қамаштирувчи жазирама қуёшли ёз фақат романлар ва кинофильмлардагина бўлади, холос. Ҳаётда эса бундай ёз бир камтарин одамнинг биргина якшанба куни бўлиб, у шаҳар ташқарисига чиқади, у ерда ҳамон ўша аччиқ тутун буруқсайди, у одам газетанинг сиёсатга бағишлиланган саҳифасини очиб, тагига солиб ётади... Магнит стаканчали термос билан консерва шарбат... Навбатда узоқ тургач, соатига бир юз эллик иена бадалига кирага олинган қайиқ... Ўлик балиқлар тўла, қўргошин тусли тўлқинлар келиб уриладиган соҳил... Сўнгра ҳориганидан ўлар ҳолатга етган одамлар билан тирбанд электропоезд... Ҳаммалари асл ҳақиқатни яхши биладилару, аммо ўзларини билмасликка солиб, аслида бўлмагур ҳаётларига байрам манзарасини беришга тиришадилар. Аянчли, соқол-мўйловлари ўсиб кетган оталар

норози болаларини қийин-қистоққа олиб, якшанба жуда яхши ўтди, дейишга мажбур қиладилар... Булар ақалли бир марта бўлса ҳам электр поезднинг бурчакларида кўрган манзаралари... Бироннинг қўёшига ҳавас билан боқишидек таъсирили бир нарса...

Агар гап шунинг ўзидағина бўлганида, куйиб-пишаверишининг унча аҳамияти ҳам йўқ эди. Агар ўша одам ҳам ҳамма нарсага худди бошқа ҳамкарабалари каби муносабатда бўлганда эди, бунчалик ўжарлик қилиб ўтиргмаган бўларди.

Сирини ўшангагина ишонарди. Бу тийрак кўзларида ростгўйлик барқ уриб турадиган юзлари таранг бир одам эди. У касаба уюшмалари ҳаракатида жуда фаол иштирок этарди. Ҳатто бир куни ўзининг бошқалардан яшириб юрган маҳфий фикрларини ўша одам билан жиддий ва самимий ўртоқлашмоқчи ҳам бўлиб кўрди.

– Сен нима деб ўйлайсан?.. Менга ҳаёт ўзи исботлаб турган таълим масаласи тинчлик бермаяпти...

– «Исботлаб турган», деганинг нимаси?

– Хўш, умуман, йўқ нарсани бор деб қабул қилишга мажбур этадиган хаёлий бир нарсага асосланган таълим. Чунончи, қумни олиб кўрайлик – у қаттиқ бир жинс, аммо айни бир вақтнинг ўзида маълум дарражада гидродинамик хоссаларга ҳам эга. Худди шу нарса унга менинг диққат-эътиборимни тортади...

У одам шошиб қолди. Аслида, букчайганроқ қомати яна ҳам букчайиб кетди. Аммо юз ифодаси аслича қолаверди. Бу фоянинг ўзига ёқмаганлигини сира ҳам сездирмади. Бир куни кимдир уни, Мёбиус тасмасига ўхшайди, деган эди. Мёбиус тасмаси – бу бир неча марта буралиб, учлари бир-бирига ёпиштирилган, шунинг натижасида орқа ўнги ноаниқ бўлиб қолган узунчоқ қофоз парчасидир. Балки ўзининг касаба уюшмасидаги фаолияти билан шахсий ҳаётини худди Мёбиус тасмасидек бир бутун нарсага айлантириб юборганлиги туфайли бу лақабга шундай маъти

но берилгандир? Бу лақабда енгил таҳқир билан бирга маъқуллаш руҳи ҳам бор эди.

– Балки сен реалистик таълимни қўзда туваётган-дирсан?

– Йўқ, менинг қум борасида келтирган мисолимни олиб кўр... Ахир дунё ҳам, бари бир, қумга ўшшамайдими?.. Худди шу қум, осойишта вазиятда эканлигида ўзининг моҳиятини сира ҳам сездирмайди. Аслида бўлса, қум сирайм ҳаракат қилмайди, ҳаракатнинг ўзи қумдан иборатдир... Бундан бошқача қилиб тушунтириб беролмайман...

– Мен бари бир тушундим. Ахир дарс бериш таҷрибасида, нисбийликнинг энг муҳим элементлари мужассамланган бўлади-ку!

– Йўқ, бундай эмас. Менинг ўзим қумга айланаман... Ҳамма нарсани қумнинг кўзи билан кўрадиган бўламан. Бир марта ўлганингдан сўнг, яна ўларканман, деб қўрқишиングнинг ҳожати ҳам йўқ.

– Идеалист эмасмисан ишқилиб, а?.. Ҳали ўз ўқувчиларнингдан қўрқасан ҳам шекилли?

– Чунки ўқувчиларни ҳам нималари биландир қумга ўхшатаман.

У одам ўшанда оппоқ тишларини кўрсатиб қаҳқаҳ отиб кулиб юборган, бу суҳбатнинг ўзига ҳеч ёқмаганини сездирмаган эди. Кулганида кичкинагина кўзлари ҳатто юмилиб кетган эди. Эсида, бу ҳам унга жавобан жилмайишга мажбур бўлган эди. У одам дарҳақиқат Мёбиус тасмаси экан. Яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам. У одамни ақалли шу яхши жиҳати учун ҳам ҳурмат қилиш керак эди.

Аммо шу «Мёбиус тасмаси» ҳам худди бошқа ҳамма ҳамкасабалари каби унинг отпуска олаётганига ҳасад қилаётганини аён-ошкор сездириб турарди. Бу Мёбиус тасмасига сира ҳам ёпишиб тушмасди. Ҳасад қилиш билан айни вақтда, у севинарди ҳам. Бачкана хайриҳоҳлик кўпинча фашингни келтиради. Шунинг учун унинг фашига тегиши одамга ҳузур бағишлиарди.

Қолаверса, ўша хат... Бу қўлдан кетган бир қартаки, қайтариб қўлингга ололмайсан... Кечаги даҳшатни сира ҳам сабабсиз деб бўлмайди.

Анави, шаҳардаги хотин билан орамизда ҳеч қандай ишқ-муҳаббат йўқ эди, деса бу ёлғон бўларди. Уларнинг орасида аллақандай сезилар-сезилмас, тўғрироғи, ноаниқ муносабатлар ҳукм сурган бўлиб, оқибати нима бўлишини ўзи ҳам билмас эди. Чунки бирининг фикри иккинчисига тўғри келмасди. Чунончи у, никоҳ, аслини олганда қўриқни ҳайдагандек бир гап деса, хотин беандишилик билан зарда қилиб, никоҳ, тор бўлиб қолган уйни кенгайтиришдан иборатдир, деб эътиroz билдирган эди. Борди-ю, бу гапнинг аксини айтса, хотин ўша тақдирда ҳам, шак-шубҳасиз, эътиroz билдирган бўларди. Бу икки йилу, тўрт ойдан буён сурункасига давом этиб келаётган, ким зўр чиқади қабилидаги бир ўйин эди. Улар ўз эҳтиросларини йўқотиб қўйдилар, дейишдан кўра уни совитиб қўйдилар, дейиш тўғрироқ бўларди, чунки уни фоятда идеаллаштириб юборган эдилар.

Шунинг учун ҳам мутлақо кутилмаган тарзда бир хат қолдириб, унда маълум бир вақтга бир ёққа кетаётганини айтиб, қаёққа кетаётганигини айтмасликка қарор қилиб қўйган эди. У отпускага кетаётганини сир-асрор билан чулғаганди, бу ҳамкасабаларига бевосита таъсир қилган эдики, хотинга ҳам таъсир қилмай қолмасди, албатта. Аммо манзилни ёзиб маркани ёпиштириб бўлгачгина бу нарсани тентаклик деб билиб, хатни стол устида қолдирганди.

Енгил-елпи ҳазил пўлат сандиқнинг эгасигина оча оладиган сирли автомат қулфга айланиб кетди. Хатга кимнинг бўлмасин албатта қўзи тушган бўлиши керак. Унда, ўз ихтиёри билан фойиб бўлганлигини исботлайдиган далилни жўрттага қолдирган, деб тушунишлари мумкин. Эркак, гарчанд жиноят устида туттган бўлсалар-да, кўр-кўронада ўжарлик билан бармоқларининг изларини йўқотиб, бу билан ўзининг

жиноий ниятларини исботлаб бераётган аҳмоқ жи-  
ноятчига ўхшаб қолди.

Тутқунликдан қутулиш имкони йироқдашиб бора-  
рди. Ҳозир, зотан, у ҳали умидини тамоман узма-  
ган бўлса-да, бу умид ўзининг ёмон нафасидан маҳв  
бўлиб бораради. Ҳозир унинг олдида бирдан-бир йўл  
турибди – эшикни очиб беришларини кутиб ўтира-  
масдан, ҳаттоқи зўрлик билан бўлса-да, ўзи очиб, бу  
ердан қутулиб чиқиб кетиши керак. Ҳозир ҳеч қан-  
дай иккиланишга асос йўқ.

Танасининг бутун оғирлигини оёқ бармоқларига  
ташлади. Бармоқлари қумга ботиб кирди, ўнгача са-  
найману, сакраб чиқаман, деб қарор қилди... Аммо  
ўн учгача санади-ю, ҳамон юраги бўлмади. Ниҳоят,  
яна тўрт марта нафас олгунча санаб, биқиниб турган  
жойидан чиқди.

## 15

Ўйлаган ниятини амалга ошириш учун ҳаракатла-  
ри фоятда суст эди. Қум бор кучини сўриб олмоқда.  
Бу орада хотин орқасига ўтирилиб, белкуракка суюн-  
ганча, унга ҳайрат билан тикилиб қолди.

Агар хотин чинакамига қаршилик кўрсатадиган  
бўлса, оқибат бутунлай бошқача бўларди. Аммо эр-  
какнинг дафъатан ҳужум қилиш мўлжали амалга  
ошди. Рост, у хийлагина асабийлашиб ҳаракат қи-  
лар, аммо хотин ҳам ҳайратидан шамдек қотиб қол-  
ди. Эркакни қўлида тутиб турган белкурак билан  
ҳайдаш ҳам хаёлига келмади.

– Бақирма!.. Сенга ҳеч нарса қилмайман... Жим!..  
– деб пицирларди у бўғиқ товуш билан, хотиннинг  
оғзига наридан-бери сочиқ тиқаркан. Аммо хотин бу  
қўпол ҳаракатларга қаршилик кўрсатишни хаёлига  
ҳам келтирмасди.

Унинг қаршилик кўрсатмаётганини сезган эркак  
ниҳоят ўзини ўнглаб олди. У сочиқнинг учини хо-

тиннинг оғзидан тортиб олиб, бошини танғиб боғлади-да, орқасига қаттиқ тугиб қўйди. Сўнгра олдиндан тайёрлаб қўйилган гетраси билан қўлларини ҳам орқасига бураб, чандиб боғлади.

– Қани энди уйга қараб ғизилла!

Мутлақо караҳт бўлиб қолган хотин унинг ҳаракатларига эмас, сўзларига ҳам мутелик билан итоат қилди. Адоват у ёқда турсин, хотин ҳатто заррача ҳам қаршилик билдирмади. Худди гипноз қилингандек қотиб қолди. Нима қилаётганлиги эркакнинг хаёлига ҳам келмас, қилиши керак бўлган ишни амалга оширмаётганлигини ҳам билмас, унинг қўпол зўравонлиги хотинни қаршилик кўрсатиш қобилиятидан маҳрум қилиб қўйган бўлса керак. У хотинни ердан юқорига чиқишига мажбур қилди. Иккинч гетраси билан тўпиқларидан боғлади. Бу ишларни у зим-зиё қоронфиликда тимирскилаганча амалга оширмоқда эди, иш пухта бўлсин, деб гетранинг қолганини оёғининг атрофидан яна бир марта айлантириб ўради.

– Хўп, ана, хотиржам ўтири, тущундингми?.. Ўзингни яхши тутсанг, сенга ҳеч нарса қилмайман... Билиб қўй, мен билан ҳазиллаша кўрма...

Хотиннинг нафас олиши эштилаётган томонга тикилганча эшик тарафга тисарилиб бориб, ташқарига югуриб чиқди-да, чироқ билан белкуракни олиб, шу ондаёқ уйга қайтиб кирди. Хотин ёнбошига оғиб тушган эди. У ўқтин-ўқтин ҳарсиллаб нафас олар, нафас олишига монанд қилиб бошини кўтариб туширап эди. Нафас олаётганида бўйрадаги қум ичига кетиб қолмаслиги учун бўлса керак, энгагини олдинга чиқарарди. Нафас чиқараётганида эса, аксинча, бурун катакларидан чиқаётган ел юзидаги қумни олиб кетиши учун қаттиқ пишқирар эди.

– Майли, бир оз сабр қиласан. Анави сават ташийдиганлар келгунча кута тур. Менинг чеккан азиятларим эвазига индамай турганинг маъқул. Бундан ташқари, мен шунча вақт бу ерда турганим учун ҳақ

ҳам түлайман... Хўш, сарф-харажат деб ҳисоблаш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзинг ҳисоблаб берасан, албатта... Хўп дейсанми?.. Йўқ дейсанми? Ростини айтсам, мен ҳеч нарса тўламаслигим ҳам керак эди-ю, аммо инсофли бўлишни яхши кўраман. Шунинг учун хоҳла-хоҳлама бари бир ўша пулларни бераман.

Эркак бўйнини қўли билан ушлаганча ташқаридан эштилаётган аллақандай шовқинга диққат ва хавотир билан қулоқ сола бошлади. Ҳа, чироқни ўчириб қўйгани яхши. У шишани олиб, пуфлаб ўчирмоқчи ҳам бўлди... Йўқ, хотинни яна бир марта текшириб кўрсин. Оёқлари қаттиқ танғиб боғланган, орасидан бармоқ ҳам ўтмайди. Қўллари ҳам жойида – билаклари моматалоқ бўлиб кетибди, чатнаб этлари кўриниб қолган тирноклари қуюлиб қолган эски сиёҳ тусига кирибди.

Оғзига тиқилган латта ҳам чакки эмас. Ўзи аслида қони йўқ лаблари ҳам оппоқ оқариб кетибди – нақ суратининг ўзи қолибди. Оғзидан оқаётган сўлагидан бўйрада қорамтири ҳалқоб ҳосил бўлибди. Липиллаб турган чироқ нурида хотин ётган томондан сасиз фарёд келаётгандек эди.

– На чора? Ўзинг сабабчисан... – Үнинг наридан-бери айтган бу сўзларида асабийлик сезилиб турарди.  
– Сен мени алдамоқчи бўлган эдинг, мен жавоб қайтардим. Ора очиқ бўлдими? Мен ҳам ҳарқалай одамман-ку, худди итга ўхшатиб занжирга боғлаб қўйиш ярамайди-да!.. Ҳар қандай одам кўрса ҳам, буни ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун кўрсатилган қонуний қаршилик, дейди.

Бирдан хотин бошини буриб, чала очиқ кўзининг қири билан эркакнинг кўзини учратишга тиришди.

– Хўш нима?.. Бирон нарса демоқчимисан?

Хотин қандайдир файри табиий бир йўсунда бош чайқади. Буни «ҳа» деб ҳам, «йўқ» деб ҳам тушунса бўларди. Эркак бунинг маъносини кўзларидан уқиши

учун чироқни хотиннинг юзига яқин олиб борди. Дастрлаб, ҳатто ишонгиси ҳам келмади. Унинг кўзла-рида нафрат ёки фазаб эмас, ҳад-ҳисобсиз қайғу ва илтижо ҳукм сурарди.

Бундай бўлиши мумкин эмас... Шундай туюлаёт-ганга ўхшайди... «Кўз ифодаси» деган сўз жуда чиройли ибора, холос. Ахир кўз фўлаги мушаклардан маҳрум бўлгандан кейин қандай қилиб кўзда ифода бўлиши мумкин? Аммо эркак, ҳарқалай, тараддууда қолиб хотиннинг оғзини йириб турган сочиқни бир оз бўшатмоқ ниятида қўлини чўзди-ю, шу ондаёқ яна тортиб олди.

У наридан-бери чироқни ўчирди. Саватда қум ташийдиганларнинг овозлари яқинлашиб келмоқда эди. Ўчирилган чироқни осонгина топиб олиш учун уни супачанинг бир четига қўйди-да, ювинадиган жойда турган сувли челакчани олиб, ютоқиб ича бошлиди. Сўнгра белкуракни қўлига олиб, эшик олдида биқиниб турди. Жиққа сув бўлиб терлаб кетди. Мана ҳозир... Яна беш, ўн дақиқа сабр қилиш керак. Ҳашаротлар коллекцияси солинган қутичани қатъи-ят билан олдига тортиб тайёрланиб турди.

## 16

– Ҳой! – деган бўғиқ овоз янгради.

– Нима бало қиляпсизлар? – акс садодек эшитилди, ҳали ёшларга хос янгроқлигини йўқотмаган иккинчи бир овоз.

Чуқур шундай бир қуюқ қоронгиликка чўмганки, гўё уни тимирскилаб топиш мумкиндеқ эди, тепада аллақачон ой чиққан бўлса керак, чунки қум билан осмон туташган жойда фуж бўлиб турган бир тўда одамлар худди фирға-шира шарпадек кўринмоқда. Эркак ўнг қўлида белкурак билан чуқур бўйлаб эмаклай бошлиди.

Юқоридан беибо қулгилар эшитилди. Бидонларни тортиб олиш учун пастга илгакли арқон туширишди.

– Холажон, тезроқ бўла қол!

Шу дақиқада ёк эркак ҳамла билан арқонга сапчи-ди, орқасида қум фужгон ўйнарди.

– Ҳой, қани торт, – деб бўкирди у, фўдир арқонни жон-жаҳди билан чанглаб. Агар бу тош бўлган тақ-дирда ҳам бармоқлари ботиб кирган бўларди. – Торт! Торт! Тортиб олмагунларингча, қўйиб юбормайман... Хотин уйда оёқ-қўли боғланганча ётибди! Унга ёрдам-лашмоқчи бўлсанглар – арқонни тезроқ тортинглар! То шунгача унга ҳеч кимни яқин йўлатмайман!.. Агар бу ёққа битта-яримта тушадиган бўлса, бошини белкурак билан пачақлайман. Суд бўладиган бўлса – мен ютиб чиқаман! Муруват қилас, дея кўрманглар! Хўш, нега имиллайсизлар? Агар ҳозирнинг ўзида тортиб олсан-глар судга бермайман, ҳамма гапни ичимга ютиб кета-ман... Бирорни қонунсиз ушлаб туриш кичкина жино-ят эмас!.. Хўш, нима бўлди? Қани тортинглар!

Тўкилаётган қум юзига урилди. Кўйлагининг та-гида бўйнидан пастга қараб қандайдир ёқимсиз, ёпишқоқ нарса сизмоқда. Иссик нафаси лабларини кўйдирмоқда.

Юқоридагилар маслаҳатлашаётганга ўхшайди-лар. Бирдан арқон кучли силтаниб юқорига кўтарила бошлади. Жуссаси мўлжалидагидан кўра анчагина вазмин экан, у лапанглаб, арқон қўлидан чиқиб ке-тай деди. Эркак унга жон-жаҳди билан ёпишиб олди. Зўриқиб қорни тортишиб қолди, оғзидан нималардир отилиб чиқди... Бир ҳафтадан бери давом этган боси-ринки туш уни тарк этиб барҳам топмоқда. Яхши... Яхши... Хайрият... Хайрият... Ана қутулиб олди!

Дабдурустдан у еп-енгил бўлиб қолиб, ҳавода сузди... Худди денгиз касалига учраган кишида бўлади-гандек бир ҳис бутун вужуди бўйлаб тарқалди; шу вақтгача қўлларининг терисини шилиб юборай де-яётган арқон кафтларида ҳолсизгина ётарди.

– Аблаҳлар арқонни қўйиб юборишибди!.. У ум-балоқ ошганча қумга ноқулай келиб тушди. Ҳаша-

ротлар солинадиган қутичаси тагида қолиб ёқимсиз қирсиллади. Кейин нимадир ёнофига тегиб физиллаб ўтди. Афтидан, арқоннинг учига боғланган илгак шекилли. Ярамасларнинг қилаётган ишини қаранг! Хайриятки, илиб кетмади. Қутича ботган ёнбошини пайпаслаб кўрди – ҳеч қаери оғримаяпти шекилли. Ўрнидан сапчиб туриб, арқонни қидира бошлади. Уни аллақачон тортиб олишган эди.

– Аҳмоқлар!

Эркак жони борича бўкирди:

– Аҳмоқлар! Ўзларинг пушаймон ейсизлар-ку!

Сиртларига юқтирсалар-чи. Оҳистагина шивир-шивир сўзларини илғаб бўлмайди – худди тутундек ёйлади. Бу шивир-шивирда адоват ифодаланяптими, таҳқирми, билиб бўлмасди. Ана шуниси алам қиласди-да!

Фазаб ва хўрлик вужудини худди пўлат гардишдек чирмаб олди. У муштумларини қаттиқ сиққанча қичқиришда давом этаверди, тирноқлари эса ҳўл кафтларига ботиб кетди.

– Ҳали ҳам тушунмадингларми?! Гапга-ку, тушунмас ғалчага ўхшайсанлар-а, лекин қилган ишимни кўрсаларинг дарров тушунардиларинг. Ахир сизларга, хотиннинг қўл-оёғи боғланган деяпман-ку! Мени тортиб олмагунларингча ёки нарвон туширмагунларингча, у қўл-оёғи боғланганча ётаверади.. Ҳамма ёқни қум босиб қолади... Хўш, қалай, ёқадими?.. Яхшилаб ўйлаб кўринглар... Агар ҳамма нарсани қум босиб қолса, ўзларингга ёмон бўлади-ку, тўғри масми?.. Қум чуқурдан тошиб чиқиб, қишлоқقا қараб жила бошлайди... Ана унда нима қиласизлар?.. Нега индамайсиз!

Жавоб ўрнига жўнаб қолишли, орқаларидан қумдан сургаб кетаётган саватларининг фижирлаганиги на эшитилди, холос.

– Нима учун?.. Нима учун ҳеч нарса демасдан кетиб қоляпсизлар?

Унсиз фарёд чекиб, аъзойи бадани қалт-қалт тит-раганча, синиб кетган ҳашарот коллекцияси қутичалидан тушган нарсаларни тимирскилаб йифа бошлади... Спиртли шиша дарз кетганга ўхшайди: унга кўли тегувди, бармоқлари орасидан ёқимли салқин нарса сизди. Йифлаб юборди. Аммо унчалик куйиб-пишмади. Йифлаётган ҳам, назарида, бошқа бир одамдек эди.

Кум унинг орқасидан худди маккор ҳайвондек эргашиб келарди. Қоп-қоронғи зулматда қоқила-суқила, оёқларини аранг сургаб босиб, зўр-базўр эшикка етиб олди. Қопқоғи синган қутичани тимирскилаганча оҳиста ўчоқнинг ёнига қўйди. Ўкираётган шамол ҳавони тилкалади. У ўчоқ ёнидаги бўш банкадан полиэтиленга ўраб қўйилган гуттуртни олиб, чироқни ёқди.

Хотин боши ерга сал энгашганча ҳамон ўша ҳалатда ётарди. Ташқарида нималар бўлаётганини аниқлашга тиришибми, бошини эшик томонга сал бурди. «Ёруғдан кўзлари қамашиб, чирт юмиб олди. Бераҳмлик билан қўполлик хотинга қандай таъсир қилди экан? Буларни ҳозир эркак ўзи ҳам татиб кўрди... Йифламоқчи бўлса, йифласин, кулмоқчи бўлса, кулсин... Ҳали умидсизланишга эрта. Аста-секин портлайдиган минанинг тутатқиси қўлида.

Эркак хотиннинг орқа томонига ўтиб чўккалади. Бир оз иккиланиб хотиннинг оғзини йириб турган сочиқни олди. Истиҳола қилиб қолганидан эмас. Ачинганидан ёки хайриҳоҳлигидан ҳам эмас, албатта.

Роса ҳолдан тойганидан, бу сурункали диққатбозликка ҳам бардоши қолмади. Хотиннинг оғзига латта тиқиб қўйишнинг ҳам ҳожати йўқ. Хотин ёрдам сўраб дод солган тақдирда ҳам, бу аксинча, душманларини саросимага тушириб, уларни ҳамма ишни тезроқ ҳал қилишга мажбур этган бўларди.

Хотин энгагини олдинга чўзганча оғир ҳансираради. Сўлаги қум билан қоришиб кетганидан сочи худди сичқоннинг ўлигидек қулранг ва вазмин бўлиб

қолган эди. Сочиқ ботгандык туфайли пайдо бўлган кўм-кўк моматалоқ излар ҳеч қачон аримайдигандек туюларди. Худди қоқ балиқдек қотиб қолган ёноқларининг караҳтлигини ёзиш учун хотин пастки жагини тўхтовсиз ўйнатаради.

– Энди бўлгандир... – Эркак сочиқни икки баромғи билан қисиб олганча, ерга улоқтириб юборди.  
– Юқоридагиларнинг маслаҳатлари тугаёзгандир. Ҳозир нарвон арқонни олиб келиб қолишади. Ҳамма иш ҳозиргидеклигича қолса, уларнинг ўзларига ёмон бўлади-да. Ҳа, худди шундай... Бошларини балога қўйгилари келмаётган бўлса, мени авраб бу тузоққа тушириб ўтирумаган бўлардилар.

Хотин тупугини ютиб, лабларини ялади:

– Аммо... – Унинг тили ҳали гапга келмас, худди оғзига тухум тиқилгандек фўлдираради. – Осмонга юлдуз чиқдими?

– Юлдуз чиқдими?.. Юлдузниң нима алоқаси бор?

– Борди-ю, юлдуз чиқмаган бўлса...

– Ҳўш, унда нима бўлади?..

Ҳолсизланган хотин яна индамай қолди.

– Нима гап? Бир гапни бошлагандан кейин охиринга етказиш керак. Нима бало, ром очмоқчимисан? Бу қилифинг шу ернинг ўзига хос иримми? Ҳали, осмонга юлдуз чиқмаган кечалари нарвон тушириб бўлмайди, ҳам дерсан?.. Нима демоқчисан, бўлмаса? Уҳ, мум тишлигар одамни кўрсам дикъат бўлиб кетаман!.. Борди-ю, осмонга юлдуз чиқишини кутиб, гапингни ўшанда айтмоқчи бўлсанг, ихтиёр ўзингда. Кутган вақтинг келгунча тўфон бошланиб кетса нима бўлади? Унда юлдузларнинг ташвишини тортиб ўтиришнинг ҳожати ҳам қолмайди!

– Юлдуз... – хотин сўзларини худди бўшаб қолган тюбикдан бирма-бир ситиб чиқараётгандек эди.

– Агар шу вақтгача осмонга юлдуз чиқмаган экан, унча кучли шамол бўлмайди...

– Нима учун?

- Туман бўлгани учун юлдузлар кўринмайди-да.
- Топган гапингни қара-ю. Ҳозир шамол боягидек эсаётгани йўқми ахир?
- Йўқ, боя анчагина кучли эди. Эшитяпсизми, су-сайяпти...

Гапи тўғри бўлса ҳам бордир. Юлдузларнинг худди тумандагидек кўриниб турганлиги шамолнинг ҳаводаги губорни тарқатиб юборишга ожизлик қилаётганилиги туфайлидир. Бугун кечаси кучли шамол бўлмаса керак... Демак, қишлоқдагилар ҳам бир қарорга келишга унча ошиқиши майди. Бошда унга бемаъни, тутуриқсиз бўлиб кўринган нарса бамаъни жавоб бўлиб чиқди.

– Дарҳақиқат... Аммо мен мутлақо хотиржамман... Агар уларнинг муддаоси шундай бўлса, мен ҳам сабр қилишим мумкин. Бир ҳафта кутган одамга, ўн кун ҳам, ўн беш кун ҳам бари бир...

Хотин оёқ бармоқларини куч билан гуж қилди. Улар ёпишқоқ маҳлуқнинг панжаларига ўхшаб қолди. Эркак кулиб юборди. Куларкан, томонига ўқчиқ келди.

Нега бунча ич-этингни еяверасан?.. Ахир ҳануз душманларингнинг заиф жойларини пайқаб олмадингми?.. Нега оғирроқ бўлиб синчиклаб кузатмайсан?! Ахир бир кун эсон-омон уйингга қайтиб борганингда шу кўрган-кечиргандарингнинг ҳаммасини ёзишинг керак бўлади-ку.

... О! Қойилмиз. Ниҳоят сиз ёзишга бел боғлаб-сиз. Дарҳақиқат, бошингиздан озмунча нарсаларни кечирмадингиз-а. Тажрибадан маълумки – этига тақилмасанг, ҳатто ёмғир чувалчанг ҳам узала тушиб чўзилмайди. Раҳмат. Мен ростдан ҳам кўп нарсаларни ўйлаб кўрдим, ҳатто сарлавҳаси ҳам тайёр... О! Қандай дейсизми?.. «Саҳро иблиси» ёки «Чумоли жаҳаннамининг даҳшатлари»... Ҳа, мароқли сарлавҳалар. Аммо улар бир оз бачкана таассурот уй-ротмасмикан?.. Сиз шундай деб ўйлайсизми?.. Кўр-

гиликлар нақадар даҳшатли бўлмасин, воқеаларнинг сиртқи жиҳатларини тасвиirlаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ундан ташқари, фожианинг қаҳрамонлари – бу ахир ўша ерда яшаётган одамлар-ку, агар ёзганларингизда ақалли муаммони ҳал қилиш йўллари белгилаб берилмас экан, шунча азоб-уқубат билан кўрган-кечиргандарнинг ҳаммаси бир пул. Минг лаънат!.. Нима-нима?..

Ҳа, аллақаерда обраҳани тозалашаётганга ўхшайдими? Ёинки, йўлакка сочилаган дезинфекция билан оғзингиздан анқиётган саримсоқ ҳиди ўртасида аллақандай алоқада бир кимёвий реакция юз бераётгандир... Нима-нима?.. Ҳечқиси йўқ, қўйинг, ташвишланманг. Қанча ёзган бўлсам ҳам, кўриб турибманки, ёзувчилик қўлимдан келмас экан... Бунингиз ҳам мутлақо ҳожати бўлмаган камтарлик, бу сизга сира ҳам ярашмайди. Назаримда, ёзувчиларга, алоҳида бир тоифадаги нарса, деб қарааш керак эмас. Башартики, ёзаётган экансан, демак, ёзувчисан... Қатъийлашиб қолган фикрга кўра, бошқалар бундан мустасно-ку, аммо ўқитувчилар тоифаси ёзишни яхши кўришади – ихтиёрига қўйиб берсанг, бўлгани... Бу, чамаси, касблари ёзувчиларнинг касбига хийлагина яқинлиги туфайли бўлса керак... Ижодий таълим дегани ҳам шу-да! Ўзлари бўр солиб қўйиладиган қутичани ҳам ясай олмасликларидан қатъи назар... Бўр солиб қўядиган қутича дейсизми, саломат бўлинг. Ўзингнинг кимлигингни ўзингга танитиб қўйишнинг ўзиёқ ажойиб ижод эмасми ахир?.. Шу туфайли мени янги дард-аламга мубтalo қиладиган янги таассуротларни кечиришга мажбур қиладилар... Аммо умид ҳам бағишлиайдилар?!.. Бу умиднинг рўёбга чиқиши-чиқмаслиги билан эса ишлари йўқ... Ҳар бир одам ҳам аввал бошданоқ, ўз кучларига ишонмас экан... Ҳўп, қўйнимни пуч ёнгоққа тўлдиришим етар энди. Ҳеч қанақа ўқитувчига муносиб эмас бундай қусур... Қусур?.. Мен ёзув-

чиликни айтяпман. Ёзувчи бўлиш истаги – оддий худбиналиктининг ўзгинаси, яъни қўғирчоқбоз бўлишга интилиш билан бирга ўзини ҳам бошқа қўғирчоқлардан ажратиб қўйишнинг худди ўзгинаси. Хотин-халажнинг пардоз-андозига ўхшаган гап... Қаттиқ кетмадингизми? Модомики, сиз «ёзувчи» деган сўзни шу маънода ишлатадиган бўлсангиз, у тақдирда, дарҳақиқат, ёзувчи бўлиш билан шунчаки ёзишининг ўртасида маълум бир даражада тафовут ўрнатиш керак бўлар... Эҳтимол. Худди шунинг учун ҳам мен ёзувчи бўлмоқчи эдим! Агар эплолмасам ёзишимнинг ҳам ҳожати йўқ!.. Дарвоқе, болага бирор нима ваъда қилиниб, ваъдангизнинг устидан чиқмасангиз, бола қай аҳволга тушади?

## 17

Ташқаридан қанотларнинг патиллашини эслатадиган товуш эшитилди. Эркак чироқни кўтариб ташқарига югорди. Ерда чиптага ўралган алланима ётарди. Юқорида эса зоф кўринмасди. У ўралган нарсага кўл ҳам тегизмай, қаттиқ қичқирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Чиптага боғланган канопни ечди. Ичида нима борлиги номаълум бир пакет. Беихтиёр кўнглиниң чуқур бир ерида умид шуъласи милтилади. Чуқурдан чиқиб кетиши учун бирорта воситадир... Бу қишлоқилар керакли нарсаларни чуқурга улоқтириб, ўзлари шоша-пиша қочиб қолишгандир балки.

Унинг ичида газета қофозига ўралган кичкинагина пакет билан оғзига ёғоч тиқин тиқилган бир литрли шиша бор эди, холос. Пакетда уч пачка «Синсэ» сигаретаси бор экан. У чиптанинг четидан ушлаб қаттиқ силкиди – ундан қумгина тўкилди... Ҳеч бўлмаса хат-пат бордир, деб ўйлаган эди, ўйи пучга чиқди. Шишида ачиб кетган оқшоқ нонидан қилинган расво арақ бор экан.

Нега бундай қилишди экан?.. Бир нимани мүлжаллашғанмикан? У бир вақтлар ҳиндлар дўстлик изҳор қилиб бир-бирлари билан трубка алмашишар экан, деб эшитганди. Арақ ҳам байрам белгиси ҳисобланади. Бинобарин, тўла-тўкис асосланган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, улар ўзларининг битимга келиш истакларини шу тарзда изҳор қилмоқдалар.

Одатда, қишлоқ аҳолиси ўз ҳисларини сўз билан изҳор қилишдан тортинишади.

Аммо ҳозирча ҳар қандай битимлар бир четда тура турсин – аввало сигареталарни кўрсин-чи. Бир ҳафтадан бери сигаретасиз қандай чидади экан? Қутичанинг учини одатдагидек ҳаракат билан йиртиб очиб, ялтироқ қофознинг силлиқлигинн ҳис қилди. Қутичанинг тагига чертиб, битта сигарета чиқарди. Сигарета олган бармоқлари сал-пал қалтираб кетди. Чирокдан тутатиб олгач, уни аста-секин шимириб тортди, хазон ҳиди аъзойи бадани бўйлаб ёйилди. Лаблари караҳлашиб, кўз ўнгини вазмин духоба парда тўсди. Зарба егандек боши айланиб, эти жунжиқди.

Шишани бағрига қаттиқ босганча, аранг мувозанатини сақлаб, аста-секин уйга кириб кетди. Оёқлари чалкашиб, худди чамбарак билан сиқилаётгандек боши ҳамон айланарди. У хотин ётган жойга қарамоқчи бўлган эди, лекин бошини ҳеч буролмади. Хотиннинг юзига кўз қирини ташлаган эди, у бир парчагина бўлиб кўринди.

– Мана, совфа... – Эркак шишани баланд кўтариб силкитди. – Яхши ўйлаб топишибди, тўғрими? Энди, уларга раҳмат айтиб, олдиндан байрам қилишимиз мумкин... Айтишмаса ҳам, мен аввал бошданоқ ҳаммасини тушунгандим. Ўтган ишга салавот... Хўш, улфатчилик учун бир қадаҳгина отасизми?

Жавоб ўрнига хотин кўзларини чирт юмиб олди. Балки у қўл-оёғини ечиб қўймаганлиги учун хафа бўлаётгандир? Тентак хотин. Агар ақалли бирорта саволга тузук-қуруқ жавоб берганида эди, қўл-оёғи-

ни дарров ечган бўларди. Балки хотинга алам қилаётгандир? Чунончи, шу қадар машаққат билан қўлга киригтан эркакни ушлаб туролмай, мажбур бўлиб – бошқа чораси ҳам йўқ – қўйиб юбораётганига алам қилаётгандир. Унинг аллақандай асослари бўлиши ҳам ажаб эмас. Ўттизларга борган бева. Тўпиқларида аллақандай бежирим чуқурчалари ҳам бор. Эркакнинг яна беихтиёр кулгиси қистаб кетди. Оёқлари нега бунақа аломат экан?

- Чекасизми? Гугурт чақиб беришим мумкин.
- Йўқ, кераги йўқ, томоғим бусиз ҳам қақраяпти...
- оҳиста жавоб берди хотин, бошини чайқаб.
- Сув ичасизми бўлмаса?
- Ҳожати йўқ.
- Тортинманг. Ахир фақат сиздан хафа бўлиб, бу ишни қилганим йўқ-ку. Бу нарсанинг стратегик нуқтаи назардан керак бўлганлигини ўзингиз ҳам тушунишингиз керак. Мана энди ён босишганга ўхшайдилар...
- Эркаклар бор жойларга ҳафтасига бир марта арақ билан тамаки берилади.
- Берилади?.. – Учяпман, деб ўйлаб, бошини ойнага ураётган катта пашиша... Унинг илмий номи *Muscina stabulans*... Буюмларни узук-юлуқ тарзда кўрадиган, ҳеч нарсани яхши илғаёлмайдиган кўзлар. Саросимага тушганини ҳатто яширгиси ҳам келмай, безовталик билан сўради: – Биз учун бунча машаққат чекишлиарининг нима ҳожати бор?! Одамлар керак нарсаларини ўзлари харид қилишса бўлмайдими?
- Иш кўп ва жуда оғир, бошқа ҳеч нарсага вақт етмайди... Қишлоқ учун ҳам фойдали: харажатларнинг бир қисмини Үюшма<sup>1</sup> ўз зиммасига олади.

<sup>1</sup> Сафолатдаги жамоаларга ёрдам берувчи Умумяпон үюшмаси кўзда тутилади. Маълумки, 1868 йилдан сўнг пария – жабр-жафога маҳкум этилганлар кастаси расмий равишида тутатилган эди. Аммо амалда эса эта ҳозиргача ҳам мавжуд. Қишлоқ аҳолиси этага мансубдир.

Шундай экан, бунинг ҳаммаси битимни эмас, аксинча таслим бўлишга тавсияни билдиради!.. Балки ундан ҳам баттарни, яъни у аллақачон кундалик ҳаётини ҳаракатга келтирувчи мурватлардан бирига айланаб қолиб, ана шундай мурват сифатида ҳамма рўйхатларга киритиб қўйилгандир.

– Ҳа, айтгандай, билиб олган яхши, мен бу ерда шундай бўлганларнинг биринчисиманми?..

– Йўқ. Ҳарқалай, ишчи қўли етишмайди-да... Хўжалиги бор одамлар ҳам, қашшоқлар ҳам – ишлай оладиганларнинг ҳаммаси бирин-сирин қишлоқдан кетиб туришибди. Қумдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ бир қашшоқ қишлоқда!..

– Йўғ-э, унчалик эмасдир... – Эркакнинг овози ҳам ўзини ҳимоя қилувчи бир тусга – қум тусига кирди.

– Мендан бошқа ушлаб олган одамларингиз ҳам борми?

– Ҳа, бу воқеа ўтган йили кузакда бўлган эди...  
Бир суратчи...

– Суратчи?

– Ҳа, сайёҳлар учун манзарали суратлар чиқарадиган бир ширкатнинг вакили бу ердаги Уюшманнинг раҳбарига меҳмон бўлиб келибди. Ажойиб манзара экан, шаҳар аҳолисига мақтаб намойиш қиласа бўларкан, дебди.

– Уни ушлаб олдингларми?

– Худди бизнинг қаторимиздаги бир уйда ишчи қўли етишмай турган эди...

– Шундан кейин нима бўлди?

– Ўша кездаёқ ўлиб қолди шекилли. Йўқ, ўзи бошдаёқ заифгина эди... Бунинг устига, ўчакишгандек, тўфон авжга чиқадиган пайт эди, оғир меҳнатни кўтаролмади шекилли...

– Нега дарров қочиб кета қолмади?

Хотин жавоб бермади. Ўз-ўзидан маълум, жавоб беришнинг ҳожати ҳам йўқ. Шунинг учун қочиб кетмаганки, иложини қилолмаган. Гап шундагина, холос.

- Ундан бошқа-чи?
- Ҳа... Йилнинг бошида бу ерга бир талаба келган эди, китоб сотар экан, шекилли.
- Чорбозорчими?
- Нархи ўн иенадан аллақандай юпқа-юпқа китобчалар. Китобчаларда аллакимларга қарши сўзлар ёзилган эди...
- Талаба – ватанга қайтиш ҳаракатининг иштирокчиси... Уни ҳам ушлаб олишдими?
- У ҳозир ҳам биздан уч уй нарида турса керак.
- У ерда ҳам арқон нарвон олиб қўйилганми?
- Бизда ёшлар ҳеч муқим туролмайди... На чора, шаҳарда, яхши ҳақ тўлашади, кино билан ресторанлар ҳам ҳар куни очик бўлади...
- Наҳотки бирорта ҳам одам қочиб кетолмаган бўлса, бу мумкин эмас!
- Нега энди, бир ёш йигитни ошиналари йўлдан уриб, шаҳарга қочиб кетган эди... У ёқда аллакими ни пичоқлаб қўйибди – бу тўғрида ҳатто газеталарда ҳам ёзиб чиқишган эди... Қамоқ жазосига ҳукм этиб, кейин бу ёқса қайтариб юборишган, ота-онасининг пинжида хотиржам ётган бўлса керак.
- Мен буни сўраётганим йўқ! Мен бу ердан қочиб кетиб, қайтиб келмаганларни сўраяпман!
- Бунга анча бўлган... Эсимда, бутун бир хонадон жуда эгчиллик билан кечаси қочиб кетишган эди... Уйлари узоқ вақт ҳувиллаб ётди, бу жуда катта хавф туғдирди, аммо на чора... Агар бу ерда бирорта жой қуласа – тўғон дарз кетгани билан баробар.
- Шундан кейин бунақа ҳодиса рўй бермадими?
- Бўлмади шекилли...
- Бемаъни гап! – Эркакнинг бўйнидаги томирлари қавариб чиқди, энтиқди.
- Хотин тухум қўяётган аридек бирдан икки букилди...
- Нима бўлди?.. Оғрияптими?
- Ҳа, оғрияпти...

Эркак унинг оқариб кетган қўлларини ушлаб кўрди. Сўнгра бармоқларини арқон орасидан ўтказиб, томирини кўрди...

– Сезяпсизми? Томирингизнинг уриши туппа-тузук. Менимча ташвишланадиган ери йўқ. Яхши иш қилмаётганимни билиб турибман, муддаом шуки, сиз шу ишларга айбдор анави қишлоқиларга шикоят қиласангиз.

– Кечирасиз, бўйнимни қашиб қўёлмайсизми, қулоғимнинг орқасини?

Саросимада қолган эркак рад қилолмади. Тери билан қум қоришмаси эриган мойни эслатувчи қуюқ қатлам ҳосил қиаганидан, назарида тирноқлари шафтотининг пўстидан ўтиб этига ботаётгандек бўлди.

– Кечирасиз... Бу ердан ҳали ҳеч ким чиқиб кетолмаганлиги ҳақиқатан ҳам ростми?..

Туйкусдан эшикнинг шакли туссиз, ноаниқ гира-шира чизиққа айланиб, кўздан йўқолди. Ой чиққан эди. Хира ўгула парчалари, худди чумолининг қанотига ўхшайди. Кўзлари кўника борган сари қумнинг чуқур сатҳи худди янги япроқдарнинг сиртига ўхшаб намхуш ялтироқлик касб эта бошлади...

– Ундай бўлса, мен биринчи бўлар эканман-да!

## 18

Кутиш маشاққатли эди. Вақт бамисоли илоннинг ичак-чавогига ўхшаган уч-қирсиз чигал ипдай ўтарди. Ҳар бир эгри-бугрни йўлни бирма-бир босиб ўтиш билангина илгарилаш мумкин эди. Уларнинг ҳар бирида турли-туман тараддувлар бўлиб, ҳар бири ўз қуролини ўзи яширган эди. Шу тараддувлар билан баҳслашиб, уларни мессимай ёки инкор этиб олдинга қараб илгарилаш жуда ҳам мушкул эди.

Тун машаққатли муштоқликда ўтди. Тонг отди. Пешанаси билан бурнидан ўрмалаган шиллик қуртнинг қорнидек оппоқ тонг тепасидаги деразадан кулиб боқди.

– Кечирасиз, бир оз сув берсангиз..

Нима бўлди? Бир лаҳза мудраб кетганга ўхшайди. Кўйлаги, шимининг тиззалари дарров жиққа ҳўл бўлибди. Терига қоришиб ёпишиб қолган қум ранги билан ҳам, пайпаслаб кўрганда ҳам хомссиз нонни эслатади. Юзига бир нарса ёпишни унуган экан, димоги ҳам, оғзи ҳам худди қишидаги шолипояга ўхшаб қақраб қолибди.

– Кечирасиз, илтимос қиласман.

Бошдан-оёқ қум босган хотин худди безгак тутаётгандек қалтиарди. Унинг изтироблари худди симдан етиб келгандек эркакка ҳам ўтди. У чеълакчанинг устидаги полиэтиленни олиб, аввал ўзи жон-жаҳди билан ёпишди. Оғзини чайқаш учун озгина ҳўплади, аммо бир марта, ҳатто икки марта чайқаса ҳам кифоя қилмади. Яккаш қум тупуарди. Сўнгра қўл силтади-да, қолган-қутганини сув билан ютиб юборди. Бу худди тош ютиш билан баробар бўлди.

Ичган суви шу ондаёқ тер бўлиб қалқди. Яллиғланган эти – кураклари билан бутун орқаси, ўмрови билан кўкраги, ёнбоши билан биқинларигача – худди терисини қаватма-қават шилиб олаётгандек ачишарди.

Ниҳоят, сувни ичиб бўлди-да, гуноҳкорона қиёфада чеълакчани хотиннинг оғзига олиб борди. Хотин уни тишлари билан қимтиди-да, оғзини ҳам чайқаб ўтирмасдан, худди каптардек зорланганича ича бошлади. Уч ҳўглашда чеълакчани бўшатди. Салқиган қовоқлари остидан эркакка қараб турган кўзларида илк марта омонсиз таъна барқ урди. Бўшаган чеълакча худди қофоздан ясалгандек еп-енгил бўлди қолди.

Гуноҳкорлик ҳиссидан халос бўлиш учун, эркак ерга тушди-да, устидаги қумни қоҳа бошлади. Ҳеч бўлмаса, хотиннинг юзини ҳўл сочиқ билан артсамикан? Албатта, уни терга гарқ қилиб қўйгандан кўра бу иш жўялироқ бўларди. Таомил шуки, кишининг маданий савияси терисининг нечоғлиқ тоза эканли-

ги даражасига мутаносибдир. Агар одамнинг жони бўлса, у муқаррар терида яшайди. Сувни ўйлашингиз биланоқ, терингиз уни шимиб олишга тайёр турган ўн мингларча сўргичлар билан қопланади. Муздек, салқин ва шаффоф, момиқдек юмшоқ, – жон учун ажойиб бир маскан... Яна бир дақиқа ўтса, аъзойи баданидаги териси чириб тушади.

У бакка мўралади-да, бирдан жон ҳолатда қичқириб юборди:

– Бўш ётибди!.. Қуп-қуруқ!

У бакка қўлини тиқди. Тагига чўкиб қолган қора қум қуйқаси бармоқларининг учини ифлос қилди. Гўё сувга чанқоқ териси остида олам-олам ярадор мингоёқлар фивирлагандай бўлди.

– Аблаҳлар, сув эсларидан чиқибди!.. Сувни кеинироқ олиб келишмоқчимикан?

Бу билан ўзини тинчитмоқчи эканлигини жуда яхши биларди. Пикап ҳамиша ишни тонг ота башлаши билан тамомлаб қишлоққа қайтиб кетади. У ярамасларнинг ниятлари маълум. Улар сув олиб келишни тўхтатиб, уни қийнашмоқчи шекилли. Бу одамлар қумни пастдан туриб ўпириш нечоғли хавфли эканлигини яхши била туриб, уни огоҳлантириб қўйиши ҳам лозим кўришмабди. Улар бунинг ҳар қандай хавф-хатардан холи бўлиши кераклигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ўз сирларини кам-кўстсиз билиб олган одамни бу ердан ҳақиқатан ҳам тириклай чиқариб юбормайдиганга ўхшайдилар.

Эркак остоноада тўхтаб, осмонга қаради. Тонг қуёши таратган қизил шафақда беозор момиқ булатчаларни аранг илғаб олиш мумкин эди. Осмон ёмғирдан дарак бермайди. Гўё ҳар нафас чиқарган сайин танаси намини йўқотаётгандек.

– Мақсадлари нима?! Мени ўлдиришмоқчими?!

Хотин ҳамон боягидай дилдирашда давом этарди. Балки, ҳаммасини яхши билганидандир. Қисқаси, жиноятга шерик бўлса-да, ўзини жабридийда қилиб

күрсатаётган анойи. Адабингни е!.. Сенинг бундай азоб чекишинг, ҳаққоний интиқом, холос.

Ахир қишлоқдаги анати аблаждар күрмагандан кейин хотиннинг бу азоб чекишилари бефойда. Ҳолбуки, уларнинг кўрмасликлари ҳақиқатга яқин ҳар ҳолда. Қолаверса, агар лозим топишса, улар хотинни курбон қилишдан тоймасалар ҳам ажаб эмас. Хотиннинг бу қадар юрак олдириб қўйғанлиги шундан бўлиши ҳам эҳтимол. Озодликка чиқаман, деган умидда ўзини урган туйнуги қафаснинг эшиги эканлигини маҳлуқ жуда кеч пайқаб қолди... Кўп марта бориб тумшуғи билан урилган балиқ аквариумнинг ойнаси чиқиб бўлмайдиган тўсиқ эканлигини ниҳоят тушунди... Иккинчи марта ҳам умиди пучга чиқди. Ҳозир галаба уларнинг қўлида.

Аммо жудаям қўрқавериш керак эмас. Кема ҳало-катига учраганлар очлик билан ташналиқдан эмас, озиқ-овқат билан сув етмай қолиши мумкин деган ваҳимадан ҳалок бўладилар. Ютқаздим, деб ўйла-шинг билан шу заҳотиёқ мағлубият бошланиб кетади. Бурнининг учидан бир томчи тер томди. Неча куб сантиметр суюқлик йўқотганингга диққат қилишинг – душманнинг қармоғига илинганинг бўлади. Бир стакан сувнинг буғланиб кетиши учун қанча вақт кетишини ўйлаб кўриш керак эди. Ахир керак-сиз ҳаяжонлар вақт деган қирчангини йўрттириб бермайди-ку.

– Қўл-оёғингизни ечиб қўяйми, а?

Хотин нафасини ичига ютганча, ишонқирамай, гужанак бўлиб олди.

– Хоҳламасангиз, ихтиёрингиз... Майли десангиз, ечиб қўяман... Аммо бир шарт билан. Рухсатсиз қўлингизга курак олмайсиз... Хўш, розимисиз?

– Илтимос қиласман, мумкин бўлса! – Ҳамма нарса-га қўниб келган, дабдурустдан шамол эпкини билан тескари қилиб юборилган соявондек, хотин зорлан-ганса илтижо қила бошлади: – Нима десангиз ҳам

кўнаман! Илтимос қиласман, мумкин бўлса... Мумкин бўлса!..

Арқон қип-қизил излар қолдирган эди. Уларнинг усти оқиши пўст билан қопланибди. Хотин чалқанча ётиб олиб, тўпиқдарини бир-бирига ишқади. Сўнгра бармоқдари билан билакларини уқалай бошлиди. Инграб юбормаслик учун тишини-тишига қўйди, юзига тер қалқди. Мана у аста-секин ёнбошига ағдарилиб, тўрт оёқлаб олди: аввал чўккалади, сўнг қўлларини тиради. Нихоят, машаққат билан бошини кўтарди. Хийла вақтгача шу вазиятда бўлиб, аста-аста чайқалиб турди.

Эркак супада жимгина ўтиради. У оғзига сўлак йиғиб ютарди. Бир неча марта ютгач, сўлаги худди елимдек ёпишқоқ бўлиб, томогидан ўтмай қолди. Унинг уйқуси келмас, аммо чарчоқдикдан хаёлида ҳамма нарса худди ҳўл қофоздагидек ёйилиб борар эди. Кўз ўнгида аллақандай хира доғлар ва чизиқдар лип-лип ўйнарди. Худди сирли суратга ўхшайди. Хотин бор... Қум бор... Суви тугаган бўм-бўш бак бор... Сўлакайи оққан махлук бор... Қуёш бор... Аллақаердадир – қаердалигини ўзи ҳам билмайди – албатта, атмосфера босими кам бўлган район ҳам бор, узилиш чизиқдари ҳам бор. Номаълум томонлари кўп бўлган бу тенгламага қай тариқа ёндашса экан энди?

Хотин ўрнидан туриб, аста-секин эшик томонга қараб кета бошлиди.

– Қаёққа кетяпсиз?!

Хотин ундан қутулиш учунгина нимадир деб минғиллади, нима эканлиги эшитилмадијам. Хотиннинг боядан бери нега қийналаётганини энди пайқади. Тахта девор орқасидан шу ондаёқ унинг астагина ёзилаётгани эшитилди. Бирдан ҳамма нарса кўзиға бир пулга арзимас бўлиб кетди.

Жуда тўғри: вақт худди отга ўхшаб бирдан шаталоқ отиб, олиб қочмайди. Аммо замбилғалтакка ўхшаб имилламайди ҳам. Эрталабки иссиқ аста-секин

юқори нүктасига чиқиб бориб, кўзи билан миясини қайнатди, ичак-човоини эритиб юбориб, ўпкасини ўртади.

Тунги намни ўзига сингдириб олган қум уни атмосферага ҳовур шаклида чиқариб юборади... Нурнинг синиши туфайли у худди ҳўл асфальтдек йилтирайди... Аммо аслида эса бу, ҳеч қандай қотишмасиз 1/8 мм диаметрли қум бўлиб, товада тап берилган ундан ҳам қуруқроқ.

Мана биринчи қум кўчкиси... Бирон кун ҳам шусиз бошланмайди, аммо эркак беихтиёр хотин билан кўз уриштириб олди. Қумни бир кун қазиб чиқариб ташлашмади – оқибати нима бўлар экан?.. Ҳеч нарса бўлмайди, деб ўйлади эркак, аммо ҳарқалай, ташвишга тушиб қолди. Хотин бошини қўйи солганича индамай ўтирас, бутун важоҳатидан, хоҳлаганингча ташвишланавер, деган маъно англашиларди. Башартики, шундай бўлса, ҳамма ҳам қирилиб кетмайдими, уни сўроққа тутиб ўтирмайди. Ипдек ингичкалашиб қолган қум оқими яна сербарлашиб, обидек<sup>1</sup> бўлиб, бир неча марта шу тариқа такрорлангач, ниҳоят тиниб қолди.

Хуллас, унча қўрқадиган жойи йўқ. У енгилгина ҳўрсиниб қўйди. Бирдан юзи учиб, қичиша бошлади. Шу вақтгача эслагиси келмаган арzon арақ худди қоронгиликдаги чирокдек бирдан уни ўзига омонсиз имлай бошлади. Нима бўлса ҳамки, томофини ҳўллаб олса ёмон бўлмасди. Акс ҳолда, вужудидаги ҳамма қони буғланиб чиқиб кетади. У бу билан бўлаҗак азобларининг уругини экишини, кейин ўкинажагини яхшигина пайқаб турар, аммо истагига ортиқ қаршилик қўрсатишга ожиз эди. Тиқинни очиб, шишани оғзига тутди-да, ича бошлади. Аммо тили ҳамон вафодор пойлоқчи итдек сергак эди – бегона кириб келганидан қўрқиб кетиб, энтикиб қолди. Ўзи-

<sup>1</sup> Хотинлар белбоги – эни ўттиз-қирқ см келадиган бир парча газлама.

ни учинчи қултумни ичиш иштиёқидан ҳам тийиб туролмади. Қандайдир бир даҳшатли нарсанинг ша-рафига ичмоқда.

Хотинга ҳам таклиф қилишга тўғри келди. Аммо у кескин рад этди, албатта. Шундай бир важоҳат билан рад этдики, бамисоли, унга заҳар ичишни таклиф қилишаётгандек. Худди ўзи ўйлагандек ошқозонига келиб тушган арақ шу ондаёқ пинг-понг соққасидек миясига сапчиб чиқиб, қулоқларида аридек гўнгиллай бошлади. Эти худди чўчқанинг терисидек дағал бўлиб бормоқда. Қони айнаб, буффа айланмоқда!

– Қандайдир бирор бир чора кўриш керак! Ўзинг ҳам бўлганингча бўлаётгандирсан? Арқонни ечиб олдим-ку – энди бирор иш қил!..

– Яхши... Агар мен қишлоқдагиларнинг бирортасидан сув олиб келиб беришни илтимос қиласасам-чи...

– Нима, илтимос қилиш қийинми?

– Агар ишни бошласак, ўша тақдирдагина.

– Ҳазилингни қўй!.. Қани айт-чи... Бирон бир одамда шундай ҳуқуқ борми ўзи?

Хотин бошини эгиб, лабларини қаттиқ қимтиб олди. Нима қилишинг мумкин? Эшикнинг қоқ тепасидан кўриниб турган бир парча осмон очиқ мовий тусдан худди дengиз чиганогининг ичига ўхшаб оқиш ялтироқ тусга кирди. Фараз қилайлик, бурч – бу одамнинг паспорти бўлса, нима учун энди унга анави нусхалардан қўл қўйдириш керак!.. Одамнинг ҳаёти сочиб ташланган парча-пурча қофоз эмас... У пухталаб тикилган, хуфия тутиладиган кундалик дафтар... Бир нусха учун битта биринчи сахифа мутлақо етарли... Давоми бўлмайдиган сахифаларда ўз бурчини адо этиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳар гал яқинларинг очликдан ўлганда кўмишга бораман десанг, ҳеч бир вақтинг етишмайди... Жин урсин, шу қадар чанқаяптики!.. Қанчадан-қанча одамлар ташналиқдан ҳам ўлади-ку, ахир ўшаларнинг ҳаммасини ҳам кўмаман десанг, ўҳ-ҳў, нечта жонинг бўлса ҳам етишмасди.

Янги кўчки қўзғалди.

Хотин ўрнидан туриб, девор тагида ётган супургини одди.

– Ишлай кўрма! Ваъда берган эдинг, шекилли?

– Йўқ, кўрпанинг устини супуриб қўяй..

– Кўрпанинг устини?

– Агар сиз бирпас ухлаб олмасангиз...

– Уйқум келса, ўзим ҳам жой тўғрилаб олавераман.

Туйқусдан ер қалқандек ларза бериб, уйни силкитиб юборди. Шифтдан қуйилган қум бир лаҳзада кўз ўнгини тутундек қоплади. Мана, қумни қазиб чиқариб ташламаганларининг оқибати. Сизиб ўтгани йўл тополмай пастга ўпириб тушди. Уйнинг тўсинлари ва устунлари тазийққа қаршилик кўрсатиб, бўғин-бўғингача зорланиб ингради. Аммо эшикнинг тепарогига диққат билан тикилиб турган хотин унча ташвишланмади. Афтидан, босим ҳали пойдеворгагина тушаётган бўлса керак.

– Аблаҳлар, ярамаслар... Қачонгача кутиш мумкин?.. Парволарига ҳам келмайди шекилли...

Юраги зада бўлган қуёндек қочиб қолишга тайёр... Ўз уясида туришга сабри чидамай, ўзини тўғри келган жойга – оғизгами, қулоққами, ичак-чозоққами уришга тайёр. Сўлаги яна ҳам ёпишқоқроқ бўлиб қолди. Томоғи эса жуда қақради. Афтидан, арақ ичиб кайфи ошиброқ қолганидан бўлса керак... Ҳали кайфи тарқаши билан ўт бўлиб ўртанади. Ўт уни куйдириб, кулга айлантиради.

– Қилгиликни қилиб қўйиб... қувонишаётгандир... Чунки уларнинг миялари сичқоннинг миясичалик ҳам эмас... Борди-ю, мен бу ерда ўлиб қолсам, унда нима қилишади?!

Хотин бошини кўтариб нимадир демоқчи бўлди-ю, яна индамай кўя қолди. Жавоб беришнинг фойдаси йўқ, деб ўйлади шекилли. Унинг бу индамаслиги, гаплашиб ўтиришнинг беҳудалигини, берадиган жавоби ёмон бўлиши мумкинлигинн тасдиқлаётгандек

эди. Яхши... Борди-ю, оқибат бари бир битта экан, имкони бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қилиб кўрса бўлмайдими?!

Эркак шишадан яна бир қултум ичди-да, дадилланиб ташқарига югуриб чиқди. Кўзига эритилган қўргошин оқими урилиб, гандираклаб кетди. Оёғидан қолган изларида дарҳол қум гирдоби ўйнай бошлади. Кечаси ҳов анави ерда хотинга ташланиб, унинг қўл-оёғини боғлаган эди... Тахминан ўша ерда белкуракни қум босиб қолган бўлиши керак. Кўчки тўхтади шекилли, аммо денгизга қараган чуқурлик томондан шувиллаганча қум қуюлиб турарди. Ўқтинг, шамодданмикан, бу оқим чуқурлардан кўтарилиб, ҳавода худди бир парча чодирдек ҳилпираб турарди. Қум янгидан кўчиб шовиллаб оқа бошласлиги учун у эҳтиёткорона равишида ботинкасининг уни билан қумни титкилашга киришди.

Яқиндагина кўчки келиб тушган, демак, чуқурроқдан қидириш керак бўлади, аммо оёғи ҳеч қаерда қаршиликка учрамас эди. Қуёшнинг тикка тушган тиглари чидаб бўлмас даражада куйдиради. Нуқтадек кичкина бўлиб қолган қорачиқ... Медузадек дилдираётган ошқозон... Манглайнини чанглалаган қаттиқ оғриқ... Энди бир томчи ҳам терни йўқотмаслиги керак... Чек қўйиш лозим. Ҳа, айтмоқчи, белкураги қаёқقا кетди экан?.. Уни худди қурол қилиб ишлатмоқчи бўлгандек ўқталиб турган эди... Ҳа, демак, уни ўша ерда қум босиб қолган... У чуқурни кўздан кечира бошлади ва бир жойда қумнинг белкурак шаклида дўйпайиб турганини кўрди.

У тупурмоқчи бўлди-ю, аммо шу ондаёқ ўзини койиди. Ҳатто бир томчи суюқлик бўлса ҳамки, баданда сақлаб туришга уриниш керак. Лаблари ва тишлари орасидаги қум билан сўлакни ажратмоқчи бўлиб кўрди, тишларига ёпишиб қолган қумни баромфи билан сидириб ташлади.

Хотин ўйнинг бурчагида, деворга ўгирилиб олганча кимоносини тимирскиламоқда эди. Балки бел-

богини бўшатиб, ичига тўлиб қолган қумни қоқаёт-  
гандир? Эркак белкурак сопининг ўртасидан ушлаб,  
уни елкаси баравар кўтарди. Сўнг ташқаридағи де-  
ворга урмоқчи бўлиб турган ҳам эдики... Орқасидан  
хотиннинг қичқиргани эшитилди. Эркак бор кучи  
билан белкуракни деворга урди. Белкурак тахта де-  
ворни ҳеч қандай қаршиликсиз осонгина бузиб ўтди.  
Сиртдан қум тозалаб қўйган девор худди янгидек  
кўринса ҳам, аслида чириб битган эди.

– Нима қиляпсиз?!

– Синдиromoқчиман. Нарвон ясашда керак бўлади.

Бошка бир жойни танлаб яна шундай қилиб кўр-  
ди. Натижа бир хил бўлди. Афтидан, хотин, қум ёғоч-  
ни чиритади, деб ҳақли айтган экан, шекилли. Ҳатто  
қуёш томонга қараган шу девор чиригандан кейин  
қолганлари нима бўлиши ўз-ўзидан маълум... Шу да-  
ражага келган бўлса ҳам турганини қара... Худди  
бир томони шол бўлгандек қийшайиб қолгани-чи!..

– Хўп, майли, агар тахталар ярамайдиган бўлса,  
тўсинларни кўрамиз.

– Қўйинг! Ярамайди! Қўйинг, илтимос қиласман!

– Нима ҳожати бор, бари билан босиб қолай-қо-  
лай деб турибди-ку!

У хотиннинг гапига эътибор бермай, тўсинга бел  
билан уриш учун қулочини ёзган эди ҳамки, хотин  
чинқирганича югуриб келиб, унинг қўлига оси-  
либ олди. Эркак билагини тортиб олиб, уни силтаб  
ташлаш учун бурилди. Аммо мўлжалидан адашди  
шекилли, хотинни йиқитиб юбораман деб, ўзи йиқи-  
либ тушди. Шу ондаёқ сапчиб туриб унга ташланди,  
хотин эса белкуракка қаттиқ ёпишиб олди. Нима  
гап... Ахир хотин ундан зўр чиқиши керак эмас-ку...  
Улар бир неча марта ер бағирлаб думалашишди, эр-  
как бир лаҳзагина хотиндан устун чиқиб, уни ерга бо-  
сиб олдим, деб турганида, хотин белкуракни қалқон  
қилиб ишлатиб, эркакни устидан иргитиб ташлади.  
На чора!.. Арақнинг касофати бўлса керак... Энди у

рақиби хотин киши эканини ҳам андиша қилиб ўтиришадай, жон ҳолатда унинг қорнига тиззаси билан тепди.

Хотин чинқириб юбориб, шилқ этиб тушди. Бир дақиқа фурратни бой бермай, унинг устига сапчиб, ерга босди. Хотиннинг кўкраги очилиб кетди, эркакнинг қўли тер босган яланғоч танани пайпаслай бошлади. Улар худди кинода кинопроектор бузилиб қоладиган вақтдагидек бирдан жим бўлиб қолишиди. Яна бир дақиқа ўтгач, белкурак талаши мутлақо бошқа бир нарсага айланиб кетиши мумкин эди. Аммо шу онда хотин бирдан хирқироқ овоз билан шундай деб қолди:

– Ҳамма шаҳарлик хотинлар чиройли бўлади шекилли, шундайми?

– Шаҳарлик хотинларми?.. – Эркак бирдан довдираб қолиб, бўشاшиб кетди... Хавф барҳам топгандек эди. У шу қумлиқда ҳам ноз-карашма бўлиши мумкинлигини тасаввур қиломас эди. Афтидан, агар ноз-карашма қилсан, эркак қадримга етмайди, деб ўйламайдиган хотин зоти бўлмаса керак. Худди мана шу таъсирили ва соддадил хом хаёл хотинни бир томонлама руҳий зулмга маҳкум этади... Хотиннинг анойилиги эркакни ўз душманига айлантиради.

## 20

Оҳорлангандек қотган дағал юз, бўрон тезлигидаги ҳарсиллаш, куйган қанд таъмидаги сўлак... Беҳуда кетган бир дунё куч. Бир стаканча тер чиқди-я! Хотин бошини қуи солганча аста-секин ўрнидан турди. Унинг қум босган юзи эркакнинг кўз ўнгидаги эди. У бирдан бармоқлари билан бурнини қоқиб, қўлинини қумга артди. Энгашувди, лозими сирғалиб тушди.

Эркак фижиниб четга қаради. Зотан, «фижиниб» деган ибора унча жоиз бўлмаса керак. Тилида қандайдир ғалати бир нарса қолди, аммо ташналил эмас эди, бошқа бир нарса...

У жинсий иштиёқнинг икки тури мавжуд деб тусмол қиласарди. Масалан, «Мёбиус тасмаси» қабилидаги одамлар хотин-қизларга хушомад қилишга киришарканлар, ишни одатда озиқ-овқат ва дид ҳақидаги маърузалардан бошлайдилар. Агар оч одамни олиб кўрсак, деб мулоҳаза қиласидилар улар, унга ҳамма овқат ҳам бир; унинг учун Кобэдаги сўқим гўшти ҳам, Хиросима устрицаси ҳам – ҳаммаси бир хил таъмга эга... Агар у, тўйди дегунча, овқатларнинг таъмини бир-бирларидан ажратса бошлайди. Жинсий иштиёқ жиҳати ҳам шундай: умумий бир жинсий иштиёқ бўлиб, кейинчалик айрим жинсий иштиёқлар юзага келади... Шаҳвонийликни ҳам умуман олиб қараб бўлмайди. Ҳаммаси жой билан вақтга боғлиқ: баъзан витаминалар, баъзи ҳолларда эса илон балиқ билан гуруч зарур бўлади. Бу чуқур ўйланган мукаммал бир назария бўлиб, таассуфки, умумий жинсий иштиёқ билан айрим жинсий иштиёқни, шу назарияга биноан текшириб кўриш учун шу вақтгача бирорта қиз ўзини тавсия этмади. Бу мутлақо табиий. Эркакни ҳам, хотинни ҳам назария воситаси билангина жалб этиш мумкин эмас. Ўша аҳмоқона содда дил «Мёбиус»нинг ҳам ақли балога етади-ю, фақат руҳий зўрликни ёмон кўрганлиги учунгина эгасиз уйларнинг эшикларини қоқишида давом этарди.

Унинг ўзи ҳам соф жинсий муносабатларни орзу-хаёл қиласидиган даражада романтик эмас эди, албатта. Бу нарса бир оёғинг гўрда турганда юз бериши мумкин, холос... Қуврай бошлаган бамбук мева беришга шошилади... Очликдан ўлаётган сичқонлар ҳам ўлиш олдида жимога ружу қиласидилар... Ҳамма сил касаллар ҳам зўр шаҳвоний ҳирсга мубтало бўладилар... Кўшқда яшаб зинапоядан чиқиб тушишгагина қодир бўлган подшоҳ ёки ҳоким ҳам бутун диққат-эътиборини ҳарам қуришга бағишлайди...

Аммо, хайриятки, инсон ҳар доим ҳам ажал таҳдиди остида яшамайди. Қишдан қўрқмайдиган одам

муҳаббатнинг мавсумий фаслларидан ҳам ҳалос бўлиб олган. Кураш тугагач, қурол ҳам дардисарга айланади. Тартиб деб номланган бир нарса юзага келди-ю, табиат ўрнига у инсонга тишлар, тирноқдар ва жинслар устидан ҳукм юритиш ҳуқуқини берди. Жинсий муносабатлар ҳам шаҳар атрофи поездининг мавсумий билетига ўхшаб қолди: ҳар сафар жўнашдан олдин албатта компостёр қилдириш керак. Бундан ташқари билетнинг қалбаки эмаслигига ҳам қаноат ҳосил қилиш керак. Бу текшириш ҳам жорий қилинган тартибнинг машмашасига жуда мос келади. Ниҳоятда сердаҳмаза иш. Турли-туман ҳужжатлар керак бўлади: шартномалар, четга мол чиқазиш ёки мол олиш учун ижозатномалар, шахсий гувоҳнома, рухсатнома, унвон берилганлиги ҳақида гувоҳнома, рўйхатдан ўтганлигинг ҳақидаги ҳужжатлар, аъзолик билети, мукофотланиш ҳақидаги ҳужжатлар, векселлар, қарз мажбуриятномалари, суурита ҳужжати, даромадлар ҳақидаги декларация, квитанциялар ва ҳатто шажара рўйхати – хуллас, хаёлингга келган ҳамма қофозларни сафарбар қилишинг керак бўлади.

Ана шунинг учун жинсий муносабатлар худди пилла ичидаги капалак ғумбагига ўхшаб, ғарам-ғарам ҳужжатлар остида кўмилиб кетади. Агар иш шу билан тугаса олам гулистон-а? Балки хат-ҳужжатлар бундан бу ёғига ҳам керак бўлар?.. Яна битта-яримтаси эсдан чиқиб қолмадимикан?.. Эркак ҳам, хотин ҳам, муқаррибим ҳужжатларни қунт билан тўла-тўқис йиғмаган, деган шубҳаларга бориб, ич-этларини ейдилар... Шу тариқа, ўзларининг ҳалолликларини пеш қилиш учун янгидан-янги ҳужжатлар ўйлаб чиқара бошлийдилар. Энг охирги ҳужжат қайси бири эканлигини ҳеч ким билмайди... Бу ҳужжатларнинг ҳам поёни кўринмайди.

(Анави хотин мени ўтакетган инжиқлиқда айбларди. Аммо мен инжиқлик қilmайман, рост.)

– Ахир севгининг мажбуриятлари шундай эмасми?

– Мутлақо ундей эмас! Севги – мустаснолик йўли билан ҳамма тақиқлар рад этилгандан сўнг қолган нарсадир. Агар шунга ишонилмаса, демак, ҳеч нарсага ишонилмаган бўлади.

Жинсга тааллуқди нарсаларнинг ҳаммасига, бу тухфани билдиради, деган ёрлиқларни ёпиширавериш бемаъни бўлар эди, албатта. Ҳар куни эрталаб севгини қунт билан дазмоллайлик... Сал тутилган бўлса, эскириб қолади... Агар ғижимланган қатларини дазмоллаб юборсанг яна яп-янгидак бўлиб қолади... Янги бўлиши билан, шу заҳотиёқ эскира бошлийди... Шундай маза-матрасиз гапларга бирор жиддий қулоқ бериб эшишиб ўтириши керакми?

Агар тартиб унга риоя қилаётганларнинг ҳаётларини сақлашга гаров бўла олса, ён босишдан бир маъно чиқар эди албатта. Аслида эса қандай? Ажал тифлари осмондан тушади. Аммо ердаги ажал турларининг ҳам сон-санофи йўқ. Жинсий ҳаётда ҳам шуни илғай бошлийсан. Қўлингда бамисоли қалбаки вексель. Икки жинсдан бири қаноатланмаса, қалбаки мавсумий билет ясашга киришилади. На чора, бу амалий тадбир. Ёинки, муқаррар бир офат сифатида руҳий зўравонлик зарурати эътироф этилади. Бусиз бирорта ҳам никоҳ мумкин бўлмасди. Эркин севгини тарғиб қиласиганлар ҳам тахминан шундай иш кўрадилар. Улар жўяли баҳона соясида икки томоннинг зўрлигини ниҳоятда рационаллаштирадилар. Агар буни, одат ҳукмидаги бир нарса, деб қабул қилинса, унда маълум бир эрмак ҳам топиш мумкин бўлса керак. Аммо парда яхши тортилмай қолибди, деган ташвиш ҳамроҳлигидаги эркинлик оқибатда руҳий касалликларга олиб келади.

Хотин эркакнинг вужудини чулғаган ҳисларни зийраклик билан сезиб тургандек, лозимининг боғичларини боғламоқчи эмасди. Ечилган боғичнинг

учлари бармоқларининг орасида осилиб турарди. У аслида қүённикига ўхшаган кўзлари билан эркакка қараб қўйди. Эркак унга бақрайиб тикилди. Хотиндан пай гўшти қайнаётганда келадиган ҳид анқиди.

Боғични боягидек ушлаганча у эркакнинг одидан ўтиб уйга кирди-да, лозимини еча бошлади. Бу ишни у худди илгари бошлаб қўйган бир ишни давом этти-раётгандек бамайлихотир, табиий бир ҳолда қиласади. Ахир чинакам хотин шу-ку, деган фикр лип этиб ўтди эркакнинг миясидан. У аҳд қилди. Галварс, яна бир оз ҳаялласанг ҳаммаси барбод бўлади. У ҳам тезликда камарини бўшатди.

Куни кечача у, бу ҳолни кўрса юзидағи кулгичи, ҳаё билан жилмайшига ўхшаган хотиннинг навбатдаги макру ҳийаларидан бири бўлса керак, деб ўйлаган бўларди. Балки шундай ҳамдир. Аммо у шундай деб ўйлагиси келмасди. Хотиндан бозордаги мол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган вақт ўтган эди... Ҳозир ҳамма нарсани эўрлик билангина амалга ошириш мумкин... У савдо муомалаларидан воз кечиш керак, муносабатларимиз бир биримизга ўзаро ишончга асосланиши керак, деб ўйлашга тўла ҳақли эди...

Хотин бир тиззаси билан чўккалаганча эшилган сочиқ ёрдамида бўйнидаги қумни қоқа бошлади. Қўққисдан янги қум кўчди. Бутун уй ларзага келиб, ғижирлади. Халал бериб қолди!.. Кўз очиб юмгунча хотиннинг бошини оппоқ гард қоплади. Қум тўзони ҳавода худди тумандек сузуб юрарди. Елкалари билан қўлларини ҳам юпқа қум қатлами қоплади. Улар қучоқлашганча кўчкининг тугашини кутиб туришарди.

Ёпишган қум тер билан қоришгани етмаганидек, тепадан устма-уст қум қуюлар эди. Хотиннинг елкалари титрар, эркак ҳам тобига этиб, қайнай-қайнай деб турар эди... Ҳарқалай, хотиннинг сонлари унга нега бунчалик ўзига маҳлиё қилди экан-а?.. Шу қадар маҳлиё қилмоқдаки, у ҳатто асаб ипларини

бирма-бир сууриб олиб, хотиннинг сонларини чирмашга ҳам тайёр эди. Бу айнан йиртқич ҳайвоннинг очкүзлигини эслатарди. У худди бураб қўйилган таранг пружинадек кучга тўла эди... Анави шаҳардаги хотин билан у бирор марта ҳам бундай ҳисни кечирмаган эди...

Кўчки тўхтади. Эркак худди шуни кутиб турган-дек, хотиннинг баданидаги қумни қоқиб тушира бошлади. Хотин хирқираф кула бошлади. Кўкрагидан қўлтиқларигача, у ердан сонларигача – эркакнинг қўллари тобора қатъийлашиб борарди. Хотиннинг бармоқлари ҳам эркакнинг бўйнига ботди, хотин ора-чора, ҳузур қилибми, қийқириб ҳам қўярди.

Эркак тутатгач, қум тозалаш навбати хотинга ўтди. Эркак кўзларини юмиб, унинг соchlарини ўйнаганча кута бошлади. Хотиннинг соchlари қалин ва дағал эди.

Томирлари тортишиб кетди... Ҳамиша шундай, қачонки бирор нарсанинг хаёлига берилиб, ўзи бошқа иш билан овқат еяётган, юраётган, ухлаётган, ҳиқичноқ тутаётган, қичқираётган, шунингдек, хотин киши билан қўшилишаётган пайтларида албатта шундай бўлади.

## 21

У шалаббо терга ботиб, баданини тахир балиқ мойни эслатувчи шилимшиқ қоплаганча, безовта аганайвериб бир озгина мудраб кетди шекилли, туш кўрибди. Туш кўрса, синган стакан, полининг тахталари очилиб кетган узун йўлак, нажас лиммо-лим унитаз, ваннахона бор эмиш, доимо сувнинг шариллаши эшитилиб турган бўлса ҳам, уни ҳеч қидириб тополмас эмиш. Аллақандай бир эркак сувдон кўтарганча чопиб ўтганмиш. Бир қултум сув сўраса, у одам бунга ўқрайиб қараб, худди чигирткадек диканлаганча кетиб қолганмиш.

Эркак уйғониб кетди. Аллақандай ёпишқоқ ва ис-сиқ нарса лабини күйдиради. Ташиналиги икки бор ортиқ күч билан қайтиб келди... Сув!.. Ялтираб турувчи шаффоф сув... Стаканнинг тагидан кўтариладиган кумуш ранг ҳаво пуфакчалари... Ўзи эса – чанг-тўзон, ис босган, қаровсиз ярим хароба уйдаги худди сувдан ирфитиб юборилган балиқдек оғзи очи-либ қолган сув қувури...

У ўрнидан турди. Қўллари ва оёқлари худди сув тўлатиб қўйилган резина ёстиқдек зил-замбил... У ерда ётган чеълакчани олиб бошига кўтарди. Ўттиз се-кунччадан кейин тилининг учига икки-уч томчи сув тушди. Аммо тили уларни худди босма қофоздек ши-миб олди. Бу томчиларни кутаётган томоғи эса уларни ютиш иштиёқида беҳуда уриниб, титраб-қақшаб сиқилди.

Эркак сув қидириб ювинадиган жойдаги қўлига учраган нарсаларнинг ҳаммасини тит-пит қилиб юборди Барча кимёвий бирикмалар орасида – сув энг оддийси. Столнинг ғаладонида ўн иеналик пул қолиб кетиши мумкин бўлганидек, уни топиш ҳам муаммо эмас. Ҳа, сув ҳиди келяпти. Аниқ, сув ҳиди. Эркак шоша-пиша бак тагидаги нам қумни қазиб олиб оғзига тиқди. Уни ўқчиқ тутди. Энгашганча қорнини чанглаб қолди. Сафро қайт қилди, кўзла-ридан тирқираб ёш оқди.

Бош оғригининг зўридан кўзлари худди қўрғошин таҳтача билан эзғилангандек бўлди... Жинсий яқинлик оқибатда ҳалокатни яқинлаштиради, холос. Бирдан эркак тўрт оёқлаганча ердаги қумни худди итга ўхшаб титкилаб қазиб бошлади. Тирсаги баробар чуқур қазигач қумнинг қорамтири тусга кирганини ва намхуш бўлиб қолганини қўрди. Чуқурга бошини тиқиб, ёнаётган пешанасини унга босганча ютоқиб қум ҳидини исказ босганди. Агар шундай нафас олса, ошқозонида кислород билан водород албатта бирикади.

– Жин урсин, қўлларим шу қадар кир бўлиб кетибдики! – у тирноқларини кафтига ботириб, хотинга ўтирилди: – Нима қилиш керак ахир?! Ростдан ҳам ҳеч қаерда сув йўқми?!

Хотин кимоносини оёғига ёпиб, ғужанак бўлганча аста шивирлади:

– Йўқ, сира ҳам йўқ...

– Йўқми? Нима, шу «йўқ» деганингча қўл қовуштириб ўтиравермоқчимисан?! Бунақада ўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас-ку. Итдан тарқаган!.. Қаердан бўлса ҳам дарров топ!.. Сендан илтимос қиласман... Эшитяпсанми? Ҳозирча «илтимос қиласман» деяпман-а.

– Агар иш бошласак, ўша заҳотиёқ...

– Майли, кўндим!.. Бошқа чорам йўқ, кўндим!.. Коқ балиқ бўлгим келмайди... Беҳудага ўлиб кетавераманми? Ахир мен сидқидидан таслим бўлаётганим йўқ-ку. Сув топиш учун ҳатто маймун ўйинига ҳам тушиш мумкин – томоша қилишса қила қолишсин. Кўндим, гапим рост... Аммо одатдаги сув олиб келадиган вақтларигача кутиш керак бўладиган бўлса, ўзларига сийлов... Биринчидан, шу аҳволда ишлаёлмаймиз ҳам. Тўғрими? Қандай бўлмасин улар билан дарҳол алоқа боғла... Ўзингнинг ҳам томогинг қақраб кетгандир?

– Агар ишлай бошласак, дарров билишади... Ҳар доим ўт ўчирувчилар ҳавозасидан дурбинда бирор одам кузатиб туради.

– Ўт ўчирувчилар ҳавозаси?

Темир дарвозалар ҳам, мустаҳкам деворлар ҳам эмас, эшикдаги кичкина бир туйнукча одамга қамоқхонада ётганлигини ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ сездириб туради. Эркак ғужанак бўлганча хаёл кўзи билан теварак-атрофга назар сола бошлади. Уфқда – осмон билан қум, бошиқа ҳеч нарса йўқ... У ерда ҳеч қандай ўт ўчирувчилар ҳавозаси йўқ. Башартики, бу ердан кўринмаётган экан, у ергагиларнинг буларни кўришлари ҳам амри маҳол...

– Агар чуқурнинг нариги томонидан қарасангиз, ҳаммасини дарров пайқайсиз...

Эркак энгашиб белкуракни олди. Ҳозир ўз иззат-нафси ҳақида ўйлаши – балчиққа булғалаб олинган кўйлакни ҳафсала билан дазмол қилишга ўхшаган иш бўлар эди. Худди орқасидан бирор қувгандек у физиллаганча ташқарига чиқиб кетди.

Қум худди ўт устига қўйиб қўйилган қуруқ товадек ёнмоқда. Жазирамадан нафаси қайтиб кетди. Ҳаводан совун ҳиди анқирди. Аммо олдинга қараб юриш керак. Фақат шу йўл билангина сувга етиб олиш мумкин. У денгиз томонга қараган чукур олдида тўхтаб, юқорига тикилган эди, дарҳақиқат жимжилоқ учидан катта бўлмаган қоп-қора ҳавозанинг учини кўрди. Тепасидаги чўққайиб турган нарса – эҳтимолки, назоратчи бўлса. Кўриб қолган бўлса ҳам ажаб эмас. Балки бу фурсатни сабрсизлик билан кутгандир ҳам.

Эркак қорайиб кўринган жажжи нарсага ўгирилиб, белкуракни кўтарди-да, шахт билан силкита бошлиди. У куракнинг ўткир тифи ялтираётганини назоратчи кўра олиши мумкин бўладиган ҳолатда ушлаб туради... Кўзларига иссиқ симоб қўйилган-дек бўлди. Хотин нима қилаётган экан? Чиқиб ёрдамлашса ҳам бўларди...

Бирдан худди нам дуррачадек соя тушди: бу осмоннинг бир чеккасида шамол ҳайдаб юрган, ҳазондек келадиган будут эди. Жин урсин, ёмғир ёғиб қўя қолса-ку, бу ишларни қилиб ўтирмас эди... Эҳ, иккала қўлини чўзса-ю, ҳовучи сувга тўлиб қолса... Дераза ойнасидаги шаррос сув... Новдан оқиб келаётган ҳайқириқ сув... Асфалътда вақир-вуқур қайнаётган ёмғир томчилари...

Туш қўрдими, ёки кўрганлари ўнгидан келдими – бехосдан атрофида фала-ғовур ҳаракат эшитилиб қолди. Ўзига келса, қум кўчкисининг ичида ётибди. Уй олдидаги бостирмага югуриб бориб, деворга қапишиди. Суяклари худди консерва қилинган балиқ-

нинг сүякларидек мулоийим бўлиб қолган эди. Ташналик энди чаккаларининг аллақаерларида хуруж қиласмоқда эди. Унинг майдада-майдада парчалари ҳушининг сирти бўйлаб ҳалқа-ҳалқа қора доғлардек ёйилди. Энгаҳини кўтариб, қўлларини қорнига қўйганча ўқчиини енгмоқчи бўлди.

Хотиннинг овози эшитилди. У учиримга қараганча нимадир деб қичқирмоқда эди. Эркак вазмин бўлиб қолган қовоқларини аранг очиб ўша томонга қаради. Уни бу ерга бошлаб келган ўша чол арқонда эҳтиётлик билан челак туширмоқда эди. Сув!.. Ниҳоят олиб келишибди. Челак қийшайиб, қум ён бағрида ҳўл доф пайдо бўлди. Чинакам, чинакам сувнинг ўзи!.. Эркак қичқирганча челакка қараб югорди.

Челак қўл етиш мумкин бўлган баландликка етиб келганда у хотинни итариб юборди-да, чатаноғини керганича эҳтиётлик билан икки қўллаб ушлади. Уни ечиб олиб, сабрсизлик билан бошини дарҳол челакка тиқди, бутун вужуди насосга айланди. Бошини кўтариб нафасини ростларди-да, яна челакка ёпишарди. Учинчи марта бошини челакдан кўтарганда бурни ва оғзидан сув шариллаб оқиб энтиқмоқда эди. Тиззалири майишиб, қўзлари юмилиб қолди. Энди хотиннинг навбати эди. У ҳам бундан қолишмади. Танаси худди бамисоли резина поршендек ҳўр-ҳўр қилиб бир лаҳзадаёқ челакни яримлатди.

Хотин челакни қўлига олиб уйга кириб кетди, чол эса арқонни тортиб ола бошлади. Аммо шу пайт эркак арқонга осилиб олиб зорланишга тушди:

– Шошманг! Арзимни эшитинг. Фақат эшитиб қўйинг. Илтимос қиласман, шошмай туринг!

Чол қаршилик билдирамай, тўхтади. Саросимага тушганидан кўзлари пир-пир учди-ю, аммо юз ифодаси деярли ўзгармади.

– Башартики, сиз сув олиб келган экансиз, мен ҳам ўйлаб қўйган гапимни гапириб олишим керак. Сўзларимни охиригача эшитишингизни истайман.

Сизлар қаттиқ янглишяпсизлар. Мен мактаб ўқитувчиши бўламан... Менинг ҳам дўстларим бор. Касаба уюшмаси, педагогика кенгаши билан педагоглар ва ота-оналар уюшмаси бор, ҳаммалари мени кутишияпти... Хўш, нима деб ўйлайсиз – менинг йўқолганимга жамоатчилик индамай кетаверармиди?

Чол тилининг учи билан юқори лабини ялаб, лоқайд илжайиб қўйди. Йўқ, бу табассум ҳам эмас эди, у шамол учирив келаётган қум кирмасин деб, кўзларини юминқиради, шекилли. Аммо ҳаяжонланиб кетган эркакнинг назаридан ҳатто бирорта ажин ҳам четда қолмасди.

– Нима-нима? Нима гап ўзи?.. Жиноят ёқасида турганингизни наҳотки тушунмаётган бўлсангиз?

– Нима? Ўшандан бери ўн кун ўтди, полициядан эса ном-нишон ҳам йўқ... – Чол сўзларини салмоқлаб, бир маромда гапиравди. – Башартики, ўн кундан бери ҳеч ким суриштирмадими, бу ёғига энди ахир...

– Ўн кун эмас, бир ҳафта!

Аммо чол жавоб қайтармади. Дарҳақиқат, ҳозир бундай суҳбатдан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Эркак ҳаяжонини босди, овозига хотиржамлик оҳангиги ни беришга тиришиб, сўзида давом этди:

– Ҳа, майли, бунинг аҳамияти йўқ... Яхшиси, сиз бу ерга тушсангизу, биргалашиб осойишта гаплашсакмикан? Ҳеч қандай заарар етказмоқчи эмасман. Борди-ю, бир нарса қилмоқчи бўлган тақдиримда ҳам – қилолмасдим. Чунки мен сизга нисбатан ожизман... Ҳа, ишонаверинг.

Чол ҳамон индамай туради. Эркак ҳаллослаб нафас ола бошлади.

– Биламан, қишлоқ учун қумни тозалаб туриш муҳим нарса... Ҳарқалай, ҳаёт-мамот масаласи. Жуда муҳим масала... Буни яхши биламан... Эҳтимол, зўрлик билан мажбур қилмаганингизда, ўз хоҳишим билан сизларга қўшилиб ишлаган бўлармидим... Гапимга ишонаверинг! Кимки бу ердаги турмушни

кўрса, одамгарчилик юзасидан ҳам сизларга ёрдам бергиси келиб кетади. Аммо мендан сизга сираям фойда йўқ. Нега сиз ҳамкорликнинг бундан кўра қандайдир бошқачароқ, мақбулроқ йўллари ҳақида ўйлаб кўрмайсиз?.. Одамларни ишнинг қўзини билиб жойлаштириш керак... Агар ўрнига қўйилмаса, унинг ёрдам бераман деган энг яхши ниятлари ҳам бекор кетади... Тўғри эмасми?.. Ахир мендан фойдаланиш учун бу қадар ўтакетган қалтис тадбирни қўлламасдан, бошқачароқ йўл тутиш мумкин эмасмиди?

Чол унинг гапини эшитаётганини ҳам, эшитмаётганини ҳам билиб бўлмайдиган бир қиёфада бошини бурди-да, худди шўж мушук болани ҳайдаётгандек бир ҳаракат қилиб қўйди. Балки ҳавозадаги назоратчининг олдида гаплашиб туришдан қўрқаётгандир?

– Хўп деяверинг... Дарҳақиқат, қум қазиш муҳим иш... Аммо бу мақсад эмас, бир воситагина, холос. Мақсад – ҳаётни қандай бўлмасин даҳшатли хавф-хатардан сақлашдир. Шундай эмасми? Хайриятки, мен қумни тадқиқот қилиш иши билан жуда қизиқиб шуғулланганман... Бундай жойга келишимнинг сабаби ҳам шу. Ҳа, ҳарқалай, бизнинг замонамиизда қум инсоннинг дикқатини жалб этади... Бу нарсадан муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Бу жойларни янги саёҳат марказига айлантириш мумкин... Қумга қаршилик кўрсатиб эмас, раъийга қараб ундан фойдаланиш керак. Хуллас, фикрлаш йўригини кескин қайта қуришга тиришиб кўриш керак...

Чол қўзини ердан узиб, лоқайд бир қиёфада шундай деди:

– Қандай қилиб ҳам саёҳат маркази бўларди, бу ерда бирорта ҳам иссиқ булоқ бўлмаса... Қолаверса, саёҳатдан савдогарлар билан келгиндиларгина бойиши ҳаммага маълум нарса.

Эркак унинг сўзларида истеҳзо оҳангини сезгандек бўлди ва шу ондаёқ хотиннинг, шундай қисматта учраб ҳалок бўлган суратчи ҳақидағи ҳикоясини эслади.

– Ҳа... албатта, бу нарсаларни мен мисол учун айтдим, холос... Қумнинг хоссаларига мос келадиган маҳсус қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Умуман, қандай бўлмасин эски турмуш тартибига ёпишиб олишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ...

– Биз бу ерда ҳар хил тадбирларни қўллаб кўряпмиз... Ерёнроқ ҳам экиб кўряпмиз, илдизи пиёз нусха бошқа экинларни ҳам экиб кўряпмиз... Бу ерда лолалар қандай битаётганини кўрсангиз эди...

– Кумдан сақланиш борасида қандай жиддий ишлар олиб бориляпти?.. Менинг бир ўртоғим мухбир бўлиб ишлайди... Газета ёрдами билан жамоатчилик фикрини кўтариш мумкин. Бунинг ҳеч қандай қийинлик жойи йўқ. Молиявий ёрдам ололмаганимиздан кейин қуруқ жамоатчилик фикрининг бизга нима кераги бор?

– Мен ҳам ҳудди шуни назарда тутиб, ёрдам пули йиғишни таклиф қилмоқчиман-да.

– Маъмурлар шамол олиб келадиган қумни табиий офат ҳисобламай, зиёнларимизни қопламайдиган бўлиб қолишган.

– Уларни мажбур қилиш керак!

– Ахир бизнинг қашшоқ маъмуриятимизда бирор нарсани амалга ошириб бўлармиди... Шунинг учун ҳам ҳафсаламиз пир бўлиб кетган... Ҳозирги қилаётган ишимиз – хавфдан қутулишнинг энг арzon йўли... Мабодо, маъмурларга ишониб ўтираверсак, то улар ҳисоб-китоб, хом чўт қилиб бўлгунларича қумга кўмилиб кетамиз...

– Ахир мен, мутлақо бир муайян вазиятга эга бўлган одамман-ку! – деб бақирди эркак овози борича.

– Сизларнинг ҳам фарзандларингиз бор, ўшаларга ота-онасиз-ку! Наҳотки ўқитувчиликнинг жавобгарлик иш эканини тушунмасангиз?

Шу пайт чол арқонни юқорига тортди. Faflatda қолган эркак уни қўлидан чиқариб юборди. Бу нима

бўлди ўзи?.. Наҳотки чол унинг қўлидан арқонни тортиб олиш учунгина пайт пойлаб турган бўлса?.. У саросимага тушган ҳолда чўзилган қўлларини ҳавода ўйнатарди.

– Ҳаммангиз жиннисиз... Эси пастлар... Ахир қум қазиш деган нарса ўргатиб қўйилса, ҳатто маймун ҳам бажаравериши мумкин-ку... Мен бундан кўра анча дурустроқ ишларга қодирман... Инсон ўз имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиши керак...

– Ҳа... – деб қўйди чол бепарвогина, бу эзма гаплар жонига текканини бутун важоҳати билан сездириб.– Ҳўп, майли, унча-мунча камчиликлар бўлса маъзур тутасиз... Қўлимиздан келган нарсани сиздан аямаймиз...

– Шошманг! Ҳазилингизни қўйинг! Ҳой, шошманг, илтимос қиласман!.. Пушаймон бўласиз! Ҳали масаланинг моҳиятига тушунганингиз йўқ-ку ахир!.. Илтимос қиласман... Шошмасангиз-чи!..

Аммо чол ҳатто бирор марта ҳам қайрилиб қарамади. Худди оғир юқ орқалаб олгандай буқчайганча ўрнидан турди-да, жўнаб қолди. Уч қадам қўйганидан сўнг елкаси кўринмай қолди, тўрт қадам қўйганидан кейин эса бутунлай қўздан йўқолди.

Эркак ҳолсизланиб деворга суюнди. Қўллари билан бошини қумга тиқди, ичига қум тушиб, камари сириб турган жойи ёстиқдек дўмпайиб қолди. Бирдан бўйни, юзи ва човини гарқ-гарқ тер босди. Ҳозиргина ичган ҳамма суви тер бўлиб юзага қалқди. Тер билан қум қоришиб, этга ёпишган хантал қоғоздек бўлиб кетди. Териси кўпчиб, силлиқ резина плашга ўхшаб қолди.

Хотин аллақачон ишга тушган эди. Эркак бирдан, қолган сувни хотин ичиб қўйган бўлса-я, деган хавфга борди-да, уйга қараб югурди.

Сув боягисидек турарди. У бир кўтаришда уч-тўрт култум ичди-да, бу шаффоф минералнинг қудратига таҳсин ўқиди. Аммо ташвишини яшиrolмади. Кеч-

гача бу сув ичишга ҳам етмайди. Овқат пиширишга қолмаслиги турган гап-ку. Устамонлар пухта мүлжал қилишибди. Ташна бўлиш таҳдикаси кишини ҳар кўйга солишини билишади-да. Эркак каттакон похол қалпоқни қошигача бостириб кийиб, худди орқасидан ёв қувгандек ташқарига югуриб чиқди. Ташналиқ қаршисидаги фикр ва мулоҳазалари қизиб турган пешанага келиб тушган аянчли қор учқунларига айланди. Агар сувнинг ўн стакани чучмал қиём бўлса, бир стакани бамисоли аччиқ қамчи-да!

– Хўш, қанийди ўша белкурак?..

Хотин бостирма тагини кўрсатиб, ҳоргин жилмай-ганча енги билан пешанасидаги терини артди. Зотан, аъзойи бадани шалайим бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо асбоб-ускуналар қаерда турганлигини бир лаҳза ҳам ёдидан чиқармаган эди. Бу қумда яшайдиган одамнинг кўнишиб кетган одатий фикрлаш йўриғи бўлса керак.

Эркак қўлига белкуракни олиши билан ҳоргин сувяклари худди йифма уч оёқдек қисқариб қолгандек бўлди. Ўтган куни кечаси туни билан мижжа қоқмай чиққанлиги учун бўлса керак. Нима бўлса ҳамки, энг аввал мумкин қадар камроқ ишлайжаги ҳақида хотин билан келишиб олиши керак экан. Аммо гаплашишга мадори қолмади. Чунки чол билан гаплашишга кўп куч сарф қилганидан, кекирдагининг томирлари худди чириган калавадек титилиб кетганга ўхшарди. У хотиннинг ёнидан жой олиб, белкуракни ишга солди.

Улар бир-бирлари билан қўшоқдаб қўйилгандек баҳамжиҳатлик билан чуқурлик ва уй орасидан олдинга қараб қазиивердилар. Уйнинг хомссиз оқшоқ нондек тахта деворини пўпанак босиб кетган эди. Ниҳоят, улар қумни бир жойга уйишли. Сўнгра бидонларга солиб тозаланган жойга таший бошлишди. Ҳамма бидонларни ташиб қўйгач, яна қазишга тушишди.

Ихтиёrsиз, қарийб автоматик ҳаракатлар. Эркак-нинг оғзи хом тухумнинг оқини эслатувчи сўлакка тўлди... Сўлаги энгаҳидан шириллаб тушиб, кўкрагига томмоқда, бироқ у бунга эътибор ҳам бермайди.

– Биласизми, куракни чап қўлингиз билан мана бундай ушлаб олинг, сал пастроқдан... – дея оҳиста уқтириди хотин. – Шунда чап қўлингизни қимирлатавермайсиз, ўнг қўлингиз кўтаргичлик вазифасини бажаради-да, камроқ чарчайсиз.

Қарға қафиллади. Ёруғлик бирдан сарғиш рангдан мовий тусга кирди. Аъзойи баданидаги оғриқ ҳам теварак-атрофдаги манзарага сингиб кетгандек бўлди. Соҳил бўйлаб тўртта қарға пастлаб учиб ўтди. Қанотларининг учлари қорамтири-яшил тусда товланарди, эркак нима учундир ҳашаротлар солинадиган банкадаги цианли калийни эслади. Ҳа, эсида борида уларни бошқа қутичага солиб, полиэтилен билан ўраб қўйиши керак. Бўлмаса жазира маисицдан бир зумда қовжираб тўкилиб тушишлари мумкин...

– Бугунчалик етар...

Хотин шундай деб чуқурнинг тепасига қаради. Унинг юзи мутлақо қуруқ бўлиб қолган эди, зотан, уни қум қоплаган бўлса ҳам, эркак унда бир қатра ҳам қон қолмаганлигини пайқади... Теварак-атрофни қоронфилик чулгади. Эркак ниҳоятда ҳолдан кетиб пайпасланганча ягир тўшагига етиб олди. Хотиннинг қайтиб кирганини сезмади ҳам.

## 22

Агар мушакларнинг оралиқларига гипс қўйилса, одам ўзини шундай ҳис қилса керак. Кўзлари, очиқдегу, аммо ҳеч нарса кўринмаяпти экан? Аллақаерда сичқон ниманидир уясига сургаб кетмоқда... Томоги худди бирор этов ургандек ачишмоқда... Оғзидан кир ўранинг ҳиди келади... Тамаки хумор қилмоқда... Йўқ, аввал сув ича қолади. Сув!.. У шу ондаёқ воқе-

ликка қайтди... Гап бундай экан-ку. Сичқон эмас экан – хотин ишлай бошлаган экан!.. Қанча ухлади экан ўзи?.. Турмоқчи эди, аммо қандайдир бир даҳшатли куч уни яна түшакка чўзилтириб қўйди... Бирдан пайқаб қолиб, юзидаги сочиқни олиб ташлади. Қия очиқ эшикдан худди сарғиш елимшакдан ўтказилгандек сарин ой нури тушиб турарди. Аста-секин яна тун кириб келди.

Ўрнининг ёнгинасида чelакча, чироқ ва сувли шиша турарди. У шахт билан тирсагига суюниб турди-да, оғзини чайқади. Сувни йироқроққа, ўчоқ томонга пуркаб ташлади. Аста-секин, мазасини сезиб бир неча қултум ичди. Чироқ атрофини пайпаслаб юмшоқ бир тугунча топди – бу гугурт билан сигарета эди. Чироқни ёқиб, сигаретасини тутатди. Шишадан озгина сув ичди. Парча-парча бўлиб кетган хаёли аста-секин яхлит бил нарсага айланга бошлади.

Овқат ҳам алланимага ўраб қўйилган экан. Шуннинг учун совимабди, гуруч унидан пиширилган учта бўғирсоқ, иккита қоқ сельд, қовжираб бужмайиб қолган сиркали турп ва озгина қайнатилган савзавот, мазаси тахир – турпнинг қуритилган баргларидан бўлса керак. Битта сельд билан бўғирсоқнинг ўзи кифоя эди. Ошқозон ҳам резина қўлқопдай қапишиб қолди.

У ўрнидан тураркан, бўғинлари худди шамолда қолган тунука томдек фижирлаб кетди. Эркак хавотир билан бакка мўралади. У яна лиммо-лим экан, сочиқни ҳўллаб юзига босди. Аъзойи бадани теракнинг баргидек титраб кетди. У гарданини, бўйини артди, бармоқлари орасидаги қумни уқалаб туширди. Бундан бу ёқ ҳаётининг маъносини худди шундай дақиқалар билан белгилаш керак бўлади шекилли.

- Чой ичасизми? – деди хотин остонадан.
- Ҳожати йўқ... Чойсиз ҳам қорним тўйиб кетди.
- Яхши ухладингизми?
- Тураётганингда мени уйфотишинг керак эди...

Хотин бошини қуйи солғанча қулимсираб:

– Мен кечаси билан уч марта туриб, юзингиздаги сочиқни тузатиб қўйдим.

Бу, машаққат билан бўлса-да, катталарнинг кулишларига тақлид қилишни ўрганиб олган уч яшар гўдакнинг нозига ўхшарди. Хотиннинг саросимали важоҳати, ичига сифмаётган севинчини қандай изҳор қилишни билолмаётганини яққол кўрсатиб турарди. Эркак тундлик билан четга қаради.

– Қазишайми?.. Ё бидонларни таший қолайми?

– Ахир... вақт бўлиб қолди. Ҳадемай саватларни туширишлари керак.

Тихирлик қилмай, иш бошлаганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Бунинг сабаби нимада экан? Балки бу сувиз қолишдан қўрқаётганилиги ёки хотин олдида бурчли эканлиги, эҳтимолки, меҳнатнинг характери туфайлидир? Дарҳақиқат, меҳнат одамни вақт ўтиб кетаётганига, ҳатто унинг мақсадсиз ўтиб кетаётганига ҳам кўнитиради.

Кунлардан бир куни «Мёбиус тасмаси» уни аллақандай маъruzaga олиб борди. Маъруза ўтказилаётган жой занг босган пастак темир панжара билан иҳота қилингандан бўлиб, ташқарисида уюм-уюм қофоз парчалари, бўш банкалар, вазифаси нимадан иборат эканлиги номаълум бўлган аллақандай латта-путтлар ётар, натижада ер кўринмай кетган эди. Нима қилиб лойиҳачининг миясига бу ерда иҳота ўрнатиш фикри келиб қолган экан? Худди ана шу дудмал саволга жавоб берадигандек нимдошгина пиджак кийган аллақандай одам пайдо бўлиб, панжарадан пастга қараб энгашди-да, уни бармоқлари билан зўр бериб қиртишлай бошлади. «Мёбиус тасмаси» унга пичирлаб, бу одам фуқаро кийимини кийиб олган полициячи эканлигини айтди. Шифтда қаҳва рангидаги чакка излари ёйилиб ётар – бу қадар катта дофларни у умрида кўрмаган эдн. Ана худди шундай бир вазиятда маърузачи: «Меҳнатдан устун келишда

мөхнатнинг ўз воситаси билан устун келишдан бошқа йўл йўқ. Мөхнатнинг қуруқ ўзи эмас, мөхнатга мөхнат билан бас келиш керак... Мөхнатнинг чинакам аҳамияти, ўзини инкор қила билиш кучидадир», – деб уқтиради.

Хуштак овози эшитилди. Кимдир бармоқларини оғзига тиқиб шартли сигнал бермоқда эди. Қум солинган сават тортиб олинаётганда айтилаётган беоззор хитоблар уларнинг чуқурларига яқинлашган сари анча секинлашиб қоларди. Саватлар сукунат чўккан бир вазиятда пастга тушириларди. Эркак ўзини кузатаётганларини ҳис қилиб турар, аммо ҳозир уларга мурожаат қилиб қичқириш илгариғидан ҳам маъносизроқ бўлиб кўринар эди. Керакли миқдордаги қум эсон-омон юқорига чиқариб юборилгач, диққатбозлик барҳам топиб, вазият юмшагандек бўлди. Гўё гап-сўзсиз бир-бирларини тушунишгандек эдилар.

Хотиннинг хатти-ҳаракатларида ҳам сезиларли ўзгариш юз берди.

– Бир оз дам олайлик... Мен чой олиб чиқаман...

Унинг овозида ҳам, ҳаракатларида ҳам тетиклик, ҳатто ўйноқилик сезилиб турарди. У буни ҳатто яширгиси ҳам келмас эди. Эркак кўп қанд еб қўйиб меъдасига теккандек беҳол эди. Аммо, ҳарқалай, хотин олдидан ўтаётганда оҳистагина бўксасига уриб қўйди. Электрнинг қуввати фоят даражада зўрайиб кетса, эҳтиёт сими куйиб кетади. Хотинни бунақа қилиб алдаб ўтирмай, вақт топиб хаёлий қўргонни қўриқлаган посбон ҳақида гапириб бериши керак. Бир қўргон бор экан... Йўқ, қўргон бўлиши шарт эмас – заводми, банкми, қиморхонами, бунинг аҳамияти йўқ. Посбон ўрнида соқчи ёки оддий қоровул ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилиб, соқчи ҳамиша душманнинг ҳамласини кутиб, доимо сергак тураркан. Ниҳоят, посбон муштоқ бўлиб кутган душман келибди. Шунда у дарҳол карнайини чалиб, хабар берибди. Бироқ, таажжубки, асосий кучлардан ҳеч

қандай жавоб бўлмабди. Ўз-ўзидан равшанки, душман ҳеч қандай мاشаққатсиз посбонни бир зарб билан ер тишлатган. У жон бераётиб, душманнинг дарвоза, девор ва уйлардан ҳеч қандай қаршиликка учрамай, худди ҳаводек ўтиб келаётганини фира-шира кўргандек бўлибди. Аслида эса душман ҳавоий эмас, қўрғон ҳавоий экан. Ёввойи даштдаги қовжираган дараҳтдек якка-ёлғиз посбон бир умр хулёни қўриқдаб келган экан...

Эркак белкуракка ўтириб, тамакисини тутата бошлиди. Ниҳоят, учинчи марта гугурт чаққандагина тутатиб олди. Чарчоги сувга қуилган бўёқдек ёйилиб, медузадек ялпайиб бораради. Сўнг жимжимадор нақшга, атом ядросининг схемаларига айланниб бориб, ниҳоят, йўқолиб кетди. Дала сичқонини кўриб қолган бойўғли хунук овоз билан жуфтини чақирмоқда. Нимадандир безовта бўлган ит бўғиқ вовилламоқда. Осмони фалакда тўқнашиб қолган ҳаво оқимлари гувилламоқда. Ерда эсаётган кескин шамол эса, қумнинг юпқа пўстини пичоқдек қаватма-қават шилмоқда.

Эркак терини сидириб ташлаб, бурнини қоқди-да, бошидаги қумни силкиди. Оёқлари тагидаги кум нақшлари худди бирваракайига тиниб қолган тўлқин ўркачларига ўхшарди. Агар бу овоз тўлқинлари бўлса, қандай куйларни олиб келиши мумкин эди? Бурнини оташкурак билан қисиб, қулоқларини лахта қонга тўлдириб, тишларини битталаб болға билан қоқиб олган тақдирда ҳам инсон бу куйласа керак... Бу жуда ҳам шафқатсизлик бўлар эди. Аммо шунга қарамай, оҳанг бари бир аслидагидек чиқмайди. Назарида бирдан иккала кўзи қушдек осмонга парвоз қилиб, юқоридан унга диққат билан тикилаётгандек туюлди. Атрофида юз бераётган нарсаларнинг галати эканлигини ўйлагани билан ўзи ҳам жуда галати бир ҳаёт кечирмоқда эди.

Tota one – rvay tichet to the bluss, woo, woo...

(Мен самога чиқиши учун билет олдим, вуу, вуу)... Ашула айтмоқчи бўлсанг, марҳамат, айтавер, аслида, қўлига бир томонга олиб борадиган билет тутқазиб қўйилган одам ўла қолса ҳам бу тариқа ашула айтиб ўтирмайди. Бир томонгагина олиб борадиган билети бор одамларнинг пойабзал таг чармлари жуда юпқа бўлади, улар ҳатто кесакни босиб олишса ҳам оғриқдан қичқириб юборишади. Шундан кейин бир қадам ҳам юришолмайди. Шунинг учун улар ҳам бориш, ҳам келиш мумкин бўладиган билет ҳақидаги блюзни қўйлагилари келади. Бир томонга олиб борадиган билет – бу кечаги билан бугунги, бугунги билан эртанги кун орасида ҳеч қандай муносабат қолмаган пароканда ҳаётдир. Қайтиб келиш билетини қўлида маҳкам ушлаб олган одамгина бир томонга олиб борадиган фамгин қўшиқни хиргойи қила олиши мумкин. Худди шундай. Шунинг учун ҳам унинг юраги пўкиллаб туради – қайтиб келадиган билетимни йўқотиб ё ўғирлатиб қўймасам, деб қўрқади; акциялар сотиб олади, ҳаётини сугурта қиласиди, касаба уюшмаси-ю каттаконлар билан риёкорлик қиласиди. Шалтоқ оқадиган обраҳа ва чуқурлардан мадад сўраб эшитилаётган жон аччиғидаги қичқириқларни, қўлларига бир томонгагина олиб борадиган билет тегиб қолганларнинг қичқириқ-фарёдларини эшитмаслик учун қулоқларни беркитади. Ўйламаслик учун телевизорни шанғиллатиб қўйиб юборади, бир томонга олиб борадиган билет ҳақида қўшиқ айтади. Қатъий ишониш мумкинки, ҳар бир маҳбус ҳам бориб келадиган билет ҳақидаги блюзни айтади.

Бирпас қўли бўшади дегунча, эркак ўғринча арқон эшадиган бўлди. У уст қўйлагини тасма-тасма қилиб йиртиб эшди-да, хотиннинг ўлиб кетган эри кимоносининг белбоғига улади – беш метр узунлик-

даги арқон бўлди. Ҳали пайти келганда, учига занглаган эски қайчини боғлайди, қайчининг оғзи очиқ бўлиши керак, бунинг учун оралиғига чўп қистириб маҳкаммаб қўяди. Арқон ҳозирча калта. Керагича узайтириш учун балиқ ва дон-дун қуригани тортилган похол арқон билан кир ёйиладиган чизимчани ҳам улашга тўғри келади.

Бу фикр миясига қўққисдан келиб қолди. Ахир узоқ вақтлардан бери кўнгилга туғиб юрилган режаларнигина амалга ошириш шарт эмас-ку. Модомики, режани пишираётганда фикр оқиб бораётган йўлни аниқ пайқаб бўлмас экан, бу тариқа кутилмаган кашфиёт ўз-ўзидан асосли бўлади. Аллақачонлардан бери ўйлаб, чамалаб келинаётган режалардан кўра, кутилмагандаги мияга келиб қолган қарорлар кўпроқ муваффақият қозонади.

Энди бир масала – режани амалга ошириш вақтини белгилашгина қолган эди.

Чуқурдан кундуз куни, хотин ухлаб ётганда чиқиб кетгани маъқулоқ. Шунга қарор қилди. Аммо куппа-кундуз куни қишлоқдан ўтиб кетиши қандай бўларкин? Яхшиси бундай қилгани дуруст шекили: худди хотин ўйгониши олдидан тепага чиқиб олади-да, ишончли бир ерда яшириниб ётиб, қуёш ботгач, қишлоқдан чиқиб жўнайди. Қоронғиликдан фойдаланиб, ой чиққунча автобуслар қатнаб турадиган тош йўлга осонгина чиқиб олса бўлади.

Бу орада эркак доимо хотиндан мазкур жойнинг рельефини, қишлоқнинг қай тарзда жойлашганини суриштириб билиб олади. Чунончи, ўзи денгиз соҳилида жойлашган бўлса-ю, бирорта балиқчилик кемаси бўлмаса – бундай қишлоқ нима билан тирикчилик қилади?.. Хотин қачондан бери шундай вазиятга тушиб қолган экан?.. Кишлоқда ҳаммаси бўлиб қанча аҳоли яшайди? Ким қаерда лола ўстиради?.. Болалар мактабга қайси йўлдан қатнайдилар?.. Қишлоқ ҳақидаги шу йўл билан қўлга киритган маълумотларни

ўша бир кунгина ўз кўзи билан кўрган элас-элас хотираларига бирлаштириб, хаёлида шу жойнинг тахминий режасини гавдалантиришга муваффақ бўлди.

Қишлоқнинг ичидан ўтмай, уни четлаб ўтиб қочиб кетса жуда яхши бўлар эди-я, албатта. Аммо гарбдан тик учиримли бурун йўлини тўсиб турибди, зотан, унча баланд бўлмаса-да, аммо аллақачонлардан бери тагини емириб келган тўлқинлар уни бир-бирига қалашиб кетган осма қояларга айлантириб қўйган. Рост, у ерда қишлоқдагилар ўтин-чўп тергани боргандা тирмашиб чиқиб тушадиган сўқмоқлар бор, аммо улар чангол ичидан йўқолиб кетган, қидириб топиш осон эмас. Ҳадеб ижакилаб суриштираверса, хотинда шубҳа уйғотиб қўйиши мумкин. Қишлоқнинг шарқ томонида қуруқликни ўн километрча ичкарига ёриб кирган кўрфаз бўлиб, уни кимсасиз қум тепаликлари ўраб олган. Шу кўрфаздан шартта бурилиб қишлоқнинг худди даҳанасига чиқиб боради. Шундай қилиб, қишлоқ бамисоли оғзини қоя билан кўрфаз бўғиб турган қум қоп ичидан ётибди. Шунинг учун ҳам адашиб-улоқиб вақтини беҳуда кетказиб юрмасдан ва анави нусхаларнинг таъқиб қилишларига имконият бериб ўтирмасдан, дадиллик билан марказга ёриб чиққани хатарсизроқ.

Лекин бу муаммо ҳал бўлди деган гап эмас. Чунончи, ўша машъум ўт ўчирувчилар ҳавозасидаги назоратчи ҳам бор. Бундан ташқари, хотин унинг қочганини билиб, шовқин-сурон қўтарса, қишлоқдан чиқиши йўли у ўтиб кетмасидан олдин тўсиб қўйилиши мумкин, деган хавф ҳам бор эди. Балки у икки муаммони оқибатда битта муаммога айлантириш мумкин бўлар. Қум ташувчиларнинг энг олдингилари сув билан ҳамма зарур нарсаларни қуёш ботганидан анча кейин олиб келадилар. Борди-ю, хотин унинг фойиб бўлганини улар келгунча маълум қилмоқчи бўлса, бу ишни фақат ўт ўчирувчилар ҳавозасидаги назоратчи орқалигина амалга ошириши мумкин. Шунинг учун

масала назоратчи важини нима қилиш кераклигига бориб тақалади.

Бахтига, бу ерда, ҳарорат даражасининг кескин ўзгариши туфайли бўлса керак, қуёш ботар олдидан тахминан ўттиз дақиқа, баъзан эса бир соат мобайнида ер сатҳини енгил туман чулғаб туради. Бу шунинг учун юз берадики, иссиқликни кам сифдира олиш хусусиятига эга бўлган қум таркибидағи кремний кислотаси кун бўйи сингдириб олган иссиғини дарҳол қайтариб чиқаради. Ҳавозадан қаралганда бу ер унга нисбатан ёруғлик қайтиш бурчагига тўғри келади, кузатиб турган киши учун ҳатто озгина туман ҳам қалин оқ пардага айланиб, назоратчи ҳеч нарсани илғаёлмай қолади. Қаноат ҳосил қилиш учун ўтган куни яна бир карра синаб кўрганди. У дengизга қараган учирим тагида нима ҳақдадир ишора бераттгандек анчагача сочиқни силкитиб турди, тахмини тўғри чиқиб, у ёқдан ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Ўйлаб топган режасига тўрт кун тўлди деганда уни амалга оширадиган бўлди: бунинг учун сув олиб келишадиган шанба оқшомини танлади. Эртага қочаман, деган куни кечаси уйқуга тўйиб олиш учун ўзини шамоллаган қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Натижада уни касал деб аспирин ичиришди. Таблеткалар резавор дўконининг аллақайси бурчагида узоқ вақт ётган шекилли, ранги бутунлай айниб кетган эди. У икки таблеткани арақ билан ичиб юборган эди, дарҳол амал қила қолди. Хотин ишни тамомлаб қайтиб киргунча эркак тиқ этган овоз ҳам эшитмади – фақат бир мартагина қумли саватни тортиб олишди.

Кўп вақтдан бери икковлашиб ишлашаётганидан эндиликда хотин жуда чарчади. Оёқ устида аранг турарди. У кечикиб кетган овқатни тезроқ пиширишга уринаркан, эркак бўлар-бўлмас гаплар билан жигига тегиб ўтирди, чунончи, аллақачон тешилиб қолган қумғонни қалайлаb қўйиш керак эди қабилидаги. Хотин қанчалик фижинмасин, сир бой бергиси

келмасди, чунки унинг саломатлигига шикаст етказиб қўйишдан қўрқарди. Эркакнинг худбинлигини бу ерда илдиз отиб қолганидан далолат деб ўйларди ўзича. Ишдан сўнг ҳар ким ҳам ювиниб чўмилгиси келади. Айниқса терлаган этга ёпишган қум ухлаганда кишининг жуда ғашини келтиради... Қолаверса, бугун худди ювиниш учун сув олиб келинадиган кун, хотин ҳам уни чўмилтириб ҳузур қиласа керак, бинобарин, унинг раъйига юриши ҳам осонга кўчади.

Хотин уни ювинтирас экан, эркакнинг кўнглида ҳам иштиёқ туғилиб, хотиннинг кимоносини тортиб олди. Унинг ҳам ювинтиргиси келиб қолди. Хотин саросимага тушиб жим бўлиб қолди. Сўнгра норозилик билдираётгандек қўлини кўтарди, аммо нимага қаршилик қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Эркак шоша-пиша унинг устидан бир ёғлори иссиқ сув қуйиб, ишқалафичсиз, совунли қўли билан баданини ишқалай бошлади. Қўллари бўйнидан бағбақасига, ундан елкалари бўйлаб сирғанаарди, бир қўли кўксига етиб келди. Хотин қийқириб юбориб, унга энгашди. У кутарди. Эркак эса ҳамон хотиннинг баданини пай-пастларди.

Хотиннинг ҳаяжони ниҳоят унга ҳам ўтди. Аммо бирдан вужудини қандайдир ҳасрат чулгади. Гўё ичида шуълалар йилтираётгандек, хотин борлиги билан ич-ичидан ёришиб кетди. Ҳозир унга хиёнат қилиш – ўлимга ҳукм қилинган одамни қочиб кетишига йўл бериб қўйиб, орқасидан отиб ташлаш билан баробар эди... У жон ҳолатда хотинга ташланиб, қайта жўш урган иштиёқини авж олдиради. Аммо ҳар қандай иштиёқнинг ҳам чегараси бўлади. Дастрлаб эркакнинг эркалаб суюишини муштоқлик билан кутган хотин унинг шахтидан чўчиб кетди, эркак эса худди истагини қондиргандек бўшашиб қолди. Сўнг яна қизишиб, хаёlinи ҳар хил қалтис ҳолатлар билан жўшга келтириб, хотиннинг кўксини ўпа-ўпа, унинг совун, тер ва қумдан худди темир қириндиси

аралашган машина мойи суртиб қўйилгандек бўлиб қолган баданини эзғилай бошлади. У икки соатга-ча ҳам шундай қилишга тайёр эди-ю, аммо хотин оғриқдан тишларини гижирлатиб, чўнқайиб ўтириб қолди. Эркак унга ташланди... Бир лаҳзада иш битди қўйди. Эркак хотиннинг баданидаги совунни ювиб тушириш учун устидан сув қуя бошлади, сўнgra эса уч таблетка аспирин солиб эритилган арақни зўрлаб ичирди. Энди то қуёш ботгунча, борди-ю, омади ке-либ қолса, қум ташийдиганлар шовқин-сурон кўта-риб уйғотмагунларича хотин донг қотиб ухлайди.

Хотин худди бурнига қофоз тиқин тиқиб қўйил-гандек чуқур-чуқур нафас олиб пишиллаб ухларди... Эркак унинг товонига секин туртиб қўювди, хотин ҳатто қимир этмади... Эркак унинг юзини тўсисб тур-ган сочиқни тузатиб, арқондек буралиб, юқорига кўтарилиб қолган кимоносини тиззаларига тортиб тушириб қўйди. Хайриятки, у тайёргарлик хаёли билан банд эди, шунинг учун ортиқча ҳиссиётга берилиб ўтиришга вақти йўқ. Эски қайчини мослаб бўлган ҳам эдикни, керакли фурсат етиб келди. Хотинга сўнгги марта қараб қўяркан, ўзи тахмин қилганидек юраги ачишиб кетганини сезди.

Чуқурнинг лаблари бўйлаб юқоридан тахминан бир метр пастгача фира-шира нур ёйила бошлади. Мўлжалига кўра вақт олти ярим, йигирма дақиқа кам етти бўлиши керак. Айни пайти. У куч билан қўлларини орқасига буриб, бўйинни бир неча марта айлантирди, увушиб қолган елкасини ростлади.

Аввал томга чиқиши керак. Энг яхшиси буюмни қирқ беш даражага яқин бўлган бурчак тикилигига улоқтириш керак. У арқон ёрдами билан томга чиқмоқчи эди, аввал журъат қилмади – қайчи томга тарақдалаб тушиб хотинни уйғотиб юбориши мумкин эди. Шунинг учун, яхшиси бундай тажрибадан воз кечиб, уйни айланниб ўтиши, бир вақтлар кир ёйила-диган ярим вайронга бостирмадан фойдаланиб, томга

чиқиши керак. Ингичка тўсинлар деярли чириб қолган, бу уни чўчитар эди. Аммо энг хавфлиси олдинда эди. Ҳавода учиб юрган қум жилвирлаган томнинг ёғочи худди яп-янгидек ярқиради. Аммо чиқиб борса, худди бисквитдек юмшоқ экан. Ўпирилиб тушиб кетса хўп томоша бўлади-да. У узала тушганча эҳтиётлик билан олдинга сирғала бошлади. Ниҳоят, том сиртининг четига етиб унга миниб олди-да, сўнг чўқкалади. Энди том устини ҳам кўлага чулғаган, чуқурнинг гарбий лабида худди қумоқ-қумоқ бўлиб қолган асалдек ярқираб турган қум зарралари эса туман тушиб келаётганидан далолат берарди. Ҳавозадаги назоратчидан хавотир олмаса ҳам бўлади.

Эркак арқоннинг қайчиidan бир метрча пастидан ўнг қўли билан ушлаганча боши устида айлантира бошлади. Саватларни тортиб олишда ишлатилаётган ўша қопларни мўлжалга олмоқда эди. Модомики, қоплар арқон нарвонни кўтараётган экан, демак, анча мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак. У арқонни иложи борича тез айлантириб қопни мўлжаллаганча улоқтирди. Арқон мутлақо бошқа томонга қараб кетди. Мўлжалдан адашибди чофи. Қайчи сиртмоқقا тақашган тўғри чизик бўйлаб учиб бориши керак; шунинг учун ҳам арқонни мўлжалга нисбатан тик бурчак ҳосил қилган пайтида ёки шундан бир лаҳза олдин қўйиб юбориш керак. Ҳа, худди шундай!.. Афсуски, бу гал қайчи учиримнинг ўртасига бориб тегиб, пастга тушиб кетди. Афтидан, айланиш тезлиги билан қиялаш бурчаги етарли бўлмаган шекилли.

У урина-урина, ниҳоят, масофа билан йўналишни пухта аниқлаб олди. Рост, муваффақиятга ҳали узоқ эди. Аммо озгина умид боғлайдиган белгини қўрса ҳам хурсанд бўлиб кетарди. Аммо ҳозирча хатолари камаядиганга ўхшамайди, аксинча, чарчоқлиги ва асабийлиги хатоликларга олиб бормоқда эди. Ҳа, буларнинг ҳаммаси унга анчагина жўн бўлиб кўринган экан. Ҳеч ким уни қатъий ишонтирган бўлмаса-да

асабийлашар, ғижинар ва ҳатто йифлаб юборишга ҳам тайёр эди.

Холбуки, имконият уринишлари сонига бевосита мутаносибdir, деб даъво қиладиган эҳтимоллик қонунини унча нотўғри деб бўлмайди. Шу тариқа, ҳатто нечанчи марталиги номаълум, арқонни ҳеч қандай умидсиз, шунчаки улоқтирган эди, кутилмаганда тўппа-тўғри қопга бориб тегди. Эркак оғзи очилганча серрайиб қолди. Оғзига тўлиб турган сўлак тирқираб оқиб кетди. Аммо севинишга ҳали эрта... Ҳозирча унинг қўлида лотерея билетининг ўзигина холос... Билет ютадими, ютмайдими – буни келажак кўрсатади. Бор асаблари ҳам шу арқонга тортиб қўйилгандек туюлди. У худди ўргимчак инининг ипи билан юлдузни тортаётгандек арқонни эҳтиётлик билан тортди.

Қаршилик сезди. Дастлаб ишонгиси келмади, аммо арқон, дарҳақиқат, силжимас эди. Қаттиқроқ тортди... Диққатини йифиб, ҳозир узилиб кетар, деганча кутиб турди... Лекин энди ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмаган эди... Чангакка айланган қайчи қоп билан тишлашиб қолган эди. Омади келди!.. Омади келди-я!.. Шу дақиқадан бошлаб ҳамма ишлари юрисишиб кетади! Муқаррап!

Эркак томдан югуриб тушиб, қум деворга ботганча оҳиста осилиб турган арқонга қараб чопди. Анави жой, анави жой ернинг юзаси... Шу қадар яқинки, ҳеч ишонгиси келмайди... Юзлари тортишиб, лаблари титрарди. Колумбнинг тухуми ҳақиқатан ҳам қотириб пиширилган экан. Агар уни бундан ҳам кўпроқ пишириб юборсанг, ишни бузиб қўйишинг мумкин эди.

У арқонга ёпишиб бор оғирлиги билан осилиб олди. Арқон шу заҳотиёқ худди резинадек чўзила бошлади. Азбаройи қўрққанидан, эркакнинг аъзойи бадани терга ботди. Хайриятки, ўттиз сантиметрча чўзилган арқон кейин таранг бўлиб қолди. У яна арқонга осилди. Бу гал хавотир олишига ўрин қол-

маган эди. Кафтларига туфлаб, оёқдарини арқонга чирмаштирганича күтарила бошлади. У худди ўйин-чоқ маймуннинг хурмога чиқаётганига ўхшаб күтарила бошлади. Ҳаяжонланганиданми, пешанасига қалққан тер муздек эди. Эркак устига қум туширмасликка ҳаракат қилиб, арқоннинг ўзигагина ёпишиб күтарилаар, шу сабабли жуссаси гир-гир айланар эди. Ҳамма иш кутгандан кўра секинроқ амалга ошмоқда эди. Ернинг тортиш кучи, дарҳақиқат, даҳшатли экан. Бу қалтироқ қаёқдан пайдо бўлди ўзи? Қўллари ихтиёридан ташқари ҳаракат қилиб, гўё ўзини ўзи юқорига улоктираётгандек туюларди. Агар заҳар-заққумга айланган қирқ олти кунни эсласа, бунинг ҳеч таажжубланадиган жойи йўқ. У бир метр баландликка күтарилганда, чуқурнинг таги юз метрлик бўлиб, икки метр юқорига күтарилганида эса, икки юз метрлик бўлиб кўринди. Чуқурлик тобора йироқлашиб, ниҳоят, кўзни тиндириб юборадиган даражада бўлиб қолди. Ўлар ҳолатга келди... Пастга қарамаслиги керак!.. Мана, сон-саноқсиз йўллар билан ўралган ернинг юзаси ҳам кўринди.. Бу йўллардан хоҳлаган томонга, ҳатто нариги дунёга ҳам бемалол бориш мумкин... Ҳали юзага чиқиб олса борми, бу ерда кўрган-кечирганларининг ҳаммаси хотира учун ён дафтарнинг варақлари орасига солиб қуритилган кичкина гуллардек бўлиб қолади. Уларнинг заҳарлilари ҳам, кушандা хиллари ҳам – ҳаммаси юпқа, тиниқ, ним шаффоф рангли қоз парчаларига айланиб қоладики, у уйида чой ичиб ўтириб уларни ёруқта тутиб, бошига тушган савдолар тўғрисида мириқиб ҳикоя қилиб беради.

Шунинг учун ҳам хотинни айбламоқчи эмасди. Комил ишонч билан айтиши мумкинки, у покдомон ҳам, фоҳиша ҳам бўлган эмас. Агар буни исботловчи тавсияномалар керак бўладиган бўлса – хоҳлаганича ўнта деса ҳам ёзисиб бериши мумкин. Аммо, қанақаям лақма хотин эканки, бориб келадиган бир билетимга

ёпишиб олди. Демак, билет битта-ю, жүнаш бекатла-ри қарама-қарши томонда экан, табиийки, оқибат манзил ҳам қарама-қарши бўлади. Щунинг учун ҳам эркакнинг қайтиш билети, хотиннинг ўша ёқса бо-риш билетига таажжубланмаса ҳам бўлади.

Майли, хотин хато қилган бўла қолсин... Ахир хато – хато холос, бундан ортиқ бўлмас ҳам.

...Пастга қарама! Пастга қарааш керакмас!

Агар альпинистми, баланд бино деразаларини юувучими, телевизион ҳавозадаги монтёрми, тра-пециядаги цирк гимнастими, электростанциянинг мўри тозаловчисими – улардан қайси бирики пастга қарайдиган бўлса, чилпарчин бўлиши турган гап.

## 24

Хайрият!

Қопни тирноқлари билан чангллаганча, қўллари-ни қонатиб, чуқурдан чиқиб олди. Ниҳоят, у юқори-да! Энди бармоқдаримни бўшатсам йиқилиб кета-ман, деб хавотир олмаса ҳам бўлади. Аммо бармоқда-ри ёзилгиси келмай, қопни ҳамон чангллаб ушлаб турарди.

Қирқ олтинчи куни озодликка чиққандан уни кучли шамол қарши олди. Эмаклаб кетаркан, кум зарра-лари юзи билан бўйнига келиб қаттиқ урила бошла-ди. Эркак бу даҳшатли шамолни ҳисобга олмаган экан!.. Чуқурда дengизнинг садосигина одатдагидан кучлироқ бўлиб эштиларди. Аммо ҳозир дengизда кечки осойишталик бошланадиган пайт-ку. Бўлмаса тумандан ҳеч қандай умид қилиб бўлмайди. Балки осмон унга чуқурдан қараганда фубор билан қоплан-гандек бўлиб кўрингандир? Ё ҳавода булатдек сузиб юрган қумли туман деб ўйладимикан? Қайси бири бўлса ҳам яхши эмас.

У бошини кўтармай теварак-атрофига ташвиш билан аланглай бошлади... Фира-шира ёруғликда ўт

ўчирувчилар ҳавозаси бир томонга қийшайгандек бўлиб, аллақандай аянчли ҳолатда, кўзга фира-шира кўринарди. Аммо ўша томондак дурбинда қараб турган бўлишлари керак, шунинг учун ҳам масофа-га ишониб бўлмайди. Қизик, уни кўришдимикан, ё кўришмадимикан?.. Йўқ, кўришмаган бўлса керак. Бўлмаса дарҳол қўнғироқ чалишган бўлишарди.

Бир куни хотин унга, ярим йилча бурун кечаси бўрон туриб қишлоқнинг гарб томонида чукурнинг қум девори ўпирилиб уйнинг ярмигача босиб тушибди. Кейин шаррос ёмғир қуйиб, ҳўл қум бир неча бор вазминлашиб кетибди. Уй худди гугурт қутичадек бузилибди. Хайрият, фалокатлари ариб ҳеч ким ҳалок бўлмабди, эрталаб тонг отгач ўша хонадондагилар чукурдан чиқмоқчи бўлишибди. Шу ондаёқ қўнғироқ чала бошлишибди, беш дақиқа ўтар-ўтмас кампирнинг йифи-сифиси эшитилибди, чунки уни қайтадан жойига туширишибди... Аслида бу оиласдагилар наслдан-наслга ўтиб келаётган қандайдир мия касалига мубтало эканлар, деган эди истеҳзо билан.

Хўп майли, ивиришишнинг ҳожати йўқ. У шахт билан бошини кўтарди. Қизғиш тусдаги қум тўлқинлари бўйлаб узун соялар чўзилиб кетган эди. Шамол шу соялардан қум пардасини кўтара бошлади. Балки шу учайдан қум пардаси уни кўриб қолишларига халал берар?.. Ёғду кўзни каттиқ қамаштиармикан, деб текшириб кўрмоқчи бўлган эркак, ҳайратидан танг бўлиб қолди. Чунки ботаётган қуёш учеб юрган қум туфайли рангли қаламлар билан бўяб қўйилганга ўхшарди, бутун теварак-атрофни эса оқиши фубор чулғаган эди. Ер юзасининг ҳар чеккасидан увада-увада туман парчалари кўтарилемоқда. Улар бир жойдан тарқалса бошқа жойда юзага келар, бир жойдан ҳайдаб юборилса, яна бошқа жойда гужрон ўйнай бошларди... Чукурда эканлигида қумнинг намни тортишига ўзи ҳам ишонч ҳосил қилган эди-ю, аммо бу даражада тортар, деб ўйламаган эди... Бу-

ларнинг ҳаммаси ёмғирдан кейинги кул тепани эслатарди... Рост, туман сийрак, унча кўз илғамайди, чунки ёрду унинг орқасидан келиб тушмоқда, аммо ҳарқалай, назоратчининг кўзидан яшириниш учун етарли бир пана бўлиб хизмат қилиши мумкин. У белига осиб олган ботинкаларини кийди-да, белбоғ вазифасини ўтаган арқонни ўраб чўнтағига яшириди. Қайчи ҳам қурол ўрнида хизмат қилиши мумкин. Farбга қараб қочиш керак – назоратчининг кўзига ёруғ тушса, унинг фойдаси. Қуёш ботгунча яшириниб туриш учун жой топиш керак...

Тезроқ!!! Энгашганча пастқамликдан чопиш керак! Бўшашиб ярамайди... Илдамлик билан атрофга кўз-қулоқ бўл!.. Ҳов анави пастқамликка бориб ётавер!.. Аллақандай товуш эштиляпти. Бу қандай хатарли товуш бўлди?.. Бирон ёмонликнинг белгиси бўлса-я?.. Балки ундан эмасдир, йўқ... Ўрнидан туриб олдинга қараб юравер. Жуда ҳам ўнгга бурилиб кетма!.. Ўнг ён бағир гоятда паст, ўртасига етганингдаёт кўриб қолишлари мумкин...

Ҳар кечада қум солинган саватларни ташийвериб чуқурлар ўртасидан ҳандақнамо йўллар очиб қўйишибди. Бу йўлларнинг ўнг томонлари баъзи жойларда қулақ тушиб, қия бўлиб қолган эди. Пастроқда чуқурларга яширган иккинчи қатор уйларнинг том тепалари аранг кўринарди. Уларни денгизга яқин учинчи қатор уйлар тўсиб туради. Шу сабабдан чуқурлар ҳам анчагина юза, қумдан сақданиш учун ўрнатиб қўйилган четанлар ҳам ҳали анча хизмат қилиши мумкин эди, бемалол қишлоққа чиқиб келса бўлади шекилли. У бошини сал кўтарувди, бутун қишлоқ кўзига ташланди. Тўлқиннамо қум тепаларнинг этакларида черепица, рух тунука, тахта томлар елпифичдек ёйилиб кетган... Сийракроқ қарагайзор ҳам, кўлнамо бир нарса ҳам кўриниб турипти. Ана шу бир парча ерни эҳтиёт қилиш учун соҳилдаги бир неча хонадонлар қулларча ҳаёт кечиришга маҳкум этилган.

Құллар маскани ҳисобланған бу чуқурлар ҳозир йүлнинг сүл томони бўйлаб чўзилиб кетган. Баъзи ерларда саватларни сургаш оқибатида пайдо бўлган шаҳобча-шаҳобча йўллар, уларнинг этакларида эса, қум тўлатилган қоплар туар, буларга қараб чуқурлар қаердан бошланишини аниқдаш мумкин эди-ю, аммо қарагани юрак бетламасди. Бир-икки чуқурни ҳисобга олмаганды, ҳамма ерда арқон нарвон бир эди. Афтидан, бу чуқурларда яшайдиганларнинг кўплари қочиш фикридан воз кечганга ўхшайдилар.

Энди у шундай ҳаёт кечириш ҳам мумкинлигига бир оз тан берди. Ошхоналар, ҳамиша олов ёниб турадиган ўчоқлар, ёзув столи ўрнига дарслеклар билан тўла олма яшиклар, ердан ўйиб ишланған ошхона ва ўчоқлар, ҳамиша ёниб турувчи ўчоқ ва чироқлар, синган йиғма тўсиқлар шифтини ис босган ошхоналар, юраётган ва тўхтаб қолган соатлар, бўкираётган ва бузилған приёмниклар, ошхоналар ва олов ёнаётган ўчоқлар... Шуларнинг ҳаммаси бамисоли чорчўп бўлса, буларнинг орасига арzon безаклар, қорамол, болалар, ҳирсий иштиёқлар, қарз мажбуриятлари, хиёнатлар, ҳамду санолар, хотира учун берилған фотосуратлар жойлаштирилған... Айни бир нарсанинг ўзи ҳеч ўзгаришсиз такрорланаверади... Зотан, бу юракнинг уриб туришидек ҳаётдаги муқаррар бир нарса бўлса-да, ҳаётнинг ўзи юракнинг уришидан-гина иборат эмас-да!

Ёт!.. Йўқ, қўрқма. Оддий қарға экан... Эркак ҳали қарға тутиб, тулуп ясад кўрмаган эди, аммо ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Баданининг ҳар қаериға туш билан солинадиган суратлар, медаль ва орденлар ҳақидаги орзулар тутуриқсиз тушлар кўргандагина хаёлга келади.

Қишлоқнинг четига етиб олди шекилли... Йўл қум тепанинг чўққисига кўтарилди, чапда денгиз кўринди. Шамол тўлқинларнинг талх ҳидини олиб келди, қулоқлари шанғиллаб кетди. Бошига танғиб олган

социқнинг учлари шамолдан ҳилпираб ёноқдариға уриларди. Бу ерда туман ҳам кучини йўқотиб, кўтарилишдан ожиз эди. Денгизни, худди қайнаб келаётган сутнинг қўпигига ўхшаган сатҳи жимири-жимир, қат-қат қалин қўроғшин тахтачалари қоплаган эди. Курбақанинг увидиригини эслатувчи буултлар сиқувидаги қуёш ботгиси келмай, жойида туриб қолибди. Уфқда қора нуқтадек бўлиб бир кема қимир этмай турибди, унгача бўлган масофа билан унинг ҳажмини аниқлаш қийин албатта.

Эркакнинг қаршисида то бурунга етгунча пасти-баланд бўлиб ясси тепаликлар ястаниб ётарди. Бундан бу ёғига шундай кетиши хатарли шекилли. У журъатсизланиб орқасига қараб қўйди. Бахтига ўт ўчирувчилар ҳавозасини пастаккина қум тепа тўсиб турар, у ёқдан буни кўриб қолишлари мумкин эмас эди. Астагина оёқ учида туриб, ўнг томондаги қия қумликнинг соясида томигача қумга ботиб кириб, қийшайиб қолган бир кулбани кўрди, уни бу турган жойдангина кўриш мумкин эди. Шамолга рўпара томони худди бирор алланарса билан ковлагандек ичкарига ўйилиб кирган.

Яшириниш учун жуда қулай жой... Қумнинг сирти ҳам худди чифаноқнинг ичиdek силлиқ, бирор ерида одамлар юрганини кўрсатадиган из-пиз йўқ... Аммо ўз изларини нима қиласа экан?.. Эркак орқасига қайтиб, тахминан ўттиз метрча нарида излари мутлақо йўқолиб кетганини кўрди... Ҳатто кўзи ўнгида оёқлари тагидаги излари ҳам чўкиб, шаклини ўзгартиримоқда. Шамол ҳам иш бериб қолди.

У кулбани айланиб ўтмоқчи булиб турган ҳам эдики, бирдан ундан аллақандай қора шарпа ўрмалаб чиқди. Чўчқадек семизmallait экан. Қўрқмаса ҳам бўлади. Йўқол бу ердан! Аммо одамга тикилиб қолган ит кетмоқчи эмас эди. Унинг бир қулоғи чиноқ, жуссасига қараганда кичкина кўзлари бақрайиб турарди. Ит уни искамоқда. Вовулламоқчи эмасмикан

ишиқилиб? Вовуллаб кўр-чи... У қўлинин чўнтағига тиқиб қайчини чангллади. Вовуллади дегунча, қайчи билан калласини мажақлайди! Ит чурқ этмай, ҳамон бақрай-ганча турарди. Ё ёввойи итмикан?.. Жуни паҳмоқ, патала-патала бўлиб осилиб турибди... Бирон касали бормикан, башарасини яра-чақа босиб кетибди... Вовулламайдиган итдан қўрқиш керак, дейдилар... Жин урсин! Бирон ейдиган нарса олиб чиқса бўларкан... Ҳа, овқат ола чиқса бўларкан, аттанг, цианли калийни эси-дан чиқариб қолдирибди-я... Ҳа, майли, уни шундай яшириб қўйганки, хотин тополмаса ҳам керак... Эркак оҳиста хуштак чалиб, итни ўзига оғдирмоқчи бўлди... Унга жавобан ит юпқа лунжларини тириштириб, қум ёпишиб қолган сарғиши сўйлоқ тишларини иржайтириди. Йўқ, бундай ит унга даҳл қилмаса керак... Важоҳатидан мечкайга ўхшайди... Уни бир уришда сулайтираса-ю, ўлиб қўя қолса.

Кутилмагандан ит шартта бурилиб, бошини осилтириди-да, ҳеч нарса бўлмагандек эринчоқлик билан имиллаб жўнаб қолди. Бунинг даҳшатли важоҳатидан қўрқиб кетди шекилли. У ёвзойи итники чекинишга мажбур қилдими, демак ҳали матонати зўр. У пастликка сиргалиб тушиб, ён бағирда ётаверди. Энди унга шамол тегмас эди, эҳтимол шунинг учун ҳам енгил тортди. Шамолда гандираклаганича ит ҳавода учиб юрган қум пардаси ичига кириб гойиб бўлди. Итга макон бўлган бу кулбага одамлар яқинлашмаса ҳам керак... Токи ит бориб уни артель бошқармасига чақмагунча бехавотир ётаверса бўлади. Ҳатто баданидан шириллаб қуйилаётган тердан ҳам ҳузур қилиб кетди. Қандай жимжитлик!.. Худди уни бир идишга ётқизиб, устидан елимшак қуиб қўйилгандек. Қўлида механизми соатга қараб ишлайдиган бомба бўлиб, портлаш вақти номаълум, бу нарса уни будильникнинг чиқиллашича ҳам ташвишлантирамайди... Агар унинг ўрнида «Мёбиус тасмаси» бўлганида вазиятни дарҳол таҳдил қилиб кўриб:

– Сен, дўстим, воситани мақсадга айлантиришдан ҳузур топадиган одамнинг типик намунасисан, – деган бўлар эди.

– Мутлақо тўғри, – деб тан оларди бу. – Воситалар билан мақсадни шу қадар ажратиб қўйиш керакми ўзи?.. Улардан заруриятга қараб керакли даражада фойдаланиш лозим...

– Бунақаси кетмайди. Ахир вақтни вертикал вазият йўсинида яшаб ўтказиш мумкин эмас-да!.. Вақт шундай бир нарсаки, у горизонтал йўсинда оқиб боради. Бу ҳаммага маълум нарса.

– Хўш, уни вертикал йўсинда яшаб ўтказишга уриниб кўрса нима бўлади?

– Мўмиёланган ўликка ўхшаб қоласан. Йўқ деб кўрчи?!

Эркак илжайганча ботинкаларини еча бошлиди. Дарҳақиқат рост, вақт горизонтал йўсинда оқади. Ботинкаларига қум кириб, тер билан қоришиб қолибди – бунга ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас. У пайпоқларини аранг ечиб, уларни елга тутди. Нима учун ҳайвон яшайдиган жойдан бадбўй ҳид анқир экан-а? Улардан гулларнинг муаттар ҳидлари келиб турса-ю, жойида бўларди... Йўқ, ўзининг оёқлари сасиётган экан... Шуниси таажжубки, бундан нима учундир ўзи ҳам ҳузур қилиб кулади...

Кулба эшигининг ярмидан кўпигача қум босган экан. Шунинг учун ҳам ичкарига дарҳол мўралай олмади. Балки бу эски қудуқнинг вайронасимикан? Қудуқнинг устига уйча қурилганига таажжубланмаса ҳам бўлади, қум босмаслиги учун шундай қилинади. Лекин, бу ерда сув бўлиши амри маҳол. У яна ичкарига мўраламоқчи бўлиб кўрган эди, димогига ит ҳиди урилди. Ҳайвоннинг ҳиди фалсафадан кучлироқ. Хўп майли, модомики, вақт горизонтал йўсинда оқар экан, қанчалик тез оқиб ўтишини кўрсата қолсин!.. Ишонч ва ташвиш. Озодлик ҳисси ва сабрсизлик... Бу энг чидаб бўлмайдиган қийноқлар. У юзига

сочиқ тутиб чалқанчасига ётди. Бу ўзининг ҳиди эди шекилли, ўзиники бўлса ҳам, бу ҳидни ёқимли деб айта олмасди.

Оёғидан нимадир ўрмалаб кетяпти... Юришига қараганда бу испан пашшаси эмас... Олтита заифгина оёқдарини аранг сургаб кетаётган ер қўнғизи бўлса керак... Буни аниқдагиси келмасди. Мабодо ҳақиқатан бу испан пашшаси бўлган тақдирда ҳам уни ушлаб олишга ҳуши келмади.

Шамол юзидағи сочиқни тортқилаб туширди. У кўз қири билан қум тепанинг олтиндек товланаётган сиртини кўрди. Бир маромда кўтарилиб борган қиялик шу зарҳал чизиққа етгач қора шарпа билан шартта кесиларди. Масофанинг бундай тузилишида қандайдир изҳор қилиб бўлмайдиган жиддийлик бор эдиким, одамларни соғинган эркак, юрак-бағри ҳасратга тўлиб сесканиб қўйди. Ҳа, дарҳақиқат, романтик манзара. Сўнгги вақтларда ёш сайдёнларни худди шундай манзара жалб этади... Ишончли акциялар. Тажриба кўрган одам сифатида бу жойнинг келажакда равнақ топиб кетишига тўла-тўкис кафил бўла оламан. Аммо ҳаммадан аввал реклама керак! Рекламасиз ҳатто пашшалар ҳам учиб келмайди... Воқиф бўлмаслик – қўй билан тутиб кўрмаганнинг худди ўзи. Қимматбаҳо тошинг бўлса-да, уни қора ерга кўмиб қўйсанг. Нима қилиш керак?.. Моҳир фотографга бадиий манзаралар тайёрлашни топшириш керак. Қадимги вақтларда бадиий манзаралар, диққатга сазовор жойлар маълум ва машҳур бўлиб кетгандан кейингина тайёрланар эди... Ҳозир эса, аввал манзаралар чиқарилиб, кейин диққатга сазовор жойлар барпо этилади. Бундай тартиб ҳозир одат ҳукмига кириб қолган. Бу ерда бир неча намуналар бор. Марҳамат, томоша қилинг. Манзарали суратлар сотувчи бечора йигит бирорларга тузоқ қўймоқчи экан, ўзи тузоққа тушиб қолиб, касалга чалиниб ўлибди. Зотан, унча сўзамол бўлмаган шекилли...

У бу ерларга катта умид боғлаб, бу тадбирга ҳамма маблағларини сарфлаган бўлса керак... Бу ажойиб нарсанинг чинакам моҳияти нимада ўзи?.. Балки табиатдаги жисмоний уйғунлик ва аниқликдадир, ёинки аксинча табиатнинг инсонга бўйсунишга қаттиқ туриб қаршилик кўрсатишидадир.

Кечаги кунгача, шу манзарани ўйлаб қолса ҳам кўнгли беҳузур бўлиб кетарди. У ғазаб билан, бунаقا чуқур ўша суратчига ўхшаган муттаҳамлар учун мутлақо муносиб жой экан деб ўйлаганди.

Аммо ўша чуқурдаги ҳаёт билан манзара ҳақида ўйлар экан, уларни нега бир-бирларига қарама-қарши қўйиши керак? Гўзал манзара одамга нисбатан мутлақо ҳимматпарвар бўлиши шарт эмас.

Ниҳоят, унинг қумни мўътадилликнинг инкори деб қаровчи асосий тоғаси ҳам унча тутуриқсиз нарса эмас. 1/8 мм нинг ҳаракати. Дунё шундай нарсаки, унда ҳаёг кечириш – вазиятлар занжири билан баробардир... Бошқа сўз билан айтганда, унинг бутун латофати ўлимга мансубдир. Ўлимнинг баҳайбат емирувчи кучга эга бўлган дабдабаси, ўзи қолдирган вайроналар орқали ўтиб келувчи латофати... йуқ, шошима. Агар унга бориб-келиш билет керак, худди шунинг учун ҳам маҳкам ушлаб олиб, қўлингдан чиқармаяпсан, дегудек бўлсалар, мушкул аҳволга тушиб қолади. Ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги, уруш ҳақидаги фильмларнинг латофати ҳам худди шунда-да! Гарчанд улар воқеликка жуда яқин бўлсалар-да, ҳаттоқи кишини юрак ўйногигача олиб борсалар-да, аммо кинодан чиқишинг билан ташқарида сени кечаги куннинг давоми бўлган бугунги кун қарши олади... Кинога ҳақиқий ўқ жойланган милитиқ кўтариб борадиган аҳмоқ ҳам бормикан?.. Сичқонлар тоифасидан бўлиб, сув ўрнига ўз сийдикларини ичадиганлари, сасиган гўшт еб кун кўрадиган ҳашаротлар, қолаверса, бир томонга олиб борадиган билет бор, деб ўйладиган кўчманчиларгина саҳродаги ҳаётга мослаша оладилар.

Агар аввал бошданоқ, ҳамиша бир томонгагина олиб борадиган билет бўлади, деган қатъий ишончинг бўлса, қумга худди қоя тошга ёпишган шиллиқ қуртдек қапишиб олиб, беҳуда эмаклаб юрмасдан, хотиржам яшайверишинг мумкин бўлади. Зеро, ўша қўчманчилар ҳатто, ўзларининг унвонларини ҳам ўзгартириб, ҳозир ўзларини чорвадор деб атайдилар...

Ҳа, шуларнинг ҳаммаси тўғрисида хотинга гапириб берса бўлар экан... Оҳангинн бир оз бузиб бўлса ҳамки, бориб-келиш билетига мутлақо алоқаси бўлмаган қумлар ҳақидаги қўшиқни айтиб бериши керак экан. Бу билан у нари борса, алоҳида бошқача ҳаётни қармоққа емиш ўрнида қўйиб, хотинни илинтиришга уринган бирор бир модабозга аянчли тақлидчигина бўлиши мумкин эди. Устига-устак бошданоёқ қумга кўмилган, қимирилашга мажоли йўқ, худди қоғоз халтага тиқиб қўйилган мушукка ўхшарди.

Бирдан қум тепанинг сирти хиралашиб қолди... Теварак-атроф қоронфиликка чўмди. Шамол бир лаҳзагина тиниб, шундан сўнг янги кучга тўлган туман тушди. Қуёш ҳам шунинг учун шахт билан ботиб кетган бўлса керак.

... Хўп, энди йўлга тушиш керак.

## 25

Қишлоқнинг у бошига сават ташувчилар ишга тушмасларидан олдин ўтиб олиши керак. Ҳали бир соатча вақт бор. Тўғрироги – қирқ беш дақиқача. Қаққайиб турган бурун қишлоқни ўраб олгандек анча жойдан айланиб келиб, унинг шарқидаги кўр-фазга бориб туташади. Шунинг учун ҳам қишлоқдан торгина бир йўл ўтади. У ёқда эса бурунда қаққайиб турган осма қоялар тугаб, текис тортади-да, пастак қум тепаликлари билан алмашинади. Ўнг томонингда фира-шира милтиллаб кўринаётган қишлоқ чироқларини қолдириб, тўғрига қараб юришда давом этсанг,

худди ўша ерга бориб қоласан. Оралифи... икки километрча келади. Қишлоқ ўша ерга бориб тугайди, баъзи жойларда ер ёнғоқ пайкаллари учрайди-ю, лекин яна қум бошланиб, ҳеч қандай турар жойдан асар кўринмайди. Қирдан ошиб ўтганингдан сўнг йўлга тушиб олишинг мумкин. Бу шиббаланган тупроқ йўл бўлиб, агар ундан жон-жаҳдинг билан югурсанг, ўн беш дақиқачадан кейин тонал йўлга чиқиб оласан. У ёғига ишинг жойида бўлади. У ёқда автобуслар ҳам қатнаб туради, расмана одамлар ҳам учрайди.

Унинг қишлоқдан ўтиб кетиш учун ўттиз дақиқа вақти бор. Қумдан соатига тўрт километр юриш осон эмас. Қумли ерда оёғинг ботиб қолавериши бир сари, одимлаётганингда беҳуда куч сарф қилаверишинг ўтиб тушади. Шунинг учун катта-катта қадам ташлаб юриш маъқулроқ. Қум кучингни сўриб олгани билан одимларингнинг сасини чиқармайди. Одим товушингдан хавотир олмай юрсанг – бунинг ҳам ўз афзалликлари бор. Ҳа, афзалликлари бор.

Кўзингга қараб юр!.. Йиқилсанг ҳеч гап эмасу, битта-яримта кичкина тепачага қоқилиб, чўнқирчага тойиб кетсанг борми, тиззанг шикастланади. Тиззанг шикастланиб қўя қолса-ку, гўрга-я, бирдан янги бир чуқурга тушиб кетсанг нима бўлади?

Теварак-атрофни зулмат чулғаган. Кета-кетгунча тартибсиз равишда тиниб қолган қум тўлқинлари кўзга ташланади. Баҳайбат тўлқинларни майдароқлари кесиб ўтган, буларини эса ўз навбатида жимир-жимир пардалар қоплаган. Мўлжал олиш учун белги сифатида хизмат қилиши керак бўлган қишлоқ чироқлари шу сўнгсиз тўлқинлар ўркачи орқасида кўринмай кетар ва аҳён-аҳёндагина милтилаб қоллар эди. Яхшиси фаҳм-фаросат билан олдинга қараб юриш керак. Аммо ҳар гал ҳам фоят қаттиқ янгишган бўлиб чиқаверди. Балки шу чироқларни кўриш истаги беихтиёр баландроқ жойларни қидиришга мажбур этәётгандир.

Мана, тағин адашиб кетибди! Чапроққа қараб юриш керак!.. Агар тағин бир оз шундай юрса худди қышлоққа кириб қоларкан... Учта баҳайбат құм тепадан ошиб ўтди-ю, чироқлар ҳеч яқинлашгиси келмасди. Доира бўйлаб айланиб юрганга ўхшайди. Кўзларига тер қўйилмоқда... Бир лаҳзагина тўхтаб, тўйиб нафас олмаса бўлмайди.

Хотин ҳам уйғонгандир... Кўзини очиб уни кўрмаган бўлса нималар деб ўйлади экан?.. Зотан, бирдан пайқаб қолмас-ов... Уйнинг орқасига ёзилгани чиққан, деб ўйлаган бўлса ҳам ажаб эмас... Бугун кечқурун хотин ниҳоятда чарчаганди... Қоронғи тушгунча ухлаб қолганидан таажжубланиб шоша-пиша ўрнидан тургандир... Ўпичлардан совимаган танаси бу тонгда икковлари ўртасида нималар бўлганини эслатгандир... Хотин чироқни қўли билан пайпаслаб жилмайгандир...

Аммо, ҳарқалай, ўзини унинг олдида бурчли деб ҳисоблашга ёки унинг илжайишига баҳона эканлигини тан олмайди. Унинг фойиб бўлиши билан хотин нима йўқотади? Ҳаётининг кичкинагина бир парчасини, холос. Радио билан ойна бунинг ўрнини босиб кетади.

«Сиз мен учун дарҳақиқат каттакон бир далдасиз... Ёлғизликдан қутулганимдан бери ҳамма нарса ўзгариб кетди. Эрталаблари шошилмасдан ўз ишларим билан шуғулланишим мумкин, ишни ҳам икки соат олдинроқ тамомлашга муваффақ бўляпман... Ўйлайманки, тез орада артелдан уйда қилиш учун қўшимча иш сўраб оларман хам... Пул жамгараман... Ажаб эмаски, ниҳоят радиоми, ойнами ёки яна бирор нарса сотиб олсам...»

(Радио билан ойна... Радио билан ойна...) Қандайдир илашқоқ фикр – гўё инсоннинг бутун умри худди шу нарсадангина иборатдек. Ҳа, радио ва ойна дарҳақиқат бир-бирлари билан алоқадор: улар одамларнинг бошларини қовуштиради. Эҳтимолки, улар

инсон ҳаётининг моҳиятига кириб боришдек қизғин иштиёқни акс эттирап. Бўлди, шу ердан чиқиб бо-риши биланоқ приёмник сотиб олиб, унга жўнатади. Ҳамма пулини сарф қилиб бўлса ҳам, унга атаб энг яхши транзистор сотиб олади.

Аммо ойна важини билмайди – ваъда қиломайди. Бу ерда ойна тез ишдан чиқади. Олти ойдан кейин сири кўчиб, бир йилдан кейин ҳамиша ҳавода учеб юрадиган қум таъсиридан хира тортиб қолади... Ҳозир ўзида бор ойнасига ўҳшаб қолади: унда бир кўзингни кўрсанг, бурнингни кўролмайсан, бурнингни кўрсанг, оғзингни кўролмайсан... Йўқ, гап ойнанинг тез ишдан чиқишида эмас. Ойнанинг радиодан фарқи бор: унинг алоқа воситаси бўлиши учун, энг аввал хотинга қарайдиган эркак бўлиши керак. Модомики, уни ҳеч ким кўрмас экан, ойнага ҳожат ҳам қолмайди?

Шошма, қулоқ солиш керак!.. Негадир эркакнинг таҳорат ушатиши жуда чўзилиб кетди-ку... Ҷорди-ю, тағин?.. Вой муттаҳам, ахир қочиб кетибди-да... Қизик, хотин шовқин-сурон кўтардимикан?.. Ҳангманг бўлиб, ўксиётганмикан?.. Эҳтимол, юм-юм йиғлаётганандир?.. Майли, нима қилса қилаётганандир, энди бунга дахли йўқ... Ахир ўзи ойна зарурлигини эътироф этишдан воз кечди-ку.

– ... Мен аллақаерда шу тўғрида ўқиган эдим... Хозир уйдан қочиш авжига чиқсан шекилли?.. Ўй-лайманки, азбаройи турмушнинг қийинлигидан шундай бўлса керак. Балки, бошқа сабаблар биландир... Худди ўша китобда унча камбағал бўлмаган бир дехқон хонадони тўғрисида ёзилган эди. Ер ҳам сотиб олишган, машина ҳам орттиришган экан, яшаш шароитлари ҳам ёмон эмас экану, аммо катта ўғиллари уйларидан қочиб кетибди. Ўзи бинойи-деккина меҳнаткаш йигит экан. Бирдан нега кетиб қолди экан, деб ота-оналарининг бошлари қотибди. Қишлоқдаги одамлар ўз қадр-қимматларини яхши

билидилар. Шаънларига дөф туширгилари келмайди. Шунинг учун ҳам Борис уйини ташлаб чиқиб кетиши учун аллақандай айрим сабаблар бўлиши керак...

– Ҳа, албатта. Бурчга амал қилиш керак...

– Хўш, шундан кейин қариндош-уруғларидан бир ийгитни топиб, нега бундай қилганини суроштириб билмоқчи бўлибди. Маълум бўлишича, уйини тарк этишига ишқ можаролари ҳам, қарз ҳам сабаб бўлмаган – хуллас, ҳеч қандай бир сабаб йўқ экан. Хўш, нима гап ўзи?.. Йигит айтган гапнинг тайин-тутуриғи йўқ. У ўз хатти-ҳаракатини қандай оқлашни ҳам билмаган, ортиқ чидаб туролмадим, деган холос.

– Тўғри-да, дунёда шундай тутуриқсиз одамлар ҳам бор...

– Агар ўйлаб кўрилса, ўша йигитнинг муддаосини тушуниш мумкин. Хўш, деҳқон деган нарса нима ўзи? Агар у жон-жаҳди билан ишлаб ерини кўпайтирса – бу унга янгидан-янги иш орттиради. Оқибатда, мешақатли меҳнатининг чеки бўлмайди, бирдан-бир қўлига киритадиган нарсаси – аввалгисидан ҳам мешақатлироқ меҳнат... Рост, деҳқоннинг қўлига меҳнати эвазига шоли билан картошка ҳосили келиб тушади. Унга бундан бошқа нима керак? Деҳқоннинг ишини булатнинг қум ташвиши билан таққослаб бўлмайди. Бу – жаҳаннамда тошдан тўғон қуриш билан баробар бир гап, чунки жаҳаннамдаги иблислар тошларни бари бир ҳар томонга улоқтириб ташлашади.

– Жаҳаннамдаги дарё воқеаси нима билан тугайди?

– Ҳеч нарса билан. Ҳеч нарса билан тугалланмаслигининг ўзи гуноҳлар учун берилган жазонинг ўзгинасидир?

– Кейинчалик ворис бўлиши керак бўлган ўша йигитнинг тақдири нима билан тугабди?

– У ҳамма ишни олдиндан пишитиб ўйлаб қўйган бўлиши керак. Уйидан чиқиб кетмасидан олдин ишга жойлашган.

- Шундан кейин-чи?
- Ишлай бошлаган.
- Ундан кейин-чи?
- Кейинми? Моянасини олволиб, якшанба кунлари тоза кўйлак кийиб кинога борган.
- Сўнгра-чи?
- Ўша йигитнинг ўзидан сўраб олмасдан айтиш қийин.
- Аммо пул жамғарib бўлганидан кейин, радио ҳам сотиб олган бўлса керак.

... Ана, ниҳоят юқорига чиқиб олди. Зотан ҳали бу йўлнинг ярми бўлса керак... Йўқ, янгилишибди... Бу ер теп-текис-ку... Ҳа, айтмоқчи, чироқлар қаёққа кетди?.. У ҳеч қандай бир ишонч ҳосил қилмасдан оддинга қараб юришда давом этарди... Бу баҳайбат қум тепаликнинг чўққиси шекилли. Нега бўлмаса чироқлар кўринмаяпти? Миясига фалокат юз берди, деган фикр келаркан, оёқлари майишиб кетди. Эрин-чоқлик қилдими – мана жазоси. Йўналишини аниқ билмай тик ён бағирдан пастга тушибди. Пастқамлик у тахмин қилганидан кўра чуқур, ҳам кенг экан. Бунинг устига бетартиб қалашиб кетган қатор-қатор қум тўлқинлари тўғри йўл топиб юришига халал бе-рарди. Лекин чироқлар нега кўринмаётганини бари бир тушунмайди... Борди-ю, йўлдан адашган бўлса ҳам ё у, ё бу томонга ярим километрдан ортиқ адашмаган бўлса керак. У доим чапга қараб юргиси келар – эҳтимол, бу қишлоқдан қўрққанидандир. Лекин чироқларга яқинлашиш учун ўнгга юриш кераклигини аниқ биларди. Ҳадемай туман тарқаб, юлдузлар кўриниади... Умуман, нима бўлса ҳамки, атрофни тезроқ ва яхшироқ кўришнинг дуруст йўли – энг ба-ланд қум тепага чиқиб қарашиб...

Ҳарқалай, тушуниб бўлмайди... Хотиннинг жаҳан-намдаги ўша дарёда нега бунчалик илинжи бор эканига сира тушуниб бўлмайди. Ахир ватанга муҳаббат, бурч ҳақида гапирганларида, нималарнингдир

баҳридан ўтиб, нималардандир воз кечиб, улардан маҳрум бўлиб қолсанггина бу нарса бир маъно касб этади. Бу хотиннинг маҳрум бўладиган нима нарса-си бор ахир?

(Радио билан ойна... Радио билан ойна...)

Унга приёмник олиб жўнатади, албатта... Аммо бу тескари натижаларга олиб келмасмикан: у қўлига кириладиган нарсадан кўра, кўпроқ нарса йўқотмадимикан? Чунончи, хотиннинг жуда яхши кўрган иши – эркакни чўмилтириш учун тайёргарлик кўриш маросими тамом бўлди. Ҳатто кир ювишга ҳам эътибор бермай, унинг учун сув олиб қўярди. Тогорадаги илиқ сувни шапиллатар, худди унинг ўзини бирор чўмилтираётгандек фужанак бўлиб олганча, қотиб-қотиб кулар эди. Энди бундай кула олмайди.

Йўқ, хом хаёлларни йифиштир... Сен билан унинг орасида аввал бошданоқ ҳеч қандай аҳд бўлган эмас... Башартики, шундай экан, у аҳд бузилгани ҳам йўқ. Қолаверса, буни ҳам сира дахли йўқ, деб бўлмайди. Чунончи, ҳафтасига тегиб турадиган, бадбўй арzon арақ... Хотиннинг тараанг мушаклардан иборат тиқмачоқдек сонлари... Эриб ёпишиб қолган резинани эслатувчи қумни бармоғим билан кўчираётганимда уялганлари... Хотиннинг, бу нарсаларнинг ҳаммасини янада беиboroқ қилиб кўрсатадиган тортичноқ табассуми... ва ҳоказолар. Шуларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисобласа – озмунча бўлмайди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, факт фактлигича қолади. Эркак хотин кишига қараганда икир-чикирга кўпроқ эътибор беради.

Қишлоқнинг бунга қилган жабрини, унга етказилган зиён-захматларнинг барчасини ҳисоблаган билан тутатиб бўлмайди. Бунга нисбатан унинг хотин билан бўлган муносабатлари арзимас бир нарса-ку.

Аммо эркак уларнинг ҳамма қиалфиликлари учун бир кунмас-бир кун боплаб жавоб қайтаради... Рост, ҳозирча у қандай қилиб аламини олишни билмайди,

албатта. Чунончи, қишлоққа ўт қўйиб юбориб қудуқларни заҳарласинми ёки тузоқлар ясаб, уни шу кўйга солиб қўйганлар яшайдиган ҳамма чуқурларга ташлаб чиқсинми – дастлабки пайтларда хаёлини шундай содда тасаввурлар билан қизишириб ўзига далда берган эди. Аммо ҳозир, муддаосини амалга ошириш учун имконият туғилган бир пайтда, у болаларга хос бундай хаёлларга берилолмас эди. Қолаверса, ёлғиз одам нима ҳам қила олиши мумкин? Қонунга мурожаат қилишдан бошқа йўл йўқ. Шуниси ҳам борки, содир бўлган нарсанинг нақадар шафқатсизлигини том маъноси билан тушуниб олишга қонун ҳам ожизлик қилиб қолиши мумкин... Майли, фурратни бой бермай, уларнинг ҳаммаси ҳақида аввал ақалли маҳаллий полицияга хабар беради.

Ҳа, ниҳоят, яна бир нарса бор экан...

Тўхта! Бу қандай товуш бўлди?.. Йўқ, ҳамма ёқ жимжит... Балки шундай туюлгандир. Лекин қишлоқнинг чироқлари қаёққа кетди экан? Борди-ю, улар ҳатто юксак қум тепалар орқасида кўринмай кетган бўлса, иш чатоқ. Тасаввур қиласа бўлади – рули чапга шоҳ ташлаб кетибди шекилли. Қишлоқни ҳам аллақандай баланд қоя тўсиб турибди... Иккила-нишнинг ҳожати йўқ... Бўлди энди ўнг томонга юриб кўради.

... Ҳўш, ниҳоят, бир нарсани унутмаслигингни истардим. Эsingдами, битта саволимга ҳеч жавоб бермаган эдинг. Ўшанда икки кун сурункасига ёмғир ёқкан эди. Ёмғир ёғаётганида кўчклиарнинг даҳшати кучаяди, аммо қум мутлақо учмайди. Биринчи куни одатдагидан кўпроқ иш қилгандик, шу сабабли эртасига ҳордик чиқариш имкониятига эга бўлувдик. Муштоқ бўлиб кутилган дам олишдан фойдаланиб, қандай бўлмасин ҳақиқатни аниқлашга қарор қилувдим. Қанча мashaққат чекиб бўлса ҳамки, худди ярани шилгандек ҳақиқатни очиб олишга тиришиб, сенинг нима сабабдан бу чуқурга тушиб қол-

ганингни билиб олмоқчи бўлувдим. Қатъиятимдан ўзим ҳайратда эдим. Дастреб, сен яланғоч танангни хушчақчақдик билан шаррос ёмғир томчиларига тутдинг, аммо ниҳоят, жавоб беришга мажбур бўлганингдан кейин йиғлаб юбординг. Тўфон вақтида эrim ва болам товуқхона билан биргалиқда қум тагида қолиб ҳалок бўлганликлари учун бу ердан кета олмайман, дединг. Агар шундай бўлса, дарҳақиқат, сенинг кўнглингни тушуниш мумкин эди. Ишонса бўладиган сабаб, шу вақтгача бу тўғрида нима учун гапиргинг келмаганигининг сабаби ҳам маълум. Гапингга ишонгим келарди. Шу тариқа сал уйқудан қолсам ҳам, ҳалок бўлганларни қидириб кўрмоқчи бўлдим.

Сен кўрсатган жойни икки кун қазидим. Бирон жасад у ёқда турсин, ҳатто товуқхона вайронасининг изларини ҳам тополмадим, Шунда сен бошқа жойни кўрсатдинг. Аммо у ердан ҳам ҳеч нарса тополмадим. Сен янгидан-янги жойларга етаклаб бора бошладинг. Бештacha турли-туман жойларда тўққиз кун давомида беҳуда қидиришлар давом этди. Ана шундан сўнг сен яна йиғлагудек бўлиб, ўзингни оқдай бошладинг. Уй бошқа жойда турган бўлса керак, қум яккаш сурib келаверганидан уни бошқа жойга жиљдириб буриб қўйгандир, эҳтимолки, чуқур ҳам жойидан жилиб қолгандир, дединг. Товуқхона ҳам, эrim билан боламнинг жасади ҳам уйимизни қўшни уйдан ажратиб турган қалин қум деворчанинг тагига кўмилиб кетгандир, шундай бўлиши ҳам мумкинки, улар ҳозир қўшнимизнинг чуқурига ўтиб қолгандир, деб важ кўрсатдинг. Назарий жиҳатдан бу фараз тўғри келиши мумкин эди. Аммо баҳтсиз, ўқсик важоҳатинг шу нарсани очиқ-ойдин кўрсатиб турардики, аввал бошданоқ бор гапни очиқ айтгинг келмаган экан. Хуллас, ҳалок бўлди, деганларинг бир баҳона экан. Аччиқланишга ҳам ҳолим қолмаган эди. Шундан сўнг бу нарса ҳақида ортиқча бош қотир-

майдиган бўлдим. Назаримда, бу нарсани сен ҳам пайқаган бўлишинг керак...

Нима бўлди!.. Эркак қўрқиб кетиб, ерга ётиб олди... Бу нарса шу қадар тез юз бердики, у тушунолмай гарангсиб қолди... Унинг қарпинида дабдурустдан қишлоқ намоён бўлди!.. Афтидан, у тўппа-тўғри қишлоққа келиб туташган қум тепанинг чўққисига чиқиб келаётган экан шекилли... Кўз ўнгида бутун қишлоқ намоён бўлган пайтда ҳуши ўзига келди... Шу пайт бирдан четан ғовнинг нарёғида ит вовуллаб қолди. Унга иккинчиси, учинчиси ва тўртинчиси қўшилди. Зим-зиё қоронгиликдан бир тўп ит тишлари ни иржайтирганча унга қараб келмоқда эди. У учига қайчи боғланган арқонни қўлига олиб қочиб қолди. Бирдан-бир чораси – қисқа йўл билан қишлоқдан ўтиб олиш эди.

## 26

У қочиб бормоқда эди.

Йўлидаги, хира чироқлари милт-милт ўтаётган уйлар гоҳ унга йўл берар, гоҳ тўсиқ бўларди. Томоғидан гувиллаб кираётган шамолнинг тоти... Занг тоти... Чил-чил синиб кетай деб турган юпқа ойна устида ижро этилаётган хавфли ўйин. Қум ташийдиганлар ҳали уйларидан чиқишимаган деса анча кеч бўлиб қолди, соҳилга етиб қолишган бўлса керак, деб умид қиласай деса, унга ҳали барвақт. Пикап ҳали ўтгани йўқ, шекилли. Ўша икки зарбали моторнинг тарақ-туругига бир километр жойдан туриб эътибор бермаган бўлиши мумкин эмас. Аҳвол чатоқ-ку!

Кутилмагандага қоронгиликдан юмалоқ бир нарса пилдираб чиқди. Қаттиқ ҳаллослаётганига қараганда каттакон итга ўхшайди. Даф қилишга ўрганмаган шекилли, унга ёпишишдан олдин зўр бериб вовуллай бошлиди. Эркак қайчи боғланган арқон билан бир урган эди, бориб тегди. Ит вангиллаганича қоронги-

ликка кириб фойиб бўлди. Хайриятки, ит шимидан бир парчагина узид олибди. Кескин бурилмоқчи бўлган эди, оёғи чалишиб кетиб йиқилиб тушди, юмалаб кетди-ю, аммо шу ондаёқ сапчиб турганча чопишга тушди.

Маълум бўлдики, итлар беш-олтита экан. Биринчи итнинг муваффакиятсизлигидан чўчиб қолган бу итлар қаттиқ вовуллаганча, атрофини ўраб, ташланиш учун пайт пойлашмоқда эди. Вайрона кулбадан чиққан анавиmallа ит уларни орқадан туриб олқишлиётган бўлса ҳам ажаб эмас. Арқонинг учидан эллик сантиметрча берироқдан ушлаганча жон-жаҳди билан бошидан ошириб айлантира бошлади. Ўзини шу тариқа итлардан қўриқлаб, чақилган бир уюм чиганоқларни босиб ўтди-да, четанлар оралиғидаги тор йўл ва қуритиш учун похол ёйиб қўйилган аллақандай ҳовлидан ўтиб, ниҳоят, кенг кўчага чиқиб олди. Сал юрса, қишлоқ ҳам тамом бўлади!

Йўл бўйидан торгина обраҳа ўтган эди. Ундан иккита ёш бола чиқиб келди – ака-сингилга ўхшайди. Уларни жуда кеч кўриб қолди. Уларга қайчи тегиб кетмасин, деб арқонни тортган эди, аммо фойдаси бўлмади, уларга қўшилиб ўзи ҳам обраҳага йиқилиб тушди. Обраҳанинг тагига нов ётқизилган экан. Ёғоч қарсиллаб кетди. Болалар дод солиши... Жин ургурлар, намунча бўкиришмаса!.. Болаларни жон-жаҳди билан итариб юбориб, юқорига чиқди. Шу пайт бир қатор бўлиб тизилиб турган учта чўнтак фонарининг шуъласи йўлини тўсади.

Қўнфироқ чалина бошланди. Болалар қичқириб йиғлашарди... Итлар ҳамон вовуллашарди... Қўнфироқнинг ҳар бир зарбидан юраги зириллаб кетмоқда. Ҳар мўйининг тагидан худди шоли доналаридек сон-саноқсиз ҳашаротлар ўрмалаб чиқиб кетгандек бўлди. Чўнтак фонарларидан бирида шуъласини гуж қила оладиган мосламаси бор шекилли, шуъласи гоҳ ёйилиб кетар, гоҳ қизиган игнадек ингичка бўлиб бирдан қадалар эди.

Уларнинг устига ташланиб ҳаммаларини тепиб-тепиб тумтарақай қилиб юбора қолсамикан?.. Агар ёриб ўтолса, қишлоқдан чиқиб олади. Кейин ўкинадими, йўқми – ҳаммаси ҳозирги дақиқага боғлиқ... Иккиланиб ўтирмаслик керак!.. Бўлмаса фурсат кетади... Сал ҳаяласа борми, таъқибчилар орқасидан етиб олишади-да, унда бутун иши барбод бўлади.

У иккиланиб туаркан, фонарлар ўнги ва сўлидан куршаб келиб оралиқдаги масофа тобора қисқариб бораверди. Эркак арқонни маҳкам чангллаганча бутун кучини вужудига йиғди-ю, аммо журъат қиломай туриб қолди. Оёқларининг учи борган сари юмшоқ заминга ботиб борарди. Фонарлар орасидаги кенгайиб қолган оралиқлар одамларнинг кўлагалари билан тўлган эди. Кўпмиканлар? Йўл четида қораси чуқурни эслатувчи нимадир турибди – э-ҳа, йўқ, бу пикап экан. Агар у олдинга ёриб ўтса ҳам, орқасидан етиб бориб ушлаб олишади... Орқа томонидан қочиб кетаётган болаларнинг одим товушларини эшитди – улар энди йиғлашмас эди. Бир лаҳзада миясига қалтис бир фикр келди. Уларни ушлаб олиб ўзига қалқон қилсамикан ? Шунда у бу абллаҳларни яқинига йўлатмасди! Аммо уларни ушлаб олиш учун ўгириларкан, пойлаб турган янги чироқларни кўрди. Йўли тамоман кесилган эди!

Худди бўшатиб юборилган пружинадек орқасига сапчиб, келган йўлидан изига тирақайлаб қолди. Бу билан кўрфазга туташ буруннинг бирор жойидан кесиб ўтарман, деган умидда эди. Орқасидан ҳай-ҳай сурон кўтарганча бутун қишлоқ қувиб келаётгандек туюлди унга. Азбаройи зўр берганидан оёқларининг томири суғуриб олингандек, бўшашиб кетди. Балки, таъқибчиларни қаерда келаётгандарини кўриш учун ўқтин-ўқтин орқасига қараётганига шундай бўлаётгандир.

Қанча йўл босди экан?.. Бир неча қум тепалардан ошиб ўтди. Кучи йўқола борган сари, бир жойдан

жилмай чопаётгандек, ҳаракатлари беҳудадек ту-юларди. Аммо ҳозир кучини ўринли, ўринсиз сарфла-ётганини мулоҳаза қилиб ўтиришнинг мавриди эмас. Оғзидан чучмал қон мазаси кела бошлади. Тупуриб ташламоқчи эди, ёпишқоқ тупуги оғзидан кўчмади. Бармоғи билан сидириб ташлашга тўғри келди.

Кўнғироқ ҳамон чалинмоқда, аммо анча узоқда; гоҳо-гоҳо унинг садоси мутлақо эшитилмай ҳам қоляпти. Итлар ҳам орқада қолиб кетиб, аллақаерда во-виллашмоқда. Ўзининг эговнинг металлга тегиб фир-чиллашини эслатувчи нафас олишигина эшитиларди, холос. Таъқибчиларнинг фонарлари ҳамон ҳалқа бўлиб ёйилган. Лик-лик юқорига чиқиб, пастга тушиб ҳамон бир нуқтада тургандек кўринарди. Қочоқ учун ҳам, таъқибчилар учун ҳам чопиш қийин эди. Энди кимки чидамлироқ бўлса, шу енгиб чиқади. Аммо бу ўй ҳам таскин беролмади. Узоқ давом этган дикқатлик зўриданми, иродаси тоб беролмай, вужудини за-ифлик чулғай бошлади, тезроқ мадорим қурий кол-сайди, деган истак туғилди ўзида ҳам. Хавфли бир белги... Модомики, бу хавфни ҳис қилаёттан экан, ҳали зарари йўқ...

Ботинкаларига қум тўлиб қолганидан панжалари оғримоқда. Орқасига қаради. Таъқиб қилувчилар ўнгроқ томонда етмиш-саксон метрча орқада қолишипти. Нега четлаб кетищди экан? Тик тепаликка чиқишидан қочиб шундай килишгандир. Чамаси, улар ҳам роса чарчашганга ўхшайди... Ахир айтишади-ку, қочоқдан кўра қувган эртароқ чарчайди, деб. У бир лаҳзада ботинкасини ечиб, оёқ яланг чопишга тушди. Агар ботинкаларини чўнтағига солса, халал беради. Шунинг учун ҳам камарига қистириб олди. Нафасини ростлаб, бир зумда хийлагина тик қиялиқдан ўтиб олди. Агар иш шу тариқа кетадиган бўлса, бу ярамаслардан қочиб қутулса ҳам ажаб эмас... Ҳали ой чиқмаган, аммо юлдузларнинг шульласи теварак-атрофни жимири-жимирир кўланкалар ва

шуълалар билан қоплаган, йироқлардаги қум тепалар-нинг ўркачларини яққол илғаб олиш мумкин эди. Аслида, у бурун томон югуриб кетаётгандек эди. Рули яна чапга қараб шох ташлай бошлади. Энди йўналишимни ўзгартираман, деган ҳам эдик, бирдан ўзи билан таъқибчилар орасидаги масофани қисқартириб қўйиши мумкинлигини пайқаб қолди. Ана шундагина уларнинг режаларини фаҳмлаб қолиб, қўрқиб кетди.

Ҳа, юзаки қараганда улар нотўғри танлаган деб тахмин қилинган йўл аслида, жуда пухта ўйланган экан. Улар уни денгизга сиқиб боришга ҳаракат қилишаётган экан. У ўзи сезмагани ҳолда ҳамон таъқибчиларнинг панжасида экан. Демак, уларнинг на яқинлашмай, на узоқлашмай, ҳамиша муайян бир масофада келаётгандари ҳам бежиз эмас экан

Йўқ, таслим бўлишга ҳали эрта. Қаердадир йўл бўлиши керак, ундан қояларга чиқиб олади, агар борди-ю, бошқа йўл топилмаса, денгиздан сузиб бурунни айланниб ўтиши ҳам мумкин. Ҳар қандай иккиланишларга барҳам бериш керак, бунинг учун ушлаб олиб яна чуқурга ташлашлари мумкинлигини ўйлаб кўрса бас.

Узун паст ён бағирдан чиқиб бориб тик қияликдан тушилади, ёки аксинча... Бир қадам, яна бир қадам – худди ипга бирма-бир мунчоқ терилаётгандек – сабру бардоши машаққатли синовдан ўтмоқда... Кўнгироқ бир лаҳза тиниб қолди. Нималар эшитилаётганини аниқлаёлмади – шамол увиллаяптими, денгиз шовқин соляптими ё шунчаки қулоғи шанғиллаяптими? У тепаликлардан бирига чиқиб, орқасига қаради. Таъқибчиларнинг чироқлари фойиб бўлган эди. Бир оз кутиб турди – кўринишмайди.

Ана холос! Наҳотки улардан қочиб қутулган бўлса?

Умид-ишенчдан юраги қаттиқроқ уриб кетди. Агар шундай бўладиган бўлса, ҳозир ҳеч дам олиб ўтириши керак эмас... Яна бир мартагина нафасини росттайди-да, олдинга, иккинчи қум тепага қараб йўл олади!

Аммо нима учундир чопиши машаққатли эди. Оёқлари вазминлашиб қолди. Вазминлашганда ҳам одатдагидан бошқача. Оёқлари чиндан ҳам құмга ботиб кетмоқда эди. Худди қорға ўхшайды-я, деб ййлади у. Оёқлари болдирининг ярмигача құмга ботиб кетди. У қүрқиб кетиб, бир оёгини тортиб олмоқчи бўлган эди, иккинчиси тиззасигача ботиб қолди. Нима гап?.. Одамни ютадиган құмлар ҳам бўлади, деган гапни эшитган эди... У жон-жаҳди билан қумдан чиқиб олишга ҳаракат қилди, тиришди. Урингани сари чуқурроқ ботиб бораверди. Ниҳоят, сонигача ботиб кирди.

Балки бу тузоқдир?! Улар уни дengiz томонга эмас, атайин худди шу ерга қамаб киритишибди!.. Овора бўлиб ушлаб ўтирмасдан йўқ қилиб юборишмоқчи!.. Бу чинакам маҳв этиш... Рўмолчасини ўйнатиб ҳунар кўрсатадиган найрангбоз ҳам бу қадар устамонлик билан иш кўролмайди... Шамолнинг яна бир эпкини келса, боши билан құмга чўмиб кетади. Шундан кейин уни ҳатто конкурсда биринчи мукофот олган полиция искович ити ҳам қидириб тополмайди... У ярамаслар энди қораларини ҳам кўрсатишмаса керак!.. Туя кўрдингми, йўқ... Бир бегона аҳмоқ ўзи адашиб келиб, кўздан фойиб бўлган... Аблаҳлар ҳамма ишни ҳатто қўл теггизмай амалга оширишади.

Чўкяпти... Чўкяпти. Мана белигача құмга ботди... Нима қилиш керак?.. Агар құмга тиқилиш сатҳини кенгайтиришга муваффақ бўлса, танасининг ҳар бир нуқтага бўлган босими камайиб, чўкмай қолса ҳам ажаб эмас... У қулочини ёзиб бағрини құмга берди... Аммо вақт ўтган эди... Гарчанд у кўксини ерга бериб ётган бўлса-да, танасининг қуий қисми тикка ҳолатда қотиб турарди, бели зирқирап, у тик бурчак вазиятида эгилганча ортиқ тура олмас эди. Ҳатто машқ кўрган ҳар қандай спортчи ҳам бундай вазиятда узоқ тоқат қилиб тура олмасди.

Бирам қоронфики... Гүё бутун борлиқ күзини чирт юмиб, қулоқларини беркитиб олғандек... Бу ерларда ўлыб кетсанг ҳам ҳеч ким сенга ҳатто қайрилиб ҳам қарамайды! Томофининг чуқур бир ерида яшириниб турган қўрқинч сиртга отилиб чиқди. Эркак оғзини катта очиб, бамисоли ҳайвондек ўкирди:

– Вой-дод!

Сийқа бўлиб кетган ибора!.. Сийқа бўлиб кетган бўлса кетавермайдими... Ҳалокат ёқасида турганингда олифтагарчиликка бало борми? Қандай бўлмасин яшаш керак. Ҳатто бир қолипга солинган, азоб-уқубатли шароитда бўлса ҳам майли. Яшаш керак! Ҳадемай қум кўкрагигача, энгаҳигача ва ниҳоят тумшуғигача етади... Бас! Етар!

– Вой-дод!.. Ҳаммасига розиман!.. Илтимос қила-ман, ёрдам беринглар!.. Раҳм қилинглар!

Эркак ўзини тутиб туролмади. Дастраб пиқ-пиқ йиғлаб туриб, сўнг ўкириб юборди. Энди фойдаси йўқдигини пайқаб, қўрқиб кетди. Уни ҳеч ким кўраётгани йўқ... Афсуски, бу ҳолат шундай ҳолларда зарур бўлган расмиятларсиз ўтмоқда... Ўлим жазосига ҳукм қилинган одам қатл этилишидан олдин хат ёзиб қолдириши мумкин... Аммо бу ерда қанчалик дод солмагин... ҳеч ким эътибор бермайди. Шуниси чатоқ-да!

Орқасидан гала-говур товушларни эшитар экан, ҳатто унча таажжубланмади ҳам. Чунки у енгилган эди. Уялиш ҳисси, худди яқинига олов олиб борилган игначининг қанотидек куйиб кул бўлди.

– Ҳой, ушлаб ол!

Пастга узун тахта тушиб келиб, ёнбошига тақалди. Шуъла, қоронфида доира чизиб тахтани ёритди. Эркак эрксиз жуссасини овоз келаётган томонга машиқат билан буриб, зорланганча илтимос қилди:

– Кечирасизлар, мени шу арқон билан тортиб ола қолсангизлармикан?

– Йўқ, сиз тўнка эмассизки, кавлаб олсак...

Орқадагилар қулиб юбориши... Анигини айтиш қийину, ҳар ҳолда беш-олтита бўлишса керак.

– Яна бир оз сабр қилинг, белкурак олиб келгани кетиши... Тирсакларингизни таҳтага тирасангиз, бу ёфи жойида бўлади.

Айтганларидек, тирсакларини таҳтага тираб, бошини кафтига ташлади. Сочлари тердан жиққа ҳўл бўлганди. У ҳеч нарсани еезмас, фақат шу таҳқирловчи ҳолатдан мумкин қадар тезроқ қутулиб олиши ни йилар эди.

– Биласизми... Орқангиздан чопиб келаётганимиз жонингизга ора кириб қолди. Бу ер шундай ўпқонки, ҳатто итлар ҳам яқинига йўламайди... Сиз катта хатар ёқасида турган эдингиз... Қанчадан-қанча одамларнинг бу ерга бехосдан келиб қолиб, қайтиб чиқолмаганликларини аниқ айтиш қийину, аммо... Бу тепаликнинг орқасида ел юрмайди-ю, қум келиб тушгани-тушган... Қиши бошланса, қор келиб тушади... Унинг устидан яна қум босади... Кейин яна қор босади, юз йилдан бери шу тарифа – худди хом қолган қават-қават қатламага ўхшайди... Собиқ артель раисимизнинг шаҳарга ўқишига кетган ўғлининг гаплари бу. Қизиқ, тўғримикан?.. Мабодо, тагигача қазиб тушилса бирорта арзийдиган нарса чиқармикан?

Бу гапларнинг нима кераги бор экан?! Худди ҳеч нарсадан хабари йўқ, бегуноҳ одамдек гапиради-я. Бас қилса ҳам бўларди... Унинг ўрнига нари кетиб, пучга чиққан умидлари билан ўз ҳолига қўйса-чи...

Аллақандай жонланиш бошланди – афтидан, белкураклар келди шекилли. Оёқлари тагига таҳта боғлаб олган учта эркак аранг мувозанат сақлаганча, ундан нарироқда туриб атрофидаги қумни қазий бошлишди. Орзу-умидлари ҳам, оп-номуси ҳам, алами ҳам – ҳаммаси мана шу қум остига кўмиб юборилганди. Елкасидан ушлаганларида ҳатто таажжубланмади ҳам. Агар буюришса, шимини тушириб, кўзлари олдида ёзила бошлиши ҳам мумкин эди. Осмон

ёришди – ҳозир ой чиқса керак. Хотин уни қандай чөхра билан қарши оларкин?.. Қандай чөхра билан қарши олса ҳам бари бир... Энди уни күнгилларига келганча шатталашлари мумкин, чидаса бўлгани.

## 27

Эркакни қўлтифидан арқон билан танғиб, худди аллақандай юқдек яна чуқурга туширишди. Чурқ этган товуш эшитилмасди. Гўё улар бунинг дағн маросимида иштирок этишаётгандек. Ўра чуқур, қоронғи. Ой нури қум тепаларни йилтироқ ипак билан чулғаган; у шамол нақш этган гажимларни, ҳатто оёқ изларини ҳам жимир-жимир ойнага айлантирди. Фақат чуқургина бу манзарага қўшилиб кеттиси келмай, зулмат қўйнига чўмганча ётарди. Аммо буларнинг бирортаси ҳам унга таъсир қилмади. Ўлгудек чарчаган бўлса керак, бошини кўтариб ойга қараган эди, бирдан кўнгли айнаб, боши айланниб кетди.

Бу зим-зиё зулматда хотин унга қора шарпадек кўринди. Хотиннинг кўмагида аранг сургалиб ўринга етиб олди-ю, аммо хотиннинг ўзини кўрмади. Теварак-атрофидаги ҳамма нарсалар ҳам худди тумандагидек хиралашиб кетганди. Ҳатто тўшакка узала тушиб ётгандан кейин ҳам, ҳамон қумдан чопиб кетаётгандек туюлаверди. Ухлаётганида ҳам чопиб кетаётгандек бўлаверди. Жуда бетинч ухлади. Саватлар тушириб тортиб олинаётганини, узоқдаги итларнинг вовуллаётганини аниқ эшитиб ётди. Хотиннинг тун ўртасида овқатланиш учун кириб, унинг тўшаги олдидаги чироқни ёққанини ҳам пайқади, сув ичгани тургандагина уйқуси учди. Чиқиб хотинга ёрдамлашай деса мажоли йўқ.

У чироқни ёқиб тамакисини тутатди-да, гарангси-ганча атрофига аланглади. Бақалоқ, аммо чаққон ўргимчак чироқ атрофида физиллаганча айланба-лади. Капалак бўлганда-ю, таажжубланмасди-я,

аммо ўргимчакнинг шуълага келгани унга ғалати ту-юлди. Энди сигарета билан куйдирмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, фикридан қайтди. Ўргимчак чироқ атрофидан ўн беш, йигирма сантиметр масофада худди сония милидек аниқ айланмоқда эди. Балки уни жалб этаётган ёлғиз ёғдугина эмасдир? Ҳа, у куттарди, ниҳоят чироқقا тун капалаги учиб келди. Бир неча марта ўзини чироқ шишасига урди-да, сўнгра металл поячага қулади, охири қимиirlамай қолди. Аллақандай ғалати, жуда ҳам шумшук капалак экан. Унга сигаретасини босди! Ҳали қимиirlаб турган ҳашаротни физиллаб юрган ўргимчакнинг йўлига ташлади. У тахмин қилган драма бошланди. Ўргимчак бир лаҳзада етиб келиб, ҳали тирик капалакка ёпишиб олди. Сўнгра жонсиз ўлжасини сургаганча яна гир-гир айлана бошлади. Семиз капалакни ейишини ўйлаб ҳузур қилаётган бўлса керак.

У шунаقا ўргимчаклар ҳам бўлишини билмас экан. Ўргимчак ини ўрнига чироқдан фойдаланиши қандай тадбири. Ин тўқиб унга бирор жон эгаси келиб тушишини пойлаб ётиши керак, чироқ ёрдами билан эса ўлжасини ўзи авраб домига тортиши мумкин. Бунинг учун мос келадиган ёғду манбаигина керак бўлади. Афсуски, табиатда бундай нарса йўқ. Ой ёки ўрмон ёнғинлари бу ишга тўғри келиши амри маҳол. Бу, инсон орқасидан тадрижий ўсиб бориб, ўз инстинктларини юзага келтирган ўргимчакнинг аллақандай янги бир тури бўлса ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас... Таърифи чакки эмас шекилли. Аммо у тақдирда ёғду парвоналарни ҳам жалб этишини нимага йўйса бўлади?.. Капалак ўргимчак эмас. Чироқ нурининг бу ҳашаротларнинг сақланиб қолишларига ёрдам бериши амри маҳол. Ҳолбуки, бу ҳодиса ҳам сунъий ёғду пайдо бўлгандан сўнг юзага келган. Капалакларнинг тўп-тўп бўлиб, ойга қараб учиб кетмаганликлари ҳам бунга мисол бўла олади.

Ҳашаротларнинг бир туригина шунақа инстинкт-га эга бўлса бошқа гап эди. Аммо ўн мингларча турли-туман парвоналарни айтмайсизми! Демак, бу аллақандай муайян ўзгармас қонун. Сунъий ёғду таъсирида юз берадиган қанотларнинг кўр-кўрони, жазавали типирчилаши. Ёғду, ўргимчак ва капалаклар орасидаги сирли муносабат... Модомики, қонун шу қадар тутуриқсиз тарзда зуҳур этгандан кейин нимага ишониш керак бўлади?

Эркак кўзларини юмди... Кўз ўнгида фира-шира шуълалар суза бошлади... Уларни ушламоқчи бўлиб кўлини чўзувди, типирчилаб ғойиб бўлдилар. Худди қумдаги испан пашшасининг соялариdek...

У ўкраган йиғи овозидан уйғониб кетди.

– Нега йифлаяпсан?

Хотин саросимага тушиб қолганини яширишга тиришиб, шоша-пиша ўрнидан турди.

– Кечиринг... Сизга чой дамлаб қўймоқчи эдим... – Унинг йифидан бўғилган овози эркакни гарангситиб қўйди. Хотин энгашиб ўчоққа ўт қўяётганида ҳам елкаси. аломат бир тарзда учеб-учиб турди, эркак анчагача нима гап эканлигини пайқай олмади. Худди мөгор босган китоб саҳифаларини варақлаётгандек, дарров қайқай қолмас эди. Хайриятки, ҳали саҳифаларни варақлай олишга қодир экан. Қўққисдан ўзига ўзининг юраги туздай ачиб кетди.

– Бўлмади...

– Ҳа.

– Ҳаммаси аҳмоқона тарзда барбод бўлди.

– Аммо ҳали ҳеч ким муваффақ бўлган эмас... Бирон марта ҳам...

Хотин йифлаб туриб гапирав, аммо унинг овозида қатъият оҳанглари янграрди. Гўё у эркакнинг иши барбод бўлганини оқлаб, бунинг сабабларини тушунириб бераётгандек эди. Сўзларидан меҳрибонлик, самимилик оҳанглари сезилиб турарди. Бунга жавоб бермаса ўтакетган адолатсизлик бўларди.

Ҳар ҳолда ачинаман... Мабодо, қочиб кетишга мұваффақ бўлсам, боришим биланоқ сенга приёмник юбораман, деб аҳд қилиб қўйгандим...

– Приёмник?

– Аллақачондан бери орзу қиласан-ку.

– Зарари йўқ, керак эмас... – Хотин худди кечирим сўраётгандек журъатсизгина гапиради. – Агар тиришиб ишласам, шу ернинг ўзидаёқ сотиб олишим мумкин... Агар насияга оладиган бўлсам, қарзимнинг биринчи улушкини тўлашга пулим етса керак.

– Ҳа, насияга бўлса етади, албатта.

– Сув исиса чўмиламизми?

Бирдан эркакнинг қалбини бўз ранг тонг тусидек ҳасрат чулғаб олди... Бир-бирларининг яраларини ялаб-юлқишилари керак. Аммо борди-ю, сира битмаётган яраларни бетиним ялаб-юлқайверилса тил, тил бўлмай қолади-да.

Хўп майли, тасаллининг ҳожати йўқ... Ҳаёт, яккаш тасалли билан ўтадиган нарса эмас... У ердаги ҳаёт бошқа, бу ердагиси бир бошқа, бегона ҳаёт ҳамиша totli бўлиб кўринади... Энг расвоси – шу нарсани ўйлаш: ҳаёт шу тариқа ўтаверса унда нима бўлади?.. Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Афсуски, буни ҳеч ким билмайди-да!.. Эҳ, бошигача ишга кўмилиб, буларнинг ҳаммасини ўйлашдан қутулса эди...

– Чўмиламизми?

Буни хотин худди унга тасалли бериш учун юмшоқ, осойишталик бахш этувчи оҳангда айтди. Эркак аста-секин қўйлагининг тутгмаларини ечиб, шимини тушира бошлади. Уни бутун, бошдан-оёқ қум босган эди. (Ҳозир анави, бошқаси нима қилаётган экан?) Кечаги кунгача бўлган ҳамма нарса узоқ бир ўтмишдек бўлиб қолган эди.

Хотин сочиқни совунлай бошлади.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### 28

Октябрь.

Хамон кетгиси келмаётган ёз кун бўйи қумни шу қадар қиздириб юборган эдик, оёқ кийимсиз унда беш дақиқа ҳам туриш мумкин эмас эди. Аммо қуёш ботди дегунча деворларнинг тирқишиларидан гўриллаб намхуш совуқ кирап, ўчоққа ўт қалашдан олдин нам тортиб қолган кулни қуритишга тўғри келарди. Шамол бўлмаган кунлари ҳароратнинг кескин ўзгаришидан эрталаб ва кечқурунлари бўтана сувни эслатувчи туман тушарди.

Эркак қарға тутиш учун уйнинг орқасига тузоқ қўйди. Уни «Умид» деб атади. Тузоқнинг тузилиши жуда оддий, қумнинг хусусиятлари ҳисобга олиб ясалган эди. Анчагина чуқур ўра қазиб, ёғоч бочкача кўмди. Ҳажми бочкачанинг оғзидан кичкинароқ қопқоқни гугурт чўпча келадиган учта понача ёрдами билан ўрнаштириб қўйди. Ҳар бир поначага ингичка ип боғлади. Улар қопқоқнинг ўртасидаги тешикдан ўтказилиб, ташқаридаги симга уланганди. Симнинг ичига емиш – қоқ балиқ илиб қўйди. Кичкина чуқурчада емишнинг ўзинигина сиртда қолдириб, тузоқни пухталаб қум билан кўмиб қўйди. Қарға емишга ёпишди дегунча қозиқчалар йиқилади-да, қопқоқ бочканинг тагига тушиб устидан қум босиб қолади; қарға тириклайн кўмилади. Тузоқни бир неча марта синаб кўрди. У дарҳол қум босиб, ҳатто қанотини ҳам ёзолмай қоладиган ўша қарғани кўз ўнгига аён тасаввур этди.

Мабодо, омади келиб қарға ушлаб ололса, хат ёзиб унинг панжасига боғлаб қўйиши мумкин... Албатта, ҳамма гап омадда... Биринчидан, учириб юборилган қарғанинг иккинчи марта инсон қўлига тушишига ишониш амри маҳол... Унинг қаёққа қараб учиши-

ни ҳам билолмайсан... Одатда, қарғаларнинг ичиб юриш манзили ғоятда чекланган бўлади... Шу нарса ҳам зҳтимолдан холи эмаски, анави қишлоқдагилар икки фактни – бунинг қарғаси учиб кетгани билан қарғалар тўпида оёғига бир парча оқ қофоз боғланган қарға пайдо бўлганини таққосласалар, сир-асори уларга дарҳол аён бўлиб қолади... Унда шунчак пухталик билан ўйлаб пишитилган, шундай қунт билан амалга оширилган ҳамма иш беҳуда бўлади-қолади...

Муваффақиятсиз қочишдан сўнг эркак жуда эҳтиёткор бўлиб қолди. У худди қиши уйқусига кирган ҳашаротдек чуқурдаги ҳаётга мослашиб олди, айниқса, қишлоқ аҳолисининг шубҳасига барҳам бериш учунгина шундай қилди. Бир нарсани сурункасига такрорлайвериш – чалғитишнинг энг яхши йўли, дейдилар. Бир нарсанинг ҳадеб такрорланаверишидан иборат ҳаёт кечириш – бора-бора уни эсдан чиқаришларига ёрдам беради. Хўш, чунончи икки ойдан бери хотин ҳар куни бошини кўтармай ипга мунҷоқ тергани-терган. Бу ишга шу қадар берилганлигидан ҳатто юзи салқиб кетди. Картон қутичада сочилиб ётган, жилоланувчи мунҷоқларни узун игнанинг учи билан тинимсиз олиб тураркан, игна йилтиллагани-йилтиллаган. Хотиннинг жамғармалари икки минг иенага етиб қолди шекилли. Агар шу тариқа яна ярим ойча ишласа – приёмник учун тўлайдиган пулининг биринчи ҳиссасига етади.

Мунҷоқ солинган қутичанинг атрофида ўйнаётган игна шу қадар маънодор эдики, гўё бу қутича оламнинг марказидек кундалик ҳаётга ранг-баранглик киритар, атрофдаги воқеликни ҳис қилишга ишонч бағишиларди. Эркак ҳам бир хилдаги жисмоний ишга муккасидан кетди. Том тагидаги қумни супуриб тушириш, оқшоқ элаш, кир ювиш – булар ҳаммаси унинг кундалик вазифаси бўлиб қолди. У хиргойи қилиб, иш билан банд бўлганидан, вақт, ҳарқалай, тезроқ ўтарди. У эрмак учун, ётганларида устларига

құм түқилмаслиғи учун полиэтилендан чօроққина чодир ясады, қызиган құмда балиқ пишириш учун мослама ўйлаб топди...

Диққат бўлмаслик учун у ўшандан буён газета ўқимасди. Бир ҳафтагина ўқимаган эдики, газета ўқиши эсига ҳам келмай қолди. Бир ойдан кейин эса, оламда газета деган нарса бор эканлиги ёдидан ҳам кўтарилиб кетди. Бир вақтлар у «Ёлғизлик жаҳаннами» деган гравюрадан кўчирилган нусхани кўриб, ҳайратда қолган эди. Унда осмонда сузуб кетаётган ғалати бир вазиятдаги одам тасвирланганди. Бақрайган кўзларини даҳшат чулғаганди, чунки атрофдаги бўшлиқ ўликларнинг фира-шира кўлагала-ри билан тўлганди. Бунинг уларнинг орасидан ёриб ўтиши маҳол, ўликлар бир-бирларини суриб-туртиб, кўлларини пахса қилганча, одамга ниманидир ту-шунтиришмоқда эди. Бу нега «Ёлғизлик жаҳаннами» деб аталди экан? Номи янгиш қўйилмадимикан, деб ўйлаган эди ўшанда. Ҳозир аниқ тушуниб олди. Ёлғизлик – қониқтирилмаган орзу иштиёқи экан.

Худди шунинг учун ҳам шу кўйга тушган одамлар юрак ўйногини босолмай, тирноқларини тишлар эканлар. Фикрлаш мароми билан қониқолмай тамаки чекишаркан. Жинсий алоқадан ҳаловат тополмай, асабий қалтирап эканлар. Нафас олиши ҳам, юриши ҳам, ичагининг лип-лип ҳаракати ҳам, кундалиқ жадвал ҳам, ҳар еттинчи куни келадиган якшанба ҳам – уларга осойишталиқ бахш этмасдан, аксинча, янгидан-янги такрорларга дучор қилар экан. Сигаретани ҳам аввалгига ниобатан кўпроқ чекадиган бўлди. Даҳшатли тушлар кўрадиган, тушида тирноқлари кир аллақандай хотин билан биргаликда яккаш бегона кўзлардан пана, хилват жойларни қидирадиган бўлди. Ниҳоят, оқибатда, заҳарланиш белгиларини пайқаб қолгач, унинг хаёллари дарҳол самога, 1/8 мм узунликдаги тўлқинлар ҳоким бўлган құм тепаликларга бурилди.

У қумга қарши олиб борилган сўнгсиз курашдан, ўзи сабоққа айлантириб олган кундалик ишидан унча-мунча ҳаловат топғандек бўлди, зотан бу сабоқни ўз-ўзини азоблаш деб ҳам бўлмас эди. Лекин ҳалос бўлиш йўлини топса ҳам таажжубланмасди.

Аммо бир куни эрталаб мунтазам етказиб туриладиган озиқ-овқат билан бирга қўлига карикатуралар журнали тушиб қолди. Унча аҳамиятга эга бўлмаган оддийгина бир журнал. Муқоваси йиртилган, ифлос қўллар билан ушланаверганидан бўлса керак, кир бўлиб кетган, уни бирорта эскифурушдан олишганга ўхшайди. Гарчанд, кўримсиз бўлса-да, буни қишлоқ аҳолиси фамхўрлигининг ифодаси деб баҳоласа бўлади. Ҳаммадан кўра ҳам у шунисига анг-танг эдики, журнални ўқиркан, юмалаб-юмалаб кулар, худди кулидан томирлари тортишиб қолгандек, оёқдари ни ўйнатар эди.

Карикатураларнинг ҳаммаси ҳам тутуриқсиз, беҳаё, бачкана, нўноқлик билан чизилган – ундан, буларнинг нимаси қизиқ деб сўрасалар, жавоб ҳам беролмас эди. От тасвирланган бир карикатурагина кулгили эди, устига баҳайбат эркак минганидан отнинг оёқдари майишиб, бели буқчайиб кетибди. Отнинг калласи ҳам кулгили чиққан эди. Аммо унинг ўзи куладиган аҳводда эмасди-да! Уялиши керак. Қўникиб кетишнинг ҳам бир чеки бор. Қолаверса, бу воситагина, холос. Қиши уйқуси ҳақида гапириш мумкин, яхши, ахир у кўрсичқонга айланиб, кўнглидаги ёруғликка чиқиши истагига умрбод барҳам бериши мумкин эмас-ку!

Рост, ўйлаб кўрса, қачон ва қандай йўл билан бўлмасин бу ердан чиқиб кетиши амри маҳолга ўхшайди. Аммо ҳар қандай мақсаддан маҳрум муштоқликка ҳам кўникишинг, қишки уйқу муддати тугаб ёруғлик кўзингни олиб қўйгач, ташқарига чиқолмайдиган бўлиб қолишинг ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Айтадилар-ку: уч кун тиланчилик қилган киши умр-

бод тиланчи булиб қолади, деб. Лекин одамнинг ичини ҳайратда қоларли даражада тез занг қоплайди... У чуқур ўйга толди, аммо отнинг қулгили башараси ёдига тушиб қолди дегунча, яна бемаъни кулгиси қистаб кетди. Одатдагидек чироқ ёргуғида мунчоқ тизишга берилиб кетган хотин бошини қўтариб, унга соддадиллик билан жилмайиб қўйди. Ўзига нисбатан хиёнат қилганига чидаёлмаган эркак журнални улоқтириб, чиқиб кетди. Чуқур устида сут ранг туман ўрларди. Ҳар қаерда ёйилиб ётган соя увадалари... Худди қизиган металл ипдек ялтираётган увадалар... Йилтироқ буф томчиларига айланиб сузаётган увадалар... Бу афсонавий кўлагалар йифиндиси чек-худуди бўлмаган орзу-хаёлларни уйғотарди. У тикилар, аммо тикилгани билан кўзи тўймасди. Бу ерда хақиқатда бўлиши мумкин бўлган тасвиirlар ҳам, ҳеч қачон ўзи кўрмаган ва эшитмаган хаёлий тасвиirlар ҳам бор эди.

Эркак бу кўлагалар гирдобига орқа ўтирганча хитоб қила бошлади:

– Жаноб суд раиси, мени айбноманинг мазмани билан таништирсангиз! Айтинг-чи, бундай ҳукм чиқарилишининг сабаби нимада?! Маҳкум жавобинизни оёқ устида туриб кутади!

Туман оша унга таниш бўлган овоз янгради. Бу овоз худди телефон трубкаси орқали келаётгандек бўғиқ эди.

– Юз одамдан бири бўлиши мумкин-ку, ахир...

– Нима демоқчисиз?

– Демоқчиманки, Японияда юз одамга бир савдоий тўғри келади.

– Кечирасиз, нима ҳақида гапиряпсиз?..

– Дарвоке, чакана ўғрилар ҳам юз одамга биттадан тўғри келади...

– Ахир нималар деяпсиз ўзи?

– Агар ўз жинсидаги кишиларга ҳирс қўювчилар эркаклар орасида бир фоизни ташкил этса, табиийки, хотинлар орасида ҳам шунча. Агар шу тариқа

давом эттирсак, бир фоиз ўт қўювчилар, бир фоиз майхўрлар, бир фоиз руҳий қолоқлар, бир фоиз жинсий телбалар, бир фоиз кибр-ҳаво дардига гирифторлар, бир фоиз ашаддий муттаҳамлар, бир фоиз ҳезлар, бир фоиз террорчилар, бир фоиз васваслар...

– Илтимос қиласман. Бу бемаъни нарсаларни қўйинг.

– Хўп, сен тек туриб қулоқ сол. Бунинг устига баландликдан қўрқиши, тезлиқдан қўрқиши, гиёҳвандлик, тутқаноқ, ўлдириш дардига гирифтор бўлиб қолган, захмга дучор бўлганлар ва эси пастларни жам қилсак – булар ҳам бир фоизни ташкил этса, жами йигирма фоиз бўлади. Агар сен шу тариқа яна саксонта зиддиятни санаб чиқсанг... Бунинг имкони борлигига шубҳа қиласаса ҳам бўлади. Шунда мутлақо аниқ статистик йўл билан исботлаш мумкинки, одамларнинг ҳаммасида ҳам камчилик бор.

– Бу қандай аҳмоқона гап! Агар нуқсонсизликнинг қандайдир бир андазаси бўлмаса, нуқсонни аниқлашнинг ҳам имкони бўлмасди.

– Ундай қиласма, мен сени ёқдамоқчи эдим, холос...

– Ёқдамоқчи эдим?..

– Ахир ўзинг ҳам гуноҳкорман, деб оёқ тираб олмасанг керак?

– Бўлмаса-чи!

– Унда сал-пал муомалага юр. Қандайдир файриоддий вазиятга тушиб қолган бўлсанг ҳам, ич-этингни еяверищдан ҳеч фойда йўқ. Одамлар ғалати қуртни ушлаб туролмайдилар, қаёқда эдинг, деб тергов ҳам қилолмайдилар.

– Қурт?.. Нега бўлмаса мени файриқонуний ушлаб туришларингизга қаршилик билдирсам, қуртга қилганчалик оқибат қиласадингиз?

– Ўзингни гўлликка солма... Намгарчилик ва ҳароратда типик ҳудуд ҳисобланган Японияда табиий оғатларнинг саксон етти фоизини сув тошқинлари ташкил этади, ундай шароитларда шамол учирив келган қўмдан етказилган зарар ҳам мингдан бир

фоизни ташкил қиласы. Буни ҳисобга олиш – Саҳрои Кабирда сув тошқинига қарши кураш юзасидан махсус қонун қабул қилиш билан баробар бўларди. Аҳмоқона гап!

– Мен бу ҳақда гапираётганим йўқ. Гап менинг чекаётган азобларим ҳақида боради. Файриқонуний ушлаб туриш ҳар қаерда ҳам жиноят ҳисобланади – хоҳ саҳрода бўлсин, хоҳ ботқоқликда!

– Ҳа, файриқонуний ушлашми... Ахир инсон очкўз-лигининг чеки йўқ-да... Қолаверса, сен қишлоқ аҳолиси учун ширингина луқмасан...

– Нажас ҳам овқат! Мен учун яшашнинг маъноси қандайдир юксакроқ бир нарса-да!

– Албатта шундай-ку. Демак авайлаб-ардоқлаган қумим важидан ишим юришмади, дегин?

– Юришмади?..

– Эшитишмча, дунёда шундай одамлар ҳам бор эканки, салкам ўн йиллик ҳаётларини П сонини бир неча юз рақамгача аниқлик билан топишга сарф қилишган экан. Қизиқ... Бунда ҳам ўзига хос яшаш завқи бўлса керак... Бироқ сен хусусан бу тариқа яшаш йўсунини инкор этасан, сен бу ерларга ўз оёғинг билан келгансан.

– Бўлмаган гап! Қумнинг ҳам ўзига хос қиёфаси бор!.. Масалан, ахир у гишт қуйиш учун ҳам ишлатилади-ку... Яна бетонга қаттиқлик баҳш этадиган зарур бир хом ашё... Қумни бактерия ва бегона ўтлардан тозалаш осон бўлганлиги учун бу нарса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотларда ҳам фойдаланилади... Ниҳоят, қумга энзим сочиш йўли билан уни унумдор заминга айлантириш юзасидан ҳам тажрибалар ўтказилган... Хуллас, қум тўғрисида оддий гаплар билан кифояланиб бўлмайди...

– Ана холос, ихлос билан ўз эътиқодингни оқлар экансан-ку... Аммо, борди-ю, сен ўз нуқтаи назарингни ўзгартирадиган бўлсанг, нимага эътиқод қилиш кераклигини билолмай қолардим.

- Менинг итдек ҳаром қотишга тоқатим йўқ!
- Ахир бари бир эмасми... Йўқолган пичоқнинг сопи олтин бўлади.

– Жин урсин сени, кимсан ўзинг ахир?

Аммо туман увадалари юқорига сапчиб, эркак жавобни эшитолмади. Энди нур шуълалари пастга партан бўлиб тушди. Ёфду кўзларни қамаштириди. Тишни-тишига қўйиб, чарчогига, томоғига келиб тиқилган юмалоқ ёпишқоқ қурумнинг ташқарига отилиб чиқишига йўл қўймади.

Қарға қагиллади. Тузоқ эсига тушиб, уйнинг орқасига ўтиб «Умид»ни кўздан кечирмоқчи бўлди. Муваффақият қозонишига деярли умид йўғу ҳар ҳолда бу машгулот карикатурали журналдан кўра қизикроқ-да!

Тузоққа қўйилган емиш ҳамон бояги-боягисидек турипти. Сасиб кетган балиқ ҳиди димоғига урилди. «Умид»ни ясад ўрнаштириб қўйганидан бери икки ҳафтадан ортиқ вақт ўтди-ю, аммо шу пайтгача ҳеч бир натижа йўқ. Нега шундай экан-а? Тузоқнинг конструкциясидан кўнгли тўқ эди. Агар қарға емишга ёпишса-ю вассалом-а. Лекин қарғалар бу томонга қайрилиб ҳам қарамас, чорасизликка кўнизишдан бошқа илож йўқ эди...

Қарғаларга «Умид»нинг нимаси ёқмади экан? Ҳолбуки қайси томондан қарама, шубҳа уйғотадиган бирорта нарса йўқ. Қарғалар инсон сарқитларини қидира-қидира, ҳамиша инсонлар истиқомат қила-диган жойлар атрофида юра-юра, фоятда эҳтиёткор бўлиб қоладилар. Улар сабр-бардошлиқда инсон билан ўзишгандек бўладилар. Токи бу чуқурдаги сасиган балиқ мутлақо оддий бир нарсага айланмагунча... Хуллас, матонат – ҳали бу мағлубият, деган гап эмас... Аксинча, сабр-бардошни мағлубият деб ўйлай бошлашинг билан чинакам мағлубият бошланади. Ахир у шунинг учун ҳам «Умид» деган номни танлаб олди-да. Яхши умид буруни – Гибралтар эмас, балки Кейптаундир...

Эркак, оёқларини аста-секин сургаб босганча, уйга қайтиб кирди... Яна ётиш фурсати етди.

## 29

Хотин эркакни күриши билан эсига тушгандек, чироқни ўчирди-да, эшикнинг яқинидаги ёруғроқ жойга келиб ўтирди. Наҳотки, у ишини давом эттирмоқчи бўлса? У хотиннинг ёнига югуриб бориб, унинг тиззасидаги мунчоқли қутичани ағдариб юборди. Қандайдир ўсимликнинг мевасига ўхшаган қора мунчоқлар ер билан битта бўлиб, бир лаҳза қумга кўмилди. Хотин чурқ этиб оғиз очмай, бақрайиб унга қараб тураверди. Эркак ҳам тунд бир қиёфада турарди. Сўлжайган лабларидан сарғиш сўлак билан биргаликда зорли фарёд учди.

– Фойдасиз... беҳуда уриниш... мутлақо фойдасиз гап... Сен аллақачон заҳарлангансан...

Хотин ипга тизиб улгурган мунчоқларни бармоқлари билан оҳиста ўйнаганча чурқ этмай турарди. Мунчоқлар худди елимшак парчаларидек йилтирасади. Эркакнинг вужудига қалтироқ кирди: титроқ оёғидан бошланиб, тобора юқорига кўтарилимоқда эди.

– Ҳа, худди шундай. Тез орада ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмай қолади. Кунлардан бир куни қараблизки, бутун қишлоқда биздан бошқа ҳеч ким қолмабди... Мен ҳаммасига тушуниб турибман... Рост... рост... Бизни шу нарса кутади. Бизга хиёнат қилганинни пайқаб қолганимизда фурсат ўтган бўлади... Уларни деб тортган азобларимиз ҳақида ўйлаш хаёлларига ҳам келмайди.

Хотин қўлларида сиқиб ушлаб турган мунчоқлардан кўз узмай, аста-секин бош тебратди.

– Йуқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Бу ердан кетишиша қандай қун кечиришади,— дарров жойлашиб олиш қийин-ку!

– Бари бир эмасми. Бу ердаги ҳаётнинг бир оз бўлса ҳам турмушга ўхшаш ери йўқ-да!

– Ахир қум бор-ку, шу сабабли...

– Қум? – эркак тишларини фижирлатиб, энгагини қимирлатди. – Қум бор, аммо унинг нима фойдаси тегади? Ундан сариқ чақалик ҳам фойда кўролмайсан, бошга битган бало, холос.

– Йўқ, уни сотишади.

– Сотишади?.. Кимга сотишади?

– Хўш, ҳалиги, қурилишга шекилли... Уни бетонга аралаштиришар экан...

– Ҳазилингни қўйисанг-чи! Агар цементга шу қумни аралаштиришса борми, хўп қизиқ бўлади-да – ахир турган-битгани шўр-ку. Биринчидан, бу бинокорлик қонунлари ёки қўлланмаларини бузиш бўларди...

– Ҳа, хуфия сотишса керак-да, албатта... Яrim баҳосига элтиб беришади.

– Хўп пойинтар-сойинтар гапларни гапирасан-да! Ахир пойдевор ёки тўғон емирилиб кетса, қум ярим баҳосига олинганми, текинга олинганми, бу жонла-рига ора кирмайди-ку!

Хотин унга бир ўқрайиб, ерга қаради, энди унинг гап оҳангиди мутелик белгилари сезилмасди.

– Бизга нима, бари бир эмасми? Ўзгаларнинг иши-га тумшуқ тиқишининг ҳожати йўқ!

Эркак анг-танг бўлиб қолди. Хотинда юз берган ўзариш ҳайратланарали эди: гўё юзидағи ниқоби тушиб кетгандек, унинг кўз ўнгидаги хотин тимсолида, қишлоқнинг қиёфаси намоён бўлгандек эди. Ҳозиргача қишлоқ унга жаллод, бемаъни йиртқич ўсимлик, очкўз актиния бўлиб кўринган эди. Ўзини эса баҳтсиз, тасодифан қўлга тушиб қолган ўлжа, деб ҳисобларди. Қишлоқ аҳолисининг нуқтаи назаридан қараганда эса, ҳамманинг диққат-эътиборидан сокин маҳкум ўзлари экан. Табиийки, улар қолган дунёга нисбатан ўзларида ҳеч қандай бурч сезмайдилар. Қишлоқ эса тиш-тирноғи билан бунга ёпишиб олган.

У қишлоқ билан ўзининг муносабатлари ҳақида бирор марта ҳам бу тариқа ўйлаб кўрмаган эди... Уларнинг саросимага тушиб қолганлари ҳам таажжубланарли эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам чекиниш ўз ҳақ-хуқуқини ўз қўли билан ўчириб ташлаш билан баробардир.

– Дарҳақиқат, ростдан ҳам бошқалар учун қайфуришнинг ҳожати йўқ. – Ҳаяжон билан ўрнидан турди у. – Бу фирибгарона савдо-сотик муомаласида кимлардир роса бойиётгандир, а?.. Бу нусхалар учун қадбукиб меҳнат қилмаса ҳам бўлар...

– Йўқ, қумни сотиш – артелнинг иши.

– Ҳа-да... Лекин бари бир кимнинг акцияси кўп бўлса, ким кўп маблағ қўшган бўлса, ўша...

– Кемани сотиб олиш учун пул жамғариб юрган хўжайнинлар бу ердан аллақачон жўнаб кетишган... Бизга муносабатлари жуда яхши... Рост, аддаш деган гап йўқ... Агар мени ёлғон гапирияпти, деб ўйлаётган бўлсангиз, уларга айтинг, ёзувларни кўрсатишиади. Ҳаммасини дарров тушуниб оласиз.

Эркак гарангсиган, ҳаяжонланган ҳолда турарди. У бирдан ўзини аянчли ва ожиз аҳволда қолгандек ҳис қилди. Карикатурали журнал важдидан жиғибийрони чиқаверишининг ҳожати ҳам йўқ экан. Унинг аҳмоқона ҳиринглаётгани ёки ҳирингламаётгани бу ерда ҳеч кимнинг парвойига ҳам келмайди... У тили базур айланганча узуқ-юлуқ тарзда фўлдирай бошлади.

– Ҳа, шундай... Ҳа, албатта... Бировларнинг иши...

– Бу тўғри...

Шундан сўнг унинг оғзидан бехосдан ўзи ҳам кутмаган, шундан илгари гапирилаётган гапларга алоқаси йўқ сўзлар чиқиб кетди.

– Биронта гиёҳ ўтқазилган тувак сотиб олиш керак эди. – Ўзи ҳам ҳайратда қолди, аммо хотиннинг чеҳрасида ундан ҳам кучлироқ ҳайрат акс этди, энди чекинай деса вақт ўтган эди. – Теварак-атроф ўлик, ҳатто кўриб куз қувнайдиган нарса ҳам йўқ.

Хотин ташвиш билан жавоб берди:

– Қарағай ола қолсакмикан?

– Қарағай?.. Йўқ, мен қарағайнин ёмон кўраман...  
Хуллас, нима бўлса ҳам майли, бирорта гиёҳ бўлса  
бас... Бурун томонда жуда кўп ўсар экан, ўшанинг  
оти нимайди?

– Момиқбошни айтяпсизми. Ҳарқалай дарахт ду-  
рустдир дейман?

– Агар дарахт бўладиган бўлса зарангми ёки новда-  
лари ингичка, барглари катта павлония бўлса яхши  
бўларди... Шамолда ҳилпираб турса...

Ҳилпираб турса... Юлқинаётган япроқлар. Агар  
уларнинг қочиб кеттиси келса, қочиб кетолмайди –  
танадан узилиб чиқолмайди... Вазиятига ҳеч қандай  
алоқасиз бир ҳолда нафаси тиқила бошлади, у ҳатто  
йиғлаб юборишга ҳам тайёр эди. Шахт билан мунчоқ  
сочилиган жойга энгашиб қўли қовушмай қумни тит-  
килай бошлади.

Хотин шоша-пиша ўрнидан турди.

– Зарари йўқ, зарари йўқ. Ўзим... Ҳаммасини дар-  
ров элакдан ўтказиб оламан.

## 30

Бир куни эркак уйнинг орқасига ёзилгани ўтиб,  
худди қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлгандек  
яқингинада, чуқурнинг лабида осилиб турган бўзранг  
ойни томоша қилаётган эди, туйқусдан эти қаттиқ  
увушаётганини сезди. Шамоллаб қолдимикан?.. Йўқ,  
бунақага ўхшамайди. Яккаш иссиғи кўтарилиши ол-  
дидан эти шундай жунжикар эди, аммо ҳозиргиси  
бошқа нарсага ўхшайди. Назарида ҳаво ҳам бадани-  
га санчилас, этидаги мўйлари ҳам тиккаймагандек  
эди. Титроқ этида эмасу, суюкларининг аллақаерида  
эди. Титроқ сувга тош ташлагандан тарқаладиган жи-  
мир-жимир мавжлар каби ҳалқа-ҳалқа бўлиб ёйил-  
моқда эди. Зирқираган оғриқ бир суюгидан бошқа

суюгига ўтиб, босиладиганга ўхшамасди. Назаридა вужудига шамол билан бирга занглаған тунука бетон кириб келиб, бутун бадани бўйлаб тарақ-туруқлаганча айланиб юргандек эди.

Бутун вужуди қалт-қалт титраб, ойга тикилганча тураркан, миясига сира ҳам кутилмаган таққослар кела бошлади. Бу ясси ой нимага ўхшайди? Баъзи жойларига жайдари ун суртиб қўйилган, чандиқ босган яра... қуриб қолган паст совун... ёки, балки нонушта солинадиган, морор босиб кетган фидирак алюминий қутичадир... Марказига яқинроқда эса сира ҳам ақл бовар қиммайдиган тасвирлар... Бош чаноғи... Ҳамма мамлакатлар учун муштарак бўлган заҳар белгиси... Ҳашаротлар солинадиган шишанинг тагидаги устини кукун босган оқ кристаллар... Ойнинг юзи билан цианли калий буғланиб кетгандан сўнг қоладиган кристаллар бир-бирларига жуда ўхшаб кетар экан. Ўша шиша қум босганча ҳали ҳам эшик яқинида тургандир...

Юраги худди дарз кетган пинг-понг соққасидек бежо ўйнай бошлади. Қандайдир аянчли таққослар. Нима учун у яккаш шундай машъум нарсалар ҳақида ўйлайверади? Октябрь ойининг шамолида бусиз ҳам алам ва изтироб етарли-ку! Шамол пуч қўзоқдан ясалган сивизга чалаётгандек увиллаб эсади. Эркак, ой фираршира ёритиб турган чуқурнинг лабига тиқиларкан, ич-этимни ўртаётган нарса оддий бир ҳасаддир, деб ўйлади. У юқорида қолдириб келган ҳамма нарсаларга – кўчаларга, трамвайларга, чорраҳалардаги белги чироқларига, телефон симёғочларидаги рекламаларга, ўлган мушукларга, сигарета сотиладиган аптекаларга нисбатан ҳасаддир. Бамисоли қум уй девори ва устунларининг магзини кемириб қўйганидек, ҳасад ҳам унинг ич-этини кемириб, ўзини эса ловиллаб ёнаётган ўчоқ устидаги қуп-қуруқ қо-

зончага айлантириб қўйди. Қозонча жадал қизиб бормоқда. Иссиқ тобора тоқат қилиб бўлмайдиган даражада кучаймоқда, қозонча эриб кетса ажаб эмас эди. Умид-ишончдан гапиришдан олдин шу онни қандай енгиш керак, енгишнинг ҳожати борми ўзи? – деган савол туғилади.

Енгилоқ ҳаводан нафас олгиси келарди! Оғир ҳаво аралашмаган, мусаффо ҳаводан нафас олгиси келарди! Мабодо, кунига чуқурнинг лабига чиқиб денгизни ақалли ярим соатгина томоша қилиб туриш мумкин бўлса, қандай ажойиб бўларди-да! Шунга рухсат бера қолишса-чи! Қишлоқ уни ниҳоятда эҳтиётлик билан пойламоқда. Унинг истаги мутлақо табиий, қолаверса, сўнгги уч ой ичидаги жуда сидқидилдан ишлади. Ҳатто, маҳбусга ҳам сайр қилиш учун рухсат беришади-ку!

– Бунга тоқат қилиб бўлмайди! Йил ўн икки ой қумдан бош кўтармай яшаш ҳам иш бўлдими? Ахир бу тириклай кўмиб қўйишнинг ўзгинаси-ку! Наҳотки аҳён-аҳёнда бўлса ҳам чуқурнинг атрофида айланиб юришга рухсат беришмаса?

Нима деб жавоб беришини билмаган хотин индамасди. Унинг юз ифодаси, конфетини йўқотиб қўйиб, хархаша қилаётган бола билан қандай муомала қилишини билмай, гарантисиб қолган одамнинг дидини берарди.

– Мумкин эмас деб кўришсин-чи! – эркакнинг жиғибийрони чиқиб кетди. У яна эсига тушса алам қиласидиган ўша манфур арқон нарвонни эслай бошлади. – Мен ўша қочиб кетаётган куним ўз кўзим билан кўрдим. Бизнинг қаторимиздаги бир неча уйга нарвон тушириб қўйилган экан!

– Ҳа, аммо... – хотин худди ўзини оқдаётгандек журъатсизгина гапиради, – улардан кўплари бу уйларда авлод-аждоди билан яшаб келяпти.

– Нима, улар бизга ишонишмайдими ҳали?

Хотин ҳамма нарсага тайёр турган итдек бошини итоаткорона қуи солди. Мабодо, эркак унинг кўзи олдида цианли калий ичса ҳам хотин шундай қиёфа-да индамай тураверган бўларди.

– Бўлди, у аблаҳдар билан ўзим гаплашиб кўраман.

Рост, бу музокараларнинг муваффақиятли бўлишига унча ишонмасди. У умиддари пучга чиқавериб кўникиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ўша чол иккинчи навбат қум ташийдиганлар билан бирга келиб, жавоб айтганида, у ҳатто бир оз гарангсиб қолди.

Аммо жавобнинг маъносини пайқагач, кечирган ҳисларини ўша саросимага сира ҳам таққослаб бўлмасди.

– Хўп майли... – Чол худди хаёлида эски ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечираётгандек тутила-тутила оҳиста гапиради. – Анави, хўш, хуллас, сира ҳам битимга келмай мумкин эмас, бундай бўлмайди... Мен мисол учун айтаман албатта; чунончи, икковларинг ўйдан чиқиб, бизнинг кўз ўнгимиизда, ҳамманинг кўз ўнгида... шу ишни қилсаларинг, биз кўзимиз билан кўриб турсак... Хўш, ҳалиги, сизлар сўраётган нарсани амалга оширса бўлади, майли...

– Биз нима қилишимиз керак ўзи?

– Хўш, ҳалиги... нима эди, эркак билан аёл нима қиласди? Яқинлашишади-ку!.. Ана шу, холос.

Қум ташувчилар қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Эркак худди томоғидан бирор бўққандек қотиб қолди. У гап нима ҳақида кетаётганлигини энди пайқади. Тушунгач, таклиф унчалик даҳшатли туюлмади.

Чўнтак фонарининг шуъласи худди тилла қушдек эркакнинг оёқлари тагидан учиб ўтди. Бу аллақандай сигнал эди. Унинг кетидан яна еттитами, саккизта шуъла чуқур саҳни бўйлаб айлана бошлади. Бундан бир лаҳзагина илгари қорамойдек ўт олмаган, юқоридаги одамларнинг сабрсизлигидан руҳи сўнган, уларнинг таклифларини рад этиш учун ҳали сўз тополма-

ган эркак ҳам бирдан ўшалардек телбаланиб кетди.

У аста-секин хотинга ўгирилди. Хотин шу ерда ҳозиргина курак билан қум ирфитиб турган эди, қаёққадир фойиб бўлиб қолибди. Уйга қочиб кириб кетдимикан? У эшикдан мўралаб, хотинни чақирди.

– Нима қилсак экан?

Ичкаридан хотиннинг бўғиқ овози эшитилди.

– Қуриб кетишсин!

– Одамнинг юқорига чиққиси келяпти-да!..

– Бунинг иложи йўқ!

– Ҳа, майли, бундан унча андиша қиласвериш керак эмас...

Хотин бирдан энтиканча унинг олдига келди.

– Бу нима қилганингиз, эсингизни едингизми?..

Эсингизни еб қолганга ўхшайсиз... Ақдингизни йўқотиб қўйибсиз! Шундай қилиб бўларканми ахир!.. Мен жинни эмасман-ку!

Балки шундайдир?.. Бу ҳақиқатан ҳам эсини еб қолгандир?.. Хотиннинг разаби, қаҳри уни ён босишга, чекинишга мажбур қилди, аммо ичида қандайдир бўм-бўшлик юзага келиб, тобора кенгайиб бормоқда эди... Уни шу вақтгача жуда кўп тепкилашдики, ор-номус, иззат-нафсиning аҳамияти қолмади... Бирор сенга қараб турган бўлса-ю, сен аллақандай ҳаром иш қилаётган бўлсанг – бу томоша қилиб турганларни ҳам булфатади... Кўриниб туриш ва кўриб туриш – бу икки тушунча ўртасида девор олишнинг ҳеч ҳожати йўқ... Ораларида озгина бўлса ҳам фарқ бор, албатта, аммо шу фарқ барҳам топиши учун бу уларга кичкина томоша кўрсатади... Бунинг эвазига қандай мукофот олажагини ҳам ўйлаб кўриш керак!.. Ер юзида бемалол ўйнаб-кулиб юради!.. У бадбўй ботқоқдан бош олиб чиқиб, кўксини тўлатиб яйраб нафас олмоқчи!

У хотиннинг қаерда турганини чамалаб, қўйқисдан унга ташланди. Хотиннинг қичқириғи, чирмашган

таналарнинг уй девори тагига гурс этиб йиқилиши юқоридагиларнинг ҳам ҳирсини уйғотди. Ҳуштак чалинди, қарсақ чалинди, беҳаёй хитоблар эшитилди. Юқоридаги одамлар күпайган, уларнинг ораларида ёш жувонлар ҳам бор эди шекилли. Фонарлар сони дастлабкига қараганда уч марта ошган эди.

Хотинни бехосдан ушлаб олганлиги туфайли уни ташқарига сургаб чиқишига муваффақ бўлди. Томоғидан сиққан эди, хотин қопдек шилқ этиб тушди. Чуқур устидаги ярим доира чироқлар байрам тунини эслатарди. Зотан унча иссиқ бўлмаса-да, эркакнинг қўлтиқларидан тер оқар, бошидан бир тоғора сув қўйиб юборилгандек соchlари жиққа ҳўл эди. Юқоридагиларнинг қийқириқлари қулоғига акс садодек келиб урилиб, қандайдир баҳайбат қора қанотлар осмон юзини тутиб олгандек бўлди. Эркакнинг назарида бу ўз қанотларидек эди. У чуқур тепасида диққат билан кузатиб турган бу одамларни худди ўзини ҳис қилаётгандек аниқ ҳис қилмоқда. Улар бунинг бир қисми эди. Бунинг ҳирси қўзигани учунгина уларнинг сўлаклари оқмоқда. Энди у ўзини жабрдийда эмас, аксинча жаллодларнинг вакилидек сезди.

Қоронғида қўллари қалтирас, бармоқлари ҳам икки баробар йўғонлашиб қолгандек эди. Ниҳоят, хотинни қучоқлаб одди, аммо у букилди-да, қўлидан чаққонлик билан сирғалиб чиқиб кетди. Эркак қумга бота-бота хотиннинг орқасидан югурди. Аммо хотин худди пўлат пружинадек уни яна улоқтириб юборди. Ниҳоят, эркак уни ушлаб олиб, илтижо қила бошлиди:

– Илтимос қиласман... Сендан илтимос қиласман...  
Мен бари бир ҳозир ожизман... Номигагина кўрсатайлик...

Энди хотинни ушлаб туришга ҳожат ҳам қолмаган эди. Унинг қочиб кетишга ҳафсаласи йўқдек туюлди унга. Бирдан у латта тариллаб йиртилганини эшитди ва шу лаҳзадаёқ човига кучли зарба тушганини

сезди. Хотин бутун газаби, вужудидаги барча оғирлигини йифиб, тирсаги билан урган эди. Эркак чурқэтолмай, икки букчайди-да, тиззасини құчоқлаб олди. Хотин әнгашып унинг юзига муштлай бошлади. Бириңчи қарашда, ҳаракатлари жонсиздек күринса-да, худди намлиқдан муштлашиб қолған тузни туяётгандек, ҳар бир зарбаси залворли эди. Эркакнинг бурнидан тирқираб қон отилиб кетди. Қонга қум қоришиб, юзи гувалага үхшаб қолди.

Юқоридаги ҳаяжон худди симлари синдириб ташланган соявондек чўкиб қолди. Норозилик, заҳарханда, далда хитоблари бир-бири билан қоришиб кетди, аммо аллақандай пойма-пой, узуқ-юлуқ тарзда. Юзсизлик, беҳаёлик билан айтилган хитоблар ҳам томошабинларга кайфият бағишлий олмади. Кимдир пастга бир нима улоқтириди, аммо шу ондаёқ кимдир уни койиб берди. Ниҳояси ҳам худди ибтидосига үхшаган тасодифий бўлди. Йироқдан ишга чорлаётган овозлар эштилди. Фонаръ нурлари юқорига тортиб олингандек бўлди. Фақат зим-зийё шимол шамоли эсиб, сўнгги ҳаяжонларни ҳам олиб кетмоқда эди.

Зарба еб қумга қоришган эркак, ҳамма иш режа билан амалга ошаётганини элас-элас пайқаб турарди. Хотиннинг оташдек иссиқ қўллари унинг қўлтиғида турибди, баданининг ҳиди эса димоғига тикандек санчилмоқда. Унинг меҳрибон қўлларида ўзини худди осойишта дарёнинг ўзагидаги кичкина бир тошдек ҳис қилди.

## 31

Қум ва тунлардан иборат бир-бирига үхшаган бир қанча ҳафталар ўтди.

Қарғаларнинг «Умид» билан иши йўқ. Қоқ балиқ емиш – аллақачоноқ балиқлик тусини йўқотган эди. Қарғалар унга қайрилиб ҳам қарамади, аммо бакте-

риялар овқат танламас экан. Бир куни эрталаб уни таёкнинг учи билан туртиб кўрса – балиқнинг пўстигина қолиб, қора ёпишқоқ моддага айланибди. У емишни янгилаб, тузоги бузилиб қолган-қолмаганлигини яна бир марта текшириб кўрмоқчи бўлди. Кумни суриб чиқариб, қопқоқни очаркан, ҳайратидан анг-танг бўлиб қолди. Бочкачанинг тагига тўрт энлик сув йифилиб қолибди. Ниҳоятда тип-тиник, уларга ҳар куни олиб келиб беришадиган сарғиш сувдан анчагина тиник эди. Сўнгги вақтларда ёмғир ёққанми?.. Йўқ, камида икки ҳафтачадан бери ёмғир ёққаний йўқ... Ундей бўлса, бу сув ундан илгарироқ ёққан ёмғирдан қолгандир?.. Аммо бочкачанинг тешиклиги ундей дея олишига йўл қўймасди. Модомики, бундай чуқурликда ер ости булоғи бўлмагандан кейин бочкачадан, сузиб чиқиб кетаётган сувнинг ўрнини яккаш аллақаёқдандир келаётган сув тўлдирив турипти, деган фараз туғилади. Ҳарқалай, назаран шундай кўринади. Бу қақраб ётган қумда сув нима қиласди?

Эркак тобора кучаяётган ҳаяжонини зўр-базўр бошиб турарди. Бир жавобнигина тасаввур этиш мумкин. У ҳам бўлса қумнинг капилляриги масаласи. Қумнинг юзаси одатда баланд чоғишишим иссиқдик сифими туфайли қурғоқ бўлади, аммо сал пастроққа қазиб тушилса, у ерда қум доимо нам бўлади. Бу шунинг учун муқаррар юз берадики, унинг сиртидаги буғланиш қуий қатламлардаги намни юқорига тортиб чиқарувчи помпа бўлиб хизмат қиласди. Шуни тасаввур этилса, қум тепалардан эрталаблари ва кечқурунлари кўтариладиган қуюқ туманнинг ҳам, уйнинг ёғоч деворлари ҳамда устунларига сингиб, уларни чиритадиган одатдан ташқари намгарчилик сабабларини ҳам осонгина тушунтириб бериш мумкин бўлади. Ниҳоят, қумнинг қурғоқлиги сув этишмаганлиги туфайли эмас, қумнинг капиллярлар

орқали юқорига нам шимиб олиш суръати ҳеч қа-  
чон буғланиш тезлигига етолмаганлиги туфайлидир.  
Бошқа сўз билан айтганда, сувнинг ўрни узлуксиз  
тўлиб туради, лекин бу циркуляция оддий замин-  
дагига қараганда ақд бовар қилмайдиган даража-  
даги тезликда юз беради. Унинг «Умид»и қаердадир  
сувнинг шу айланиш тартибини бузганга ўхшайди.  
Афтидан, кўмилган бочканинг вазияти-ю, у би-  
лан қопқоғининг орасидаги тирқиши, пастдан сизиб  
чиқаётган сувни буғланиб кетишига йўл қўймай,  
бочканинг тагига йиғилган, мана шу вазият қандай  
ва буларнинг бир-бирлари орасидаги муносабатлари  
қанақа, ҳозирча буларни аниқ тушунтириш қийин,  
аммо пухта ўрганиб чиққач, тажрибасини такрорлай  
олиши муқаррар эди. Унинг сув йифиш учун бундан  
ҳам самаралироқ иншоот қура олиши ҳам эҳтимол-  
дан холи эмас.

Агар тажрибалари мудиғи мувваффақиятли чиққудек  
бўлса сув олиб келмай қўйган тақдирларида ҳам тас-  
лим бўлиб ўтирумайди. Аммо бундан ҳам муҳимроқ  
нарса: бутун қўум – баҳайбат насос экан. Назари-  
да у сув тортиб олаётган помпа устида ўтиргандек  
эди. Бежо ўйнаётган юрагини тинчтиши учун, ўти-  
риб нафасини ростлашига тўғри келди. Ҳозирча  
бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очиш ярамайди. Бирон  
тасодиф юз бериб қолса, муҳим бир қурол ўрнида  
ишлатиш мумкин.

У шодиёна кулгисини тийиб туролмади. «Умид»и  
ҳақида чурқ этмаслиги керак бўлса-да, қалбидан  
ошиб-тошиб кетаётган фурурини яширишдан ожиз  
эди. Эркак бирдан чинқириб юбориб, жой солаётган  
хотиннинг орқасидан қучоқлаб олди. Хотин ўгирил-  
ган эди, эркак чалқанчасига ётиб, қорнини бирор  
қитиқдаётгандек, оёқларини ўйнатиб кула бошлиди.  
Назарида, юзига яқин турган қўли ҳавода енгилгина  
сузгаётгандек эди.

Хотин ҳам эркакнинг бу кайфиятини бузмаслик учунгина аллақандай зўрма-зўраки тарзда кулди. Эркак ўзича қум зарралари орасидаги торгина тирқишилардан нозик кумуш иплардек юқорига кўтарилиган, ҳад-ҳудудсиз бўлиб ёйилиб кетган тип-тиниқ ер ости булоқдари шохобчаларини тасаввур этарди. Хотиннинг хаёлига эса шунаقا ҳаракатдан кейин юз берадиган жинсий алоқа келди.

Ҳамон чуқур қаърида бўлса-да, у ўзини юксак минорага чиқиб олгандек ҳис қилди. Балки бутун дунёнинг астар-пахтаси ағдаришгандир, ҳозир тепаликлар билан чуқурликлар бир-бирлари билан ўрин алмашишгандир. Ҳарқалай, у қумда сув топди. Энди қишлоқ аҳолиси уни осонликча енга олмайди. Сув олиб келмай ҳам қўя қолишин, уларсиз ҳам куни ўтаверади. Уларнинг типирчилаб қолишлари мумкинлигини ўйларкан, ўзини тутолмай қаҳ-қаҳлаб кулади. У теварак-атрофига аланглади, бутун чуқур тўлалигича кўз ўнгига намоён бўлди. Мозаикани узоқроқдан томоша қилинмаса, унинг тўғрисида фикр юритиш қийин. Яқин бориб кўздан кечирсангиз, қисмларни чалкаштириб юборасиз. Бир қисмидан кўз узиб, иккинчисида қоқиласиз. Шу вақтгача у қумни эмас, айрим қум зарраларинигина кўриб келаётган экан.

Ўша, нариги хотин билан ҳамкасабалари тўғрисида ҳам шу фикрни айтиши мумкин экан. Шу вақтга қадар у ўз тасаввуридагина улкан қўринган айрим майда қисмларни эсларди: сергўшт буруннинг катаклари... бужмайган лаблар... силлиқ нафис лаблар... тўмтоқ бармоқлар... нафис бармоқлар... юлдуз-дек чақнаган кўзлар... гардандаги солқи сўгал... кўкрак бўйлаб ёйилиб кетган кўкиш томирлар... Яқиндан тикилиб қарасанг кўнглинг айниб кетади. Аммо узоқдан буларнинг ҳаммаси зифирчагина, кичкинагина ҳашаротча ҳам кўринмайди. Ҳов, йироқда,

ўқитувчилар хонасида чой ичаётган ҳамма ҳамкасабалари фивирлашмоқда. Ҳов анави ердаги бурчакда – ўша хотин яланғоч ҳолда нам каравотга узала тушганча, кўзларини юмиб қимирламай ётибди, сигаретасининг кули бўлса тушиб кетай деб турибди. У ҳеч қандай ҳасадсиз шу кичкинагина ҳашаротларни ўйлай бошлади, назарида булар гўё пўсти бору, мағзи йўқ кулчалар пишириладиган қолиплар эди. Қолипларни ишлатиш учунгина ҳеч ким ёқтирумайдиган кулчаларни зўр бериб ёпавериш учун ниҳоятда муттаассиб новвой бўлиш шарт эмас. Агар унга ўшалар билан яна бир марта алоқа боғлаш насиб қиласа, ҳамма ишни бошқатдан бошлашга тўғри келади. Бунда қумда юз берган ўзгаришлар, айни бир пайтда унинг ўзида ҳам юз берган ўзгаришлар назарда тутилади. Бу ерда у сув билан бирга янги одам ҳам топди.

Шундай қилиб, унинг кундалик ишига сув йифиши иншооти устидаги иш ҳам келиб қўшилди. Рақамлар билан диаграммалар ҳам йифила бошлади – бу бочкacha кўмилиши керак бўлган жой... бочкачанинг шакли... қуёш нур сочиб турган вақт билан сув йифилиши тезлиги ўртасидаги алоқа... ҳарорат билан об-ҳаво босимининг иншоотнинг самарасига таъсири. Хотин унинг қарға тутиш учун қўйилган тузоқ билан нега бунча овора бўлаётганини ҳеч тушунолмасди. У, ҳар қанақа эркак ҳам бирорта эрмаксиз туролмайди, агар шу билан овунайтган бўлса овунаверсин деб ўзини ўзи ишонтиради. Бундан ташқари эркак, унинг уйга олиб қиладиган ишига ҳам қаттиқ қизиқиб қолди. Булардан бирортасининг ҳам ёмонлик жойи йўқ. Овунса овuna қолсин. Аммо эркакнинг ҳам бу важдан ўз мулоҳазалари ва асослари бор эди. Унинг тадқиқотлари қўққисдан жиддий тўсиқларга дуч келиб, бир қанча шарт-шароитларни таққослаш ва мослаштиришни талаб қилиб қолди. Гарчанд, тўплаган материалининг миқдори ошаётган бўлса-да,

уларни мунтазам бир системага бирлаштириш учун имкон берадиган қонунийятни топа олмасди. Қолаверса, модомики, у аниқ материални қўлга киритишни истар экан, об-ҳаво маълумотларини эшишиб туриш учун радиоприёмник олиши зарур эди. Шу тариқа приёмник масаласи икковларининг ҳам муштарак муддаоларига айланиб қолди.

Ноябрнинг бошларида бочкачага ҳар куни тўрт литерчадан сув йифиладиган бўлди, кейин эса борган сари камая бошлади. Балки бу ҳароратнинг таъсири туфайлидир? Аммо батафсил тажриба ўтказиш учун кўкламни кутишга тўғри келади шекилли. Узоқ ва қаҳрли қиши бошланди, ҳавода қум билан бирга муз парчалари ҳам уча бошлади. Яхшироқ приёмник олиш учун у ҳам хотинга бир оз бўлса-да, қарашмоқчи бўлди. Чуқурнинг ҳам ўз афзалликлари бор эди. Чунончи, унга шамол кирмасди. Лекин шуниси борки, деярли қуёш ҳам тушмасди. Ҳатто қум яхлаб қоладиган кунлар ҳам ҳавода одатдагидек қум аrimас, уй атрофини тинимсиз тозалаб туришга тўғри келарди. Кўллари ёрилиб, қонталаш бўлиб кетди.

Ниҳоят, қиши ҳам тугаб, баҳор келди. Мартнинг бошларида приёмник олишди. Томга баланд антенна ўрнатишиди. Қувонган ва ҳайратланган хотин ярим кун унинг тутқичларини бураб ўтирди. Ойнинг охирларига борганда у ҳомиладор бўлиб қолди. Орадан икки ою тўрт кун ўтди. Бешинчи куни хотиннинг қорни ва бели ёмон оғрий бошлаб, қон кета бошлади. Юқоридаги одамлардан бир мол докторининг қариндоши боласи тушибди, деди. Шундан кейин хотинни пикапда шаҳардаги касалхонага олиб борадиган бўлишди. Машина келгунча эркак хотиннинг ёнига ўтириб, қорнини силай бошлади.

Мана ниҳоят, чуқур лабига пикап етиб келди. Ярим йил мобайнида илк марта арқон нарвон туширилди. Пиллага ўхшатиб кўрпага ўралган хотинни

арқон билан юқорига тортиб олишди. Хотин сўнгги дақиқагача ёш филтиллаган кўзларини илтижо билан унга тикиб ётди. Эркак буни сезмагандек кўзларини четга бурди.

Хотинни олиб кетганларидан кейин ҳам арқон нарвон осилиб тураверди. Эркак унинг олдига журъатсизгина бориб бармофининг учини теггизди. Унинг тортиб олинмаётганига қаноат ҳосил қилгач, аста-секин юқорига чиқа бошлади. Осмон аллақандай сарғиш бир тусда эди. Кўллари ва оёқлари худди сувдан чиқиб келаётгандек зил-замбил... Мана, интизор бўлиб кутган нарвони...

Шамол нафасини оғзидан юлқиб чиқараётгандек. У чуқур атрофини айланиб ўтиб, денгиз кўринадиган баландроқ жойга чиқди. Денгиз ҳам сарғиш тусда эди. У чуқур нафас олди, аммо ҳаво дагал, у тасаввур қилганчалик эмас эди. Орқасига ўғириларкан, қишлоқнинг четида кўтарилиган паға-паға тўзонни кўрди. Хотинни олиб кетаётган пикап бўлса керак... Ҳа, хотин кетмасидан олдин унга тузоқ ҳақида гапириб бермай чакки қилди шекилли.

Чуқур ичиди нимадир липиллади. Бу ўз сояси экан. Соясидан сал юқорироқда сув йигадиган иншоот. Бир тахтааси кўчиб кетибди. Хотинни олиб чиқаётгандарида босиб олишган бўлса керак. У буни тузатиб қўйиш учун ошиққанча пастга тушди. Унча ёмон шикастланмабди. Уйдаги радиодан ашула эшитилмоқда. Эркак йифисини ютиб, қўлларини бочкачага тиқди. Сув қўлларига муздек тегди. Шу тариқа қимир этмай чўнқайланча ўтириб қолди.

Қочиб кетишига шошилишнинг унча зарурати ҳам иўқ. Ҳозир бориб-келиш билети қўлида турибди – тоза бланкка жўнаш вақтини ҳам, бориб тушиш манзилини ҳам ўз таъбига қараб ёзиб қўйиши мумкин. Қолаверса, ўзининг сув йифиш иншооти ҳақида кимга бўлмасин айтиб бериш иштиёқи кучаймоқда.

Модомики, шундай қилмоқчи экан, қишлоқдагилардан муносиброқ эши туувчиларни тополмайды. Бугун бўлмаса, эртага буларнинг ҳаммасини кимгадир айтиб беради.

Қочиш важига келганда эса буни ўйлаб кўришга вақт етарли.

### ЙЎҚОЛИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗА МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭЪЛОН

*Йўқолганнинг номи –  
Ники Дзюмпэй.  
Тугилган йили, ойи ва куни –  
1924, 7 март.*

Ники Сино юқорида номи зикр этилган Ники Дзюмпэйнинг йўқолганлиги тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан Ники Дзюмпэйга 1962 йил 21 сентябрга қадар судга ўзининг қаерда эканлигини маълум қилиш таклиф этилади; акс ҳолда, уни ўлганга чиқарилади. Йўқолган одам ҳақида қандай бўлмасин, бирор маълумотга эга бўлган шахслардан бу тўғрида кўрсатилган муддатгача судга хабар бериш сўралади.

*1962, 18 февраль,*

*Фуқаро суди*

ҚАРОР

*Даъвогар – Ники Сино.  
Дараксиз йўқолган – Ники Дзюмпэй, тугилган  
вақти – 1924, 7 март.*

Мазкур билан қайд этиладики, юқорида номи зикр этилган шахснинг йўқолгани тўғрисида ариза

берилганига етти йилдан ошди, яъни 1955 йил 18 августандан 1962 йил 5 октябиргача бўлган муддат ичида ҳеч қандай маълумот олинмади. Юқорида зикр этилганларга биноан қуийидаги қарорга келинди: йўқолган Ники Дзюмпэй ўлган деб ҳисоблансан.

*1962, октябрь, 5.*

*Фуқаро суди.*

*Судъянинг имзоси.*

## ХУДДИ ОДАМДЕК<sup>1</sup>

### 1

Бу антиқа одам бизницида май ойининг қүёш кулиб боққан кунларидан бирида пайдо бўлди – тикув машиналарини сотадиган агент сифатида виқор билан кириб келди.

Шу кун фарбдан шабада эсиб тургани ёдимда. Фарб шамоли денгиздан келарди, осмон мусаффо эди. Барча уйлардаги доимо ёпиқ деразалар ланг очиб қўйилган ва улар ўзларидан тутун исларини тезроқ ювиб юборишга шошилаётгандек ялангочлангандилар. Кайфиятимни эса яхши деб бўлмасди. Хонамда ҳамма нарса бошқача. Бу ер тамаки тутунидан бўғилар, деразалар ёпиқ ва пардалар билан тўсилган, хонани фақат стол устидаги чироқ ёритиб туради.

Бундай тунд маконга бош сукшишга таваккал қиласган савдо агенти нимага умидвор бўлиши мумкин?.. Бунақа ташриф ухлаб ётган йўлбарснинг думини босиб олиш билан баробар. Мижоз аламини бечора савдо агентидан олиш пайида бўлади, ташрифчи устига ёғилаётган ҳақоратлар остида жуфтакни ростлашига тўғри келади. Чунки бу кимсаларда дунёдаги энг беозор қурол – уч қарич сайроки тиldан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Аммо у савдо агенти эмасди. Билмадим, эҳтимол, ҳақиқатан ҳам унда тилидан бошқа ҳеч қандай қурол бўлмагандир. Лекин ҳамма гап бу қуролдан қандай фойдалана билишда. Чунки мен ҳам табиатимга кўра бир коса сувда чўкадиганлар тоифасиданман. Айниқса ўша кунги ҳолатимда ўзимни йўлбарс қилиб кўрсатишга ожиз эдим. Агар менда йўлбарсга хос би-

<sup>1</sup> Рус тилидан Эркин Эрназаров таржимаси.

пор нарса бўлса ҳам, бу – ҳаяжондан сарғайиб кетган юзим ва паришонхотирлик сабаб ечишни унугтган устимдаги йўл-йўл пижама эди. Босиб олинса, оғиздан ҳақорат ва таҳдидлар ёғдирадиган дум эса бир умр бўлмаган.

Нимасини айтасиз! Кўнглимга чироқ ёқса ёришмасди. Ўтириб, ҳаяжон билан кутардим. Букчайиб, бошимни елкам ичига тортиб, ёвуз даракчи пайдо бўлиши ва бахтсиз ҳодиса рўй беришини кутардим. Ер чилпарчин бўлганман, бундай ҳолатда менга бас келиш учун бир қарич тил ҳам кифоя эди. Ёввойи табиат меҳмон бу ожизлигимдан усталик билан фойдаланиб қолди.

Ҳаммасининг ақл бовар қилмайдиган даражада бир-бирига тўғри келиб қолганига ўласизми? Жўрттагами? Тасодифанми? Йўқ, албатта, бу шундай режалаштирилганди. Радиода ракетанинг Марсга юмшоқ қўнганалиги тўғрисида шошилинч хабар учинчи бор эълон қилиниши биланоқ кираверишдаги қўнғироқ жаранглади ва юрагим «шиғ» этди, ўтда куйган қуш боласидек питирлаб кетди.

Мен нафас олмай тинглардим. Меҳмонхонанинг сурилиб очиладиган эшиги товуши... Хотинимнинг йўлакчадаги одимлари... Бу қадамлар худди музхонадан увишиб чиққандек... Кейин минfir-минfirлар... Хотиним эшикни тақиллатмай хонамга бош сукди ва менга тикилганча танбеҳ оҳангига гап қотди:

– Анави ерда сени кўришмоқчи, марсликлар тўғрисида бирор гап...

Бу ёфи нима бўлади? Мана, ҳозир ёзяпман. Лекин нимага умид қилиб бўлади? Биринчидан, ушбу битиклар қандай қилиб сизнинг қўлингизга тегишини тасаввур ҳам қила олмайман. Агар қўлингизга тегса ҳам, сиз уларни телбанинг алжираши деб ўйлайсиз. Шундай фикрга келишингиз аниқ. Агар бу битиклардан бири диққатингизни тортса-чи? Бунга умид қилиш қийин, балким, бечора масҳарабоз устидан ку-

ласиз... Начора, менинг бундан буён ҳам бунаңанги беҳуда азобларни тортаверишимга тўғри келади. Шу тарзда ҳеч қутула олмаган кўнгилчанигим жазосини оляпман. Менга душманмисиз ёки хайриҳоҳмисиз билмадим, бироқ ноиложман.

... Бу битиклар мен каби ОДАМнинг – ҳар бир қомус назарда тутадиган, ҳар бир инсон тушунадиган ОДАМнинг қўлига тушишини илтижо қиласман!..

Аслини олганда, ниятларим рўёбга чиқиб, бу битикларни ОДАМ ўқиётган бўлса ҳам, фақат шунинг ўзи уни менга хайриҳоҳ қилишига кифоя қиласмайди. Мен тушиб қолган аҳвол нафақат ниҳоятда файритабийӣ, балким, ҳатто бемаъни. Майли, бахтимга сиз ОДАМ бўлсангиз ҳам бари бир тасаввурингиздаги ОДАМ бўлишимга шубҳаланмоқдаман.

Қийшиқ кўзгу ҳамиша қийшиқ кўрсатади. Қийшиқ кўзгудаги тўғри тасвир мантиққа путур етганидан дарак берган бўларди. Эҳтимол, Евклид кенглигидаги қаерлардадир ўзаро параллел чизиқлар параллел бўлмай қолар, лекин ҳаётимиз воқелик доирасида кечганидан кейин...

Ҳа, етар. Ўзимни ортиқча оқлаш фақат шубҳани кучайтиради ва мени нокулай аҳволга солади. Хоҳланча ўзимнинг соғлом фикрли эканлигим билан мақтанчоқдик қиласверишим мумкин – бунинг заррача фойдаси йўқ. Ҳозирча сизнинг қийшиқ кўзгуни қийшиқ деб тан олишингиз мен учун етарли.

Айтайлик, масалан сиз. Агар сиздан чиндан ҳам ОДАМ эканлигингишнинг ашёвий далилларини кўрсатишларини талаб қилганларида... аччиингиз чиқиши ёки кулиб юборишингиз аниқ. Бу тўғри бўларди. Одам одам эканлиги аввал бошдан исбот талаб қилмайдиган нарса. Худди параллел чизиқлардек. Теореманинг аксиомадан фарқи шундаки, уни исботлаб бўлмайди. Қоннинг таркиби, рентген ва шу каби нарсалар – фақат даставвал аксиома бўлганда-гина маънога эга бўлган хусусиятлар, холос.

Энди эса оғизда бирор түшүнтириш мантиқан қабул қилинмайдыган телба судни тасаввур қилиб күринг. Суд телба, лекин шу қадар муросасоз эмаски, гунохини фақат оғизда инкор этгани учунгина айбсиз деб эътироф қиласин. Масалан, сизни гумондор сифатида судга тортишди, судьяларни эса фақат қўл билан ушлаб кўрса бўладиган далиллар ишонтира олиши мумкин.

... «Тасаввур қилинг», – дейман мен. Йўқ, бу сиздан менинг адвокатим бўлишни илтимос қилиш мақсадида айтилмаяпти. Бу сурбетлик бўларди. Бироқ, пешонангизга шу ёзилган бўлса, унда бунинг адолатсизлик эканлигини тўла ҳис этиш учун сизга ҳам шу азобларни тотиб кўриш насиб этсин!..

## 2

Энди эса, сизнинг иродангизга бўйсунган ҳолда ҳикоямни давом эттираман. Шундай қилиб, хотиним кириб келиб, меҳмоним мақсадини танбеҳ бергандек маълум қилди:

– Сени кўришмоқчи, марсликлар тўғрисида бирор гап...

Софлом ақл доирасидан ташқаридаги фантастик хабар, шундай эмасми? Сиз, афтидан, бусиз ҳам шўр пешоналил оқибатида уқубатда бўлган мендаги қаҳр-ғазаб вулқонини кутган бўлсангиз керак. Агар сиз мени беш қўлдек яхши билсангиз, худди шуни кутган бўлардингиз. Лекин бирор вулқон отилемади. Мен фақат индамасдан хотинимга қарадим. Бир оз вақт биз бир-бirimizга худди олдига судхўр отилиб кириб қарзини талаб қилгандек тин олмай қараб турдик.

Маълум маънода аслида ҳам шундай эди.

Одатда одамлар чеҳрасида қасбий манфаатдорлик ўз аксини топади. Худди шундай ҳол мен билан ҳам рўй берганди... Бундан бу ёғига ўз ишларим ҳақида ҳикоя қилишимга тўғри келади. Ўзгалар учун

бундай нарсалар зерикарли туюлади, аммо мазкур ҳолда манфаатдор шахс ўзимман, шунинг учун илож қанча. Ишларим эса ниҳоятда ачинарли эди.

Шуни айтиш керакки, мен радиокомпаниялардан бирида драматург сифатида якшанба кунлари соат ўн бирдан ўн икки яримгача эшилтириладиган «Салом, марслик!» доимий дастурини олиб борардим ва бу менга даромадларимнинг ярмидан кўпроғини келтиради. Саъй-ҳаракатларим натижасида муайян муваффақиятга эришгандим – қунига тингловчилардан камида йигирматагача хат олардим. Шу тарзда деярли икки йил давомида тирикчилигимизни таъминлаётгандим... Бироқ бу ракета Марсга йўл олиши билан ҳамма нарса мутлақо ўзгариб кетди.

Илк бор бу ўзгаришни аввалги ойнинг ўрталарида ҳис этдим. Ўша пайтда ракетанинг орбитадаги ҳаракатига аниқлик киритилганини ва кун тартибида ракетани учирин натижалари турганлигини маълум қилишганди. Ана шу кунларнинг бирида таҳририят бўлимининг мудири коридорда йўл-йўлакай шундай деб қолди:

– Эндиликда ҳазилларингизни бевосита марсликларга эшилтираверишингиз мумкин...

Умуман олганда, бу гапда бирор муҳим нарса йўқ эди. Ва агар гап оҳангига қараб мулоҳаза юритилса, унда бирор яширин маъно сезилмасди. Шунга қарамасдан бу компаниянинг дастуримга нисбатан ҳақиқий ниятларига кўзимни очди ва нафсониятимга мени қўпол, беор огоҳлантиришдан ҳам оғирроқ тегди.

Аслини олганда, бундай намойишлар такрорланмади. Лекин уйғонган хавотирни тинчлантириш осон эмас. Мен даъфатан авваллари чумчуқларнинг эрталабки чирқиллашидек бетўхтов эшишиб турадиган, бир-бирига зид бўлган аралаш-қуралаш танқидий мулоҳазалар, кўрсатмалар, маслаҳатлар қулоғимга чалинмай қолганлигини пайқадим. Режиссёrim кутилмаганда ўта муросасоз бўлиб қолди, мен навбат-

даги әшиттиришни тайёрлашда кечикаётганлигими-  
ни ва бошқа қусурларимни умуман эслатмай қўйди  
ва ҳамма нарсада фикрларимга қўшила бошлади.  
Шубҳасиз, мени шафқатсиз ҳукм кутаётган ва унда  
қай тарзда бўлмасин, кимнингдир қатъий иродаси  
акс топаётганди.

... Аммо осонликча таслим бўлмоқчи эмасдим. Бу  
хусусда менинг ҳам ўз иддаом бор эди. Ҳа, юмшоқ  
қўнишга мўлжалланган ракета, афтидан, аввалги ку-  
затувчи ракеталардан сифат жиҳатдан фарқ қила-  
диган янгилик эди. Ҳа, унинг ёрдамида Ернинг забт  
этилмаган Марс сиртига қўл теккизиши кутилаёт-  
ганди. Мен буларнинг ҳаммасини бирор иккиланиш-  
сиз тан олишга тайёр эдим. Бироқ, Марсда юксак  
тараққий этган ҳаётнинг мавжуд эмаслиги илгари  
«Маринер-4» томонидан равшан аниқланган эди-ку!  
Қизил сайёра, сукунат ва ўлим сайёраси, саҳро ва  
музлаган карбонат кислотанинг қировлари сайёра-  
си... Бизнинг давримизда ким ҳам марсликлар бор-  
лиги ҳақида жиддий гапириши мумкин!

Энди мана бу нарса тўғрисида ўйлаб кўринг. Ер юзи-  
да, айтайлик, Свифтнинг «Гулливернинг саргузаштла-  
ри»га реал асар сифатида қарайдиган бирорта китоб-  
хон борми? Агар бор бўлса ҳам у, албатта, тасаввuri  
айнинг бирор ақддан озган кимсадир. «Гулливер»нинг  
фантастикалиги ҳақида баҳс-мунозара қилиб ўтириш-  
нинг ҳожати йўқ. Худди шунингдек менинг марслигим  
пировард натижада ўзига хос замонавий фантастик  
қаҳрамон – Гулливердир (агар сиз бирор марта бизнинг  
дастуримизни тинглаган бўлсангиз, бунга қўшилишин-  
гиз шубҳасиздир); у одамларни мутлақо бошқа мезон-  
лар асосида баҳолар экан, биз беихтиёр пайқамайди-  
ган кулгили ва бемаъни нарсаларни англатишга ҳара-  
кат қиласди. У фантастик қаҳрамон экан, бу мавжуд  
эмаслигига қарор қилинган марслик бўлмасдан ким  
бўлсин ва унинг тўғрисида асоссиз тахминлар қилиш-  
га не ҳожат?

Шунинг учун агар менга фақат радиокомпания маъмурияти босим ўтказаётганида бу даражада тушкунликка тушмаган ва ушбу кўнгилсизликларга бир амаллаб чора топган бўлардим. Тўғри, фантастика билан воқелик ўртасидаги фарқни ҳеч ҳам англаб етмаётган амалдор биродарлар фикрини ўзгартиришим мумкинлигига ишонишим кулгили туолган бўларди. Аммо бу биродарларнинг заиф жойи бор эди: яъни, гўёки пировард натижада ҳамма нарсани якка-ю ягона мезон ҳал қилиши ва бу мезон – радио тингловчиларнинг хайриҳоҳлигига очиқ кўнгиллилик билан ишонч эди. Ва ҳозирча раҳбариятнинг хавфсираши – Марсга йўналтирилган ракета бевосита менинг марслигимни мўлжалга олганлиги ва унга ҳалокатли жароҳат етказиши мумкинлиги тўғрисидаги худбинларча хавфсираши ўзининг аниқ исботини топмагунича ўз фикримда собит қолиш имконияти сақланиб турарди. Агар гўёки аниқ мавжуд бўлган ракета фантастик марсликни йўқ қилишга қодир деб ҳисобласангиз, мағрурланиб мушоҳада юргизган бўлардим. Масалан, нима учун сиз кино экранидан туриб ўқ узаётган пулемёт томошабиннинг яralаши ёки ўлдириши мумкинлигидан қўрқмайсиз? Ҳа, мен бепарво ва соддадил эдим. Мантиқ бу узоқ давом этиши мумкин эмаслигини шипшиштаётганди. Ва тез орада маъмурият кайфиятига ҳамоҳанг равишда радио тингловчиларнинг ғазабли хатлари ва шарҳчи-ларнинг кинояли шарҳлари ёмғирдек ёғилиб кетди.

«... Шу йил етмиши олти ёшга тўламан. Шифокорлар дам олиш учун менга кундузи бир соат ухлашим кераклигини айтишган. Бироқ, мен бундай файри-илмий эшиттиришни тинглаб, худди қиёмат қойим бошланган деган ўйга келдим. Ғазабимни жиловлай олмай қолдим, ҳаяжондан тинчлигим буткул йўқолди, бу умримни қисқартиряпти ва сиздан ўз асаларингизни энг жиддий танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишингизни талаб этаман».

«... Жаноб мұаллифнинг фарзандлари борлигини билишни истардик. Бизнинг фарзандларимиз Марс ракетасининг муваффақиятли қўнишини орзула-моқдалар, бу орзу уларнинг қалбларини жунбишга келтирмоқда. Наҳотки «Салом, марслик!» каби эшиттиришлар орқали қаҳрли таҳқирлашлари билан болаларнинг мусаффо қалбларини яралаётганлиги мұаллифнинг виждонини ҳеч ҳам қийнамаётганмикин? Ягона фарзанднинг онаси сифатида мен сизларга ана шу аксилипедагогик марсликдан тезроқ «Алвидо!» эшиттиришини тайёрлаш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилмоқдаман».

Ҳа, мен тор-мор қилинаётгандим. Одамлар ўртасида ҳазилни тушунмайдиганлардан ҳам аянчлироқлари ва бечорароқлари топилмайди. Улар учун дастуримни эшиттириш маймунлар учун маймунлар циркини кўрсатиш билан баробар эди. Қайсиdir мұаллифнинг агар кулдира олмасанг, фақат ўлиш ёки ўч олиш имкониятинг қолади деган сўзларини ўқиганлигим ёдимда... Чин сўзим: агар радиодан пулемётдан отиб бўлганида, бир хуморимдан чиққан бўлардим!

Лекин мен оила боқишим керак: бу, энди хаёлпастлик эмас, бўлар-бўлмасга тажангланишга йўл қўя олмасдим.

Ўз ожизлигим оловида қовурилардим, ҳолбуки ракета сониясига ўттиз километр тезликда Марсга яқинлаштганди ва ракета мавжудлигининг ўзи қўрқинчли тушдек қалбимни вайрон қиласарди. Мен боши берк кўчага кириб қолгандим ва чиқиш жойини топиш учун жонсарак эдим. Ўз марслигимга бой берилган мавқесини қандай қилиб яна қайтариб бериш мумкин? Бунинг учун ҳамма нарсага – энг шармандали келишувга, алдовга тайёр эдим...

Ана шундай кунларнинг бирида қайсиdir оқшом газетасининг охирги саҳифасида кичиккина хабарга кўзим тушди...

«Кечә кечқурун давлат темир йўлининг Н.бекатида учар ликобчалар билан содир бўлган ҳодиса оқибатидаги ваҳима, ҳамманинг ҳафсаласини пир қилган ҳолда, амалда гап реклама минорасидаги неон ёғдуларининг қуюқ тумандаги жилvasи ҳақида бораётганлиги тўғрисидаги хабар билан хотимасини топди. Бироқ, айрим гувоҳлар ёғду мутлақо бошқа йўналишда кўринганлигини тасдиқлашмоқда ва бугун бекат платформалари йўловчиларнинг одатдаги сонидан бир неча баробар кўп бўлган анқовлар билан ўта гавжум эди. Айтгандек, ҳатто Америка сенатининг маҳсус ҳайъати рўйхатга олинган 20014 аниқланмаган учар объектлардан аксарияти метеорлар эканлиги ёки турли об-ҳаво ҳодисалари билан изоҳланишига қарамасдан 1021 та ҳолни таърифлашнинг имконияти йўқдигини тан олди. Мамлакатимиз коинотдаги мусобақада орқада қолди ва биз ўзга сайёralардаги мавжудотлар билан биринчи бўлиб мулоқотга киришиш баҳтига мусассар бўлганимизда, буни ўзимиз учун катта шараф сифатида қабул қилган бўлардик. Агар учар ликобчалар ҳудудимизга қўнганида, биз ўз хайриҳоҳлигимизни ифода этиш учун саъй-ҳаракатларимизни аямаган ва ўзимизни ўйланмаган хатти-ҳаракатлардан қатъян тийган бўлардик...»

Ва ҳоказо.

### 3

Чамаси, радиостудиядан электричкада қайтаётган пайтимда бу хабарга нигоҳим тушган эди. Дафъатан бутун вужудимни муздек тер босди, ўзимни ҳозир портлаб кетаётгандек ҳис қилдим ва хабарни бошқатдан ўқишга тушдим. Сатрлар кўз олдимда бикфорд симидек<sup>1</sup> ёнарди ва хабарни ўқишни тугал-

<sup>1</sup> Бикфорд (инглиз ихтирочиси У.Бикфорд – W.Bikford номи билан) сими – аввалги вақтларда портловчи моддаларни портлатиш учун ишлатиладиган сим (*таржимон изоҳлари*).

лашим биланоқ күзни қамаштирадиган даражадаги портлаш рүй берди. Портлаш түлкени миямга етиб бориши билан фоям аниқ ва равшан шаклга кирди.

Биринчи бекатдаёқ мен электричкадан сакраб тушиб, яқин орадаги телефон будкасига отилдим. Эхтимол, шошқалоқлик қыммаганим маңқулроқ эди. Балким, режамни қофозга тушириб олиш учун аввал студияга қайтишим ёки уйга шошилишим керак эди. Нима бўлганда ҳам аввал тактикани синчиклаб ишлаб чиқиш, кейин қўнфироқ қилиш керак эди. Лекин ракета Марсга томон елиб бора, қўниш уч ҳафталардан ҳам олдинроқ бўлиши мўлжалланаётганди, энди ҳамма нарсадан умидни узиб бўлгандим ва ич-ичимни тоқатсизлик ўртарди. Аслида гап бунда ҳам эмасди. Мени ажойиб фоямнинг роҳатбахш юки букиб қўйганди. Тезроқ амалдор биродарларимизнинг бурнига чертиш, хотинимни тинчлантириш, оиласмда тотувлик ва хотиржамликни тиклаш ўйи бундан ҳам кўпроқ шошилтираётганди. Зоро, ишончни йўқотган хотинга нисбатан ишончни йўқотган эр уч карра баҳтсизроқдир.

Телефон гўшагида золимим, таҳририят бўлими мудирининг овози эшитилганда ўзимни ҳам ажаблантирган қандайдир шилқум оҳангда сўз қотдим:

– Топдим. Ажойиб ҳийла ўйладим. Кейинги ҳафтада бошлаймиз. Шакл, услуг – ҳамма-ҳаммаси бошқача бўлади... Таъбир жоиз бўлса, бир юз саксон даражага бурилиш...

– Тўхта, – у зерикарли пўнг овозда гапимни бўлди.  
– Дастур тўлалигича сенга ишониб топширилганини биласан-ку...

– Йўқ, сиз олдин эшитинг. Ҳамма нарсани қўидагича ўзгартирамиз... Лўндаси, масалан... Кириш қисмида бошловчи бизга маслаҳат сўраб йўлланган мактубни ўқиб беради...

– Атрофингда нима гувилламоқда? Электричками?

– Гувиллаяпти? Балким, бошқа жойдан қайта құнғироқ қиласман?

– Күлоқ сол, гап ҳар ҳолда жиддий, кел, бошқа вақт шошилмасдан...

– Битта мен эмас, иккаламиз шошилишимиз кепрек. Ўзингиз биласиз, ракета бизни кутиб ўтирумайди. Майли, бу ҳеч нарса эмас, энди ҳаммаси изига тушиб кетади. Бизнинг марслик қатъий қарши ҳужум билан тарози палласини биз томон оғдирди. Шундай қилиб, бошловчи хатни ўқиб беради... Майли бу, масалан, ибратли оиласдаги онанинг астойдил илтижоси бўла қолсин... Ҳозир уни сизга ўқиб бераман.

– Ўқиб бераман? Нима, бу расмана хатми?

– Йўғ-а. Уни ҳозиргина ўйлаб топдим. – Мен бошловчи оҳангига тақлид қылган ҳолда нафас олмай бидирлаб кетдим: «... Бизнинг турмуш қурганимизга ўн бир йил бўлди. Тўшакдошим ҳамиша бенуқсон инсон, меҳрибон эр, яхши ота бўлган. Бироқ яқинда у хизматдан келиб, учар ликобчани кўрганлигини айтди. Шу пайтдан буён у ана шу учар ликобчадаги одамлардан сигналлар ола бошлади. Уни ҳар гал ўзларига чақирганларида ҳатто тунда ҳам йўлга тушади, уйдан ташқаридан неча соатлаб вақтини ўтказган пайтлар ҳам бўлади. Мен ундан қаёққа боришини сўраганман, аммо у учар ликобчадаги кишилар ман этганликларини рўйач қилиб, ҳеч нарса демайди. Хизматида кўнгилсизликлар бўлиши мумкинлигини айтиб, уни ўз ҳатти-ҳаракатини ўзгартиришга кўндиromoқчи бўлдим, лекин беҳудага ташвишланмаслигимни ва унга ишонишмни, чунки эртами-кеч учар ликобчадаги кишилар ҳукумат билан музокара бошлашлари ва ўшанда уни музокара олиб борадиган ҳайъатда муҳим лавозимга тайинлашларини айтади. Шунга қарамасдан жуда ташвишданман ва кўпинча кечалари уйқум келмайди. Энди эса у менга кўз олайтира бошлади ва унга ишонмас эканман сен билан ажрасшаман деб дўқ қилишга ўтди. Балким эрим ақлдан озгандир? Ва яна, илти-

мос, бу учар ликобчалар ҳақиқатан ҳам мавжудлиги түғрисида гапириб берсангиз...»

Менга симнинг нариги тарафида турганлар майингина тиржайишганга ўхшаб туюлди. Руҳланган ҳолда қўкрагимни ҳавога тўлдириб давом этдим:

– Бошловчи ўқиши тутатиб, студияга мактуб эгаси, шунингдек, биз маслаҳатлашган бир нечта мутахассисларни таклиф қилганлигимизни эълон қиласди. Улар бир нечта савол бериш истагини билдирадилар... Майли, улар, масалан, руҳшунос врач, фантаст ёзувчи, астроном, учар ликобчаларни ўрганиш бўйича қўмита аъзоси, Ташқи ишлар вазирлиги ходими бўла қолсин... улар қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши...

– Уларнинг ҳаммаси, албатта, соxта кимсалар бўлса керак?

– Йўқ, мутахассислар ҳақиқий бўлганлари маъқул. Сизга ҳали ҳамма нарса аввалгиларга қарагандা мутлақо бошқача бўлишини айтдим-ку... Қисқа қилиб айтганда, бутун умидимиз бундан бу ёфи ҳамма учун ўта қизиқарли бўлишида. Тасаввур қилинг-а, тиллари бурро бўлгач, бу ёфи ҳам қойилмақом бўлади! Аммо дастурнинг ҳақиқий «михи» олдинда. Бизнинг дўстларимиз, яъни мутахассислар ўргасидаги баҳс тингловчиларни кулдира бошлаганида суҳбатга яна бошловчи аралашсин. Яъни, кечирасизлар, биз ҳозиргина жуда қизиқ хабар олдик. Бу ҳозир даврамиздаги хоним томонидан ёлланган хусусий изқуварнинг маълумоти... Хоним, агар сиз эътиroz билдиримасангиз, ҳозир бу маълумотни ўқиб эшиттирсак. Мактуб эгаси бир сониялик довдирашдан кейин ийманибгина розилик билдиради. Шунда бошловчи ҳамманинг эътиборини тортиб, изқувар маълумотини ўқиб эшиттиради... Нима деб ўйлайсиз, бу нима ҳақидаги маълумот?

– Мен қаердан билай...

– Маълум бўлишича... – мен сермаъно тин олдим. – Маълум бўлишича, бу воқеага аёл аралашган!

– Аёл?

– У безбетлик билан хотинини алдаб келган. Учар ликобчадаги кишилар бир баҳона бўлган... аслида у бошқа хотинга илакишиб юрган.

Мен гапимни тутатдим ва нафасимни ростладим. Мен мана, ҳозир қулогимга маъқулловчи кулги эшитилишини кутардим. Бироқ бирор кулгидан дарак йўқ, фақат нимадир шитирларди. Ташвишланиб, суҳбатдошим жойида эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун оғзимни очмоқчи бўлгандим, шу заҳотиёқ у:

– Ижозат берсанг, бош қаҳрамонинг қаерда қолди? Марслигинг қани? – деб қолса бўладими.

Бу аҳмоқона оҳанг хоҳлаган кимсани гангитиб қўйиши мумкин эди, лекин алъинизмнинг сири ҳеч қачон пастга қарамасликда. Мен ҳеч нарсага эътибор бермасдан, ҳужумни танлаган тактикага муводиқ давом эттиришга қарор қилдим.

– Ҳамма гап шунда-да. Аслини олганда сизга шуннинг учун ҳам қўнфироқ қилмоқдаман. Ҳа, марслик фойиб бўлди... аниқроқ айтсам, фотография негативидек астарини афдарди... Шунинг учун, ўзингиз тушунасиз, дастуримизнинг номланиши энди алдамоқда. Табиийки, номни ўзгартиришга тўғри келади. Мен бу ҳақда ўйлаб кўрдим ва «Алвидо, марслик!» номини таклиф қиласман. Сиз қандай фикрдасиз?

– «Алвидо, марслик!»

– Ҳа. Менимча, бир қадар муваффақиятли, шундай эмасми?

– Эҳтимол... Билмадим, балким, муваффақиятлидир...

Менга уни ўз томонимга оғдира олганимга ўхшаб туюлди. Танглик юмшади ва мен аввалги босимимни пасайтириб давом этдим:

– Биз тажрибамиздан одамлар ҳазилни ёқтирмаслигимизни биламиз. Марслик чиппакка чиққан ҳазил бўлди. Мен ўзимга: чиппакка чиққан бу ҳазилни бошқатдан саҳнага олиб чиқишига уриниб кўришга ким халақит беради дедим.

– Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам нафис! – мудир ниҳоят у ҳамма нарсанинг тагига етганидек бирдан жонланиб кетди. – Қара, бу ҳақиқатан ҳам чакки эмас! «Салом, марслик!» дастурининг сўнгти эшиттиришини бу қадар безаш – ноёб ғоя! Биз ботаётган юлдузга лойӣ чапламаяпмиз, биз уни муносиб кузатяпмиз, ишонаманки, бизнинг бу ҳиссиётларимиз муносиб баҳоланади.

– Сиз мени тушунмабсиз! – ўзимни йўқотиб қўйган ҳолда қичқирдим мен. – Сўнгги эшиттириш деганингиз нимаси? Ахир бу фақат бошланиши-ку! Биз фақат дастурни «Алвидо, марслик!» деб атаймиз ва уни янги номга мувофиқ давом эттирамиз... Мен ёвузликни эзгуликка айлантирмоқчиман, тушуняпсизми? Шунинг учун...

– Аҳмоқгарчилик, – гапимни бўлди у худди мени четга суриб қўяётгандек. – Сен жуда кўп нарсанни истайсан. Ишларнинг умумий аҳволи тўғрисида гапирмай қўя қолай, аммо шундоққина номланишни ўзгартириш – бизнинг бутун ёруғ дунё олдида ўзимизга ишонқирамаслигимизни тан олишдир. Наҳотки сен буни тушунмасанг? Биласанми, эфир ҳар ҳолда умумий мулк ҳисобланади. Бундай лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Қолаверса, наҳотки сенда ўз қадр-қимматинг ҳисси бўлмаса?

– Ўйлашимча, шунга ўхшаш нарса бор. Шундай бўлса ҳам номни ва услубни ўзгартириш, албатта, дастурнинг асосий руҳини ўзгартиришни билдирамайди... Аввал бошдан мени ердаги одам муаммолари қизиқтирган, ҳар қандай марслик эса воситадан бўлак нарса эмасди...

– Жуда унчалик бўлмаса керак. Ҳатто одамсиз қутб ҳам тасаввурга таъсир кўрсатадиган қандайдир жозибаларга эга. Марсга келсак эса, майли у нақадар ҳувиллаган, кеккайган, салбий бўлмасин, аллақачондан шунчалик жумбоқли ва сирлики, буни фақат сенга ўхшаган олифталар инкор эта олади.

– Сиз гапимни яхши тушунмаяпсиз...  
– Қисқаси, гап бундай. Мен бўлим раҳбари сифатида дастур номини ўзгартиришга рози бўлолмайман.

Навбатини кутаётган ёшгина аёл жаҳди чиқиб, телефон будкаси ойнасини чертарди. Унинг елкаси ортидан менга сочи узун эркак норози қиёфада ўқра-йиб турарди.

– Кечирасиз, бир дақиқа кутиб туринг... Мен автоматдан қўнгироқ қилаётгандим, бу ерда навбат кутиб қолишиди, шунинг учун ҳозир бошқа жойдан қайта қўнгироқ қиласман...

– Йўғ-е, нима кераги бор, келинг шу билан гапга нуқта қўяйлик, – бепарвогина эътиroz билдириди у. – Айтгандек, Марс – Ой эмас, шунинг учун техник сабабларга кўра муваффақиятсизлик эҳтимоли кўпроқ, тўғрими? Шундай экан, Марс ракетасининг қўниши муваффақиятсизликка учрашига умид боғлаб қолаве-рамиз...

#### 4

Мен уйқудаги йўлбарсни безовта қилгандим. Мен қаттиқ камситилгандим, энди қарши ҳужумни давом эттиришдан маъно йўқ эди ва фақат бу ярамас ракетанинг муваффақиятли қўнганлиги ҳақидаги хабарни интизорлик билан кутишдан бошқа илож қолмаганди.

Аммо бу хабар мени том маънода ларзага солди. Вужудимни эгаллаган ўкинч ва камситилиш ҳисси деярли ийқолиб, ўрнини бутунлай парокандалилкка бўшатиб берди. Шошилинч хабарларда «Барча аппаратуралар меъёрида ишламоқда!» деб такрорланар ва ҳар гал кўз олдимда хаёлан бу ракета – оддий механизм эмас, балки инсон тафаккури маҳсули гавдаланарди. Бир неча ой давомида у ўзининг қоп-қора сояси билан сеҳрли бўшлиқ сайёранинг улкан кенг-

ликларида яшайди ва Ерга маълумотлар жўнатиб турди. Ҳа, бу ашёвий далил олдида менинг марслигим бўйм-бўш ва сохта кўланка эди. Ҳаёлий қўргоним арвоҳ каби эрталабки қуёш шуъласи билан гойиб бўлди ва бунда анқовларнинг эмас, бевосита менинг тасаввуримнинг ночорлиги асосий роль йинади. Сўнгги дақиқагача енгилганлигимни тан олишга журъат эта олмадим ва мана қақшатқич мағлубиятга учрадим. Марслигим эмас, ўзим ўлдирилгандим.

Энди эса радиокомпания эртами-кеч юбориши керак бўлган ҳукмни кутардим. Шунинг учун ҳузуримга кимдир келиб, марсликлар ҳақида гаплашиб олмоқчи эканлигини айтишганида, табиийки, бу студиядан юборилган вакил деган хаёлга бордим. Менга ҳамма нарса равshan эди. Ҳамма нарса менинг энг заиф жойимга кутилмаган зарба берилишидан далолат берарди.

Хотиним қатъийлик билан такрорлади:

- Уни сени олдингга олиб кирайми?
- Балким, бу режиссёрдир?
- Йўғ-е, унга ўхшамайди.
- Бўлим мудири ҳам эмасми?
- Мен уни ҳеч қачон кўрмаганман...

Мана шу жойда сергак тортишим керак. Студияда аввал телефондан огоҳдантирмасдан олдимга қандайдир кўримсиз, менга нотаниш бўлган хизматчини юборишдек сурбетликка боришмагандир... Лекин иродам синдирилганди, хунук хабарлар кутаётгандим ва шубҳаланиш учун мадорим қолмаганди. Кучли ҳадик тобора вужудимни эгаллаб олаётганди.

- Майли, унинг олдига ўзим чиқаман.

Хотинимнинг нигоҳига тўқнаш келмаслик учун ўрнимдан турдим. Ҳозир бошимни кундага қўйиш учун олиб боришадиган ҳолда эдим. Ракетага лаънатлар ўқирдим, Марснинг бепуштигидан нафратланардим...

– Ўзингни қўлга ол, – деди хотиним.

У буни мутлақо хотиржам ҳолда айтди, бироқ бу мени уқувсизликда айблашдек туюлди ва шу сабаб тажанглашдим.

– Нимани қўлга олишим керак? – дедим. – Марслекни қайсиdir АВ-4 сайёррасида яшовчи билан алмаштириб қўяман, холос.

– Мен фақат, ўзингни қўлга ол дедим, чамаси... Бу хонадаги деразаларни очсак яхши бўлармиди.

– Кераги йўқ.

– Тамаки тутунидан кўз ачишиб кетяпти. Нима, сен марслигингнинг жанозасини қиласпами?<sup>1</sup>

– Марслигимни эмас. Ўзимникини.

– Ажаб бўлсин. Лекин ташрифчининг ҳам кайфијатини бузишнинг сира ҳожати йўқ.

– Менга энди ҳеч нарса ёрдам бера олмайди.

Чекиб тугатилмаган сигаретани тўла кулдон четига босиб ўчириб, ўз-ўзимга: «Марсликларнинг афти курсин!» дедим-да, хонадан чиқдим. Шу он телефон жиринглаб қолди. Студиядан бўлса керак деб ўйладим. Демак, ҳаммаси тахмин қилганимдек. Фақат огоҳлантирувчи қўнфироқ кечиккан ёки вакил эртароқ келган.

– Ҳозир чиқаман, – дедим мен телефон гўшагига қўл узатар эканман. – Илтимос, меҳмонга айт, бир оз сабр қилсин.

Хотиним ортидан эшик ёпилиши билан гўшакдан қулоғимга ёш аёлнинг шошқалоқ овози урилди:

– Алло, сэнсэй<sup>2</sup>, сиз билан марсликлар тўгрисида гаплашмоқчи бўлган одам олдингиздами? Эркак киши... У, билсангиз, эрим.

Антика-ку. Мен бутунлай бошқа нарсага кутаётган эдим.

<sup>1</sup> Япон ибодатхоналарида жанозада чакиш таёқчаларидан фойдаланиш одати бор.

<sup>2</sup> Сэнсэй – японларда ҳамсуҳбатга ҳурмат билан мурожаат қилиш ифодаси, яъни жаноб.

- Кечирасиз, сиз студиядан қўнфироқ қиляпсизми?
- Студиянгиз нимаси? Мен у – эрим деяпман. Гап шундаки, у гумонсираш хасталигига чалинган.
- Гумонсираш... Яъни у ақлдан озганми?
- У, сэнсэй, сизнинг «Салом, марслик!» дастурингизнинг ашаддий ихлосманди. Бу якка-ю ягона сабаб деб ўйламайман, албатта, лекин ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди, у ўзини марслик эканлигини калласига жойлаб олган... Ҳар ҳолда у бирорта эшигтиришингизни ўтказиб юбормайди, фақат сизнинг дастурингизни тинглайди ва бошқа нарсани истамайди. Устига-устак ракета тўғрисидаги бугунги эрталабки хабар. Бундан у ўта ҳаяжонланиб кетди ва эрталабдан бошлаб сиз билан албатта гаплашиб олиши кераклигини уқтиргани-уқтирган...
- Қаранг-а, телба... – содали сувни тўйиб ичганда бўладигандек томоғимга аччиқ қулги тиқилди.
- Ҳа, унинг касалхонадан чиққанига атиги уч кун бўлди.
- Тўғри, ҳатто ақлдан озган бўлсанг ҳам калланга ўзингни марслик эканлигинг фикрининг келиши яхши эмас, – вужудимни силкитиб қаҳ-қаҳ этиб кулиб юбормоқчи эдим-ку, лекин менга бу ўз ҳолимнинг қулигиданми ёки ниҳоятда аччиғим чиқаётганлигиданми билолмаётгандим. – Огоҳлантириб қўйганлигингиз учун, раҳмат. Ҳақиқатан ҳам қандайдир нусҳа олдимга келибди. Бироқ сиз ташвишланманг, дарров кавушини тўғрилаб қўяман...
- Нима деяпсиз, бунга йўл қўйиб бўлмайди! – қиҷқирди у гўшакка ва гўшак мембранаси худди газета варагини қоқ иккига бўлиб йиртгандек шариллаб кетди. – Бу жуда хавфли! Ахир эрим ниҳоятда тўполончи...
- Унинг товуши шу қадар самимий, шу қадар муҳаббат ва хавотирга йўғрилган эдики, мен каловланиб қолдим.

– Ундей бўлса... қандай қилиб уни касалхонадан кўйиб юбориши? –

Рағбат жуда кучли бўлган. Бу – ўша ракета. У ўзини жуда юввош, хотиржам қилиб кўрсатган... Аммо сиз ҳаяжонланманг, агар унинг жаҳлинини чиқаришмаса, ҳеч қачон тўполон кўтартмайди. Сиз фақат унинг гапларига қулоқ солинг ва ҳаммаси жойида бўлади. Ўзига қулоқ тутишадиган бўлишича, ниҳоятда беозор ва қобил. Сўзларига эътибор беришмаётгандек туюлсагина, иш пачава бўлади. Шунинг учун ташвишланманг. Мен ярим соатдан кейин олдингизда бўламан. Касалхонага ёки полицияга қўнғироқ қила кўрманг, акс ҳолда шундай тўполон кўтарадики, кейин уни тўхтата олмайсиз. Мендан бошқа ҳеч ким унга бас кела олмайди. Аввалги гал арзимаган нарсага ғазаби қўзғаганида уни тинчлантириш учун уч нафар жуда бақувват эркак керак бўлди. Шунда ҳам санитар машинаси қайтиб кетаётганида бир эркакнинг бармоғи синди, иккинчиси пешонаси уч жойидан лат еди, учинчиси учта тишидан ажралди. Сиз унинг кўринишига қараб адашманг, у ниҳоятда кучли. Хуллас, унга гўлдек қулоқ солинг ва у мамнун бўлади... Ўтиниб сўрайман, атиги ўттиз дақиқа!

У менинг жавобимни кутиб ўтирмасдан гўшакни кўйиб қўйди. Ана томошаю мана томоша! Меҳмон студиядан эмаслигини билганимда енгил тортгандим. Лекин ақдан озган ихлосманд – каминаларига малҳам бўлса ҳам ўлгудай кучлиси экан. Вужудимда умидсизлик, ғазаб, довдирашлик аралаш-қуралаш бўлиб, мени аёвсиз қийнарди. Мен узоқ вақт телефон гўшагига сехрлангандек қарадим, ундан яна қандай садо чиқаркин, билмадим.

- Эшигимиз олдидағи нұсха студиядан әмас экан.
- Үнда ким экан?
- Аңвуиардан. – Мен пешонам олдида құрсақтың бармоғимни айлантирудим. – Менинг ихлосмандым.
- Қувонадиган жойи йүқ.
- Ҳа, яхши әмас. Айтганча, уни менинг үрнимга сен қабул қылсанг-чи?
- Шу тентакни-я?
- Ахир мен фикрларимни жамлаб олишим ва тай-әрланишим керак... Студиянинг вакили әртами-кеч – бари бир келади.
- Тақдирга тан бермаяпсанми?
- Мен қўлимдан келганининг ҳаммасини қилишим керак... Бизнига келган нұсха эса бунинг устига тўполончилардан экан.
- Фақат шу етмай турувди! – Бирданига унинг жаҳли чиқди. – Нима сен менга ақлдан озган тўполончи билан бир-икки соат ўтириб тургин демоқчимисан?
- Гапимни тушунмадинг. Агар жим қулоқ тутиб, гапини бўлмасанг ўзини мўмин-қобил тутади. Бундан ташқари менга ўттиз дақиқадан сўнг уни олиб кетгани келишлигига қатъий ваъда беришди...
- Шундай экан ўзинг ўтирабер. Менсиз.
- Бунга кўпроқ сен тўғри келасан. Сен ўзингнинг аёллик нафосатинг билан уни юмшатасан.
- Ёлғон ҳам эви билан-да. Қолаверса, у менинг әмас, сенинг ихлосмандинг.
- Гапимни эшит, ҳозир ихлосмандлар билан пачаклашиб ўтирадиган вақт әмас. Бунинг устига у ўзини марслик деб ҳисоблаётган экан.
- Ҳали марслик ҳам дегин?! – У беҳаёларча қаҳ-қаҳ уриб юборди. – Айтдим-а, пешонасининг ўртасида учинчи кўз ниш отаётгандай деб...

– Бу куладиган нарса эмас. Ахир бир оз ҳамдардик ҳам күрсатиш керак-ку. Агар унга дўстона муносабатда бўлинса, қизиқиши, руҳий яқинлик кўрсатилса...

– Бир умр шунга орзуманд эдим! Сен менга умид қилишга журъат этдингми... Йўқ, азизим, нима эккан бўлсанг, шуни ўрасан.

Хотиним шундай дея дарҳол чиқиб кетди. Эҳтимол, сиз фазаб оташидасиздир: хотинлар қамал қилинган қалъада ўзларини шундай тутишлари керакми? Бироқ ҳаммасига ўзим айборман-ку. Мен аввал бошдан таслим бўлишга рози бўлдим, аввал бошдан хотиним олдида ишончни йўқотдим. Сиз бунга шубҳа қиляпсизми? Аммо мен фожиамни бир мирига арзимайдиган ҳазилга айлантирган телбага хотинимни қалқон қилмоқчи бўлдим. Бунинг учун эрлар кечирилмайдилар. Ҳа, чиндан ҳам елкамга оғир заҳмат ортмоқланди. Бемаъни фикрларга берилиб, вақтни чўзар эканман, эшик томонидан илдам одимлар эшитилди. Мен телефондаги мулоқотни эсладим ва титраб кетдим. Агар меҳмонимни қутуриш даражасига келтирсам, ҳеч бир камситишлар менга унингдек зиён келтира олмайди. «Экканингни ўрасан» мақолини хотиним ўйлаб топгани йўқ, бироқ ҳозир ҳар қандай эътироознинг мавриди эмас... Демак, жилпанглашмаймиз ва марслигимизнинг арвоҳига «салом» деймиз!

Кирган киши даҳлиздаги чироққа орқа қилиб, хиёл буқчайган, икки қўли билан қора чарм портфелини кўкрагига босган ҳолда турарди – ўзида қунт ва хижолатни мужассамлаштирганди.

Юзи чироққа тескари бўлганлиги учун уни тузукроқ кўра олмадим, лекин у фақат уй жиҳозлари билан савдо қилувчи агентларга хос – бошқа ҳеч кимда бўлмайдиган – майин табассум жилва қилиб турарди. Аммо фланель костюмининг бичими ва ранги савдо агенти учун бир қадар нафис ва ялтироқ эди.

Унинг паст бўйли ва кенг ягриналиги дарҳол кўзга ташланди. Эҳтимол, у эси оққан тўполончидир, лекин унинг кўринишида бирор қўрқинчли нарсанни пайқамадим. Унинг рафиқаси билан телефонда сўзлашганимдан кейин кўз олдимга келтирган даҳшатли қиёфа ҳам йўқ. Бундан енгил нафас олишим биланоқ, у паст, ҳаяжонли товушда деди:

– Сизни кўришдан нақадар баҳтиёрман, сэнсэй!

Сўнг у қийшайиб, мен томон букилди ва қиқирлаб кулди. Бу тиржайиш менга ёмон таъсир қилди ва бир қадам ортга чекиндим, у эса бидирлаб кетди:

– Мен дастурингизнинг муҳлисиман, сэнсэй. Бу – яхши, аъло даражадаги ибратли эшиттиришлар. Бугун мен сизга мислсиз материални тавсия этишга қарор қилдим, сэнсэй... Чин сўзим, бу ҳақиқатан шов-шув бўладиган, айни сизнинг дастурингизга мўлжалланган!

У буни тин олмасдан тариллатиб гапирди, айни вақтда жилпанглаб қиқирлашнинг ҳам уддасидан чиқди. Қаранг-а, наҳотки у бутун ўтгиз дақиқа давомида ўзини шундай тутса? Ҳозирнинг ўзида бундан нафасим бўғзимга келганди.

– Шундайми? – ўзимни гўлликка солдим.

– Йўқ, менга миннатдорчилик билдираманг. Мен муҳлисингизман ва сизга нафим тегадиган бўлса, шунинг ўзи менга кифоя қиласди. Чин сўзим!

– Ростдан-а?..

– Чин сўзим, тубан таъмагарлиқдан асар йўқ, асло бундай эмас! Сиз фақат менга ишонинг, рост, бошқа менга ҳеч нарса керак эмас...

– Мен сизга ишонаман, албатта. Ва сизга миннатдорчилик билдираман. Чин қалбдан.

– Отангизга раҳмат! – У бошини ёнига эгиб, кулиб юборди. – Мен эса сиз жуда таажжубланасиз деб ўйлабман.

– Ҳечқиси йўқ, ташвишланманг. Ҳар ҳолда тажрибам катта, эндиликда мени бирор нарса билан ҳайрон қолдириб бўлмайди.

– Ростданми? У ҳолда мен сизга тўғрисини айтаман... – У тилининг учи билан лабларини ялади ва бесўнақайлик билан портфелини қўлтиғига суқди. – Гап шундаки, мен қандайдир оддий одам эмасман. Мен марсликман.

Унинг аҳмоқона оҳангидан фафлатда қолиб, ўйлаб ўтирмасдан дедим:

– Э-ҳа, шунақами?..

Шу дақиқадаёқ гўё чироқ ўчиргич бурилгандек, юзи мурданикидек оқариб кетди.

– Эҳ, жин урсин! – хатойимни англадим, аммо фишт қолипдан кўчганди.

– Таажубланарли... – деди у ғамгин, синиқ овозда.

– Сиз ҳечам ажабланмадингиз.

Довдираф қолиб, хатомни тўғриламоқчи бўлдим, бироқ аҳмоқона бир жумла билан ишнинг буткул пачавасини чиқардим.

– Бўлмаса-чи... Ҳайрон қолдим, албатта... Мана, сиз марсликман деяпсиз ва мен қотиб қолдим...

– Ҳа, тушунарли... – У ўша ўликтус юзи билан нигоҳини қути қопқоғини силаётган бармоқларига қадади. – Фақат, билсангиз, тик турган ҳолда гаплашиш мен учун ўнгайсиз. Ҳар ҳолда Ерингизда тортиш кучи Марсадигига қараганда анча катта. Бу ерда биз дарров чарчаб қоламиз. Балким сиз менга хонага киришга ижозат берарсиз?

Шундай деяр экан, у гавдаси оғирлигини бир оёғига ўтказди ва енгил нафас олди. Жуда нозик психологик усталик. Унинг ўз башарасини чаққон бошқариши менда қандайдир хавфни ҳис этишга, ҳар дақиқада ташланиб қоладиган йиртқич ҳайвонни эслатди ва мен жуда қўрқиб кетдим. Эҳтимол, бунинг сабаби ўша телефондаги суҳбат бўлса керак.

– Албатта, албатта... Марҳамат... – мингилладим мен.

Кутилмаганда у аввалги оҳангига қайтди.

– Майлими? Бу – ажойиб!

У эгилиб, пойабзали ипларини еча бошлади. Тишни фижирлатганда жағлар зўриққандек вужудим та-ранглашиб, йўлакда у ёқдан бу ёқقا юра бошладим. Мен телба билан сұхбатлашиш ақдли одамларнинг иши эмас, ҳамсуҳбатингнинг гапларига қачонгача «лаббай» деярканман деб кўнглимдан ўтказдим. Ва мен ўзимга хос тарзда эътиroz билдиришга жазм этдим.

– Хотин! – бақирдим мен. – Меҳмонга чой олиб кел!

Мен эътиroz дедимми?.. Бу қанақасига эътиroz бўлсин? Нари борса қаҳрли вайсаш, холос. Вайсаш... Ҳа, бу хотинимнинг ақддан озган марсликни айбимни юмшатишим учун менга рўпара қилган нодонлигига жавобан вайсаш. Яна марсликка илакишиб, ҳамманинг кўз ўнгидага қалби ва танасини нобуд қилган одамнинг ўз-ўзига ҳалокатли вайсаши... Қаранг-а, тағин бу марслик – ўзим яратган хом хаёллик маҳсули!

Майнин кулги ва майдада одимчаларнинг овози келди.

– Эшиздим! Ҳозир...

## 6

– Марҳамат, бу ёқقا, мана бу диванга...

– Йўғ-е, қўйсангиз-чи! – меҳмоним ўта шошқалоқлик билан орқага тисарилди, сал бўлмаса токчадаги гул тувагини тўнтариб юбораёзди. – Менга йўлакча ҳам қулай, чин сўзим. Илтимос, овора бўлманг.

У мени кескин четга суриб, эшик ёнидаги стулга интилди.

– Бу стулда сизга нокулай бўлади-ку! Нега тортин-япсиз, тушунмаяпман?!

– Воажаб... – деди у юзимга пастдан туриб боқар экан. – Сэнсэй, сиз нима, мендан қўрқяпсизми? Худди хоҳлаган пайтда хонадан қочиб қолиш қулай бўлиши учун мени бурчакка тиқиб қўймоқчимисиз?

– Бўлмаган гап! – ғазаб билан хитоб қилдим мен, лекин бу қаҳр ҳақиқийликка қарагандан жўшқинроқ эди. Мен бу ниятда эмасдим ва обрўйимни тушир-

маслик учун, сўзимни амалда тасдиқлашдан бошқа иложим қолмаганди.

Шу тариқа хоҳласам-хоҳламасам мен дивандан жой олдим, ақддан озган марслик эса эшик олдидаги стулни эгаллади.

Деразаларга парда тортилган, чироқ ёғдуси ипак пардалардан меҳмон орқа томонига тушиб турган қуёш шуълаларидан кучлироқ эди. Шунда илк бор унинг юзини кўра олдим. Кутганимдан фарқли ра-вишда унинг юзи иродасиз ва қандайдир беҳол ту-юларди. Күшникидек узун бўйин, пуфакчалар билан қопланган суякли ияқ, аянчли осилиб турган оғиз четлари, киртайган, тупроқтус лунж, bemorlarникига ўхшаш уйилган қовоқлар... Аммо у бошини елкаси томон тортиб кула бошлаганида ийманиши бир онда шу қадар сурбетлик билан алмашар эдики, мен беихтиёр кўзимни олиб қочардим.

Вақтни чўзиш учун чека бошладим. Шунда у гўё мўрт мум таёқчани олгандек, эҳтиёткорона ҳара-катлари билан сигаретани эзғилади ва кейин уни тишлари орасига тиқди, сўнг бўшашиб, стулда чўзи-либ ўрнашди. У ўз гавдаси оғирлигидан мароқ билан дам олар экан, чуқур нафас чиқарди ва бурниларини шишириб деди:

– Хонангиз ажойиб экан, сэнсэй, бу ер менга жуда ёқяпти...

Ажойиб хона дегани нимаси! Эски китоб ва жур-наллар тартибсиз сочилиб ётган бўлса... Қоралама битиклар парчалари ва очилган қалам қириндила-ри... Кулдон вазифасини ўтайдиган гул туваги ва соч қасмоқлари тўкилган стол... Ҳар кимнинг диди тур-лича, бироқ бундай такаллуфларга жавоб қайтариш асло шарт эмасди ва мен сукут сақлаб, сигаретамни тутатишни давом эттиравердим.

– Ажойиб хона, ажойиб хона, ажойиб хона... – у куйлаётгандек буни бир неча бор такрорлади ва бир-дан гавдасини тиклаб деди: – Биласизми, сэнсэй, хо-

нангиз нимаси билан менга ёқяпти? Ҳозиргидек кай-фияти билан, бугунгидек серқүёш кунда пардалар ёпиқлиги билан... Ерликлар учун бу, эҳтимол, ифлос тешикдир, аммо марсликлар учун бу айни муддао. Сизнинг Ерингиздаги қуёш биз учун жуда нурли. Лекин сизнинг даҳшатли тортиш кучингиз янада ёмон... Сиз буни худди ҳаво каби пайқамайсиз, албатта, бироқ биз каби бошқа дунёдан келганларнинг танаси учун бу тезлигини кескин ошириб бораётган тезюрас лифтда турғандек гап. Биз тунлари бу лифт шифтни тешиб ўтиб, Коинот бурчагига олиб кетаёт-гандек тушлар кўрамиз. Даҳшатли ёлғизлик ҳисси пайдо бўлади. Сиз Ерда яшайдиган марсликларда асаб касалликлари ривожланиши муқаррарлигини биласиз. Уларга оёқлари остидаги қаттиқ ер йўқ бўлиб кетгандек туюлади. Охир-оқибат улар очиқ жойдан қўрқадиган бўлиб қоладилар. Мана шунинг учун ҳам ҳозирги муҳитда, бу хонада мен ўзимни яхши ҳис этяпман... Ҳа, сэнсэй, сиз марсликларни аъло даражада тушунасиз...

Қаранг-а, қанақа жиннилар учрамайди, ўйлардим мен, айни пайтда унинг ернинг тортиш кучи ва бошқа фикрларидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Унинг мулоҳаза юргизиши нозик дид ва нафосатдан холи эмасди. У ўзи, тажрибага суюнмасдан шу даражада ёрқин таассуротларни шакллантира олган экан, афтидан, марсликлар дунёқараши билан жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетган кўринади. Масалан, мен ўз тасаввуримдаги марсликлар орасида узоқ вақт бўлганимга қарамасдан бундай нарсаларга дуч келмаганман. (Агар у менга буларни илгарироқ гапириб берганида, эҳтимол, дастурим учун уч-тўртта қўшимча эшилтириш тайёрлаган бўлардим.) Хуллас, у ақддан озган бўлса ҳам, қойилмақом жинни... Менинг диққат-эътиборим сусайди, ҳолбуки огоҳ бўлиш им керак.

У нарсаларни баҳоловчининг хотиржам нигоҳи билан хона бурчакларини кўздан кечирап экан, бирдан менга қараб хуфиёна оҳангда деди:

– Нега биз гапни айлантириб ётибмиз ўзи... Илтимос, сэнсэй, айтинг-чи, сиз кутилмаган меҳмонларни ёқтирасизми?

– Йўқ, у қадар эмас...

– Шундай деб ўйлагандим. Ҳатто бу хонангиз ҳам сизнинг дилкаш эмаслигингиздан далолат беради. Сиз аслида босик, шубҳапараст, дунёга татийдиган ғамгинлигингизга қарамасдан худбин шахссиз. Мен каби мухлисларни остоңангизга яқинлаштиришингиз керакмас, сиз эса кутилмаганда мени ўз хонангизга таклиф қилдингиз, ҳатто дўстона суҳбатлашишдек илтифот кўрсатяпсиз. Гапимга қўшилаверинг, бу файритабиий эмасми?

– Асло. Касбий нуқтаи назардан ихлосманд азиз меҳмон ҳисобланади... Бундан ташқари, билишимча, сиз қандайдир шов-шувли материал олиб келибсиз...

– Шов-шув шундаки, мен одам эмас, марслукман...

– Ҳа-да... Бу, албатта, ақл бовар қилмайдиган шов-шув...

– Мана, сиз яна бемаъни гапларни айтяпсиз. Ёлғонни тўқиб ташлайверишдан уялмайсизми?

– Сиз нимани назарда тутяпсиз? Нима учун бундай деяпсиз?

– Қандай? Яна қандай? Сиз, мутахассиснинг олдига одам келиб, ўзини марслик деб атаяпти, сиз эса бунга тирноқча шубҳа билдирамаяпсиз. Ўзингиз айтинг, бу бемаънилик эмасми? Хўш, гап нимада? Ёки бу ерда мен билан майнавозчилик қилишяптими?

– Сиз жуда ошириб юбордингиз. Қанақасига мутахассис бўлай? Шунчаки радиога ёзib тураман, у-бу нарсаларга қизиқаман, албатта...

– Аммо ақддан озмагансиз-ку, жиннимассиз-ку!

– Энди, биласизми... – ғазабим қўзғаганди, лекин шу заҳоти миямга ҳамсуҳбатим тентак эканлиги, агар унинг ифвосига учадиган бўлсан, меҳмоним

эмас, мен таъзирини ейишим урилди. Соатимга қараб, атиги беш дақиқа ўтганини кўрдим. Яна йигирма беш дақиқа... Ишқилиб, Худо сабр берсин-да, бу тезроқ тутасин. – Бу ҳақда ҳатто газеталарда ёзишади.

– Ҳозир Уэллс<sup>1</sup> даври эмас ва Марсда юксак тараққий этган мавжудотлар йўқдиги сизга маълум бўлиши керак. Оддий тахминлардан анча ишоналироқ маълумотлар ҳаво босими ниҳоятда кучсиз бўлган ва деярли ноль намлиқда Ердагига бирор тарзда ўхшаш ҳаёт бўлиши мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Ёки... – У овозини пасайтириб, ё сурбетларча, ё мазах қилаётгандек, кулиб давом этди: – Айтинг-чи, сэнсэй, эҳтимол, мен сизга юксак тараққий этган мавжудот бўлиб кўринмаяпманми, нима дейсиз? Тортинманг, гапираверинг! Қиёфамни қандай тасаввур қиляпсиз? Тортинманг, гапираверинг! Қиёфамни қандай тасаввур қиляпсиз?

Қаранг-а, нақадар чарчатадиган ва қатъиятли тен-так! Ақддан озганлар шу қадар силлани қуритадиган бўлади деб ўйламагандим. Унинг гапларига қанчалик учсанг, шу қадар руҳданаверади ва фақат калавани чигаллаштираверади. Лекин, бошқа томондан, сужбатни давом эттиришдан бош тортиш янада хавфли бўларди. Нима дейишни билмасдан, чайналдим:

– Энди... биласизми, бу масала жуда нозик, мураккаб... Қиёфангиз қандай дейсизми? Биласизми, инсон кўзи фотоаппарат эмас, бу нарсага албатта субъективлик унсурлари қўшилади. Ҳар каллада – ҳар хаёл, деб бекорга айтишмайди-ку, шундай эмасми? Қолаверса, концепциявий меъёрлар услубидан келиб чиқиладиган бўлса, хоҳлаган нарсани айтиш мумкин...

– Вой ҳазилкаш-ей... – У гавдасини букиб, атайн, олд-орқасига чайқалиб, қаҳ-қаҳ отиб юборди.  
– Демак, агар сиз кўзингизни менга шундай қадамасангиз, концепциявий меъёрлар иш бермайдими?  
Наҳотки, мен шу қадар одамга ўхшамайман?

---

<sup>1</sup> Герберт Уэллс (1866 – 1946) – буюк инглиз ёзувчи-фантасти.

– Ҳечам. Аксинча, жуда ўхшашсиз. Агар очиқчасига айтадиган...

– Худди одамдек, шундайми?

– Худди шундай.

– Деярли фарқ қилмайди...

– Ҳа, қатъиян худди одамдек.

Кутилмаганды у стул ўринидигига гавдасини ташлаб ва чапак чалиб, жағини шу даражада катта очдикى, томогининг ичигача кўринди. Мен унда тутқаноқ хуружи бошланди деб хурсанд бўлгандим, бироқ бу, афсуски, шунчаки қувонч хуружи экан. У эгилиб-букилиб, шамоллаган итдек ҳуарар, кўз ёшларини фланель курткасининг енги билан артар ва узун-юлуқ товушда дерди:

– Воҳ, сэнсэй, ўлдирдингиз... «Худди одамдек» дейди... Вой, ўлиб қоламан!.. Ахир мен ўша ҳақиқий одамман-ку, сэнсэй! «Худди одамдек» дейди-я... Йўқ, сиз мени бепичноқ сўйдингиз!..

– Нима сиз мени лакиллатяпсизми?

– Нима, сиз ҳали ҳам шубҳа қиляпсизми?

– Сизга айтсам, жуда антиқа экансиз...

У янада қаттиқроқ кулишга тушди. Нима ҳам дердим, мени роса боплади. Юрагимни намокобга бўктирган даражада аччиқ изтиробни ҳис этдим, лекин кутилмаганды танглик бўшаши ва ҳамма нарса-га бефарқ бўлиб қолдим, меҳмонимнинг қаҳқаҳаси аста-секин менга ҳам юқа бошлади. Биз жуфт бўлиб уч дақиқа давомида қаҳқаҳа отдиқ. У чўзилган рези-надек диркиллаб, мен – бўшашиб кулардим.

## 7

Эшик туйқус очилди ва хотиним хонага ташвишли юзини суқди.

– Қанақа чой хоҳлайсизлар? – сўради у.

У бепарво оҳангда гапиришга уринарди, лекин ҳамма нарса хотиним эшик орқасида қулоқ тутиб

турганлигидан, ўзи эса ташвишдалигидан далолат берарди. Биз қаҳқаҳа отишга тушганимизда унинг сабри тугаб, пайдо бўлган биринчи имкониятдан фойдаланиб, изқуварликка киришганди. Бизлар аҳмоқона хаҳолашимиз пайтида эшикни очди, бундан хиёл ранжидим, айни пайтда хотинимнинг мендан ташвишланәётганлиги хуш ёқаётган эди. Мен жанг майдонида иттифоқчига эга бўлганлигимни англадим ва ташвишланишга асос йўқлигини билдириш учун зўр бериб унга имо қила бошладим, бироқ у буни тушунмаётганди ва юзини баттар ташвиш аломатлари эгалларди. Меҳмоннинг асаб тизими менинг имоларимни уққан кўринади. Унинг нигоҳи теннис ҳакамлариники каби бир неча бор рафиқамдан менга ва мендан рафиқамга йўналди, сўнг гўё қоида бузилганлигини сезгандек, хотинимга тикилиб деди:

– Чой – ажойиб нарса... Тилингиздан илинтиридим, менга европача чой бўлса... Европача чой – энг алдамчи ва ичимликларнинг беозори. Унга кўпроқ лимон ва шакар солинса, кўк чой ёки, айтайлик, қаҳвага нисбатан қимматбаҳо навлими ё арzon навлими ҳеч ҳам англаб бўлмайди...

ЭндиGINA мен бу одам билан мулоқотда бўлиш сирини тушуна бошладим. Бу масалага рафиқамни аралаштириб, нафақат фоизларимни, балки сармоямни ҳам йўқотаман. Имоларим иш бермади ва гўё хотинимни кифтларим билан итараётганимдек қилиб кўрсатиш учун тебрана бошладим ва бошимни зўр бериб чайқашга тушдим.

Хотиним қўрқиб кетиб, тўсатдан қандай кирган бўлса, шундай фойиб бўлди. Шунда меҳмон яна нигоҳини менга тикди, худди лойни эзғилаётгандек қўлинни қаҳр билан ишқалади ва паст-баланд оҳангда кулишга тушди. Билмадим, у менинг устимдан кулаётганмиди ёки мени ҳам шерикликка чақириб, хотиним устидан кулаётганмиди, ҳар ҳолда унинг бу кулгисидан бирор ёқимли нарса сезилмасди. Бусиз ҳам

бошим ўз ташвишларим билан ғовлаб кетганди ва ўзгалар иши билан машғул бўлишга тоқатим йўқ эди.

Аммо телефонда қўнгириқ қилган аёл келгунга қадар ўзимнинг ички, портлашга тайёр «мен»имни тизгинлаб туришим керак эди. Ҳолбуки, бу «мен» чиқараётган заҳар вужудимга тарқалиб борар ва ўтдай ёндирарди. Чидаб бўлмас қичимадан беихтиёр тилимни чақиллатдим ва товушни ниқоблаш учун янада чўзиброқ ҳирингладим.

– Ҳа, мен – одамман, – эълон қилди меҳмон бошини хиёл эгган ва атайин тортинчоқликни намойиш қилган ҳолда. – Чиндан ҳам кўчаларда қандай кўп юрмайин, ҳеч ким мени бошқа нарсага ўхшатмади...

– Бирор шубҳа қилаётгани ҳам йўқ. Буларнинг ҳаммаси аҳмоқгарчилик!

Бирдан унинг лаблари шалвиради ва меҳмон тантанавор оҳангда деди:

– Ҳа, мана тан ҳам олдингиз. Демак, аввал бошдан одам эканлигимга ишончингиз комил эдими? Демак, сиз буларни бўлмағур нарса деб ҳисоблаган бўлсангиз, аввал бошдан менга нима тўғри келса, шуни сафсата қилиб сотгансиз. Нима учун сиз дарҳол менга тўғридан-тўғри марслик худди одамдек бўлолмайди деб айтмадингиз?

Ўзимни қандай тутишни билмасдан бирор нарса деб мингилладим, у эса таҳдиди овозда давом этди:

– Тушунтириинг, бекитманг! Бу жуда қизиқ-ку. Ёки сиз ҳар ҳолда марслик худди одамдек бўлиши мумкин деб ҳисоблайсизми? Ишонмайман. Сиз бундай ҳисоблашингиз мумкин эмас. Истаганча ёлғонни тўқий беринг, бари бир ёлғонингизни фош қиласман. Яхшиси дарҳол келишиб олайлик: сиз менга ишонмайсиз. Тўғрими?

– Биласизми...

– Нимага «биласизми»... Ўзингизни бегуноҳ қилиб кўрсатмай қўя қолинг. Ўта ёлғон қўполликдан бошқа нарса эмас. Яхши, ана шу қўполлигингизга

жавоб беришга қарор қылдим. Жавобим икки карра иккideк жүн ва равшан. Қисқаси, сэнсэй, сиз мени ақддан озган деб ҳисоблагансиз. Күзимга тик қараб мени ақддан озган дейишни истамадингиз. Сиз ҳамма нарсани рисолададигидек қилиб күрсатиб, мана шу гул туваги билан бошимга тушириш учун анқайишими кута бошладингиз...

– Бўлмагур гап...

– Яна ёлғон гапиряпсиз! Аслида, мантиқан мулоҳаза юритганда, мени ақддан озган деб ҳисоблаш жуда табиий, шундаймасми? Нега кўринишингиз бундай? Ҳа, мана гап нимада... Энди тушундим... Сиз мендан қўрқяпсиз. Сиз хавфсираяпсиз – ахир ақддан озган билан гаплашяпсиз-ку... Бунинг устига яна тўполночи билан, тўғрими? Бирор муруватпеша сизни огоҳлантириб қўйгани шубҳасиз. Ҳа, айтганча, сизга яқинда кимдир телефон қилганга ўхшайди... Ишқилиб менинг хотиним эмасми?.. Қаранг-а, кераги йўқ, нимага ўзингизни йўқотиб қўйдингиз? Энди ёлғон гапириш учун кеч. Шудай қилиб рафиқам сизга нималарни тўқиди?

– Ҳеч нарсани тўқимади. Бу қисқагина мулоқот эди... У сиз келдингизми ёки йўқми билмоқчи эди...

– Ёмон, ёмон... Биласизми, сэнсэй, нақадар ажабланарли бўлмасин, сиз ниҳоятда самимий инсон экансиз. Сизнинг башарангиздан ҳозир гапирганингизнинг тескариси уфуриб турибди. Ахир у сизга, гўёки мен тўполночи эканлигимни, касалхонадан чиққанлигимга атиги уч кун бўлганлигини айтди-ку, шундаймасми? Мана энди ҳаммаси тушунарли. Хотинимга бўлмагур нарсаларни тўқиши ҳеч гап эмас. Сиз, сэнсэй, – шу пайт у тўсатдан олдинга қийшайди, – унга ишонманг. Сизга оиласиздаги шармандачилик тўғрисида гапиришни истамасдим, лекин... Кўринишидан у жуда оддийгина аёл, менга ортиқча ташвиш тугдиряпти деб айтмаган бўлардим, аммо унда қандайdir ирсият билан боғлиқ... Сиз унинг

овозига эътибор бермадингизми? Бу товуш қандай-дир ноодатий...

– Ҳм...тўғри. Қандайдир шундай... чинқириқли...

Шу сониядаёқ у стол четига жуфтланган бармоқлари билан чертди.

– Яна ёлғон гапирияпсиз! Сиздан илтимос, сэнсэй, бундан буён мени асабийлаштирманг. Акс ҳолда менда худди каравотим тагида ола-була чивинлар ин қургандек ҳис пайдо бўлади. Сиз, албатта, менга эмас, рафиқамга ишонасиз ва бу жуда табиий, шундайми? Буни мен, гумондор тасдиқлаётган экан, демак ҳақиқатан ҳам шундай ва бу масалада чалтишингизга ҳожат йўқ. Ва сиздан илтимос қиласман, келинг энди жиддий гаплашайлик.

– Хўп, майли, келинг жиддий гаплашайлик.

– Шундай қилиб, биринчидан... – У қўлини кўтарди ва бармоғини букди. – Сиз менинг рафиқамга ишондингиз ва мени касалхонадан чиққан руҳий бемор деб ҳисоблайсиз. Шундайми?

– Ҳа, шундай...

– Давом этсак, иккинчи масала. – У иккинчи бармоғини букди. – Агар мен бу бўҳтонга қарамасдан марслик эканлигимни тасдиқлашда давом этар эканман... Йўқ, ҳеч қандай «агар»... Мен ҳақиқатан ҳам буни тўла қатъият билан тасдиқдайман! Майли, мени жинни деб ҳисоблай беришсин, мен ҳақиқатдан воз кечмайман! Даиллар – қайсар нарса, шундаймасми? Мен марслик эканлигим каби, мен ақддан озмаганлигим ҳам рад этиб бўлмайдиган даиллардир. Сиз эса, сэнсэй, буни тан олгингиз келмаяпти. Сиз шубҳалари билан эрининг жонига теккан ва у тўғрисида бегона одамларга фисқи-фасодларни тарқатадиган сотқин хотинимга кўпроқ ишонишингизни ҳаммага эшиттириб овоза қилишга уялмадингиз. Йўқ, сиз хотиним билан жинояткорона алоқадасиз деб гумон қилајпман демоқчимасман, менга рашкнинг ахлоқсиз хаёлпарастликлари умуман ёт... Шундай бўлса ҳам

ажабланарли... Бу ҳақда қанча күп ўйласам, шунча кам тушуняпман. Сиз ҳеч қачон күрмаган аёл овоздини умрингизда биринчи марта эшитдингиз ва бу овоз сизга рўпарама-рўпара ўтирган одам сўзларига қараганда кўпроқ нарсани англатади...

Унинг кўтарилган қўлларидаги бармоқдар шу қадар сиқилдики, суюкчалари оқариб кетди, бу муштада тер қайнаб кетган бўлиши керак. Ўт бикфорд сими орқали динамитга ошиб бораётган тезлик билан яқинлашаётганди ва мен ваҳимада сочилаётган учкунлардан қутулиш учун оёқни қўлга олдим.

– Тўхтанг, ахир ҳаётда романлардагига қараганда ҳам шубҳали далиллар бўлади, – гапга тушдим мен.

– Ҳақиқий воқеликда чинакамига ларзага солувчи нарсалар бисёр. Масалан, ўша учар ликобчалар...

– Учар ликобчалар?

– Ҳа-да, улар ҳақида, эҳтимол, келаси ҳафта охирларида хабар берсалар керак, сиз буни эшитасиз... Ёки мутлақо бошқа соҳадан мисол: Ҳимолай қор одами...

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Мана нима... Сиздан сўрамоқчиман: Америка кашф этилганга қадар мавжуд эдими? Сиз нима деб ўйлайсиз? Ҳамма томонидан қабул қилинган тасаввурларга кўра, Колумб Американи у кашф этилганга қадар борлигига ишончи қатъий бўлганлиги учунгина оча олган. Йўқ, афтидан, бу жуда жўн... Мен аслида нимани тасдиқламоқчиман? Фалсафа ёки кашф этиш билан мавжудлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтирадиган услубиёт... ўйлашимча, бу жуда мураккаб, чигал масала....

– Сэнсэй, биз жиддий гаплашишга келишиб олган эдик-ку.

– Албатта, жиддий-да! Айтайлик, сиз тўла маъсулият билан қор одам бор деб тасдиқлай олмайсиз, шундайми? Турган гапки, бунинг эҳтимоли катта, масалан бу, айтайлик, сизни ёки мени келгуси йили дунёning энг гўзал аёли сифатида танлашларидан

анчайин катта... Фақат бу нарса кашф этилгунга қадар унинг мавжудлигини эътироф этишга йўл қўйиб бўладими?..

– Нима, мен сиз учун қор одамманми? – бўғилди меҳмоним. У бирор нарсани қидираётгандек чўнтакларини қўли билан пайпаслади ва давом этди:

– Мени мазах қилишни бас қилинг. Менга шаллақидек қарашадиган бўлса, тоқатим тоқ бўлади... Ҳа, қаерда эди у, наҳотки уни ёддан чиқариб қолдирган бўлсам? Жин урсин, бошим айланяпти, ҳозир бурнимдан қон кетади...

У нимани қидиряпти? Бурнидаги қонни артиш учун дастрўмолчаними?

Шундай бўлса майли-я, аммо қўлларининг ҳаракатига қараганда у муайян шаклдаги нарсани изляяпти. Ажабланарли, ғалати... Мен жўшқинлик билан дедим:

– Шаллақи деганингиз нимаси? Шошилманг. Ўйлашимча, мени тушунмадингиз. Мана мен – банд одамман, шунга қарамай сизга шунча вақт ажратяпман...

– Чунки менга тескари бўлишдан қўрқасиз.

– Биласизми, суҳбатимиз худди соат капкиридек бир нарса устидагина чайқалмоқда...

– Бунга сиз айбдорсиз. Сиз сабабли мен бир қадам ҳам олға босолмаяпман, чунки сиз мени ақддан озган деб ҳисоблаяпсиз.

– Тўхтанг, бир дақиқа! Сиз ўзи мендан аниқ нимани хоҳдайсиз? Сиз мамнун бўлишингиз учун нима қилишим керак?

– Буни мен сизга айтдим. Сиз мен марслик эканлигимга... ҳеч бўлмаганда ана шу далилга тегишли қизиқиши кўрсатишингизни хоҳдайман.

– Бу ўз-ўзидан аён. Билсангиз мен мана салкам икки ийидан бери марсликлар билан ёнма-ён яшаяпман.

– Ўйлаб топилган марсликлар билан...

– Албатта Ўйлаб топилганлар билан. Лекин мен учун улар ташқи дунёдан кам бўлмаган ҳолдаги воқелик.

Сиздан гүёеки марслык эканлигингизни эшитиш мен учун қизиқарли бўлмади деб ўйламанг. Марслыклар мен учун энг яхши дўстлар ва ҳамсуҳбатлар.

– Демак, сизни фақат кўриниши менга ўхшаш бўлган марслыклар қизиқтирмайди. Чунки худди одамдек марслык сиз, сэнсэй, шу қадар яхши кўрадиган марслыкларга бирор ўхшаш жойи йўқ.

– Бу ўринда ҳам сиз мени тушунмадингиз. Сиз билганингиздек, менинг марслыкларим Ерда фарқлари кўзга ташланмайдиган қиёфада юрадилар. Агар ақлли мавжудотлар бошқа сайёralарда бўладиган бўлсалар, уларнинг бунга тафаккурлари етиши керак, шундай эмасми? Шу нуқтаи назардан сизнинг бу даражада эврилишингизни мантиқий мукаммаллик намунаси деб аташ мумкин. Сиз мен ихтиро этган марслыклар орасида етакчи мавқега эга бўлардингиз деб ўйлайман.

– Буни жиддий айтяпсизми?

– Албаттта жиддий. Эҳ, сигарета ўчишти, мен эса сезмапман...

– Агар бунга ишона олганимда, жуда мамнун бўлардим.

– Қўйсангиз-чи, сиз буни жуда қойилмақом қилиб уddaладингиз! Марслыкларимни шу даражада ўзгартиришга, масалан, менинг ақдим етмапти. Қанчалик синчиклаб қараманг, сизни сира марслык деб айтиб бўлмайди. Қаерда бўлманг, ҳеч ким сизнинг ҳақиқий башарангиз қандайлигини била олмайди.

– Шундай бўлса ҳам, сэнсэй, умидларингизни оқдамаганим учун узрларимни қабул этгайсиз... Гап шундаки, мен ўзимни мутлақо ўзгартирмаганман.

– Яъни бу сизнинг ҳақиқий кўринишингиз?

– Ҳа. Таассуфлар бўлсинким, агар мени кесишса, қоним оқади. Қизил қон, худди одамларникидек...

– Хўп, яхши, яхши. Буни кўнглингизга яқин олманг. Дейишади-ку, ноодатийликка йўл одатийлик орқали ўтади.

– Шунга қарамасдан умид қиласанки... – У кўзи-ни филай қилди, лабларини қисди ва тўсатдан, худди ниқоб алмашгандек, чеҳраси аввалги, дастлабки фаросатли ва нуфузли кўринишини олди. Унинг шу онгача бўлган – ваҳимали, тунд, шафқатсизлик акс этиб турган қиёфасини тасаввур қилиш ҳам мушкул эди. – Жуда ажойиб-да, – деди у. – Кўзим алдамайди-да... Ким-ким, лекин сиз, сэнсэй, албатта мени тушиунишингизга ишонардим.

Мен енгил тортиб нафас олдим. Эндиликда кучларимиз teng эди. Ақдан озган, агар у софизм<sup>1</sup> ўйинига қодир бўлса ҳам, бари бир ақддан озгандан бошқа кимса эмас. Сўз кўзбўямачилигида пиҳини ёрган мендек одам билан баслашиш осон эмас. Елкамдаги зил-замбил юкни улоқтириб ташлаб, серташвиш меҳмоним чўнтағидаги нарса билан боғлиқ масалани дарҳол ҳал этишга қарор қилдим.

– Сиз ҳадеб нимани қидиряпсиз ўзи? – сўрадим мен.

– Пичоқни. Менимча, уни ёддан чиқарганга ўхшайман.

– Пичоқ?

– Ҳа. Пичоқни доим ёнимда олиб юраман...

## 8

Қандайдир ноҳуш сезгирилик ўз иш столимга қарашга мажбур қилди. Бу менинг хатоим эди.

Қоралама битикларим дасталари тагидан аль-пинистлар пичогининг кенг дами совуқ ялатилаб кўриниб турарди. Бу пичоқ залворли эди – мен ундан пресс сифатида фойдаланарадим ва жуда ўткир эди – мен уни қайчи ўрнида ишлатардим. Зарурат туғилса, у ажойиб қурол вазифасини ўташи мумкин

<sup>1</sup> Софизм (юнонча «sophsma» – «ҳийла», «ўйдирма», «бошқотирма» сўзидан) – далил асосланганга ўхшаса ҳам аслида мантиқ этишмайдиган сохталик.

эди. Нигоҳимни дарҳол пичноқдан олдим, бироқ кеч бўлганди. Мехмоним ниҳоятда эпчил чиқиб қолди. Деярли якка-ю ягона ҳаракат билан у стулдан сирғаниб, столни айланиб, хонани кесиб ўтди ва пичноқ унинг қўлига тушди. Шунинг ўзиёқ мени беҳол қилиб қўйди.

Аммо мен тарафга ўгирилганда унинг башарасида ҳаяжондан бирор нишона сезилмасди. Шунисига ҳам шукр. У пичноқ дамини текшириб кўрди. Айни пайтда у ўзининг аввалги уятчан табассуми билан кулиб турарди. Афтидан, аҳвол мен хавфсирагандек расво эмасди. Ахир тирноғини тиши билан ғажийдиган болалар, тирноғини пичноқ билан олишга одатланган тентаклар бор-ку, бунинг нимасидан хавфсирайсан?

– Ажойиб пичноқ, – деди у. – Сопи ҳақиқий буғу шоҳиданми?

– Ҳақиқий.

– Уни бир оз вақтга менга бериб туролмайсизми?

– У сизга нимага керак?

– Ўлашимча, сэнсэй, биз жуда иноқлашиб қолдик. Чин сўзим, сизга миннатдорчилигимни қандай билдиришни билмай турибман. Ўзингиз биласиз, истакларимизнинг чегараси йўқ... Агар ўз сўзларингизни амалий иш билан исботлашни зиммангизга олганингизда сизга бошқа ҳеч қандай эътиrozим қолмаган бўларди... Сиздан ўтиниб сўрайман, сэнсэй, менга шу марҳаматингизни кўрсатинг, хўпми? Сиз билан руҳан яқинлигимизни исботланг... – Шундай деб у пичноқ дамидан ушлаб тортинчоқлик билан спинни менга узатди. – Жуда жўн иш. Бор-йўғи синааб кўриш учун тиқиб кўринг...

– Қаерга тиқай?!

– Менга-да, албатта.

– Аҳмоқона ҳазилингизни йифиширинг!

– Ахир мен марсликман-ку.

– Лекин ўзингиз айтдингиз-ку, агар сизни кесишса, қон оқади.

- Бироқ бу одамнинг эмас, марсликники бўлади.
- Майнавозчиликни йиғиштиринг!
- Жуда қизиқ-да... Ўз сценарийларингизда, сэнсэй, сиз дуч келган марсликни ўлдирасиз. Фақат менинг хотирамда бундай қотилликларнинг камидা икки юзтаси сақданиб қолган. Оммавий қирғинлар тўғрисида-ку гапирмай қўяқолай...
- Ахир бу фақат оғизда-ку...
- Ўйлашимча, бу ерда бошқа бир нарса бор. Марсликларни ўлдиришга мойиллик қонингизда, сэнсэй. Худди шунинг учун тасаввурингиз қандайдир юз оёқликлар, аждаҳолар, сўгалли шарлар ... жонли турун, сакрайдиган қум зарралари, шифтга сакрайдиган шилимшиқ маҳлуқлар каби даҳшатли нарсаларни яратади... Чунки уларни виждонни ҳеч қийнамай ўлдиравериш мумкин.
- Ёлгон! Сизга кўзга ташланмайдиган, одам пай-қамайдиган шаклларни танлашга ҳаракат қиласман деб айтдим-ку!
- Нима учун?
- Мен қора қаҳва билан алдамчи воқелик, алдамчи хотиржамлик аллалайдиганларни сийлашга ҳаракат қиласман.
- Урушқоқликка ундейдиган, қотилликка даъват қиласдиган қаҳвами?
- Сизга мижоз нима эканлиги маълумми? Тушунтиравериш жонимга тегди. Яхшилаб ўйлаб, чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўришга ҳаракат қиласангиз, англаб етасиз: мен ҳужум қилаётган деярли барча марсликлар аслида вужудимиздаги инсоний ёвузиликларнинг рамзларидир. Зеро, душман – фақат ва албатта ташқаридан ҳужум қиласдиган босқинчи эмас...
- Қулоққа хуш ёқади. Амалда-чи? Агар худди одамдек бўлмаганимда, балки сўгаллар билан қопланган баҳайбат шилимшиқ маҳлуқ бўлганимда бирор илтиносимсиз ҳам, сэнсэй, менга пичоқ билан ташланган бўлардингизми, шундайми?

– Ундейми, бундайми, фақат сиздан сўрайман...  
Илтимос, пичоқни жойига қўйинг...

– Қаранг-а, нақадар ҳийлакорсиз, сэнсэй! Яхшиси сизга арзимас илтимос билан мурожаат қилганлигими-ни эсланг. Марсликларни ўлдиришни ман этадиган қонун бизда ҳеч қаерда йўқ... Ташиб кўринишмидан хижолат тортманг, бунинг учун сизга ҳеч нарса де-йишимайди, шундай экан вижданни қийнамай ишга киришаверинг... – Шундай деб у беписандлик билан пичоқ учини биқинига қадади ва худди таклиф қила-ётганидек иккинчи қўли билан сопига урди. – Мана шу жойга яхши туширинг, тамом-вассалом.

– Мени тинч қўйинг!

– Тушунмаяпман... Сиз, нима, мени лаққа тушир-дингизми, мен эса хурсанд бўлишга шошилибман.

– Шошманг, – дедим мен беихтиёр столнинг қар-ши томонига силжир эканман. – Марслик сифатида сизга ҳақиқатан ҳам қизиқишим табиий. Лекин қи-зиқиши – бошқа, сизга ишонч эса – мутлақо бошқа. Қизиқишининг ишончга айланиш имконияти анча-йин узоқ мулоқот натижасида пайдо бўлиши мум-кин. Шошилиш бизга фақат зиён келтириши мум-кин. Мана шундай. Ўзингизни менинг ўрнимга қў-йиб кўринг...

– Сизнинг ўрнингизда мен дарҳол туширадим!  
– у қўлининг қўрқинчли ҳаракати билан пичоқни айлантириди ва сопини қисди. – Сиз, сэнсэй, ерлик эканлигинизга менда заррача шубҳа йўқ. Ва мен шуни қатъий биламанки, агар ерликни ўлдирсам, марсликларнинг қонуни бузилмайди.

– Бу мутлақо бошқа нарса. Қўшилувчиларнинг ўрни ўзгаририлганида йиғинди ҳамиша ҳам ўзгар-май қолмайди. Сиз доим бир чекдан иккинчи чек-ка отиласиз. Бундай қилиб бўлмайди. Дунёда фақат оқ билан қора мавжуд эмас, қандайдир ўртаси ҳам бўлади. Ва ҳар қандай келишув бевосита шу ўрта-дан бошланади. Англашимча, сиз келишувга интил-

япсиз... Сиздан илтимос қиласман, пичноқни бундай ушламанг! Қаранг қора терга ботиб кетдим. Эҳтимол, оқарыб ҳам кетган бўлсан керак. Менда кесувчи нарсаларга идиосинкразия<sup>1</sup> бор...

– Ҳа, ҳақиқатан... Сизни қўрқитиб юбордим шекилли... – У пичноқни оҳиста пастга туширди. – Демак, сэнсэй, ўйлаганимдан фарқли ўлароқ сиз – инсонпарварсиз? Мен томонимдан сизга марсликларни ўлдириш ёқади деб хаёл қилиш аҳмоқдик бўлган...

– Ҳа-да! Мухлисим менинг тўғримда шунчалик хато қилиши ҳатто ажабланарли... Пашибага ҳам озор бермайман дейишим лоф бўлар, бироқ ҳаётга руҳий ҳурмат билан қараашда ҳеч кимдан қолишмайман.

– Лекин қурт-қумурсқаларни ўлдирангиз керак?  
– Фақат зааррлиларини.

– Бу ерда нималар демадик, шундай бўлса ҳам ташқи қиёфам мени ўлдиришингизга халақит бермоқда. Агар мен, майли, қурт-қумурсқа, шилимшиқ махлуқ бўлмай, аммо терим, масалан, яшил ёки сиёҳранг тусда ёхуд қулоқларим уч қарич узунликда бўлса, мени қурт-қумурсқадек янчиб ташлардингиз, тўғрими?

– Сиз мени ҳақорат қиласиз, тушуняпсизми? Нима, бошқа гапингиз йўқми? Мен ҳамиша куч ишлатишга жиддий тарзда қарши бўлганман; агар ишонмасангиз, хотинимдан сўрашингиз мумкин. Ўн тўрт йил биргаликдаги турмушимиз мобайнида уни бор-йўғи уч марта дўппослаганман, бу бир марта калтаклаш тўрт бутун ўндан етти йилни ташкил қилишини кўрсатади. Эътибор беринг, бу индекс Япония бўйича ўртача икки йилда бир бутун ўндан тўртга teng. Шу жиҳатдан мен чинакамига намунавий инсонман. Қолаверса, қурт-қумурсқалар масаласига келсак, мен фақат чивин ва пашибаларни ўлдира-

<sup>1</sup> Идиосинкразия – организмнинг муайян нарсаларга кучли таъсиричанилиги билан боғлиқ реакцияси. Бу ерда – қўрқув.

ман, чумоли, суваракларни эса тўлалигича хотиним ихтиёрига қолдираман...

Шу жойда у кўзини ичкарига киритиб, бўғиқ ваҳимали кулишини бошлади. Агар у оддий одам бўлганида, ақдан озган деб ўйлардим. Бироқ у шундай ҳам жинни эди ва мен нима деб ўйлашни билмасдим.

– Мана буниси қойил! – кулги орасида хириллади у. – Демак, мени сўйиш учун хотинингизни юборса бўларкан-да?

– Бўлмагур нарсаларни гапирманг! Айтгандай, қурт-қумурсқаларга доир мисолим ҳақиқатан ҳам у қадар муваффақиятли чиқмаганлигини тан олишим керак. Сиз ҳамма вақт чекка ташланасиз, шунинг учун тилимнинг учидан чиқиб кетди. Ахир бу жуда жиддий масала. Биз одам ким эканлигини аниқдаганимиздан кейингина ишга киришишпимиз мумкин...

– Кераги йўқ, ташвишланманг. Ҳазиллашдим. Нега бундай дейсиз? – у кулишини тўхтатиб, нафасини ростлади. – Чин сўзим, сиз машгулотларингиздан шунча узоқ вақт қолдиришга изн бердингиз... Чинакамига роса маза қилдим... Жиддий суҳбат рух учун ажойиб машқ ҳисобланади... Айтгандек, мен учун бу ҳаётий тажрибани оддий машққа тенглаштириш кечириб бўлмас хато бўлур эди. Бу тажрибани янада бойитиш учун тегишли хотима талаб қилинади.

У ростакамига хайрлашмоқчига ўхшарди ва менга ҳатто хонадаги ҳаво тўсатдан ёришгандек туюлди, ўзимни эса таъриф қилиб бўлмайдиган даражада енгил ҳис қилдим. Ҳар хил бўлмагур гапларни вайсашни хоҳлаб қолдим, лекин ўзимни қатъий равишда тийишга мажбур эдим ва чарчаганимни атайин кўзкўз қилиб қизиқдим:

– Яна қанақа хотима?

– Сиз марслик эканлигимни аниқ ва ҳеч иккилан-масдан тасдиқлайсизми?

– Нима, яна ҳаммасини бошидан бошлаймизми?

– Асло. Сиз буни эътироф этишингиз билан тугаллаймиз.

– Сиз ниҳоят тушуниб этишингиз учун неча бор такрорлаш керак, ахир? Даилларсиз эътироф этиш ақида билан баробар. Майли, сиз марслик бўла қолинг, аммо сиз маъбуд эмассиз-ку, мени ишонтиришингиздан сизга қандай наф? Агар ҳақиқатан марслик бўлсангиз, буни тасдиқловчи қандайдир даилларга эга бўлишингиз керак. Шундай экан, мени ҳар нарсада айблаверишдан олдин, эҳтимол, далилларингизни тақдим этарсиз.

– Аммо бунинг имконияти йўқ. Аксиома исботлашни талаб этмайди, бу ҳатто оддий геометрия дарслигида ҳам қайд этилган. Даиллар ўртасидаги муносабатларнигина исботлаш мумкин, даилларнинг ўзини иботлаш эса кучукни кучук дейиш билан баробар. Ва менга, илтимос, «неча бор такрорлаш керак» деманг. Ўзингизни инсонпарвар деб атайсизу, ожиз одам билан қандай муомала қиляпсиз.

– Яхши, мен нима қилишим керак?

– Сиз менга ишонишингизни хоҳлардим. Чинакамига ишонишингизни. Жўнгина «ишонаман» деб ҳамма айтиши мумкин. Бу писанда, холос, бунақаси менга тўғри келмайди. Бу ерда ким агар Колумб Америка борлигига ишонмаганида уни кашф қила олмаган бўларди деётганди? Сизми, сэнсэй!

– Мен бундай демадим. Бунинг жуда нозик томонлари бор... Шундай бўлса-да, майли. Тушунарли. Мен энди ишонишга қарор қилдим. – Агар ишонмайман десам бу ади-биди соат капкири чайқалишидек давом этаверади. – Ҳа, мен ишондим. Сиз – марслксиз.

– Сизга раҳмат, – деди у бемаза спектаклдаги артист каби кибр билан. – Узоқ давом этган музокаралар самарасини берди. Мен ниҳоят Ер аҳолиси билан тенг ҳуқуқди музокараларда муваффақиятга эриша олдим. Сизга барча марсликлар номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

– Барча марсликлар номидан? Нима, ҳали бошқалар ҳам борми?

– Нима деб ўйлаётгандингиз? Қайси ирқ фақат биргина шахсдан иборат бўлиши мумкин? Аммо ке-чирасиз... Сиз ишонган экансиз, мен ҳамкорлигин-гизга умид қилишга ҳақлиман... Илтимос, пировардида кичик тестдан ўтишга рози бўлсангиз.

– Тестдан?

– Биласизми, мен сиз ҳақиқатан ҳам ишонган-лигизнинг далилига эга бўлмоқчиман. Яъни, аввал бошдаги, ақддан озган ҳамсуҳбатдан қутулиш учун баҳона эмас, аниқ далил керак. Ташибиланманг, бу менга пичноқ уриш каби ёвуз таклиф бўлмайди. Бошласак бўладими?.. Йўқ, йўқ, сэнсэй, қаерда турган бўлсангиз ўша ерда қолаверинг...

Шундай дер экан у столнинг нариги томонида, дे-раза билан эшик орасидаги жойни эгаллади, қадди-ни тиклади, секин чап оёғини олдинга қўйди, ўнг ел-касини тез орқага тортди, сўнг пичноқни тепага отиб, эпчилик билан дамидан илиб олди. Пичноқни елкаси устида ушлаб, ҳақиқий найза улоқтирувчилар ҳола-тини эгаллади.

– Бу нима? – лол қолдим мен. – Яна пичноқми?

– Ҳа, пичноқни ишлатиш менга қулайроқ. Қоидани тушунираман. Мен овоз чиқариб, ўнгача санайман ва «ўн» деганимда уни отаман. Қаёққа отишшимни айта олмайман. Эҳтимол сизгадир, сэнсэй, эҳтимол, яна нимагадир. Буни ўзингиз топинг. Кейин. Сан-ётганимда пичноқни отмайман, сиз эса, сэнсэй, нима-ни хоҳласангиз шуни қилишингиз мумкин. Сиз нима қилманг, мен эътиroz ҳам билдирамайман, қаршилик ҳам кўрсатмайман. Сизга ҳаммаси тушунарлимни? Менимча, қоидалар жуда аниқ ва оддий.

– Тушунмаяпман, бу ўзи сизга нима учун керак?

– Сиз бир қарорга келишингиз керак, сэнсэй. Мен – кимман? Марсликманми ёки ўзини марслик деб та-саввур қилаётган онгсизми? Пичноқни қаерга отишим

шунга боғлиқ... Агар марслик бўлсам, ташқи кўринишмнинг одамга ўхшashi сиз билан бизнинг руҳий бир хиллигимизни ҳам тақозо этиши шарт эмас... Бу ҳолда менга инсонпарварлик каби тушунчалар ёт ва мен мутлақо ўзга мафкура тарафдориман. Аммо мафкурам ерликларникига қараганда инсонпарварлироқ эканлигига умид юз имкониятдан элликта... Агар мен жинни бўлсам, марсликлар мафкурасини қандай тасаввур қилишимга қараб ёки зўравонлик қилиш тарафдори ёки бунга қарши бўлишим мумкин...

– Бироқ мен бу ушбу масала бўйича сира хulosса чиқара олмаслигимни англатади.

– Ҳа, масала шундай, жўн тарзда қўйиладиган бўлса, афтидан, бирор хulosага кела олмайсан.

– Кичиккина изоҳ берсангиз. Ўзингиз марсликлар ҳақида қандай фикрдасиз?

– Ҳеч қандай, ахир мен марсликман-ку.

– Бу бемаънилик-ку! – Бундан буёқ ҳаяжонимни яширмасликка қарор қилдим, чунки бефарқ бўлиб қолгандим. – Нихоятда мураккаб масала, мушоҳада юритиб кўриш учун ҳеч бўлмагандан уч кун муҳлат берсангиз...

– Агар ўзингизга ишонч бўлмаса, мен санани тугаллаганимча жуфтакни ростлашингиз, менга ташланишингиз, ўзингизни ҳимоя қилиш чорасини кўришингиз мумкин.

– Унда нима бўлади? Мана, сиз қаршилик кўрсатмайман дедингиз, лекин бунга қандай ишона оламан?.. Менга яна қандайдир имо беринг!

– Сиз ўз фикрларингиз кучини намойиш қилишингиз керак. Агар мен билан ҳалол муносабатда бўлган бўлсангиз, қўрқадиган жойингиз йўқ. Шундай қилиб, бошлиман. Тайёрланинг. Бир... икки... уч...

Келиши керак бўлган аёл қаёқда қолди? Ўттиз дақиқа ўтиб бўлгандир. Бу менинг сўнгти умидим эди ва соатга нигоҳ ташладим. Соат йигирма беш

дақиқа ўтганлигини кўрсатарди. Фақат сония миллари қутургандек жадал силжириди ва фикрларимни чигаллаштиради.

– Уч...тўрт... беш...

Меҳмоннинг бармоқлари пичноқнинг совуқ дамини тобора маҳкамроқ қисаётганди. Уларни мен худди ўзимнинг бармоқларимдек ҳис этардим. Ўйлаш кеч бўлган, фақат ички ҳиссиётга таяниш қолганди.

– Беш... олти... етти...

## 9

Ички ҳиссиёт... Бу ўй эмас, алдов, унда бирор жиддий нарса йўқ. Янчилган чаённинг талвасаси ҳам қандайдир ҳиссиёт. Ҳеч нарса қилмаслик кераклигини шипшигадиган ҳиссиёт ҳам мавжудлиги шубҳасиздир. Худди сеҳрлаб қўйилган, турган жоийимга қоқиб қўйилгандай, музлаган балиқдек қимир этмасдан бўлажак ҳаракатни кутган ҳолда пичноқни қисиб турган бармоқларга тикилардим.

– Етти... саккиз... тўққиз...

У анчайин секин, икки яrim ёки уч сония орагифида санаарди. Орамиздаги масофа ҳам яқин, нари борса уч метр эди. У санофини тугатмагунча пичноқни отмасликка ҳам келишиб олинганди. Шунинг учун азм қиласам, қарши ҳужумга ўтиш имкониятим бор эди.

Аммо ўйлаб қўрилса, пичноқни отмаслик шарти у мутлақо қаршилик кўрсатмайди маъносини англатмасди. Бундан ташқари пичноқни отиш уни ишлатишнинг ягона усули эмасди. Балким, мени тўхтатиб қолиш учун у бунга ишора қилгандир.

– Йўқ, бу мантиқий мушоҳадалар бирор наф бермайди... Шизофренияга<sup>1</sup> чалинган одамнинг расо фикрлаш қобилиятини эътироф этиб, мен фақат мағлубиятимни тан оламан. Менда барча кучим-

<sup>1</sup> Шизофрения – узлуксиз кечиш хусусиятига эга асаб қасаллиги.

ни тўплаб, тасодиф иродасига бўйсунишдан бошқа чора қолмаганди.

Шундан кейин...

– Ўн...

Шу ондаёқ стол тагига шўнгидим. Яна кўзимнинг қирраси билан «ўн» деганда меҳмонимнинг қўли пастга силтанганлиги ва пичоқнинг оқиш дами ҳавони кесиб ўтганлигини пайқадим. Кейин зарб товуши эшитилди – пичноқ учи қандайдир қайишқоқ нарсага бориб санчилди.

Миямда «тегди» ўйи ялт этди ва мен қаттиқ оғриқни кутган ҳолда ғужанак бўлдим. Лекин бу нима? Йиқилаёттанди полга урилган пешонам оғрирди, тиззаларим зирқиради... Бошқа ҳеч қаерим эса оғри масди ва очиини айтганда ўзимни ўлган деб ҳис қилмаёттандим...

Ҳа. У мени мўлжалга олмаган кўринади. Мана, у жаҳдимни чиқариб хахоламоқда. Жуда ноўрин кулги. Мен ҳадиксираб бошимни кўтардим ва рўпарамда – стол оёқлари орасидан стулни кўрдим. Ўша, эшик олдидаги. Стул суянчиғида сопигача санчилган пичноқ туарди.

Ўзимни ноқулай ҳис қилган ҳолда ўрнимдан турдим ва тиззаларимдаги чангни қоқаёттандек бўлдим. Мен ҳатто ўзимда овозим борича бўкирмасликка куч топа олганимдан бир оз фуурланардим... (Ўша онда бундай қилмаганлим учун ҳозир афсусланиш кеч. Ўз қадр-қимматинг, обрўйингни ўйлашнинг нима кераги бор? Кўрқоқ кучукдек увиллади дейишади. Аммо худди шу қўрқоқлиги билан кучук ўзига ҳужум қилинишидан ҳимояланади. Агар сиз бирор вақт мен билан рўй берган каби ҳодисага дуч келиб қолсангиз, фуурингизга эрк берманг, менинг аҳмоқгарчиликларимни такрорламанг. Бизнинг бебурд асримизда худди шу қўрқоқлик, эҳтимол, энг олий истеъодод, энг олий фазилат бўлса керак...)

Меҳмоним тантана қилганлиги сезилиб турган нигоҳини стул суянчиғидаги пичноқдан менга ва теска-

рисига ўтказаётганди. Кейин лабини чўччайтириб, кўзини қисиб деди:

- Жуда чаққон экансиз, лол қолдим.
- Бўлмасам-чи, – дедим мен қотиб қолган тилимни аранг айлантириб. – Хўш, нимага эришдик? Тестдан ўтдимми-ўтмадимми?
- Бунга тупуринг. Бундай тестлар умуман олганда бирор маънога эга эмас.
- Бирон маънога эга эмас!?
- Албатта. Чунки тест аввал бошдан бемаънилини аниқлашга мўлжалланганди. Табиийки, бемаънилини аниқлашга қаратилган тестлар маъносиз.
- Бу нима деганингиз?
- Эҳ, сэнсэй, сиз ҳақиқатан ҳам ажойиб инсонсиз...
- Э, сиз... агар сиз буни фақат ҳазил тариқасида қилган бўлсангиз...
- Тортинманг, марҳамат... эшитаман...
- Йўқ, аввал ўзларидан бўлсин!
- Ҳа, майли. Фақат аниқлик киритиш учун яна бир бор сиздан, сэнсэй, сўрамоқчиман: сиз менинг марслик эканлигимга чиндан ҳам ишонасизми?
- Жонимга тегдингиз. Ахир мен шу сабабли ҳам тестингиздан ўтишга рози бўлмадимми? Энди эса бунинг маъноси йўқ эди деб турибсиз... Ахир масъулиятсизликнинг ҳам бирор чегараси борми ўзи!
- Буни шунчалик жиддий қабул қилганингиздан жуда таассуфдаман... – У бошини елкаси томон тортди. – Сиз фақат мендан аччиқланманг, сэнсэй. Мен буни бирор ёмон ниятда қилмадим. Шунчаки спектакль жуда жозибали чиқди...
- Спектакль?
- Билсангиз, ҳозирги вақтда мол сотиш жуда мушкул иш. Радио ва телевидение орқали бериладётган рекламаларнинг нафи кам. Нима ҳам дердик, мақсад унга эришишга хизмат қиласидиган воситани оқдайди. Мижозда қандай қилиб таассурот қолди-

риш мумкин? Майли, яхши таассурот, ёмон таассурот – фақат кучли бўлсин. Аммо дори шундай таъсир қиласди деб ўйламагандим. Афтидан, бир оз ҳаддидан ошириб юборибман... Лекин сиз, сэнсэй, шуни билингки, мен ҳамма вақт сизга тирноқча зиён етказмаслигимга ишончим комил эди...

У стулга яқинлашиб, пичноқни суфуриб олди ва стол четига эҳтиёткорлик билан қўйди. Шундан сўнг икки бармоги билан ички чўнтагидан ташрифномасини олиб, менга узатди.

– Ниҳоят ўзимни таништиришга ижозат берсангиз. Каминангиз...

Ташрифномага қарадим. Унда қўйидагилар битилганди?

«МАРС» ЎЮШМАСИ  
ЕР МАЙДОНЛАРИНИ СОТИШГА  
КЎМАКЛАШИШ БЎЛИМИ ТАНАКА ИТИРО

Ташрифноманинг одатда манзил кўрсатиладиган чап бурчаги қандайдир ўткир нарса билан батартиб кесиб олинган эди.

**10**

– Нима, сиз оддий савдо агентимисиз?

– Тўппа-тўғри, – деди у майин табассум ила дастрўмоли билан тер босган бурнини артар экан. – Бўлим асосан реклама билан шуғулланади, бироқ қулай имконият туғилса, савдо битимларини ҳам амалга оширади.

– Аммо бу қуюшқондан чиқишдан ҳам ўтиб тушди-ку! – кутилмаганда танамнинг мушаклари қаҳрга тўлаётганигини ҳис этдим. Бақирмоқчи ҳам бўлувдим, овозим чиқмади. Заҳар ниҳоятда тез тарқалаётган эди, у томоғимни, бутун онгим каби фалаж қиласди. – Сизнинг уюшмангиз нималарни сотишини

билмайман, аммо бундай ҳолларга асло йўл қўйиб бўлмайди! Ахир бу фирибгарлик-ку! Шахсга қарши жиноят! Ҳозироқ турқингиз қурисин! Мен бандман! Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади!

– Ўтиниб сўрайман, сэнсэй, – ийманиб деди у. – Агар бундай ҳаяжонланадиган бўлсангиз, бу менга ҳам юқади. Мен жуда қизиққонман, буни сизга айтгандим...

– Бекорларни айтибсиз! Энди бунақаси ўтмайди! Қаранг-а, гоҳ у марслик эмиш, гоҳ тўполончи онгсиз... Билиб қўйинг, мен ҳеч ҳам сиз ўйлагандек бўшангмасман!

– Бу англашилмовчилик, сэнсэй... ўқинчли англашилмовчилик... Жуда ҳаддимдан ошганлигимни тан олдим-ку... Лекин бу ерда сизга айтганларимнинг ҳаммаси ҳам ёлғон эмас...

– Ҳа-да, Танако Итиро исмли марслик – бу ҳазил эмас, бу жуда жиддий! Агар сиз марсликман деб алдамаган бўлсангиз, сизнинг ташрифномангиз сохта. Наҳотки, ўзингизни оқлаш учун қилаётган уринишларингиз жуда хунук кўринаётганини сезмаётган бўлсангиз?

– Шундай бўлса-да ёлғон гапираётганим йўқ. Ҳақиқатан ҳам исмимга қараб мушоҳада қилинадиган бўлса, мен – оддий ерликман. Айни пайтда мен бари бир марсликман. Гап шундаки, мен – бўлажак марсликман, «Марс» уюшмаси мени Марснинг бўлажак фуқароси сифатида расман рўйхатга олган. Ахир сиз бир вақтлар Америкага кўчиб ўтган оқ танлилар ҳозир америкаликлар деб аталаётганидан ажабланмайсиз-ку. Ўйлашимча, Танака Итиро исмли марсликда ҳам ҳайратланарли нарса йўқ...

– Сиз муттаҳамсиз!

– Илтимос қиласман, сэнсэй... Сизни огоҳлантирганман-ку...

У бу сўзларни бетимга қадалиб, бошини елкасига тортиб ва худди оғриқча чидай олмаётандек лабла-

рини тишлаган ҳолда мудҳишилиги ваҳимали дара-жадаги товушда айтди. Бармоқларининг учи пичоқ сопига етди, кейин секин стол четида ўнг ва чапга сирпанди. Бу ҳатто унинг энг яхши кўрган найранги бўлса ҳам... Бироқ гўё нафас олиши тўхтаб қолгандек кўтарилиган елкалари... оқариб кетган, қонсиз лабла-ри... Қиёфасининг бундай ўзгаришидан қандайдир мудҳиши таҳдид сезилаётганди ва мен яна иккилана бошладим.

Аҳмоқона томошанинг юқори чўққисида – пичоқ отиш – ва дарҳол шундан кейин савдо агентининг пасткаш ташрифномаси... Бундай кутилмаган ўзга-риш кўзимни кўр қиласми аниқ. Хотинининг телефондаги огоҳлантиришини ҳам ёддан чиқариб бўлмайди. Агар марслик билан боғлиқ найрангни ҳий-лакорлик деб ҳисоблаганда ҳам бу найранг чинакам ақлсизликнинг меваси эмаслигининг далили қани? Йўқ, биринчи навбатда – эҳтиёткорлик ва мен яна ўз қобифимга кириб олдим.

– Эҳтимол, – дедим мен, – агар шу нуқтаи назарда туриб мушоҳада юргизиладиган бўлса, сиз ҳақиқа-тан ҳам мени фақат ёлғон билангина сийламадингиз. Марс аҳолиси рўйхатга олинаётган, хоҳдаган одам марслик бўлиши мумкин экан, ҳаммаси мантиқий бўлиб чиқмоқда.

Шу сониядәёқ унинг чеҳраси хира тортган кўзгу артилганидек, очилиб кетди ва у яна енгил тортиб, тез гапга тушди:

– Сиз ҳамма нарсани тушунганингиздан ниҳоятда хурсандман... Чин сўзим, фақат ёлғонни тўқиши хаё-лимда ҳам бўлмаган... Иш манфаати юзасидан баъ-зизда айрим муболагаларга йўл қўйишга тўғри келган бўлса ҳам ҳалолсизликка қатъиян қаршиман... Мен худди шу тафовутни таъкидлаш ниятида эдим...

Бундай беҳаёликдан яна аччиғим чиқди.

– Айтгандай, – дедим мен, – нима учун ташрифно-мангиздаги манзил ёзуви кесиб ташланган?

– Ҳа, буми?.. Ўзи шундай... Суҳбатимиз давомида бехудага хавотирланишингизни хоҳламагандим...

– Хавотирланиш? Нимадан?

– Ташвишланманг, кейин биласиз.

Яна алдов. Аммо эътиroz билдиришга уриниш – унинг тегирмонига сув қўйиш бўлади. У билан одамдек муносабатда бўлсанг, афtingга чангол солишига пайт пойлайди. Бу худди маймун билан дарахтда туриб олишгандек – голиб чиқишига бирор умид йўқ. Дарҳол чекиниш ва жанг майдонини рақибга қолдириш – энг оқилона қарор. Дам олмоқчилик, кресло суюнчигига ястандим, янги сигаретани тутатдим ва ҳамсуҳбатимни боши берк кўчадан олиб чиқишига уриниб кўрдим.

– Майли, айтганингиздек бўла қолсин. Ҳа, сиз менга қандайдир қизиқарли янгиликни айтмоқчийдингиз шекилли. Суҳбатимиз бошида ўшнга ўхшаш бирор нарса дегандек бўлувдингиз чамаси... ёки бу ҳам бир оз муболагамиди?

– Нимага бундай дейсиз, сэнсэй! Ҳар ҳолда сизнинг ашаддий ихлосмандингизман-ку. Олдингизга қуруқ келишига журъят этган бўлармидим?

– Унда бу қандай янгилик экан? – қизиқдим тутун ҳалқачаларини шифтга буруқситар эканман. – Сиз Марсда ер майдонлари билан савдо қилишни бошлаганингизми?

– Ҳа, бошладик. Агар сиз хоҳиши билдирангиз, марҳамат, курсанд бўламиш... Лекин ташрифим сабабининг бу савдо ишларига бирор алоқаси йўқ. Мен чин қалдан сизга бир хизмат кўрсатиш учун келдим.

– Ниҳоятда мамнунман... Агар тоқатимни тоқ қилмасдан, совфа солинган халтангизни кўрсатсангиз чакки бўлмасди.

– Таажжуб... Мен уни дарҳол кўрсатган эдим шекилли... Тушуняпсизми, ўзим – совфаман? Ўзим!

– Сиз?

– Нима, бу сизни қониқтирмайдими?.. Ҳа, айтгандай, мен муттаҳам бўлсам... Мендан бирор наф тегишига кўз тикиб бўлмайди, албаттa...

Унинг юзида акс этган ноумидлик шу қадар табиий эдики, мен вазиятни юмшатишга киришдим:

– Нима деяпсиз, нима деяпсиз! Буни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаганман. Сиз, масалан, жуда кучли таассурот қолдирасиз. Уюшмангизга сиз ҳақингизда энг яхши фикрлар билдирилган тавсифни бажонидил йўллашга тайёрман.

– Сиз, сэнсэй, ҳали ҳам тушунмаяпсиз... Ташрифим сиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини тушунмаяпсиз... Йўқ, тушунмаяпсиз. Мен деворга гапираётгандекман. Ахир баҳоингизни беш кўлдай биламан-ку, сэнсэй. Faқat баҳоингизни билган одамгина сиз учун мен ким эканлигингизни англаб етишга қодир. Тушунсангиз-чи, мен сизнинг садоқатли ихлосмандингизман. Қолаверса, мен оддий мухлисгина эмасман. Мана, қаранг, соат механизмига эга радиом бор... – У портфелини очиб, қўл радиосини менга кўрсатди. – Бу радио дастурингиз эшиттириши бошланган ондаёқ ёқилади. Электричкада кетаётган бўлмай ёки яёв юрмай ҳеч қачон дастурингизни ўтказиб юбормайман. Сиз менга кўп нарсани ўргатдингиз. Сиз хизмат фаолиятим учун руҳланишнинг құдратли манбай бўлдингиз. Энди кутилмаганда хавотирга тушиб қолдим. Афтидан, сизга жўшқин муносабатим мени жуда таъсирчан қилиб юборган кўринади. Мен эшиттиришларингизнинг мазмунин секин-аста муайян йўналишда муттасил ўзгариб бораётгандигини пайқаб қолдим. Ва бу, сэнсэй нохуш таассурот қолдирмоқда... Сезгим алдамайди. Охирги эшиттиришларда бу, айниқса, қулоққа чалинди. Аҳволингиз хавф остида... Агар чораси қўрилмаса, ҳозирги Марс ракетаси тақдирингизни тубдан ўзгарттириб юбориши мумкин. Сизга шундай туюлмаяптими, сэнсэй? Ё мен муболага қиляпманми?

Мен ларзага тушгандим. Оддимда ақддан озган ўтирибди деб ўйлаётгандим, у эса бирдан жароҳатларим ёриғига қўлини суқаётганди. Гапларини инкор қилишга журъатим етмади.

– Ҳм... ҳа... Буларнинг ҳаммаси студиямизда руҳи қашшоқлар ўтирганлиги учун содир бўлмоқда.

– Тўппа-тўғри! – у жунжиккандек бўлди ва томоқ қириб кулади. – Кўнглимга келгани тўғри чиқибди... вақтида келибман... Шундай экан, сэнсэй, бугунги эшиттиришингиз охиргиси бўла қолсин. Етар. Шундай истеъодингиз билан студиядаги ўша нодонлар йўриғига йўргалашга мажбур бўлаётганингиз қонимни қайнатади. Бу – истеъодни ҳақорат қилиш. Агар мен шундай ҳолатга тушганимда, дарҳол ишдан бўшардим.

У нақадар устамон руҳшунос эканлигига ўзимча ҳайратга тушдим, лекин кайфиятим баттар тушиб кетди.

– Менга кўрсатмоқчи бўлган хизматингиз шумиди? – сўрадим мен.

– Бу нарсага жуда юзаки қараманг.

– Бунга умуман ҳеч қанақа қарамаяпман. Аммо студиядан кетиш ҳам сиз тасаввур қилаётганингиздек осон нарса эмас.

– Ўзингизни яхши билмаганингиз учун шундай деб ўйлайсиз, сэнсэй. Оддийгина! Жуда ҳам оддийгина! Масалан... Айттайлик, сизга энг яқин нарсани олайлик. Романинавис бўлмоқчимисиз? Менимча, бу сизга жуда тўғри келади, сэнсэй. Радиодагидек тирноқ остидан кир қидиришлар ҳам бўлмайди. Нима дейсиз?

– Бекорларни айтяпсиз... – Беихтиёр кулиб юбордим. – Умримда ҳеч қачон роман ёзмаганман.

– Худди шунинг учун ҳам, – тантанавор эълон қилди у, – олдингизга келдим. Менга бир қаранг! Энди баҳоимни билиб оласиз...

– Албатта, ахир айтяпман-ку, ёрқин шахссиз деб...

– Бу мавҳум нарсаларни қўя туринг, сэнсэй. Романингиз учун зарур сиймо. Қаранг, ҳаммаси рисола-

дагидек бўляпти... Биринчи романингиз қаҳрамонининг прототипи, образ, мазмун, мавзу, фоя сиймоси – марслик рўпарангизда турипти. Бирон нарсани мураккаблаштириш шарт эмас, мени қаҳрамон сифатида олинг-да, бугун иккаламиз ўртамизда бўлиб ўтган нарсаларни қофозга туширинг, қарабсизки – ҳаммаси жойида бўлади. Ажойиб, бугунги кун руҳидаги пурмаъно роман чиқади. Хотимаси ўткир истеҳзоли маънога эга бўлишини тахмин қилиш мумкин...

– Сиз шу қадар мурувватлисизки, ўзимни нокулай ҳис этяпман. Бироқ романни ёзиш ҳолва, уни сота билиш ҳам зарур. Ўйлашимча, улгуржи харидорларни топиш мушкул бўлади.

– Бу ҳақда ташвишланманг. Марс сайёраси, албатта, ҳозирча фантастика, лекин «Марс» уюшмаси – ҳақиқий воқелик. Унинг туриш-турмуши – ишчанлик. Умуман олганда... – У яна портфелига қўл суқди ва бу гал бир даста қофозни олди. Уни қимматбаҳо нарсадек икки қўли билан эҳтиёткорона ушлаб турар экан давом этди: – Кечирасиз, бир оз кутилмаганга ўхшаяпти, аммо мен ҳеч гап очишга журъат этолмай тургандим... Ҳозиргача гапимиз бир жойдан чиқиб турган эди, буниси ҳам охири баҳайр бўлишига умид қиласман... Сэнсэй, бу – романингизнинг қўллёзмаси. Агар тажриба жараёнини қайд этиш керак бўлса, буни ким ёзишининг фарқи йўқ. Устига-устак бугунги суҳбатимиз ва қўллёзма мазмуни деярли сўзма-сўз бир хил. Аслини олсак, сиз, сэнсэй, ўз даврингиз учун хоссиз. Агар буни сиз ёзганингизда ҳам ўртадаги фарқ арзимас бўларди. Қисқаси, қўнглинигиз хотиржам бўлиб, буни ўз ижодингиз деб ҳисоблайверишингиз мумкин. Ҳўш, нима дейсиз? Ўзими ни ихлосмандларингиз орасида энг буюги деб аташ жуда фахрли.

– Лекин харидор топилемаса, сизнинг хайрли ниятларингиз совун кўпигидек учиб кетади.

– Мени шунчалик оми деб ўйлайсизми? Харидорингиз тўғрисидаги масала ҳал бўлган. Бу – «S. F. M» журнали. Мұҳаррир қўлёзмани ўқиб чиқди ва қойил қолди. У сиздан бошқа нарсани кутмаганлигини, радиода ҳам ноёб иш олиб борганингизни эътироф қилди. Шу туфайли қўлёзмангиз ҳар бир бети икки ярим иенага<sup>1</sup> баҳоланди, яъни сизга етакчи ёзувчилардек қалам ҳақи тўлашади. Бу ерда тўқсон уч бет, шундай қилиб, жами... э-э ... икки юз ўттиз минг яна икки ярим минг... Чакки эмас-а? Агар ойига шунақасидан уч-тўрттаси сотилса, ишдан воз кечишга арзийди... Ҳа, яна айтгандек. Романнинг номи. У «Худди одамдек» деб атала қолсин. Ажойиб ном, тўғрими?

Бу кутилмаган ҳужум эди. Аъло даражадаги, кутилмаган ҳужум. Тўғри, бу гапларнинг ярмигагина ишонардим, аммо шунинг ўзи ҳам мени ҳаяжонлантириб юбориш учун кифоя қилганди. Бироқ мен бу хўракка дарҳол ташланмадим. Қандай қарорга келишни билмасдан дедим:

– Айтайлик, биринчи роман – ўз йўлига. Кейин-чи? Кейингиларига ҳам харидор топилганда зўр бўларди.

– Ҳамма нарсада мени орқа қилаверинг. «Марс» уюшмасининг қўли узун. Умидларингиз алданмайди деган фикрдаман. Бизда ҳеч ким сизга бирор кўнгилсиз ташвиш келтириш ниятида эмас. Бироқ агар шу қадар ҳадиксираётган бўлсангиз, келинг, зиммангизга кичик бир мажбурият юклаймиз. Сиз бизга айрим хизматлар кўрсатасиз, масалан, вақти-вақти билан асарларингизда «Марс» уюшмаси, унинг манзилини қайд этасиз деган шарт қўямиз... Нима деб ўйлайсиз? Сиз хотиржам бўласиз, биз ҳисоб-китобларимизда буни уюшмамиз рекламаси учун харажатлар сифатида кўрсатишимиз мумкин. Бу ҳолда орамиздаги муносабатлар қарздор билан қарз берувчи-ники каби эмас, балки замонавий шартнома асосига

---

<sup>1</sup> Иена – Япония пул бирлиги, тахминан 85 иена 1 АҚШ долларига тенг.

қурилади ва бу ҳақда бошқа гап бўлиши ортиқча, нима дейсиз?

– Бу шу қадар нотабийки, ҳақиқатан бошқа гап-сўзнинг мавриди эмас.

– Яна бир гап, сиз учун тахаллус топиб қўйғанмиз, сэнсэй... Кода Саруеси. Ёқдими?

– Кода Саруеси? Менимча, ундан майнавозчиликнинг иси келиб турибди.

– Эҳтимол. Биринчи марта эшитганингда, ички қаршиликни ҳис этасан. Шундай бўлса ҳам чакки эмас деган фикрдаман. Аслида бу тахаллус билан норозилик ҳиссини уйғотиш кўзланганди. Агар бу номни бир марта эслаб қолсанг, кейин унутмайсан. Нима деса-дейишаверсин, бироқ биринчи таассурот ҳамма нарсани ҳал қиласи. Бунинг устига бизга бу тахаллусни электрон машина топиб берди. Қўяверинг, сэнсэй, ўйлаб ўтируманг, хўп деяверинг! «Худди одамдек»... Кимдан уяласиз, бу сизнинг – даҳо асарингиз!..

Бунинг сабаби тасаввуримми ёки бошқа нарсами, лекин бирдан гўё ниҳоят лойқа сув тиниб, ҳамма нарса ойдинлашгандек ва чигал ип учи ўз-ўзидан тошилгандек барча фам-ташвишлар йўқолди. Мен ҳатто озодликка чиқиши ҳиссини туйдим.

– Ҳа майли... Бу ҳолда ҳеч бўлмагандан ўша қўлёзмани қўрсатинг...

## 11

Тоқатсизлик ва қатъиятсизликдан қалтираётган қўлимни қўлёзмага узатдим, аммо кутилмагандан...

– Ҳей, шошилманг, бунақаси кетмайди! – деди у бирдан ўзгариб қолган сурбетларча оҳангда ва қўлёзмани олиб, қўлтифига суқди. – Типирчилайдиган гадойга кам садақа берадилар... хе-хе... Бу ерда сиз, сэнсэй, қовун туширдингиз.

Йўқ, шу заҳотиёқ унинг калласига гул туваги билан туширмадим. Пашибага ҳам озор бермайдиган инсонпарвар бўлганим учун эмас. Пичоқ ҳали ҳам унинг қўли олдида турганлиги учун ҳам эмас. Шунчаки, эшик тақиллатиб, хонага хотиним буюртма берилган европача чой олиб кирганлиги учун. Ўзўзидан тушунарлики, хотиним олдида жангга киришишга қурбим етмасди. Ҳаётимда ҳали бирор марта муштлашишда голиб чиқмаганман.

Афтидан, хотиним хонани тўлдирган тангликни ҳис этганди. Ҳатто идишларни узатаётган қўлларининг ҳаракати ҳам унинг хавфсираётгани ва бу ерда нима содир бўлаётганини англашга уринаётганини сездириб турарди. Бироқ меҳмон ҳеч нарса бўлмаганидек, унга оҳиста ўтирилиб, майин табассум билан деди:

– Раҳмат, жуда илтифотли экансиз... Қаранг-а, нақадар ёқимли ҳид... – У кимёвий тажрибалар ўтказилаётганда қилишадигандек, кафти билан елпиб, идишдан кўтарилаётган бугни бурни томон ҳайдай бошлади. – Сэнсэй эса худди ҳозир хаёл суряпти, ўйлашимча, тўғриси бу мутлақо бош қотирадиган масала эмас. Эҳтимол, сиз, рафиқа сифатида ўзингизнинг ҳал қилювчи фикрингизни айтарсиз? Биласизми, мен эрингизни Марсда ер майдони сотиб олишга кўндиromoқчиман...

Лекин бу ерда мен чекинишни хоҳламадим.

– Бунга сенинг алоқанг йўқ, – дедим хотинимга меҳмонни писанд қилмасдан. – Кетаверишинг мумкин.

– Кечирасиз, гапимни тушунтира олмадим. – У ҳам менга ён босгиси келмаётганди. – Биласизми, мен ер майдонларини сотиш бўйича агентман. «Марс» уюшмаси. Исмим – Танака Итиро. Сэнсэй Марснинг жуда билимдони бўлганлиги учун биз ташаббусни ўз қўлимизга олиб, унга марслекларга қўшилишни таклиф этишга жазм қилдик... Масалан, Тайтан канали атрофидан ола қолинг. Энг паст ҳарорат – саксон

даража совуқ, ажойиб жой... Ҳозир эса ер майдони сотиб олишнинг айни пайти... Бу ерга ёз мавсумида йўл оласиз... Бу болажонлар учун қандай қувонч келтиришини тасаввур қилинг...

Мен қутуриб кетдим. Мени камситганликлари етар. Бунга хотинимни нега аралаштиришади? Бироқ хотиним ҳам бўлган-бўлмаганга ерга уришларига қараб турадиган анойилардан эмасди. Бепарво, гўл оҳангда қизиқди:

– Нима учун сизни олиб кетишга келишмаяпти?  
Ахир ўттиз дақиқа ўтиб кетди-ку...

Ҳа, уйғоқ онг мана қандай жавоб қайтариши керак. Хотинимнинг сўзлари мени гўёки фирт мастиликдан уйғотгандек бўлди. Суҳбатлашаётган одамимни жиддий қабул қиласлик керак, холос. У бор-йўғи хаёллар ва фаразлар билан пуфлаб шиширилган ҳаво шаридир, қилиш керак бўлган ягона нарса – ундаги заҳарли ислардан имкон қадар нафас олмаслик учун шарнинг учини маҳкам ушлаб туриш.

– Нима, бирор ёққа отланяпсизми?

У ўзини хотинимнинг саволи гўёки ўзига қаратилмагандек кўрсатмоқчи бўлди, аммо бу уятсизлиги энди аҳмоқона туюларди. Хотинимни тинчлантириш учун унга имо қилдим, у ҳам имо билан жавоб қилиб, эшик томон йўналди. Шу ондаёқ меҳмон иккаламизни ҳам кўз ўнгидан қочирмаслик учун қулай бўлган жойга ўтди ва шиддатли сўз оқимини ёғдириб ташлади.

– Тушунишимча, сиз ҳам, сэнсэй, сиз ҳам, хоним, ҳали аҳволни етарлича ҳис этмаяпсиз. – У жуда тез гапиради, лаблари бутун юзи узра илон изидек ўрмаларди. – «Марс» уюшмасининг қудратини ҳеч вақоға олмаслик мумкин эмас. Уюшма ҳозирнинг ўзида Тинч океанининг жанубида Н. оролини сотиб олди ва у ерда улкан ракета базасини қуришни бошлаган. Инсониятнинг энг буюк ақли расолари бу ишда бизга бевосита ёки билвосита ёрдам қўлларини чўзмоқда-

лар ва биз билан ҳамкорлик қилмоқдалар, шунинг учун ҳар бир мамлакатда коинот соҳасида ўтказилаётган тажрибалар айни пайтда бизнинг ҳам тажрибалар ҳисобланади. Муваффақиятга эришишга оз қолди. Афтидан, яқин йиллар ичида оралиқ база – йўлдош қурилиши ниҳоясига етади, шундан уч йиллар чамаси кейин Marsga одам бошқарадиган ракета қўнади, сўнг Marsga кетма-кет ракеталар учира бошланади ва кўпи билан ўн йилдан кейин йўловчиларнинг доимий парвози йўлга қўйилади. Йўқ, биз сизларнинг кўчмас мулк билан савдо қилувчи муттаҳамлардан эмасмиз.

Балким, у гапини тугатишига изн берилса яхшироқ бўларди, лекин хотиним сўзини бўлди.

– Бироқ биз... – деб бошлади у. – Сиз бизга Венера да ер майдони таклиф қила олмайсизми?

Унинг афти томир тортишгандек таранглашди. У жавоб қилди:

– Кечирасиз, хоним, сизга «ерга мулк эгалиги ҳуқуқи» тушунчаси маълумми? Бизга тегишли бўлмаган нарсани қандай сотамиз? Ахир бу муттаҳамлик бўлади-ку!

Бу жойда хоҳласам-хоҳламасам хотинимга ёрдамга келишга мажбур бўлдим.

– Бу жуда адолатли, – дедим мен. – Аммо жаҳон давлатлари уюшмангизнинг Mars ҳудудига ҳуқуқи борлигини тан олганликларини негадир эшитмаганман. Қандай бўлганида ҳам бу болаларнинг харидор-сотувчи ўйинларига ўхшаб кетади.

– Болалар ўйини? Заҳархандалик қилмоқчига ўхшайдилар.

– Ҳечам. Шунчаки, Mars ҳудди Ой ва Антарктида каби халқаро назорат ва бошқаруви остида бўлиши керак.

Лекин меҳмоним ўзини йўқотиб қўймади. Айёрона кўзлари билан менга тез қараб, чойдан ҳўплади, дастрўмоли бурчагини лабларига босди ва бу сафар

сўзамол ваъзхон оҳангида зерикарли маслаҳатомуз оҳангда чўзиб кетди:

– Биласизми, сэнсэй... Ҳамма гап шундаки, ҳар қандай давлат – унинг шиорлари қанчалик баланд-парвоз бўлмасин – энг очкўз ва зиқна хусусий тадбиркордан юз карра амалиётчироқдир. Сизнинг радиодастурингизга кўра, сэнсэй, Марс жуда яқин ва унга бориш осон, бироқ давлат учун у аввалгидек атиги узоқдаги эртакча. Жўнгина қилиб айтганда, Марсни ўзлаштириш учун давлат бюджетидан беқиёс харажатлар талаб қилинади, бундан ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий наф эса зифирча ҳам эмас. Чиндан ҳам ҳозир нимага умид қилса бўлади? Нари борса – юмшоқ қўнишни амалга оширишни. Ҳар қандай ҳукуматнинг иши бошидан ошиб ётибди. Уларнинг Марс хусусида халқаро битим каби арзимас ишларга вақти топилмайди. Билмадим, сизга маълумми, сэнсэй... Очиқ денгиз тўғрисидаги қонунчиликда қўриқланадиган акватория<sup>1</sup> тушунчаси мавжуд... Уни қирқ бешинчи йилда балиқ ресурсларини сақлаш мақсадида кирилган эдилар. Ердаги денгизларингизга тааллуқли, аниқ фойда ва зарарларга бевосита алоқадор бўлмаган ягона халқаро битим сифатида ҳанузгача кўҳна «Кема қатнови эркинлиги тўғрисидаги декларация» сақланиб турибди. Ахир ҳозир ҳеч ким Тинч океанидан баллистик ракеталарнинг синов майдони сифатида фойдаланилаётганлиги ҳақида бирор нарса демайди-ку!

– Бироқ ҳар ҳолда Тинч океанини сотувга қўйиш мумкин эмас, тўғрими?

– Албатта, мумкин! Хоҳлаганингизча пуллайверинг, фақат харидор топилса бўлгани. Табиийки, сотув билан давлат шуғулланганида, бу халқаро ҳуқуқни бузишни англатган бўларди. Лекин давлатдан ташқарида бўлган, бирор давлат билан боғлиқ бўлмаган мутлақо мустақил ташкилот Тинч океани-

<sup>1</sup> Акватория – сув ҳавзаси юзасининг бир қисми.

ни остин-устин қилиб юбориши мумкин – буни унга тақиқловчи қонун мавжуд эмас. Уни нима учун жа-вобгарликка тортасиз? Денгиз босқинчилиги учунми? Имконияти йўқ... «Марс» уюшмасиз фаолияти-нинг соҳаси эса умуман коинотда, бу ердан юзлаб миллион километр узоқлиқда. У жаҳоннинг барча мамлакатларидаги энг йирик сиёсий ва молиявий корчалонлар, шунингдек, сиёсат ва молия соҳасида-ги энг етакчи мутахассислар томонидан бошқарила-ётган халқаро компания эканлигини гапирмай ҳам қўя қолай. Бу компания чинакамига универсал... Қолаверса, ашаддий очкўзлик, қўйилган сармояга мувофиқ ёғлиқроқ нимтани юлиб олишга интилиш, афтидан, унинг учун рафбат бўлмоқда. Унинг куч-қудрати ҳам шунда, чунки компания бирор давлат уддасидан чиқа олмаган ишга қўл урган. Бироқ у камчиликлардан ҳам холи эмас. Баъзан сармоя етиш-маслиги сезилади. Турли таассублар, тарафкашлик-лар халақит беради. Вазият шундай бўлиб қолдики, уюшма чакана савдо билан шуғулланишига тўғри келяпти. «Ёвузлик яратиш ҳаракатида эзгулик яратаман» – буни ким айтгани ёдимда йўқ. Мефистофель<sup>1</sup> эмасмиди? Қисқаси, Марсда етакчи роль уюшмага тегишли, у ерда компания ўзига хос муваққат ҳукумат ҳисобланади, шунинг учун сиз, сэнсэй ва сиз, хоним, худди океанда сузадиган кемага чиққа-нингиздек унга бамайлихотир ишонаверинг. Сизлар маданиятли кишиларсиз-ку, шундай экан, барча бе-маъни қайсарлигингизни, болалар ўйинига доир гап-ларингизни йиғиштиринг...

У бурнилари ёнидаги бурмаларга ўргангандан кулгини сифидирди, кафти билан иягидаги терни артди. Ҳалқачалардек тахланган лаблари балиқларникидек кеккайган ҳолда дўрдайди. У нима дейишимизни ку-тарди.

---

<sup>1</sup> Мефистофель – буюк немис адаби И.В.Гётенинг «Фауст» асари қаҳрамонларидан бири.

Биринчи бўлиб хотиним тилга кирди.

– Эҳ, анави ерда ҳамма нарсам куйиб кетадиган бўлди! – шошиб қолди у ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

«Ҳамма нарсанинг куйиб кетиши» «Марс» уюшмаси кўламларига қарши қўйилган эди. Бу яқъол қарама-қаршилик нақадар ажойиб эди, тўғри эмасми? Заҳарли парлар билан тўлдирилган ҳаво шари учини мана ким маҳкам ушлаб туриши керак эди! Хотинимнинг кутилмаган бу истеъоди мени лол қолдирди, мен ниҳоятда завқланиб кетдим.

Хотиним жуда усталик билан қутулган меҳмоним бир оз вақт башарасида қатъиятсизликни ифода қилиб турди. Мен унинг ўзини йўқотиб қўйганига яхшиси эътибор бермаслиқ керак ва хотиним кетидан чиқиб кетсам бўларди деган ўйга келдим. Ҳар эҳтимолга қарши ўзимни худди хотиним чақираётгандек қилиб кўрсатдим.

Ҳақиқатан ҳам хотиним коридор охирида кутиб турганди. У дераза олдида турарди, тик қоматида зўракилик сезиларди.

– Хўш, ҳаммаси яхшилик билан тугадими?

– Биласанми, у мени ўлдираёзди. У жинни бўлса ҳам барча масалада ўта устамон экан. Куракда турмайдиган, очиқдан-очиқ сафсатани бошлайди, кейин қарайсанки, бу сафсатадан чиройли суратдагидек аниқ ва равшан тасвир гавдалана бошланади. Масалан, ўша «Марс» уюшмасини олиб қўрайлик – агар сергак бўлмасанг, уни жиддий қабул қилиш мумкин, шундай эмасми? Нақадар ажабланарли бўлмасин, менда у зиёлилардан деган тасаввур пайдо бўлди.

– Жинни – жиннида.

– Ҳар ҳолда, ўйлашимча, у мулк ҳуқуқи, қўриқлада-надиган акваториялар каби ўз мушоҳадаларини тўқиб чиқаряпти дейиш адолатдан бўлмасди. «Марс» билан борлиқ ҳамма нарсаларнинг мантиқийлигини қара.

– Бўпти, бўпти, нима, сен уни ҳимоя қилишга тушяпсанми? Ундан сенга ҳам юқмадими ишқилиб?

– Ҳм... Биласанми, унинг маълум даражадаги ишонтириш кучига тан бермасдан иложим йўқ.

– Яхписи айт-чи, ваъда беришган экан, нимага уни олиб кетгани келишмаяпти?

– Ҳамма гап шунда-да! Энг асосийси, у шу қадар қизиққонки – қўяверасан. Бунинг устига пичоқни ишлатишга чапдастлигини кўрсайдинг!.. Сенга гапириб беришга улгурмадим, лекин бир неча бор жоним қил устида турганди. Аммо ростини айтсам, мен ҳам анойилардан эмасман...

– Тўхта! – ҳаяжон билан деди хотиним бирор нарсага қарор қилгандек. – Мен уни танидим!

– Нима деяпсан?

– Чой олиб кирган пайтимдаги унинг туриши... айниқса, кулиши. Янгишмаётганга ўхшайман... Унга бир неча марта зинапояда дуч келганман...

– Қайси зинапояда?

– Ўзимизникида-да албатта. Зинапоядаги майдончани супураётганимда у тепадан тушаётганди. Эҳтимол, у учинчи ёки тўртинчи қаватда яшаса керак.

– Негадир ишонгим келмаяпти. Анави аёл бошқа жойдан қўнғироқ қилгани аниқ. Агар улар шу уйда турсалар, қўнғироқ қилишнинг нима кераги бор эди? Тўппа-тўғри шу ерга келарди-қўярди. Яна ўттиз дақиқа кутиш... Қанчалик ивирсирама, бу уч дақиқадан ортиқча вақтни олмасди.

– Қандай ўйласанг ўйлайвер-ку, унинг бир балоси бор.

– Сен уни бошқа бировга ўхшатмадингми?

– У жуда ўзига хос гапиради. У билан сўзлашаётганингда юзи қимирлагани-қимирлаган.

– Нима сен ҳатто у билан гаплашганмисан?

– Фақат бир маротаба... У мен билан сўрашди, суғурта ҳақида гап очди, кейин хайрлашди... Ўзи суғурта ҳақидаги гапи ҳам қандайдир фалати бўл-

ганди. Шу қадар ғалатики, эслаб қолдим... Эмишки, унинг компанияси телбалик ҳолларини сугурталашга қарор қылганмиш, шунинг учун у аҳоли ўртасида бундай сугурталашни нима деб аташ ҳақида сўров ўтказаётганмиш. Бунинг учун иккита ном таклиф қилинаётганмиш: телбаликни сугурталаш ва соғлом ақлни сугурталаш. У бу иккисидан қайси сизга маъқул деган савол берди.

– Ҳақиқатан ғалати... Агар ўша одам у бўлмаганида ҳам улар ўртасида қандайдир ўхшашлик бор, бу – шубҳасиз.

– Хотини телефонда сўзлашганида овози қанақа эди? Сенда яқин-орадан қўнфироқ қилишаётганга ўхшаб туюлмадими? Овоз яхши эшитилдими?

– Биласанми, булар ёдимда йўқ. Ҳа, айтгандек аҳвол шунаقا бўлса... Унинг ташрифномасидаги манзил кўрсатилган жой кесиб ташланган... Агар айтишингча у биздан бир ёки икки қават юқорида яшаса, ҳамма нарса тушунарли!

– Тўғри айтаяпсан, худди шундай! – қизиқиб гапимни илиб кетди хотиним. – У биз рафиқаси қаерда яшашини билиб қолишшимизни хоҳдамаган, шунинг учун бу кичик ҳийлани ишлатган.

– Агар шундай бўладиган бўлса, хотинининг бошиданоқ бу ишларда қўли бор. Улар олдиндан бу кимса хонамда камида ўттиз дақиқа қоқкан қозиқ бўлишини келишиб олишган, бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Шунинг учун яна кутиш беҳуда. Энди ҳамма нарса ойдинлашган экан, дарҳол полицияни хабардор қилиш зарур.

– Йўқ, шошилма. Икки киши тил бириктириши учун улар ё телбалар, ё ақли расолар бўлишлари кепрак. Эр билан хотин якка-ю ягона телба фоя таъсирида девона бўлишганини тасаввур этиб бўлмайди, шу сабабли уларни ҳамма сингари одамлар деб ҳисоблашшимизга тўғри келади. Бирор важсиз оддий одамларни полицияни қўлига топшириш...

– Сабаби бор. Ва жуда муҳим. У уйимизга таклифсиз, куч ишлатиб кирди. Бу ўзганинг турар жойига ноқонуний бостириб кириш ҳисобланади.

– Нима деяпсан? Тўғри уни таклиф қилмагандик, аммо унинг келишига монелик ҳам қилмаганмиз...

– Чунки у гўё тўполончи деб бизга ёлғон гапиргандари учун!

– Бизнинг гувоҳларимиз ҳам йўқ... У ҳамма нарсани рад этаверади, бор-йўғи шу.

– Нима, бундан бу ёғига ҳам унга тоқат қиласверамизми?

– Биз унинг ақли соғлом эканлигига қарор қилган эканмиз, бу ердан қанчалик эртароқ туёғини шиқиллатса, шунчалик яхши бўлишига аниқ-равшан шама қилиш кифоя...

– Ақди соғлом эмиш! Наҳотки сўзсиз ақли соғлом бўлса! У шунчаки айёр муттаҳам, холос ва бошқа ҳеч ким... Марсда ер майдонлари, телбаларни сугурталаш... Бу безбет савдогар уни шу ердан тепиб қувиб чиқариб бўлмаслигини жуда яхши билади ва биз кўнмагунимизча бамайлихотир ўтиравериш умидида!

– Ҳай, ҳай, бунчалик қизиқма. Типирчилаган девоналарга садақани кам беришади... – Меҳмонимнинг бу сўзлари беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди ва ўша заҳотиёқ камситилиш аччиқ ҳиссини туйдим. – Сени жуда яхши тушуниб турибман ва кайфиятингни ҳам биламан... Йўқ, бу ҳақиқатга ўхшайди ва шундай бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бизда фақат билосита далиллар бор ва бирорта ҳал қилувчи, жуда ишонарлиси йўқ...

– У буни ҳис этиши керак эмиш... – Хотиним аччиғини босди ва деярли илтимоснома оҳангга ўтди:

– Агар сен унга гапирадиган бўлсанг, бундан бирор наф чиқмайди. Гапингнинг оҳанги у ёки бу тарзда журъатсизлигингни сездириб қўяди. У жойидан қўзғалмайди ва бари бир хоҳласанг-хоҳламасанг полицияга мурожаат қилишга тўғри келади.

– Сен ҳеч нарсаны билмайсан. Сен у билан якка-ма-якка гаплашмагансан, шунинг учун қандайдир илинжга умид қиласан. У нақадар сўзамоллигини ва пичоқни ишлатишда чапдастлигини бир кўргагингда эди!

Шу дақиқадаёқ, худди сўзларимга жавоб тариқасида, иш хонамдан қандайдир залворли нарса полга қулаганга ўхшаш бўғиқ «тақ» овози эшитилди. Айтгандек, «қулаб тушди» сўзи менга умид ёғдусидаги тасаввур томонидан шипшитилганди: одам ҳушидан кетиб йиқилса, товуш бўғиқроқ бўлади. Аниқроғи, одам бўйи баландлигидан қалин жиллар дастаси ўз-ўзидан қулаган бўлса керак деган ўйга бордим. Гарчи меҳмоним тўнтарилмаган бўлса-да, бари бир бирор кор-ҳол рўй берганидан саросимага тушдим. Хотинимнинг юзи эса тошдек қотиб қолганди.

– Ҳал қилувчи далил топилади, – деди у. – Ҳозир юқори қаватларни айланиб чиқаман ва ҳамма нарсани билиб оламан.

– Бунга ҳожат йўқ. Бу ўша одам эканлигини аниқдаш эса, афтидан, чакки бўлмасди. Унинг номи маълум – Танака Итиро, фақат пастдаги почта қутиларига кўз югутириб чиқса бўлгани.

– Бунинг фойдаси йўқ. Учинчи ва тўртинчи қаватларда яшовчилар нима учундир қутиларга ўз лавҳаларини илиб қўйишмаган. Ташвишланма, у ерда бор-йўғи икки квартира бор шекилли, мен ҳозир...

– Тушунсангчи, у аёл қанақа – ким билади. Агар хотини унинг шериги бўлса, афтидан, жуда шармсиз чиқиб қолиши мумкин...

Иш хонамдан яна ғалати – бу гал худди полда менинг картотекали қутимни ёки девор соатини судрашаётгандек узун, лекин юлуқ товуш эшитилди. Бу овоз нима эканлигини тушуниш қийин бўлганлиги учун у, айниқса, ваҳимали ва таҳдидли эди.

– Ҳа, буни бас қилиш керак. Ўзимизни хавф остига қўйишнинг ҳеч кераги йўқ.

– Ўзимизни хавф остига қўйиш?

– Бунга азм қилиш учун сурбетлиги етган экан...

У ўзини қандай тузоқ кутаётганини тасаввур ҳам қилмаган... ва ўшанда, масалан... – Ўзим ҳам нима деяётганигимни билмасдан, онгимда пайдо бўлаётган янги фикрга қулоқ тутган ҳолда бўлмағур нарсаларни вақиллардим. – Албатта, бундай нарса... ўйлашмча бўлиши мумкин эмас, бироқ...

– Нима бўлиши мумкин эмас?

– Айтмоқчиманки... Масалан, бу нусха қандайдир ўзини оқловчи далилни аниқлаш учун бу ерга келган бўлишини фараз қилсак... Телефонда хотинининг ўзи эмас, тасмага ёзилган товуши эшитилган бўлса... Магнитофон соат механизми орқали ёқилса... Англайсанми? У хотинини ўлдирган ва ўзини оқладиган далилни топиш учун...

– Бу ҳолда қанақа далил бўлади?

– Жуда осон. Агар у бизнинг эшигимиз остонасида турганида хотини тирик ва телефон қилган бўлса-чи.

– Йўқ, мен у ҳақда эмас. Соат механизми бўлган магнитофон қандай қилиб телефон рақамларини тера олади?

– Буям тўғри, – дедим мен бир оз ҳафсалам пир бўлиб. – Ҳақиқатан ҳам телефон орқали қўнфироқ қилиш учун кимдир рақамларни териши керак...

– Сени бир қусуринг бор – жуда ваҳимачисан. Ҳолбуки, қўрқадиган ва бош қотирадиган нарсанинг ўзи йўқ, ҳаммаси жуда оддийгина. Масалан, ўша аёл энди биз томон отланмоқчи бўлиб турганида қорни оғриб қолган, ёки уни кир ювиш машинасидан ток урган, ё эшигининг остонасида цемент полда сирғаниб кетиб, йиқилиб тушган...

Эҳтимол, ваҳимачидирман. Балким хотинимнинг тасаввuri этишмаётгандир. Ҳар ҳолда у билан жуда баҳслашгим бор эди, аммо оиласи тортишувлар вақти эмасди. Худди шу дақиқада иш хонамдан эшитилаётган шовқинни қулаш товуши босиб кетди.

Ҳамма белгиларга кўра телба қудрати намойишининг энг қизғин палласи эди.

– У хонада ҳамма нарсани остин-устин қилаётган кўринади.

– Тош ойна тагида гайка бурайдиган асбоб ётибди. Чўнтагингга солиб ол.

– Сен ҳам эҳтиёт бўл. Бўлар-бўлмасга ўчакишишма.

Хотиним менга бош иргади, ёқасини тўғрилаб, коридордан писиб кетди. Унинг орқасидан кириш эшиги ёпилишини кутиб, меҳмонхонага гайка бурайдиган асбобни олгани бормоқчи бўлгандим, тўсатдан тарақ-туруқ тўхтади ва ҳамма ёқ сув сепгандек бўлди. Мен дарҳол иш хонамга югурдим. Мени гўёки агар ҳозироқ, шу сониядаёқ бу кўп қиёфаликни жойида қўлга туширмасам, юзидаги ниқобини юлиб олиш имкониятини умрбод қўлдан чиқаришим мумкинилиги тоқатсизлиги қуварди.

## 13

Эшикни шартта очиб, остонаяга қадам қўйдим ва қатъий, даъваткор нигоҳ билан хонага қўз югуртиридим. Бироқ менинг жанговар руҳим шу заҳотиёқном-нишонсиз фойиб бўлди.

Тасаввурим гавдалантирган вайронагарчиликнинг бирор белгиси кўринмасди.

Меҳмоннинг ўзи ўша жойдаги стулда, тиззаларини батартиб керган ҳолда ўтиарди ва у яқиндагина қандайдир жадал ҳаракатлар қилганини мутлақо тасаввур қилиб бўлмасди.

– Оила кенгashi қандай қарорга келди? – қизиқди у. – Менда сизнинг, сэнсэй, рафиқангизга ишонса бўлади деган таассурот туғилди.

– Муғомбирликни йифиширинг, – дедим мен ниҳоят бир оз руҳий мутаносибликни тиклаб. – Ҳозир бу ерда қанақа қилиқ қилаётгандингиз.

– Ҳа, анавими?..

У бепарво бош иргади, кейин икки қўли билан сувяничиқни ушлаб, ўрнидан турмасдан, стул билан бирга аҳмоқона умбалоқ оша бошлади, бунда у ўз ўқи атрофида ҳам айланарди.

Шундай қилиб, йиқилиш товуши – товонининг полга тақиллаб тегиши экан.

Шундай қилиб, гўё ниманингдир судралиши – бу стулнинг айланәётганида оёқчалари билан полга тегиши экан.

– Бу менинг ихтиром – стул билан гимнастика... айни пайтда бу – Марс гимнастикаси. Марсда, биласиз, тортиш кучи анча кам ва мен ҳар куни шундай машқларни бажараман.

У стулида умбалоқ ошиб, ваҳимали тарақ-туруқ билан хонани кесиб ўтди ва дераза олдигача сакраб етди. Мен шошилиб, у ҳозиргина эгаллаб турган жойга ўтиб олдим. Бу, биринчидан, эшик ёнида, иккинчидан, пичоққа анча яқин жой эди.

– Марсингиз ҳам, гимнастикангиз ҳам жонимга тегди, – бақирдим мен. – Сиз яххиси... Келинг, ростига ўтайлик. Сиз биздан бир ёки икки қават юқорида яшайсиз, шундайми? Яширманг, энди ҳаммаси маълум. Ҳа-я, мана ташрифномангиз ҳам... Энди менга нима учун манзил кўрсатилган жойни кесиб ташлаганингиз мутлақо равшан!

У жавоб қилишига умид қилмаётгандим, фақат унга руҳий зарба бермоқчи, бир йўла эса ўзимни тинчлантиromoқчи эдим.

Меҳмон олдига, столга ташлаган ўз ташриф қогоғизга ҳайратланиб нигоҳини қадади. Кейин унинг елкалари беҳол осилиб қолди ва у стулида ёнига қийшайиб деди:

– Демак, сизга ҳаммаси маълум бўлибди-да?

Энди мен оғзимни очиб қолдим – у кутилмаганда шунчалик тез иқрор бўлди. У бир он ўзимни йўқотиб қўйганимдан дарҳол фойдаланиб қолди ва жавоб зарбасини берди.

– Буни сизга рафиқангиз айтдими? Ўзи хотинлар бошга битган бало.

– Бунинг сизга дахли йўқ.

Мен хужумни қайтармоқчи бўлдим, аммо унинг зарбаси мўлжалга теккан эди. Меҳмоннинг гапи оҳангидан у ўзим ва хотиним ўртасида қандайдир менга номаълум бўлган муносабатлар борлигига очиқ шама қилаётганди. Оёғимдан бошлаб бутун танам бўйлаб бирдан баландлиқдан қўрқишига ўхшаш ҳол-сизланиш ҳисси тарқай бошлади ва мен бутун кучим билан ўзимга ёпишиб олдим.

Фақат эътибор берма, хаёлан ўзимга-ўзим уқти-рардим, мувозанатни йўқотмаслик учун елкангни тут... Бу бор-йўғи сафларимизни пароканда қилиш мақсадини кўзлаган бўйтон, ўртамиёна тактик усул... Бу хўракка алдансанг бас ва биз дарҳол илмоқча илинамиз... Майли, фақат хотиним келсин, мен худди шу ерда, жойида уни фош этаман, жирканч ниқобини юлиб оламан...

– Ўйлашимча, сэнсэй, бу ерда тушунмовчилик бўлган. Рафиқангиз жуда ҳам шошилган. Чин сўзим, менда бирор ёмон ният йўқ.

– Миямни чалғитиши йиғиширинг... Хотиним тўғрисида ҳеч вақо дея олмайсиз. Аммо ўзингизнинг рафиқангизга келсак-чи? Ёнма-ён яшаймиз, қўшни-лармиз, ҳатто неча бор учрашган бўлишимиз мумкин ва бирдан у мени алдади! Шунчалик ҳам уятсизлик бўладими...

– Алдади? Менинг хотиним-а? – унинг қошлиари пешонасига ўрмалади ва бутун башараси чинакам, чуқур ҳайратни ифода этарди. – Бўлиши мумкин эмас. Тасаввур қилиб ҳам бўлмайди... Майли, буни қўя турайлик... Хотиним тўғрисида, сэнсэй, бошқа оғиз очманг, илтимос... Акс ҳолда сиз мени жуда хафа қиласиз...

– Ия, мен сизни хафа қиласман? Сиз у ёқда фитна уюштирасиз, одамларни лақиллатасиз, мен эса сиз

түўгрингизда оғзимни очмайми? Ҳайратланарлы уят-сизлик, ўзи тамфа босадиган жой ҳам қолмаган!

– Нега сиз шундай... Ахир сизга айтмовмидим? Ахир у телба-ку... Сизга айтгандым, сэнсэй, яхшироқ эсланг... Қанчалик аянчли бўлмасин, у жуда ақлдан озган.

– У эса сиз ақлдан озгансиз деб ишонтиради!

– Ҳа... – деди у хўрсиниб. – Таассуфлар бўлсинким, унинг бунга ишончи комил. Шундай экан, сэнсэй, ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг, биз – бир-биримизни ўзаро телбаликда шубҳа қиласидиган баҳти қаро эр-хотин, биз, сиз марҳамат қилиб таърифлаганингиздек, фитналар уюштириш ва бошқа нарсалар қилишга қодирмизми? – У бирдан жонланиб кетди.

– Бунга ақл бовар қилмайди... Чин сўзим, бу худди тушдагидек...

Софизм майнавозчилиги... Сўз ўйинининг ўзгариб бориши. Музлатилган балиқдек совуқ ва қотган тилимни аранг айлантириб дедим:

– Рафиқангиз нима учун ёлғон гапирди?

– Бас қилинг! Сизга айтдим-ку, буни эшитишни ҳам истамайман. Соддадил, Будда<sup>1</sup> каби пок аёлни шундай шубҳалар билан таъқиб этиш... Мен бунга чидай олмайман...

– Майли ёлғон гапирмаган бўлсин, лекин...

– Сизнингча, у нимани ёлғон деди?

– У сизни олиб кетиш учун ўттиз дақиқадан кейин келаман деди ва келмади. Ишонаверинг, бу шубҳа уйғотмайдими?

– Ваъда берди? У ростдан ҳам ваъда бердими?

– Ҳамма гап шунда-да. Сиз унга содиқсиз, сиз унинг барча буйруқларига итоат этасиз. У сизга ўттиз дақиқа қандайдир тарзда кўнглингизни ёзишни таклиф қилганида...

<sup>1</sup> Будда (санскритча – «хотиржам», «нурланган», «олий хақиқатга эришган» сўзидан) – жаҳондаги уч асосий (насрориий ва ислом билан бирга) динлардан бири – буддизм асосчиси Сиддҳархта Гаутама (милоддан авалги 623 – 544 йиллар) номи.

– Бу гапи рост. – У елкасини күттарди ва ўзини қитиқлашаётгандек ҳириングлади. – У нима демасин, мен ҳеч қачон гапини икки қылмайман. Үнга жуда раҳмим келади. Ҳар бир одам ҳамдардликка ва уни тушунишлари ҳуқуқига эга. Бунинг устига у менга кўлимдан келган нарсаларнигина қилишни буюради.

– Мен вақт ҳақида гапираётгандим...

– У ҳозир қанчага кеч қолди?

– Кеч қолди? Майли, кеч қолган бўла қолсин... Ўн беш дақиқа бўляпти.

– Бор-йўғи ўн беш дақиқа...

– Бор-йўғи? Сиз учун бу кўз очиб-юмгандек ўтганиги яққол билиниб турипти. Мен эса ўттиз дақиқадан кейин келаман деб яна ўн беш дақиқага кечикишадиган бўлишса баъзи шубҳаларга бораман.

– Мен эса ишонаман.

– Нима, сиз бари бир берилган ваъданинг устидан чиқилади демоқчимисиз? У, эҳтимол, ҳали сизни олиб кетгани келиши мумкинми?

– Албатта. Бўлмасам-чи! Кечикиш учун, афтидан, жиддий сабаб бўлган. Шубҳа қилган, гап нимада эканлигини билган заҳоти уятдан куйиб кул бўлади...

– Ҳар ким ўзига ёққан нарсага ишонади.

– Хўп, майли. Унда келинг, бизникига бориб келайлик. Қолаверса, сизга ҳамма нарса аён, сиздан бекитадиган нарсам йўқ. Рафиқамни кўрган заҳоти барча шубҳаларингиз шу ондаёқ тарқаб кетади. Кетдик. Кийинишнинг ҳожати йўқ, чунки бу шу ерда, шу уйда.

– Сабр қилинг. Ҳали сизга айтганим йўқ... Биласизми, ҳозиргина хотинимни яшаётган жойингизни кўриб келгани юбордим, у тез орада келади. Мен аввал у нима дейишини эшитмоқчи эдим. Шундан кейин биз ишонсак ёки иккилансан ҳам фикрларимиз узил-кесил бир жойдан чиқиши керак.

Бир оз вақт меҳмон менга олисдаги манзарапи күзатаётгандек тикилиб назар ташлаб турди. Агар у аччиқданаётган бўлса ҳам буни бирор нарса билан сездирмаётганди. Чап қўли билан ўнг қўли бармоқла-рини қирсиллатадиган даражада қисиб, бўғилган, ифодасиз товушда деди:

– Ҳаммаси тушунарли... Фақат бу сиз, сэнсэй, умид қилаётган даражадаги доно иш бўлдимикин?

– Қайси маънода? Сиз ўз хотинимнинг гапларига ишонмаслигим керак эди демоқчимисиз?

– Бу ерда мен унинг ақди, хусусиятларини муҳока-ма қилишга журъат эта олмайман, бироқ...

– Инсофли одамлар бундай қилишмайди... Сиз ўз рафиқангизнинг ҳамма ишларини оқтайсиз...

– Ахир мен асло рафиқангиз ёмон одам демоқчи эмасман. Аксинча, у жуда сезгир ва ниҳоятда ақдли аёл. Тағин жуда лобар. Фақат...

– Нима «фақат»?

– Шундоқ, мияга турли нарсалар келади... Ҳозирги пайтда одамга ишониб бўлмайди дейишади. Мен бунга қатъян қаршиман. Одамга ишониш осон. Бошқа одамни сенга ишонишига мажбур қилиш эса анчайин қийин. Мана ҳозир сизни, сэнсэй, менга ишонишиниз учун нажотсиз кураш олиб бормоқда-ман... Биз ҳамсуҳбатимизни ўз қаричимиз билан ўл-лашга одатланиб қолганмиз ва бундан асло тортинг-маймиз. Табиий эҳтиёткорлик – яқин кишимизни ўллаш учун ўз қаричини сақлаб қўйиш – қайсиdir саҳҳоф<sup>1</sup> дўконининг бурчагидаги эски китоблардек монор босиб ётиди... Шунинг учун ҳатто рафиқан-гиз сизнинг, сэнсэй, ақлингиз расолигига шубҳаси туғилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳам... Бўлгани бўлди, сизга ҳаммасини гапириб бераман... Фақат

---

<sup>1</sup> Саҳҳоф – букинист (французча «bouquin» – «қадимий китоблар» сўзидан)

күнглиңгизга яқын олмайсиз. Ўпкалашга ҳожат йўқ ва айблашга шошилманг...

– Бориб турганингиз майнавозчилик. Щубҳалан-маётган одамдан шубҳаланмасликни сўраш – ундан шубҳаланишни сўраш билан баробар.

– Ёқимли гапларни эшитиш мароқли. Зеро, шубҳа бевосита ҳақиқат ҳузурига кириладиган дарвоза ҳи-собланади. Бунинг устига рафиқангизда фақат биргина сиз тўғрингиздагина нотўғри тасаввур пайдо бўлмаган, сэнсэй. Ҳатто мендек мутлақо тасодифий одам ҳам унда ўзим тўгрисида нотўғри тасаввур уй-готиш бахтсизлигига дучор бўлдим. Рафиқангиз қайсиdir сабабга кўра... – шу жойда у олдинга энгашди ва овозини пасайтирди, – гўё мен суурта агентиман деган қарорга келибди.

– Ўзи шундай эмасми?

– Бўлмағур гап. Бу ишга мутлақо алоқам йўқ. Шунчаки, хотиним калласига буни жойлаб олган, унинг гапини эса иккита қилиб бўлмайди, у билан муомалада бўлганда сароб дунёчасига зиён етказмаслик учун нима деса «лаббай» деб туришинг, уни эҳтиёт қилишинг керак... Аммо рафиқангиздек одам жуда жиддий катта миқдорда пул бериб, телбаликдан суурта қилиш буюртмасини бераётганда кўз-кулоқ бўлиб туриш зарур...

– Телбаликни суурталаш?!

– Ҳа, телбаликни суурталаш. Бу ҳақда эшитганмисиз?

– Бу – фирт шаллақилик!.. Агар сиз бу бемаънилини хотинимнинг қулоғига қўймаганингизда, бундай аҳмоқгарчилик унинг хаёлига ҳам келмаган бўларди!

– Мен.. – у айбига тўла иқрор бўлгандек ғулдиради, – мен рафиқангизга буни гап орасида, ҳазил тариқасида айтгандим. У буни ростакам қабул қилишини тасаввур ҳам қилмагандим. Рафиқангиз, афтидан, руҳий-асаб хасталигига чалинган. Кутилмаган саволим учун афв қилинг, сэнсэй, лекин рафиқангиз сиз-

нинг ўта жанжалли хатти-ҳаракатингизнинг гувоҳи бўлмаганми? Бу унинг ҳадиксирашлари сабабига ойдинлик киритган бўларди. Ёки, эҳтимол, унинг томирларида шундай қон оқаётгандир...

– Оғзингизга келганини вақиллайверинг. Хотиним келган замон бу сариқ чақага арзимайдиган ёлғоняшиқларингиз шамол туриши билан чирт этиб узиладиган куз япроғидек учиб кетади!

– Ҳа, хотинингиз буҳроннинг ўзгинаси, – деди у ёдига бир нарса тушгандек, кулагидан чайқалган ҳолда. – Аслини олганда, ёлғизлик ва қондирилмаган ҳиссиётлар каби нарсалар бўхрон сингари одам қалбини шип-шийдам қиласди. Рафиқангиз менга мурожаат қилганида, дарҳол бу бўлмағур иш деган ўйга бориб, фикридан айнитмоқчи бўлдим... Мен, дейди у, эримни телбаликдан суғурта қилмоқчиман. Наҳотки, сўрадим ундан, эрингиз руҳий ҳолатидан шунчадан хавотирдамисиз? Бўлмасамчи, дейди у. Мен, дейди у, буни сўз билан тушунтириб бера олмайман, бироқ унинг туриш-турмишида аталадаги суюқдек қандайдир ғашлик борлигини ҳис қиласман... Шу ондаёқ хотинингизнинг оғзига урдим: ўта нобоп иш бўлди, дедим. Маълумингиз бўлсинким, ҳаётни суғурталашнинг шарти – жисмоний саломатликдир. Худди шундай телбаликдан суғурталаш учун руҳий саломатлик, яъни ақли расолик талаб қилинади. Сиз эса, дедим унга, ҳозир менга бу масалада шубҳангиз борлигини айтдингиз. Буни ўз оғзингиздан эшитганим учун, начора, бунга кўз юмиш компаниямга нисбатан садоқатсизлик бўларди. Айтайлик, кейин суд бўлса, қаёққа қочасан? Суғурта қилганинг учун мукофот олиш у ёқда турсин, фирромлик учун қамоққа тиқилишинг ҳеч гап эмас. Кувабара-кувабара<sup>1</sup>. Йўқ, тўхтантг, дедим, аввал эрингиз ақли расолигига ишонч ҳосил қиласлик.

– Шунчалик ростгўйлик!

<sup>1</sup> Илтижонинг бир тури, тахминан «Худо ярлақасин» каби.

– Ростгүй – хотинингиз. Аммо бу сұхбатдан кейин у, афтидан, ҳар куни сизнинг руҳий ҳолатингизни кузатиб юрганга үшшайди. Кутубхонада китоб титкилайди, касалхоналарга қатнаиди, руҳшунос врачлар гап-сўзларига қулоқ тутади... яқиндан бүён эса руҳий хасталикка дучор бўлганларнинг танишибилишлари билан яқинлаша бошлади. Лекин кулфатга қанча яқин бўлсанг, уни нигоҳинг билан қамраб олишинг шунчалик мушкул. Мен, дейди хотинингиз, эримни кузатаётганимда, шамол қуваётган булатни кўраётгандек бошим айланади. Ҳа, ақли расо билан телба ўртасидаги чегарани аниқлаш, афтидан, у қадар осон эмас... Айтгандек, ўзимдан, дуоларингиз бўлсин, хавотирдамасман, мен – шубҳадан истисноман ва энди эркин нафас олишим мумкин.

– Агар айтаётгандарингиз рост бўлса, мендан ҳам кўра хотинимни текшириб кўриш керак бўлади.

– Ўзингиз биласиз, бироқ... Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда тақдирга тан беришни маъқул кўрган бўлардим...

– Мен эса тан бермайман! – бақирдим мен столга мушт туширап эканман. Зарбдан пичоқ полга сакраб тушди, ўзим зарбдан титраб давом этдим: – Йўқ тан бермайман ва бу сиз ёлғонни тўқиётганингизни англатади. Сиз одамларни бахти қаро қилишда ноёб истеъоддага эгасиз. Биласизми, ташрифномангизни олингда, шу билан ҳаммасига нуқта қўяйлик. Сиз шунчалик ишонадиган хотинингиз бу ерга бари бир келмайди. Сиз менга қанчалик тихирлик қилсангиз, бу сизга шунчалик ярашмайди.

Кутганимдек, у хижолат тортиб столдан ўз ташрифномасини олди ва тўсатдан деди:

– Хотинимни қўя туринг. Бироқ сизнинг хотинингиз-чи, сэнсэй?

Шу заҳотиёқ ўзимни ёмон ҳис қилдим. Афтидан, ўн дақиқа чамаси ўтганди. Айтганча, меҳмонимнинг жонингни суғуриб оладиган гаплари мени шу

қадар жунбишга келтирган эдики, вақтни буткул ҳис этмай қўйдим. Энди эса дафъатан «тугади», бир онда «ҳали»га айланди. Дарҳол турли-туман хавотирлар ва тусмоллар бактериялар каби шиддатли кўпая бошлади. Мехмоним томонидан тайёрланган шамалар муҳитида мени ақл бовар қилмайдиган хаёллар чулғаб олди ва буни ҳақиқий воқелик сифатида тасаввур қила бошладим.

Руҳим қамишзорда чивинлар галаси билан курашаётгандек, ундан қўл-оёғи билан уқувсиз тисариларди, ўзимга-ўзим қатъият билан бир калимани уқтирадим: «Мен ишонаман... мен ишонаман... ишонаман... Бошқа бирор нарса бўлиши мумкин эмас...»

Мехмон зажигалкасини чиртиллатди ва унга ниманидир яқинлаштириди. Бармоқларида қизил шульали олов ўт олди. Бу «Марс» уюшмаси номи битилган ташрифнома эди. У ўт олгач, меҳмон қофозни кулдонга ташлади. Олов бир зум пасайди, кейин яна алантаглади ва энди ташрифномадан фақат кул қолганди.

– Ашёвий далилларни йўқотяпсизми?

– Маънисиз ўйинчоқ, – овоз берди у. Бирон нарса унинг юзини тундлаштиргмаган, чеҳраси ёришгандек туюларди. – Наҳотки, буларни жиддий қабул қилган бўлсангиз, сэнсэй?

– Бекорларни айтяпсиз. Мени ишонтиришга сиз жон-жаҳдингиз билан уриндингиз-ку.

У жавоб бермади. У худди ролини ижро этиб бўлган артистдек табассум билан менга таъзим қилди, кейин орқа томонидан портфелини олиб, қўлтифига суқди.

– Эҳтимол, бизникига борармиз? – сўради у. – Эҳтимол, сиз хотинингиздан хавотирдасиз.

– Демак, биз ўз камчиликларимизни тилга олмаймиз. Шу қадар катта кетиш.

– Боримиз шу.

– Хотиним деб сиз билан баслашмоқчи эмасман.

– Ножӯя айтдингиз.

У жиддий қиёфада имо қилди, ўрнидан тураси деб ўйлагандим, аксинча қулайроқ ўтириб олди. Кейин портфелидан яна бир даста қофозни олди, бирдан башараси ўзгарди ва менга қаҳрли тикилди.

Бу ўша қўлёзма эди. Мени азбаройи тамом қилган ва портлаш даражасига олиб борган «Худди одамдек» романи эди. Оғзимга фурмандининг нордон таъми ёйилиб кетди. Нимадир дейиш керак эди ва мен дедим:

– Бу нарса билан ташрифномангиз каби иш қилиб бўлмайди. Бу ерда ўчоқ йўқ ва у қадар ўнгай бўлмайди. Биз тутундан бўғилиб қоламиз.

– Бемаънилик! – бардам сўз бошлади у ва кифтидаги қўлёзмани силкитди. – У сафар бетакаллуфлик қилдим, айборман... Аммо сиз, сэнсэй, қўлёзма мазмуни билан танишиб чиқсан заҳоти лол қоласиз. «Худди одамдек»... Бу, албатта, ҳеч қандай роман эмас ва сизнинг номингиздан битилмаган. Аталиши ҳам ўзгача: «Инсон фожиасининг топологик<sup>1</sup> тадқиқоти»... Шундай қилиб, сэнсэй, «Марс» уюшмаси кулга айланган экан, муқаддима ниҳоясига етди деб ҳисоблаймиз ва асосий масалага ўтамиз.

– Нима, нима? Ҳали асосий масала ҳам борми?

– Ҳа, майли, агар «асосий масала» – жуда жиддий ном бўлиб туюлса, «масала ҳал бўладиган боб» бўла қолсин. Бобнинг ҳажми биз хотинларимиз келгунича қўлёзманинг танишишга улгурадиган қисми билан ўлчанади. – У бармоғига туфлаб, биринчи саҳифани варақлади. – Айтганча, ишонадиган одам учун вақт – ҳамиша лаҳза. У бир неча йил бўладими ёки ўнлаб йилларми – муҳим эмас...

---

<sup>1</sup> Топология (юнонча «topos» – «жой» сўзидан) – математика-нинг ўзгармайдиган шаклларни ўрганадиган соҳаси.

Бесўнақай ҳазилларга ажойиб мойиллик. Аммо мен мақбул жавоб топишга улгурмадим. Меҳмоним ўқишига киришганди.

У қўлёзмани кўз олдида ушлаган, товушига ифодалик бериш учун бошини орқасига ташлаган ҳолда баландпарвозлик билан қироат қиласарди:

*Хуфиёна топшириқ олган,  
Ўттиз икки вакил,  
Сўз айттолмай турар лол,  
Уларни майна қилишар,  
Телбаларнинг совуқ гўрига,  
Уриб-туртиб тиқишиар.*

У бу шеърни икки бор оҳиста такрорлади, сўнг театр саҳнасида тургандек узоқ тин олиб, сўз қотди:

– Бу – «Вакил саноси» деб номланади... Муаллифи номаълум... Шунга қарамасдан сермулоҳаза одамга шеърнинг мазмуни нимадан иборат эканлиги тушунарли, сэнсэй. Жумбоқ калитлари сатрлар узра бетартиб сочиб юборилган... Сирли ёзувда даҳшатли ҳақиқат яширинган... Хоҳласангиз, айтиб бераман, сэнсэй. Фақат сизга, аста-секин... Биласизми, бу вакиллар – ажабланманг – марсликлар. Улар олисдан, коинотнинг яйдоқ саҳросидан Ерга алоҳида топшириқ билан юборилган...

– Агар бу Марс ҳақида бўлса етар! – бақирдим мен худди алдаб оғзимга платмассадан ясалган пишириқни тиқишишгандек азбаройи бўғилиб. – Ҳозиргина сиз «Марс» уюшмаси кулга айланди деб ваъзхонлик қилаётган эмасмидингиз...

– Ҳа, «Марс» уюшмаси кулга айланди... Аммо бунинг унга мутлақо алоқаси йўқ! – У безор ўқувчилар кафтини чўғ билан куйдирган бўшанг ўқитувчи қиладигандек ҳовлиқиб, бармоқларини юзи олдида

силкита кетди. – Ҳозир мен гапираётганим, сэнсэй, ҳақиқий марслыклар ҳақида! Бу ерда яқында радио орқали юмшоқ қўниш ҳақида хабар беришганди... Мен ҳақиқатан ҳам худди ана шу сайёрада яшайдиган марслыклар ҳақида гапиряпман!

– Афтидан, сиз яна гўё марслик эканлигиниз ҳақида бекорларни тўқимоқчисиз, шекилли. Қўйсангиз-чи... Марслыклар – эски матоҳга айланди. Эскирди, чириди, қуриб йўқ бўлди. Бундай нарсалар ҳақида сиз билан ҳатто болакайлар ҳам суҳбатлашмайдилар.

– Хўш, нима қилиш керак? Далил далил-да.

– Далил? Қўйсангиз-чи, кулгимни чиқарманг. Ахир сизнинг турган-битганингиз – оддий японсиз.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Мен японликка ўхшайман ва бу – табиий. Сиз мени шундай деб биласиз ва бунга ҳеч ким эътироz билдира олмайди. Буни биз ўз аччиқ тажрибамиздан биламиз. Типологик ўхшашлик – бу марслыклар тушиб қолган иблисона тузоқ. Биз бу тузоқдан чиқиб кетмоқчи бўлдик, аммо бунинг уддасидан чиқа олмадик. Сиздан ўтиниб сўрайман, мен қанчалик қатъиятли бўлмай, марслик эканлигимга ишонманг.

– Илтимос қилмасангиз ҳам бўлади, шундай ҳам ишонмайман.

– Чин сўзингизми, ишонмайсизми?

– Албатта ишонмайман.

– Мен эса гапимда қатъийман. Мен – марсликман. Марс иттифоқи ҳукумати томонидан Ерга вакил қилиб юборилганларнинг бириман... Хўш, нима дейсиз, сэнсэй.

– Ундайми-бундайми, ишонмайман. Хуроса ҳам якка-ю ягона бўлиши мумкин. Бевосита сиз, бошқаларни таҳқирлайдиган ва ҳақорат қиласидиган сиз – ҳақиқий ва сўзсиз бориб турган телбасиз. Қўпол гапирганим учун узр сўрайман.

– Қаранг-а... Телба... Майли. Рафиқангиз қисматига шерик бўлишни танлабсиз-да, шундай эмасми?

– Бас қилинг! Бу боши берк күча тинкамни құритди. Иккимизга ҳам баҳсімиз чексиз давом этиши, аммо бундан бирор натижа чиқмаслиги аниқ-ку.

– Гапимни әшитинг, сәнсәй, сүнгти умидимни узманғ. Натижа чиқмаслиги, масалан, мен учун жуда катта ютуқ. Ишонишга мажбур қилиш қийин, бунинг үддасидан чиқмаслик машаққат, аммо топологик муҳаббат... Биз шубхага етиб келдік, ҳолбуки бевосита шубха – ҳақиқат сары әшик. Наҳотки, бизнинг бу әшикдан кириб, олға босишимизга құрбимиз етмаса? Ҳеч қандай боши берк күча йўқ, бунинг исботи мана, сәнсәй: ҳозиргина сиз мени телба деб атадингиз, бу илгари бўлмаган, келажакда ҳам бўлмайди.

– Агар ҳамма гап шунда бўлса, бунинг бирор янгилиги йўқ... Шунчаки рафиқангиз мени телефонда қўрқитиб юборди.

– Қўйинг, сәнсәй, бунақа тобелик сизга ярашмайди. Қўрқитиб юборди... Мана, сизга боши берк кўча – уни ўзингиз яратасиз. Аммо вақтимиз зик, беҳуда гап сотишни йифишириайлік. Илтимос, сәнсәй, биринчи бўлиб сиз бошласангиз...

– Нимани бошлай?

– Нимани? Сиз мени телба деб эълон қилдингиз. Мен эса ўз тарафимдан марслик эканлигимда қатъий турибман. Шу тариқа биз бир-бирига зид чизиқлар кесишадиган нұқтага эгамиз. Шундай экан, менинг шахсимгага аниқлик кирита оладиган бирор нарса бўлиши керак. Сизга, сәнсәй, топологик таҳдида ўз санъатингизни намойиш этиш имконияти бериляпти.

Ҳеч вақони тушунмайман. Суҳбат оҳанги, у йўқ бу йўқ, ўзгарди. Вақтни чўзиш учун сигаретани жўрттага уқувсизлик билан чекишга киришдим, кейин уни эзғиладим. Мени боплаб чув туширишганини ҳис этардим, аммо бу қандай рўй берганлигини тасаввур қила олмасдим. Ўзимни тамоман йўқотиб қўйгандим. Жирканчли, юраксиз, иродамга қарши илтижоли товуш билан қизиқдим:

– Кечирасиз, бу нима дегани? Сиз тез-тез «топология», «топологик» сўзларини оғзингизга оласиз... Бу соҳада бирор нарсадан хабардор эмасга ўхшайман.

– Бу даврий геометриянинг худди ўзгинаси.

– Афсуски, ўқиганим атиги шартли геометрия билан чегараланган, холос.

– Ундай бўлса, кечирасиз... Тамойили жуда оддий... Лўндагина қилиб, буни «Худди» математикаси деб атаб қўя қолайлик... «Худди одамдек»даги «худди». Эски математика, масалан, крикет<sup>1</sup> йўсими ва крикет коптоги каби буюмлар ўртасида тенглик белгисини қўйишни хаёлига ҳам келтира олмаган. Топологияда эса улар Беттининг бир ўлчамли рақами орқали гомеоморфли сатҳ сифатида аниқданади ва улар ўртасида тенглик белгиси қўйилади. Эҳтимол, бу сизга ажабланарли туюлар, аммо одамларнинг ҳиссий формулалари орасида бунга ўхшашлари қўп учрайди. Бошқа мисолни олайлик. Патир ва буханка нон. Топология учун улар Беттининг бир ўлчамли сонлари бўйича иккига teng бўлган сатҳлардир. Оддий одам учун патир – у доира ёки бошқачароқ шаклда бўладими – патирлигича қолаверади. Электрон машинада доира шаклидаги патирнинг формуласини таҳдил қилиш осонроқ. Итга эса, масалан, унга патир ёки буханка нон беришадими, у бутунми ёки бўлакланганми – бари бир, асосийси бир хил ундан ёпилган бўлса бас. Топологик ёндашув худди инсоний ёндашувни ёдга солади, шундай эмасми?.. Бошқа томондан, топология туфайли авваллари иккиланишларга олиб борадиган, қандайдир умумийоя бўлган «худди» ривожланди ва нозик мантиқий таркибга эга бўлди. Топологиягача бўлган математикада бундай тушунчада таркибининг ўзи бўлиши мумкин эмасди. Эндиликда «худди» билан ҳазилла-

<sup>1</sup> Крикет (инглизча «cricket» сўзидан) – майсали, овал шаклидаги майдонда йўсин ва копток билан ўйналадиган жамоавий спорт ўйини. Буюк Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларда кенг оммалашган.

шиб бўлмайди. Масалан, мен, у туфайли ҳозир ростакам кулфатга тушиб қолдим...

– Сиз, яхшиси, аёлларимиз...

– Гапимни охиригача эшитинг... Шундай қилиб, бу икки чизиқ – телба ва марсликни нима бирлаштиради? Куйидагича топологик тасаввур фикрга келяпти. Миясига ўзини марслик эканлигини қўйиб олган Ердаги телба...

– Бор-йўғи шуми?

– ... ёки миясига худди у Ердаги телба эканлиги қўйилган, ўзи эса миясига марслик эканлигини қўйиб олган марслик...

– Буларнинг ҳаммаси аҳмоқгарчилик! Шундай экан, топологиянгизга бало борми?

– Мен сизга нима дегандим? Бу шу қадар ҳиссий тасаввурни ёдга соладики, дол қолмай иложинг йўқ.

– Буларнинг ҳаммасини фақат ҳиссиёт доирасига сифдириб бўладими? Уни чексиз давом эттирадиган бўлсак... Миясига ўзини марслик эканлигини қўйиб олган Ердаги телба ёки миясига худди у Ердаги телба эканлиги қўйилган, ўзи эса миясига марслик эканлигини қўйиб олган марслик, Миясига ўзини марслик эканлигини қўйиб олган Ердаги телба ёки миясига худди у Ердаги телба эканлиги қўйилган, ўзи эса миясига марслик эканлигини қўйиб олган марслик...

– Етар. Агар сизнинг топологиянгиз ёрдамида бу калима қайтарилаверса, иш муваффақият билан туғашига умид қилиб бўладими?

– Топологиянинг моҳияти ҳам шунда-да. Агар биз, масалан, дастлабки муайян моделни тайёрлаб олсак, ихтиёрий равишда мураккаб усул билан даврий ҳолатини унга teng бўлган ҳар қандай топологик шаклга сола оламиз. Биз кўриб чиқаётган ҳолатда олдимизда «миясига ўзини марслик деб қўйиб олган ерлик» таркибий модели турибди. Келинг, бир уриниб кўрайлик ва бундан нима чиқишини билайлик. Ақлдан озган бу ерлик – яъни сизнинг, сэнсэй, тасаввуву

рингиздаги мен – аввал бошда бечора омадсиз кимса бўлган. Афтидан, шунинг учун унда воқеликдан қочишга мойиллик пайдо бўлган. Аммо қочадиган жойнинг ўзи йўқ, кармонида бир мири ҳам йўқ ва у эврилиш хаёлига борган. Кимга айлангани маъқул? Итгами? Кушгами? Ёки тошга айланиб қолсинми? Аммо жисмоний эврилиш фикри ўзига ёқмаган. Узоқ ва уқубатли ўй суришлар натижасида у пировардида тубдан ўзгармасдан эврилиши кераклиги ҳақидағи холосага келган. Бошқача қилиб айтганда, Худди одамдек бўлсину, айни пайтда одам бўлмасин... Масалан (шу жойда меҳмонимнинг овози шивирлаш даражасида пасайди), марслик бўлиб қолсин... Ҳа, Худди-одамдек марсликка айлансин... Бизнинг ерлик телбамизнинг топологик эврилиши шу тариқа ниҳоясини топди.

– Нима ҳам дердим, бунга эътиroz билдириб бўлмайдиганга ўхшайди...

– Ҳозирча бу моделни «марслик касаллиги» деб атайлик. Қарши эмасмисиз?

– Умуман олганда менга бари бир...

– Ажойиб... Бу ёғига ҳам қўрқмай менга ишонаверинг...

Унинг бу сўзлари мени яна ҳадиксиратиб юборди ва яна ноаниқ хавотирни ҳис этдим. У мени яна сезидирмасдан кўз илгамас тўрлари билан чирмаганга ўхшарди. У кўзбўямачи ва артист эканлигини биламан, уни четлаб ўтишга уринаман, бироқ, марҳамат, мана – яна саҳна олдида қоққан қозиқ бўлиб турибман. Бир вақтлар қайсиdir қишлоқ бекатида атторлик молларини харид қилишга даъват қилаётган бақироқни кўрганман. У харидорларни мол харид қилишга гўёки майда тошларни осмонга отиб, уларни иродаси кучи билан ҳавода муаллақ ушлаб туроилиши ҳақидаги бақир-чақирлари билан жалб этаётганди. Меҳмонимнинг қилиқлари шу фирт алдамчини эсга соларди. Ахир ҳавода муаллақ туриши мумкин бўлган тошларга қайси аҳмоқ ишонади? Ишонмайди

ва шунинг учун четлаб ўтиб кетмайди. Ишонмайман, ишона олмайман ва ишонишни хоҳламайман. Эъти-роз ҳисси ортиб боради, сен бепарволик ҳолатидан чиқасан ва ўз кўзинг билан ижрочининг юзи шувут бўлишига гувоҳ бўлишни қўмсайсан, унга эса худди шу керак – саҳнага отилиб чиқади-да оддингда рақсга тушиб кетади. Ҳа, хавотир қучли бўлганлигидан, афтидан, янгишдим, ўзимни ўзим чалдим. Ҳақиқатан ҳам шартларни ва эҳтиёткорликни вази-ят билан чогишириш керак.

– Марҳамат, шундай деса ҳам бўлади. Жуда одатий ҳол, ҳар қадамда учратиш мумкин...

– Энди, сэнсэй, сизга ўқиб берган «Вакил сано»-сига мурожаат қиласиз... – деди у йиқилган рақибга сўнгги зарба беришга тайёргарлик кўраёттандек ваҳимали, сокин оҳангда. Меҳмон қўлёzmани столдан олиб, тиззасига қўйди ва уни тирноқларининг учи билан оҳиста чертди. – Телба ерликнинг таркибий моделини тан олиб, сиз ўз-ўзидан «Вакил саноси» мазмунини ҳам қабул қилдингиз.

– Сиз нимага бир боғдан... бир тоғдан келяпсиз...

– Ундай эмас. Патирнинг ичига қараладиган бўлса ҳам патир патирлигича қолаверади. «Вакил саноси» ва марслик касаллигига дучор бўлганнинг таркиби топология нуқтаи назаридан бир хил.

– Сиз бу шеър ҳақида гапирияпсиз, у нима тўғридалиги эса мутлақо ёдимдан кўтарилди.

– Ҳозир худди шуни тушунтируммоқчи бўлиб турувдим. У ўзига хос криптограмма<sup>1</sup> бўлиб, тегишли тушунтириши берилмас, у ҳақда гапиришнинг маъноси йўқ.

– Тушунтирсангиз чакки бўлмасди. Шеърингиздан оғзим очилиб қолгани йўқ, сизга эса, ҳали айтганимдек, ишонишни хоҳламайман.

– Ҳечқиси йўқ, ишонмасангиз ишонманг. Агар менга ишонганингизда бундай сўқмоқлардан турти-

<sup>1</sup> Криптограмма (юононча «κρυπτός» – «сирли», «яширин» сўзидан) – матннинг маъносини яшириш маъносида қўлланиладиган маҳсус белгилар тизими.

ниб юришга ҳожат йўқ эди. Энди сиз билан масхарabolозлик ўйинини бошлаймиз. Кайфият шўх, марслик касалига чалинганинг кўзбўямачилигидан кўнгил очамиз. Бу нарсада юзим шарм бўлиб қолмайди, буни ваъда қилишим мумкин... Кечирасиз, синчковлик – фақат одамларга хос бўлган хислат дейишади. Аnavи ердаги нарса нима? – у бирдан бармоғи билан радио олдидаги шиша идишни кўрсатди. – Унда ширинлик сақлайсизми? Ёки ерёнгоқми?

– Йўқ, унга эски чипталарни солиб қўяман. Нимайди?

– Бунинг аҳамияти йўқ, мен шунчаки... Аммо рафиқангиизга нима бўлди? Тўппа-тўғри Марсга йўл олмадимикан? Майли, сабр қиласиз. Мен ҳатто аёлларимиз кечикаётганларини маъқуллайман. Чунки, билсангиз, сэнсэй, мен ҳали суҳбатимиз мавзусини охирига етказганимча йўқ...

## 16

– Ҳа, мен «Вакил саноси»ни битта у қадар одатий бўлмаган жойдаги у қадар одатий бўлмаган бино деворларини юваётганимда топиб олганман.

Меҳмоним ҳикоясини тин олмасдан давом эттирап, унинг юзида руҳланиб кетадиганларга хос, мен учун янги ифода пайдо бўлганди... Тиззасидаги қўлёзмани сиқаётган қўллари, стулга суянган ҳимоясиз гардани, гўёки табассум улашарди. Мен ўзимни ниҳоят тўр билан чирмашга муваффақ бўлганларини ҳис этардим... Даشتга бундай девор қуриш фақат мени тўрга тушириш учунмикан? Ахир мен... Энди «лаббай» деб туриш ҳам, ҳақоратлаш ҳам менга вазиятнинг соҳиби бўлишга ёрдам бера олмайди. У нима деяётганини иложи борича аниқ ёзиб олишдан бошқа чорам йўқ.

– Бу одатий жой эмасди, – давом этарди меҳмоним, – айтишпим мумкинки, бир руҳий bemорлар касалхона-

сидаги палата эди... Нима учун у ерга бориб қолган-лигим, нима учун деворни ювганлигим – бу саволларга жавоб беришни сизнинг тусмолларингизга ҳавола этаман... Аввалига бу ёзувлар эътиборимни тортмади. Бу митти жимжима белгилар телбалардан бирининг ажи-бужиларига ўхшайди деган хаёлга бордим.

Аммо «Ўттиз икки вакил» жумласи... Бу сатрга кўзим тушиши билан фавқулодда изтиробга тушдим. Мен ҳаяжонланиб шеърни қайта ўқиб чиқдим. Ҳа, шубҳага ўрин йўқ эди. Бу «ерлик касали»нинг белгиси бўлмай нима эди?

*Хуфиёна топшириқ олган,  
Ўттиз икки вакил,  
Сўз айтмолмай турар лол,  
Уларни майна қилишар,  
Телбаларнинг совуқ гўрига,  
Уриб – туртиб тиқишар.*

Хато бўлиши мумкин эмасди. Ниҳоят қўлимга далиллар тушганди. Ниҳоят, бизга бу қадар шафқатсизлик билан юқаётган «ерлик касали»нинг ҳақиқий сабабини аниқлагандим. Зоро, «Вакил саноси» «марслик хасталиги» билан руҳий беморлар касалхонасига тушиб қолган вакиллардан бирининг номаси эди. Бу даҳшатли эди! «Марслик хасталиги»нинг туб ўзгинаси бўлган «ерлик хасталиги»... Уни «топология неврози» деб атайман, эътирозингиз йўқми? Ва қуйидагини маълум қилишга ижозат берсангиз. «Вакил саноси»-нинг муаллифи охир-оқибат ҳақиқий «ерлик хасталиги»га чалинди... яъни Ердаги врачларнинг нуқтаи назаридан «марслик хасталиги»дан соғайиб кетди. Касалхонадан чиқиб, номаълум томонга йўл олди.

Шундай қилиб, жумбоқнинг қалити сеҳрли «ўттиз икки» рақамида... Нима учун бу рақам менга шунчалик таъсир қилди? Ҳамма гап шундаки, мен ўттиз учинчи вакил қилиб тайинлангандим ва Ерга «Сано»

муаллифидан кейин келдим. Бу ўттиз иккинчи талабалик йилларимдаёк дўстим ва қувноқ улфатим бўлган, у ҳозир қаерда эканлиги ва бошидан нима кечётганлиги ҳақида ўйласам юрагим увишади. У беҳудага жафо чекди деб бўлмайди, албатта. Чунки у қолдирган нома туфайли мен ҳозир ўзимга юклатилган вазифалардан бирини муваффақиятли бажариш имкониятига эга бўлмоқдаман.

Ҳа, бу шубҳасиз. Нома бор, номи мен томонидан ўйлаб топилган бўлса ҳам «топологик невроз» ихтирочисининг номаси бор... У ана шу ном билан асрлар хотирасида мангу қолади. Шунинг учун ҳам энг муҳим маъruzанинг биринчи саҳифасини ана шу шеърга ажратдим. Шараф ва шонни баб-баравар тақсимлаш керак.

Ҳа, бизнинг бу «Худди одамдек» романимиз амалда маърузам ҳисобланади. Бу – мен Марс ҳукумати эътиборига ҳавола қилишни ният қилган маъруза. Унинг биринчи қисми – далилларни баён қилиш ва таҳдил этиш. Иккинчи қисми – зарур тадбирлар репжасининг лойиҳаси ва муаллиф фикрининг баёни... Мисол тариқасида қуидагиларни эшитиб кўришни истамайсизми?

«Марс тақвими бўйича фалон йил, 2/3 мавсуми, давр 6, учинчи кун.

Анжуマンдан қайтиб келиб, хотиним бошига сабу-кинэни (Изоҳ: ширин хаёллар намойишчиси) қўндириб олгани ва завқ-шавқда эканлигидан хабар топдим. «Гапимни эшийт, – дедим унга. – Ўта муҳим янгиликлар бор. Ҳозир ширин хаёлларга фарқ бўлиш вақти эмас».

У жавоб бермади. Шунда мен ортиқча гап-сўз қилмасдан сабу-кинэни ўчириб қўйдим ва бошидаги қалпоқни юлиб олдим. «Нима қиляпсан! – бақирди у бўғилиб. – Мени тинч қўй!»

Шундан кейин мени кўздан кечириб, ажабланиб сўради: «Айтганча, нега куппа-кундуз ерлик кийими-

да сайр қилиб юрибсан? Ёки анжуман ўрнига томоша кўргани бордингми?»

«Янглишяпсан, – эътиroz билдиридим мен. – Ҳамма гап шундаки, бугунги анжуманд мени топшириқ билан Ерга юборишга қарор қилишди». «Наҳотки?» – ҳайрон қолди хотиним. «Бу ҳали ҳаммаси эмас, – давом этдим мен. – Шунингдек, мен билан сен ҳам кешишингга қарор қилишди». «Тўхта, тўхта... – бақрайганча валдиради у. – Бироқ Ерни тадқиқ этиш – жуда хавфли дейишади-ку!»

«Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Фақат шу нарса маълумки, кейинги ўн йил ичида у ерга ўттиз икки вакил юборилган, аммо улардан бирортаси қайтиб келмаган. Лекин бунга ерликлар айбдор деб ўйламайман. Улар худди бизга ўхшайдилар, шунинг учун уларнинг маҳлуқ ва ёввойи бўлиб чиқиши мумкин эмас».

«У ҳолда бирор даҳшатли касаллик бўлса-чи?»

«Бунақа назария ҳам бор. Раҳбарият, умуман олганда, буни истисно қилмаяпти. Лекин бу касалликнинг табиати ҳақида бирор тахмин йўқ. Уни фақат «ерликлар хасталиги» деб аташга келишиб олинди. Бизнинг топшириқча келганда, у қўйидагилардан иборат. Биринчидан, олдимизга Ерда савдо бекатимизни ташкил этиш тўғрисида музокара бошлаш вазифаси кўйилган. Менга бу жуда муҳим ва ўта шошилинч эканлигини айтишди, чунки у ерда яқин орада узоққа отиладиган ракеталар ишга солинган ҳолда ноқонуний безорилик ур-тўполони бошланиши мумкин. Иккинчидан, биз бедарак йўқолган ўттиз икки вакилимиз қаёққа ғойиб бўлганлигини аниқлашимиз, шунингдек, одамларни Ерга занжирбанд қилган «ерликлар хасталиги»нинг ҳақиқий табиатини аниқлашимиз зарур...»

«Бу менга ёқмаяпти, ҳаммаси жуда таажжубли».

«Бироқ бошқа бир назария ҳам бор – «ерликлар хасталиги»нинг сабаби ерлик аёллар эмиш. Ерлик

аёллар худди марсликлардек, фақат, эҳтимол, сал-пал фарқ қиласмишлар. Ҳамма гап ана шу «сал-пал»да эмасмикан? Шу вақтгача биз юборган вакилларнинг ҳаммаси эркак бўлганликларини ёддан чиқармаслик керак».

«Қандай жирканчлик!»

«Мана шунинг учун анжуман ҳамма ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда бу сафар жуфтликни – эркак ва аёлни юборишга қарор қилди. Менинг рақамим ўтиз уч, сеники, тегишли равишда, ўтгиз тўрт бўлади. Мана ерлик аёл либоси. Кийиб кўр, сенга лойиқмикан».

«Мавсум 2/3, давр 8, биринчи кун.

Салкам бутун бир давр ўтди. Каракт қилиш усули билан япон тилини ўрганиб олдик. Учиш куни келди. Биз хотиним билан тирик мавжудотларни мажбурий етказиш транспозитори (Изоҳ: тирик мавжудотларни қабул қилиб олиш бекатлари бўлмаган жойларга етказишга мўлжалланган маҳсус мослама) кабинаси-даги жойларни эгалладик.

Назоратчи аппаратурани созлаш бошланганлиги-ни эълон қилди, бу вақтда экранда борадиган манзилимиз тасвири пайдо бўлди.

«Ер... – деди назоратчи. – Токио, Япониянинг пойтахти... Кеч тун... Бошланғич мактаб ҳовлиси, атрофда бирор тирик жон йўқ... Халақит берадиган деярли ҳеч бир нарса йўқ, хавфсиз жой танланган. Дайди ит каби бирор нарса билан тўқнашиш эҳтимолини истисно этиш учун қўниш жойи тупроқ сатҳидан саксон сантиметрга кўтарилиган... Буни ёдда тутинг, эҳтиёт бўлинг, йиқилиб тушманг... Уч дақиқа қолди. Умид қила-манки, ҳеч нарсани ёддан чиқармагансиз...»

Унугдиган нарсанинг ўзи йўқ. Марс манзаралари туширилган бир даста сурат ва баъзи бир шахсий буюмлар. Ва яна япон иеналари. Айтишадики, Ерда пул ёрдамида ҳар қандай муаммони ҳал қиласа бўларкан.

Қизил чироқ ёниб, гравитацияга<sup>1</sup> қарши қурилма (Изоҳ: гравитацияга қарши қурилма ихтиро этилгун-

<sup>1</sup> Гравитация (лотинча «gravitas» – «оғирлик» сўзидан) – тортиш.

га қадар гравитация кучи таъсирида соф минерал жисмларни фақат транспозиция қилиш мүмкін эди. Тирик мавжудотлар эса кучли босим остида қолиб, бу уларнинг ички организмида қон қўйилиши ва ёриқлар пайдо бўлишига олиб келарди. Ноддан меъёргача ва тескарисига бир лаҳзалик гравитация сакрашлари космик ракеталар учир伊拉ётган пайтдаги каби оқибатларга олиб келарди. Гравитацияга қарши ёстиқ ихтиро этилгандан сўнг эса ҳатто Плутонга янги тухумларни ўз ҳолидек етказиш имконияти пайдо бўлди) ишга тушганлигини кўрсатди.

Гравитация деярли нолга тушиб қолди ва дақиқалар санашга ўтилди. Хотиним «Ўзимни ёмон ҳис этяпман...» деб ингради. Унга беш миллиграммли бензоциазепин аралашмаси суюқлиги киритилди.

Ўн сония қолди... Ниҳоят вақт бўйича силжиш бошланди (Изоҳ: транспозиция вақтнинг дискретлиги<sup>1</sup> таомойилига асосланган. Вақт узлуксиз эмас. Бу ижобий йўналишдан салбий йўналишга ва тескарисига уйғун ҳаракатда бўлган оддий, ўзига хос қувват тўлқинидир. Одатдаги шароитларда йўналишларнинг ҳар бирiga ўз воқеиликлари мувофиқ бўлади, бунда ижобий йўналишга бизнинг воқеилигимиз, салбий йўналишга эса муайян воқееликнинг акси мос тушади. Шунинг учун ҳам бизнинг воқеилигимизга мансуб кузатувчи учун вақт узлуксиз бўлиб туюлади. Вақт тўлқинлари модда тўлқинларига нисбатан бекарорроқ. Модда тўлқинлари ёруғлик тезлигига етгунга қадар барқарорлигини сақлаб қолади, кўп ўлчовли вақт тўлқинлари эса нисбатан осонлик билан бекарорлашади; бунда улар даврийлигини ўзгартирадилар ва даврийликда модда тўлқинларига нисбатан орқада қолиши ҳолатлари бўлади. Ана шундай ҳолларда оддий зарраларнинг пайдо бўлиши ва парчаланиши рўй беради. Транспозитор даврийликда силжишни сунъ-

<sup>1</sup> Дискретлик (лотинча «discretus» – «бўлинган», «узилган» сўзларидан) – узилиш, давомийликка қарама-қарши қўйилади.

ий равища яратишга мўлжалланган қурилмадир. Бу силжиш билан янгитдан бир-бирига мос тушиш орагифида вақтнинг ўзига хос туйнути пайдо бўлади. Буни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Силжишлар орасидаги бу туйнукка жойлаштирилган моддий жисм маконда бир онда хоҳдаган жойга етказилиши мумкин. Айтганча, «бир онда» дейилиши бир оз мавхумроқ. Вақт тўлқинларининг ўзида вақт ўтмайди ва транспозицияга ёруғлик тезлигидан ҳам юқори тезликдаги ҳаракатланиш сифатида қараш табиийроқдир).

Силжиш тезлиги тобора ортмоқда. Хотиним «Ўзимни ёмон ҳис этяпман...» деб инграшда давом этяпти. Иккаламизнинг ҳам саёҳат қилишга тоқатимиз йўқ, агар одатдаги бирbekатдан иккинчисига ўтишни ҳисобга олмагандан, мажбурий транспозицияга хос бўлган вақт бўйича силжиш тажрибасига эга эмасмиз, транспозиция бизда гўё юрагингни кирювиш тахтасида эзғилаётгандек ҳис пайдо қиласди. Ортиқча чидай олмаймиз. Менга танааларимиз худди бузуқ телевизор экранидаги тасвирга ўхшаб тасмаларга бўлаклангандек туюлмоқда.

Қизил, кўк, яшил чироқларнинг липиллаши, сонияларни санаётган назоратчининг овози – ҳаммаси лаҳза эшиги ортидаги зулматда фойиб бўлди, сингиб кетди. Ба биз бир-бирилизнинг қўлимизни ушлаган ҳолда бошлангич мактаб ҳовлисига шалоп этиб тушдик. Танамизга тушаётган оғирлик тасаввур доирасидан ташқарида. Кайфиятимиз тепага шиддат билан кўтарилаётган тезюарар лифтдагидек. Биз дарҳол мушакларга куч берадиган эритмани ичамиз.

Қанчалик таажжубланаарли бўлмасин, қилт этган шабада йўқ. Айрим олимларимизнинг гўё Ер – бухронлар сайёраси деганлари хато эканлиги ошкор бўлди (Изоҳ: Ернинг суратларида деярли ҳамиша улкан сув тўлқинлари кўриниб туради, шу сабабли ушбу сайёрада доимо шиддатли шамол эсади деган ҳовлиқма хуласа чиқарилган). Ердаги тун осуда эди.

«Сассиқни қара-я!» – ҳайқирди хотиним бурни-ни қисар экан. Эҳтимол, бу биз күп бор эшитган, аммо, очиғини айтганда, құламсалыги сезилиб турған «хүшбүй Ернинг ифори» бўлса керак. Бу тупроқда чувалчанглар, қумурсқалар ва бошқа жонзотлар, шунингдек беҳисоб тупроқ бактериялари чиқиндилиари мўллигидан далолат бериб турарди. Ерда сайд қилиб келгач, дарҳол қўлни ювиш ва томоқни чайиш зарур...»

## 17

– Бир дақиқа тин олинг, – муқаррар ғалаба нашидасини суриш иштиёқида жўрттага эзғиланиб дедим мен. Ичи қоралиқдан тилим эшиларди. Мехмонимнинг хариталари кифтимда турғандек эди. – Мен томондан ҳикоянгизни, яна айни қизиқ жойида бўлиш одобдан эмас, албатта, лекин... Тушунинг, бу кундалигингиизга, афсуски, ишониш жуда қийин... Афтидан, ўзингиз ҳам ишонишинг умид қилмаган бўлсангиз керак... Билсангиз, зиддиятлар. Ҳа, буни зиддиятлар деб атай қолайлик. Бу кундалигингиизда туб, ҳеч нима билан оқланмайдиган зиддият бор. Сезишимча, кундалик япон тилида битилган. Аммо нима учун? Агар сиз уни Марс ҳукуматига мўлжаллаб ёзган бўлсангиз, бирданига уни марсча битиш табиийроқ эмасмиди? Ёки, эҳтимол, марсликларнинг умуман ўз тиллари йўқдир?

Мехмоним лабини дўрттайтириб, қўлёзмасини яширмоқчи бўлгандек яшин тезлигида ҳаракатини қилди, аммо дарҳол ўзини қўлига олди. Юзи олдида ўрта бармогини кўрсатиб, шодон бидирлаб кетди:

– Атитобити кути ратта кутибири бири абиратти битиқути биридақкунорэти кути...

Бу фуладирашни аниқ ифода этганлигимга кафолат бера олмайман, бироқ у шундай – ёқимли тилёғламалик билан шивирларди. Мен бақрайиб қолгандим, у эса кўзини қисиб, япон тилида давом этди:

– Бу – марсча «Билишимча, бу сизни жуда ташвишга соляпти» деган жумла. Матнни маҳаллий тилда битишимга келсак, маърузам – маҳфий. У японча ёзилгани учун ҳамма буни «марс хасталиги»га дучор бўлган телбанинг алаҳдаши деб қабул қиласди ва унга аҳамият бермайди. Аҳмоқлик қилиб, марсча ёзганимда, қўлёзма дарҳол кўзга ташланган бўларди. Тиллар айнанлаштиришга мойил, бу қўлёзмани электрон машинада ўгириш – оддий иш. Майли, дум кўзга ташлана қосин, асосийси – бошнинг пинҳонлиги.

– Хўп, сиз айтгандай бўла қосин, – дедим яна мўлжални хато олганимдан жаҳлим чиқиб. – Лекин сиз худди шундан манфаатдорсиз-ку. Сиз бу ерга биз, ерликларни Марсда аҳоли яшашини тан олишга мажбур қилиш учун маҳсус келгансиз-ку.

Унинг юзи яна ниқоб кийиб олгандек бўлди. Менга юзининг териси суюкка ёпишиб қолганга ўхшаб кетди.

– Биз – урушқоқ ирқ эмасмиз, – тундлашиб деди у. – Биз бошқа ҳалқарга, биринчи навбатда, худди ўзимиздек бўлган ерликларга бирор зиён етказмасликка астойдил интиlamиз...

– Сиз нимани назарда тутяпсиз?

– Бу нарса маҳфий бўлганлиги учун у ҳақда оғиз оча олмайман, лекин... Сиз, масалан, қуйидаги ҳолатни тасаввур қилиб кўринг. Токиога ҳушсизлантириш санъатини эгаллаган хуфиёна жангари ташкилот аъзолари тўпланган ва бир вақтда ишга киришиш учун буйруқни кутишяпти, аммо уларни фош этишнинг мутлақо имконияти йўқ. Бу нимага олиб келади?

– Марсликларда бундай режалар бўлиши эҳтимолдан холидир?

– Албатта. Ва яна жангариларнинг бу гуруҳи олган топшириқ, айтайлик, бутун аҳолини бир вақтнинг ўзида аксиртириш ёки хомуш торттириш эканлигини тасаввур қилиб кўринг.

– Мана буниси – фирт бўлмагур нарса!

– Ошиқманг, ахир гап улар нима қилмоқчи бўлганларида эмас. Гап шундаки, одамлар улар орасида, ўзлари билан ёнма-ён, қўлга тушмайдиган ва ўзларидан фарқ қилмайдиган жангариilar борлигидан хабар топишлари билан бир-бирларига ишонмай қўядилар, бир-бирларини фош қилишни бошлайдилар, бир-бирларига туҳмат қилишга киришадилар ва охир-оқибат бутун мамлакат яширин полициянинг ҳақиқий уясига айланади. Пировард натижада бутун мамлакат кимдир аксириши билан қурт кемирган дараҳтдек қулайди. Биз марслеклар худди одамлар эканлигини тан олсак, ерликларнинг муқаррар ӯзүзини заҳарлашларига даҳлдор бўлишимиз мумкин.

– Бу ҳолда нима учун мени сафсатангизни тинглашга мажбур қиляпсиз? Сиз биз учун хавфли эканлигингизни билар экансиз, бундай гап сотмасдан бу ердан тезроқ, батамом туёғингизни шиқиллатмайсизми?

– Йўқ, бунинг иложи йўқ. Мен топшириқ олганлигимни унутманг. Мен савдо шартномаси тузиш учун мавжуд барча имкониятларни ишга солиб бўлмагувимча қайтиб кета олмайман.

– Тушунмаяпман. Ҳозиргина сиз билан алоқа ўрнатиш бизга зарар келтиришини уқтирмаётганмидингиз.

– Бўлмасам-чи. Бунинг икки йўли бор. Биринчisi: Японияни Марс иттифоқига қўшиб олиш. Шу тариқа японлар худди марслекларга ўхшаб қолмасдан, ҳақиқий марслекларга айланадилар.

– Бемаънилик. Бу босқинчилик-ку!

– Сиз шундай дейишингизни билардим ва гапингизга қўшиламан. – У кеккайиб, кўзини қисди, сўнг йўталиб, давом этди: – Бу муаммони ҳал этишнинг бошқа йўли ҳам бор... У шундан иборатки, биз умуман саҳнага чиқмаймиз ва ӯзимизнинг ерлик вакилимиз орқали иш юритамиз. Биз марслеклар Худди одамдек тушунчасининг тескарисига амал қиласиз. Бу bem'aънилик, бунга қўшиламан, бироқ ҳаммаси

умумий манзаранинг дилбар ва хайрли хаёлийлиги билан ўзини оқдайди. Фарб – бу Фарб, Шарқ – бу Шарқ, ҳамма тинч ухлайвериши мумкин. Ҳеч кимда ҳеч қандай эътиroz йўқ, тўғрими? Ва шу жойда биз асосий масалага етиб келдик. Сиздан, сэнсэй, Марс ҳукуматининг вакили лавозимига рози бўлишингизни илтимос қиласам бўладими?

– Беҳуда гап. Бу асло менга тўғри келмайди. Сиз одам танлашда адашибисиз.

– Марс билан савдо-сотиқнинг истиқболлари чексиз, ишга киришишингиз билан буни ўзингиз тушунив етасиз. Мукофот масаласига келсак, сэнсэй, уни радио эшиттиришлари, қўлёзмалар ва шу кабилар учун тўланадиган сариқ чақалар билан мутлақо солишитириб бўлмайди.

– Шунга қарамасдан, танлашда адашгансиз. Бундай вазифалар учун ажойиб мутахассисларни ташқи ишлар вазирлиги ёки ташқи савдо алоқалари вазирлиги каби жойлардан топа оласиз.

– У ерларда бўлганман. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, қалбим бизнинг «худди» дўстлик ва ўзаро англашув гарови эканлиги ҳақидаги анойилик билан тўлиб-тошган пайтларда бўлганман. Ва ҳамма жойда эшик оғаларининг муштларига дуч келганман. Эшик оғасининг хорижий ҳукумат вакилини дўппослагани дипломатик муносабатларни узиш учун киғоя қиласми...

– Менга ортиқча баҳо берганингиздан афсусдаман. Мен ҳам сал бўлмаса сизни дўппосламоқчи бўлгандим, бундан ташқари сизга ишонмайман ва ҳеч қачон ишона олмайман.

– Тўхтанг, нима деяпсиз...

– Фақат муносабатларимизни аниқламайлик. Сиз ҳамма вақт ожизлигимдан фойдаланяпсиз. Сиз билан умумий тил топишши учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қилганингизни билсангиз эди...

– Бўлмасам-чи, бўлмасам-чи... Сиз жон-жаҳдингиз билан менга ишонмасликка уриндингиз. Буни сез-маслигимнинг асло иложи йўқ эди. Тушунсангиз-чи, агар менга шунчаки бухгалтер-эксперт ёки устаси фаранг ҳисобчи керак бўлганида, бу муаммони аллақачон пул ёрдамида ҳал этган бўлардим. Лекин мен қандай қилиб бўлса ҳам бутун бошли сайёранинг вакилини топишим зарур! Вазиятни топологик баҳолашга қодир бўлган одамни! У, табиийки, ўзини худди марслукдек ҳис этиши керак. Ҳамма гап ана шундай англаш сифатида. Яна бир ўйлаб кўринг. Умид қилишимча, ҳар ҳолда тўғонингизда нина учидек бўлса ҳам тешик пайдо қила олдим. Кундалиknii ўқиши давом эттирамизми?

– Бир оз тўхтаб туриng Сизга яна икки оғиз сўзим бор.

Ўзимга имкони борича ҳужумкор тус бердим. Лекин қалбим тубида бу масала ҳақида гапириш истаги унчалик йўқ эди. Вақт тўлқинлари, модда тўлқинлари – чакки тўқилмаганди ва касбий рашк ҳиссидан ўзимни тизгинлай олмадим. Бу – фирт ёлғон эканлиги-га шубҳам йўқ эди, албатта. Меҳмоним бу атамаларни жуда табиий ҳолда қалаштириб ташлагани ишончимга зигирча ҳам путур етказмаганди. Рўпарамда ё ҳийлакор телба, ё телба ҳийлакор турарди. Аммо бу билан унинг алдамчиликда чинакамига тенги йўқ уста эканлигини сукут сақлаб тан олаётгандим. Ёлғонни йўл-йўлакай бу қадар батартиб ва силлиқ тўқиши ҳамманинг ҳам қўлидан кела бермайди. Агар марслик хасталигига учраган бу беморни фош қиласам, менга ҳужум қиласди, бунинг устига бу нафсони-ятимга оғир ботади... Шунинг учун шу шартмикан?

– Қулоғим сизда, сэнсэй. Бир нима демоқчими-дингиз?

– Кундалигингиздаги изоҳлар хусусида. Тушуншишмча, Марсдаги ҳукуматингиз учун бу транзисторлар ва бошқа нарсалар икки карра икки дегандек

нарсалар экан. Агар маъруза ерлик учун ёзилган бўлса, уларга изоҳ бериш Буддага ваъз ўқиши билан баробар. Сиз марслик хасталигидан қанчалик азоб тортманг, ерликнинг думи қаердадир кўриниб қолади. Ҳамдардлигимни қабул этгайсиз. Биласизми, ахмоқ қилиш санъати ҳар ҳолда баъзи кўникмаларни талаб этади.

Аммо меҳмоним тап тортмасди. У ҳеч нарса бўлмагандек деди:

– Изоҳлар сизга, сэнсэй, мўлжалланганди, албатта. Чунки сиз – ерликсиз, бироқ Марс вакили бўлсангиз, ярим марсликка айланасиз. Сизни ҳукумат хизматига тайинлашгандан кейин эса, бошлиғимиз бўласиз ва шунинг учун...

Ҳар гал шундай бўлади. У «Чап беришни хоҳловчилар учун – ҳамма нарса» ихтисослаштирилган магазини очганида савдоси жуда бароридан келган бўларди. Мен саҳрода сароблардан тинкаси қуриган йўловчилик ниҳоятда чарвоқ ҳис этдим, ҳаммасига тупуриб, узала тушиб ётиб олиш истаги туғилди ва дедим:

– Ҳа майли, тушунарли... Айтинг-чи... Мана бу гапингиз: «Дискретли вақт тамойили»... У қаердан пайдо бўлди?.. Сиз уни қаердан қазиб олдингиз?

– Бизнинг Марс институтлари учун қайсиadir ўқув қўлланмасидан...

Асаб тизимимнинг қаеридаидир қисқа тутатиш рўй берди. Куйган нарса ҳиди сезилди. Ҳиссиётларим волъметри стрелкаси сакраб кетди.

– Қўлёзмангиз жуда антиқа-да. Ҳеч тушуна олмаяпман: уни бола ёзганмикан ёки ҳазилкаш. Биринчидан, унда қиёфа тасвирланишига оид бирор нарса йўқ. Адабиёт муаллиф қиёфасини акс эттиради дейишади, асарингиз эса сизни ишониб бўлмайдиган кимсадек тўла-тўкис фош этади.

– Шундай денг? – у кўзини қисди, лабини ялади ва мамнун оҳангда давом этди: – Аслини олганда

бу... Рости, менга ноқулайроқ... истасангиз мен бир машхур романчининг услубига тақлид қилишга интилгандим...

Энди асабларимдаги барча ҳимоя қопламалари тутаб кетди. Теридаги аланга шуъласи жуғрофия харитаси каби нақш ҳосил қилиб, кенгайиб борарди. Бу яраларимни қанчалик жаҳл билан қашласам, рақибим учун шунча заиф жойларимни очишими билардим, лекин қашламасликнинг иложи йўқ эди.

– Яхши, бир масалада ён боса қолайлик, айтайлик, сиз, таъкидлашингизча, ҳақиқатан ҳам ночор аҳволга тушиб қолгансиз. Аммо сиз доимо ўзингизнинг заиф томонларингизни пеш қилишингиз, масалан, сиз – Худди одамдек эканлигинингизни қайта-қайта такрорлашингиз тажжубанаарли эмасми? Нима учун сиз ҳамиша зорланасиз? Нима учун ишончлироқ далиллар келтирмайсиз? Наҳотки, сиз тақдим қила олишингиз мумкин бўлган ягона нарса – танангиз бўлса? Биз, масалан, чет элга саёҳатга чиқадиган бўлсак, ҳамма вақт қандай совғаларни олиб кетиши ҳақида бош қотирамиз. Кундалик зарурат буюмлари қанчалар оддий бўлмасин, уларда буларни яратгандар маданияти белгиси қолади. Бу белгилар ҳар бир мамлакатда ўзига хос. Табиийки, сиз ҳам йўлга отланишдан аввал бунинг ғамини еб қўйган бўлсангиз керак.

– Бу худди шундай бўлганди, албатта... – У мўмин-қобил боладек нигоҳини четга олди ва бурнини ишқалар экан, давом этди: – Шахсимизни тасдиқлашнинг энг осон йўли – сизларга транспорт воситамизни кўрсатиш бўларди. Лекин, афсуски, бизнинг транспорт воситамиз – қабул қилувчи бекат билан жиҳозланмаган мажбурий транспозитордир. Мен сизларга уни кўрсатган бўлардим, бироқ транспозитор қиёфага ҳам, шаклга ҳам эга эмас. Мен бу масалани қўмита билан муҳокама қилганман, биз ўзимиз билан айрим буюмларни олгандик, лекин бу беҳуда

экан. Нима десандың деяверинг, аммо ерликлар – жуда улдабуро, улар ҳатто қалбаки пул ясашни ҳам болашади. Очигини айтганда бундан ҳайратта түшдим. Биздаги ҳамма нарса – түгмачали сув қувури жүмраклари, электр үқалаш асбоблари, янги урфга кирған стуллар, аёллар-нинг юқори қисми очиқ чүмилиш кийимлари – булар-нинг барчаси сизларда ҳам бор...

– Тилга олган бу нарасаларингизнинг ҳаммаси Марсда ҳам худди шундайми?

– Аввалига мен ҳам бу тасодифий ўхшашлик деб ўйлагандым. Бироқ ўхшашлик фақат шактада экан, фойдаланиш усули эса сизде мутлақо бошқача. Масалан, түгмачали сув қувури жүмраклари Марсда почта маркаларини тангаларга майдалаш автомати вазифасини үтайды. Биринчи бор қайсибир универсмаг ҳожатхонасига кириб, түгмачали жүмраклар қаторлашиб турганини күрганимда ҳайратта тушганим эсимда. Электр үқалаш асбоби бизда энг оммабоп мусиқа асбоби, юқориси очиқ чүмилиш кийимлари – ҳаво ўтказмайдыган костюм остида кийиладыган ич күйлакдир. Стуллар Марсда ҳам стул вазифасини үтайды, лекин сизнинг энг янги «кяся» урфли буюмингиз тусмоллаб күришимга қараганда, тортиш кучи кам бўлганда Марс талабларига тўла жавоб беради. Бу масалани ўрганиб чиқиб, ана шу нусха буюмлар сизда кейинги ўн йил давомида пайдо бўлганидан оғзим очилиб қолди. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, худди ўн йил аввал Ерга менинг буюк ўтмишдошим, биринчи рақамли вакилимиз келганди.

– Ўшандан бўён Марс вакиллари ҳар йили Ерга учтадан келиб, бизга Марс буюмлари намуналарини келтиришганми?

– Сизнинг, сэнсэй, бу сурбетларча ҳамлангизга жавоб қайтармайман. Айтганча, менинг ёнимда ҳам камтарона намуна бор... Кўрасизми? Уни ўзим билан олганимда ишончим комил эди... Ҳа, мана у... Хўш, таассуротлар қандай?

У портфелидан гугурт қутисидек келадиган оддий ўйинчоқ автомобилни олиб, столга қўйди.

– Билишимча, бу оддий пластмассса ўйинчоқ, – дедим мен.

– Мутлақо... Бу – «Той арт»<sup>1</sup> ўйинчоқлар мактаби усталари томонидан яратилган ҳақиқий санъат асари. Бу мактаб обьекти – ҳақиқий ҳаётдан ўрин олиши мумкин бўлмаган нарсалардир. Масалан, бу нодир асарга «Турмуш даҳшати» номи берилган. Агар ўйинчоқ мактаби усталари бу шунчаки пластмасса ўйинчоқ эканлигини эшитганларида даҳшатдан қасал бўлиб қолардилар.

– Яхписи, ҳақиқий марсча пластмасса ўйинчоқларини олиб келсангиз бўларкан...

– Афсус, ўйинчоқлар хаёлимга келмабди. Энди бу нарсага қаранг. Тушунаман, бундан бир наф чиқмаса керак, ҳар ҳолда...

У иккиланмасдан бурчаклари ишқаланган, катталиги ташрифномадек оқ-қора суратни узатди. Ҳа, сурат шу қадар оддий эдики, дарҳол у нималигини англаб етмадим.

– Ижозатингиз билан... Бу оддий телефон будкаси-ю...

– Ҳақиқатан ҳам, афсуски, жуда ўхшаш, бироқ бу мутлақо бошқа нарса. Кўриб турганингиз – Марс цивилизациясининг асоси деб аталишга тўла ҳуқуқи бўлган транспозиция бекати. Бундай кўринишни ҳам сизлар кўчириб олгансизлар.

– Лекин унинг ичкарисида чинакам телефон аппаратини кўриб турибман-ку.

– Ваҳимали, тўғрими?.. Бунинг устига ундан худди сизлардагидек фойдаланишади... Гўшакни кўтаришади, рақамларни теришади, керакли бекатни чақиришади ва у бўш эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ўнгдаги тирқишига танга суқишишади. Гравитацияга қарши мослама ишга тушади, қўнфироқ чалина-

---

<sup>1</sup> «Той арт» (инглизча «Toy art») – бадий ўйинчоқ.

ди... ва шу заҳотиёқ буюртма берган бекатингизда пайдо бўласиз.

Менга узатган иккинчи сурати қайсиdir илмий-фантастик фильм кадрларини ёдга соларди. Бу фильмни кўргандайман. Ижоди ўтирангган режиссёр хусусида жавраш, афтидан, аҳмоқлик бўларди ва мен биринчи бўлиб зарба беришга қарор қилдим.

– Ерликларнинг қалбакиликка мойиллиги ҳақида бошқа гапирмай қўя қолайлик. Лекин нусха олинишини тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор-ку.

– Масалан?

– Масалан, марслик итлар, марслик қушлар, марслик чўчқалар... ва бошқа тирик мавжудотлар... Улар ҳам худди бизникидек дея олмайсиз-ку!

– Сиз менга хушомадгўйлик қиляпсиз.

– Майли, сиз ўзингиз билан чўчқани олиб келмасиз. Лекин қумурсқалар намуналари-чи? Ёки улар ҳам сиз учун жуда оғир юқ бўладими?

– Рости ни айтганда улар бизда йўқ,

– Йўқ?

– Ахир биз туб марслклар эмасмиз. Сизга яхши маълум, Марсда сув жуда кам ва у ердаги шароитлар ҳайвонот дунёсининг ривожланиши учун у қадар мақбул эмас. Биз Марсга етти авлод илгари қайсиdir юлдуздан кўчиб ўтганмиз. Ўша вақтда биз ўзимиз билан бирор тирик мавжудот олмаганмиз, фақат одамлар кўчиб ўтган. Ўша пайтдаёқ биз нефтдан сунъий равишда оқсили олиш усулини ўйлаб топгандик, шунинг учун уй ҳайвонларини боқишига ҳожат йўқ эди. Афтидан, гулларни ўзимиз билан олишимиз керакми ёки йўқми, шу тўғрида баҳс бўлганди...

– Мана шу жойда ниҳоят қўлга тушдингиз. Оқсилини сунъий йўл билан олиш – бунисига чидаса бўлади дейлик, бироқ хом ашёни қаердан олгансиз, сизда нефть қаёқдан пайдо бўлди?

– Тўппа-тўгри, – гудурлади меҳмоним. У кифтларини тиззалари орасига суқиб, оди ва ортига чай-

қала бошлади. – Лекин сиз томонингиздан ўта беилтифотлилик, сэнсэй... бу қадар қаҳр... Бу энг заиф жойга зарба!

– Сизга аҳмоқ қилиш муайян санъатни талаб этади деб айтгандим-ку.

## 18

Зарба боллаб берилди. Афтидан, уни бари бир яксон қилдим. Мехмонимга лотерея чиптасига ютуқ чиқмаган одамдек қараб турибману томогимга ғазаб ачиниш билан айқаш-үйқаш бўлган беҳузур кулги тиқилади. Шафқатсиз ҳўрлашлар ҳисобига эришилган ғалаба оғизда ноҳуш таъм қолдирган. Бор-йўғи уриб ўлдирилган пашшани супуриб чиқариш билан якун топадиган бўлган бесамар ёқалашиш бўлди. Бироқ ғолиб танти бўлиши керак: супуришдан аввал мағлуб бўлганни сигарета билан сийлаш даркор.

Аммо у сигаретадан воз кечди. Кифтларини тиззалиари орасига суққан ҳолда чайқалишни давом этти-рар экан, ўзини оқламоқчи бўлгандек қулоққа аранг эшитиладиган тарзда шипшилтиди:

– Аҳмоқ қилиш нимаси... Ҳеч ҳамда... Шунчаки, бетга айтадиган нарсалар бор, айтмайдиганлари ҳам бор...

– Сиздан тортиниб нима қиласман? – эътиroz билдиридим шифтга тутун бурқситарканман. Ўзи пиширган ошни ўзи қандай ичишини томоша қилиш завқида хаёлан қўлларимни бир-бирига ишқалардим. Тўсатдан у кулиб юборди ва шошилганча гапга тушди:

– Чиндан ҳам нимадан тортинамиз? Агар сиз, сэнсэй, мен билан бир умр дўст бўлиб қоладиган бўлсангиз, кўнглингизга келганини гапираверишингиз мумкин. Шундай қилиб... Бу мажбурий транспозитор... Биласизми, у қайтишга ҳам хизмат қиласми. Ойда бир марта муайян жойда белгиланган соатда вақт туйнуғи

очилиб, бизни кутади. Агар шундай бўлмаганда, бекат қурилгунга қадар бу ерда биз ўзимизни сургундагидек ҳис этардик. Шундай қилиб... мажбурий транспозиторнинг қайтиш имкониятидан фойдаланиб... Хуллас, сиз, сэнсэй, тушундингиз, тўғрими?

– Ўғирлик билан шугулланасизми?

– Бунга қандай қарашиб боғлиқ. Ахир биз фойдали қазилмаларни қуруқдикда, ҳеч кимга қарашиб бўлмаган акваториялардан оламиз, улар ҳеч кимнинг мулки эмас. Бундан ташқари биз муайян ҳароратдаги ҳаво, денгиз суви ва Антарктикандан бир оз муз оламиз. Буни ўғирлик деб атаб бўладими, нима дейсиз? Агар хоҳласангиз, ҳозирнинг ўзида биз жуда қонуний асосда иш кўраётганимизни исботлаб беришим мумкин... Айтганча, агар ҳукуматимиз сизларнинг барча мамлакатларингиз билан расмий савдо битимлари тузишга муваффақ бўлса, у бу ерда олинган сув ва ҳаво қийматини тўла қоплашга тайёр. Буни ўзимни мўминқобил боладек қилиб кўрсатиш учун айтиётганим йўқ. Бизнинг моддий манфаатларимиз – бу ўз-ўзидан тушунарли... Аммо сиз бир дақиқа тасаввур қилиб кўринг: ерликлар ҳозирги вазиятда Марсга кўндилар. Энди «топологик асаб касаллиги»га чалиниш – уларнинг навбати, энди уларни майна қилиб, телбалар учун мўлжалланган мозорга ҳайдайдилар. Шундай экан, бу – инсонпарварлик муаммоси. Биз уни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Ҳозирги вазиятда биз ё Марсни тарк этиб, ватандошларингиз кўз ўнгига фойиб бўлишимиз, ё барча воситалар билан ракеталарингиз қўнишига халақит беришимиз керак бўлади. Ерликлар билан марсликлар ўртасида бетартиб алоқаларнинг зиёни очиқ-ойдин кўриниб турибди. Ҳозирги вақтда сайёralаримиз ўртасида шартнома имзолаш моддий ва маънавий нуқтаи назардан ҳаётий заруратга айланган. Лўнда қилиб айтганда, масала қуйидагича: сайёralаримиздаги вакилларнинг роли нақадар катта бўлади? Агар сиз,

сэнсэй, Марс вакили бўлсангиз, бунинг хавфсирай-диган жойи йўқ, бу билан ўзингизни камситмайсиз. Аксинча, ҳар икки сайдера сизни буюк инсон сифатида ҳурмат қилишади. Шунинг учун, сэнсэй, рози бўлишингизга умид қиласман.

Шу тариқа, кўз очиб-юммасдан нимадан бошлиган бўлсак, ўша ерга қайтиб келдик. Фақат бу сафар унинг сұхбатни яроқсиз пластинканинг бир жойда айланавериши каби ҳолатга олиб келган хиралиги менда заҳарланган қумурсқа сингари ҳис уйғотди. Бу қумурсқа аллақачон нобуд бўлиши керак эди, у эса тинимсиз сакрайверади, визиллайди, рақибиға ташланади. Бир зум розилик бериб, бу билан янги аҳмоқона найрангларга изн бераман ва оддий телбадан рақсга тушаётган жиннига айланаман деган ўйга келдим... Қани энди шишган бурнини тишиларинг билан ғажисант – доим олазарак кўзлари пешонасига чиқиб кетарди!.. Ёки бу ҳадеб баланд-пастга асабий силтанадиган ўйдим-чукур ияги... Қани қўлимдан келса! Ич-ичимдан эзилганимни ҳам яшириб ўтирмасдан дедим:

– Радиони ёқсакмикан. Балким, ракета ҳақида бирор янгиликни хабар қилишар...

– Янгилик? – ҳақоратлангандек қичқириб юборди у. – Қандай янгилик бўлиши мумкин? Бу режанинг охиривой. Агар ракета қўнадиган жойда дикқатга сазовор бирор нарса бўлса у ерга ё атом бомбаси ташлашган, ё ҳаммани шошилинч кўчириб кетишган. Ҳар қандай ҳолда ҳам ракета фақат яп-яйдоқ, қизил темир тус саҳро манзараси тасвирини узатади.

Шундан сўнг бир нарса ёдига тушгандек, соатига қаради.

– Нима, ҳозир янгилик эшиттиришлари керакми?

Мен ҳам беихтиёр соатимга қарадим ва бирдан ҳақиқий вақт ҳисси гўё тўғонни ўпириб, тоғ шаршарасидек устимга қўйилди. Хотинимдан ҳадик оҳиста бошини қўтарди ва томогимдан тутди.

– Нима гап? Қирқ дақиқа ўтдими?

– Тўппа-тўғри. Агар биз қўлёзманинг қанча жойини ўқиб бўлганимизни эътиборга оладиган бўлсак – жуда кўп.

«Ҳаммаси сен сабабли», – ғазаб билан хаёлимдан ўтказдим. Аммо бу барча нарсага барҳам бериш учун яхши сабаб эди ва сал бўлмаса стулни тўнтараёзиб, ўрнимдан сакраб турдим.

– Ҳа, йўлга тушиш керакка ўхшайди.

– Буни аввал бошдан таклиф қилаётгандим, сэнсэй...

У шошилмай портфелини жойлай бошлади, мен эса унга маҳлиё бўлганимча тикилиб турардим. Гап фақат менинг айниган тасаввуримда эмасди. Унинг қисилган лабларидан ўзини зўрга кулгидан тийиб турганлиги сезилаётганди. Менга унинг ўз тантанасини яширишга ҳаракат қилаётгани ёқмаётганди. У худди йўлга тушишни мен таклиф қилишимни кутиб турганди деган хаёлга бориш мумкин эди. Шу пайтгача у томондан менга қўяётган тузоқларининг ҳаммаси фақат оғизда эди. Энди эса вазият бирмунча ўзгарганди. Бу нусха нимани режалаяпти? Тамаки тутуни кўзни ачиштиради, эзилган ва хавфсиради эдим, йўлга тушишни ва айни пайтда жойимдан жилмасликни истардим.

Меҳмоним қўлёзмани портфели устига қўйиб, уларни қўлтиғига суқди, мени қистамасдан шошилмай эшикка йўл олди. Лекин эшикнинг олдида тўсатдан тўхтади ва кескин орқага ўтирилди. Сал бўлмаса, унга урилиб кетаёздим. Биз бир-биримизга шу қадар яқин турардикки, унинг юзи нимани ифода қилаётганлигини пайқай олмадим.

– Сэнсэй, – гап бошлади у нохуш ҳаяжонли оҳсангда.

– Сиз бизникига қадам ранжида қилишдек илтифот кўрсатяпсиз, чин сўзим, бу мен учун катта шараф. Ҳеч муболага қилмасдан, чин қалбдан айтяпман... Кўзимга бир қаранг ва буни жуда жиддий гапира-

ётганимга ишонч ҳосил қиласиз... Шунинг учун ҳам кейинчалик сизда хунук таассурот қолишини хоҳла- масдим...

– Нима деяётганингизни тушунмаяпман... – Мен беихтиёр бир қадам орқага тисарилдим. – Нима, сизни келажак қўрқинчи босяптими?

– Ҳаммаси рисоладагидек бўлишини истардим. Лекин вазият қандай бўлишини ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмайди. У менга нима дейишини билмайман.Faқат нима демасин, ҳаммасини адо этишимни биламан. Масалан... Масалан дейлик... Айтайлик, у сизни, сэнсэй, шундоқ уст-бошингиз билан ваннага тиқишига буйруқ берса, қанчалик ачинарли бўлма- син, буни бажаришга мажбурман.

– Сиз рафиқангиз ҳақида гапиряпсизми... Хавф-сираманг. Сиз билан эшигингиз олдигача бораманда, ўша ерда ҳайрлашамиз.

– Иложи йўқ. Хотиним бунга асло қўнмайди.

– Мен фақат хотинимдан хабар топсам бўлгани, бошқа ҳеч нарса...

– Бунинг фарқи йўқ. Агар у сиз киришингизни ис- таса, хоҳишингизга қарши бўлса ҳам сизни олиб ки- ришига мажбурман. Қисқача қилсак, сэнсэй, келинг ҳозир жанжаллашмайлик... Faқат сизни олдиндан огоҳлантириб қўймоқчи эдим, холос. Марҳамат кўр- сатсангиз, бирор нарсада хотинимнинг гапини ик- кита қилмасангиз...

– Аммо агар рафиқангиз... ўша маърузангизга ишониладиган бўлса... У ҳам марслик аёл бўлиши мумкин эмасдир... У ҳам сиз каби жуда антиқами...

– У юқори қаватда, бу ердан бориш учун атиги бир дақиқа кифоя қиладиган жойда туради, шунга қа- рамасдан сизни ўттиз дақиқа билан алдади, бунинг устига рафиқангизни олдида ушлаб қолди...

– Тан оламан, бизни жуда лақиллатиши, албатта, аммо бунинг қандайdir сабаби бордир... Бўлмагур бемаънилилк эмас, ҳақиқий сабаб...

– Бемаънилик, маънилик – буларнинг ҳаммаси нисбий тушунчалар.

– Сиз ўтакетган даражада изчил эмассиз. Рафиқангиз – телба деб ишонтираётган экансиз, бу билан ўзингизнинг ҳам каллангиз жойида эмаслигини тан оляпсиз!

– Изчил эмас... Изчил эмас... – изтироб билан деди у менга тикилганича. Кейин портфелини қўполлик билан полга улоқтириди ва шошилиб терлаган бармоқдари билан қўлёзмасини варақлашга тушди.

– Етар, – тушуниб қолдим мен. – Ҳаммасини тушундим! Қолганини квартирангизга борганда гаплашамиз.

Аммо у керакли бетни топиб бўлганди ва худди қа-самёд матнини ўқиётгандек тиниқ овоз билан, тан-танали оҳангда ўқишга тушганди.

«Мавсум 3/3, давр 2, қирқинчи кун.

Навбатдаги муваффақиятсизликдан кейин чарчаб ва жуда эзилиб келганимда хотиним ич кийимларни дазмол қиласарди. У ўгирилмасдан «Ишлар қалай?» деб сўради. Сувни шимириб, жавоб бердим: «Жуда ёмон. Мактуб келмадими?»

У келмаганигини айтди ва мен жаврашда давом этдим: «Бирон ёруғлик кун йўғ-а. Бугун ўзимча нақ менбоп деб ўйлаган бир файласуф ва обсерватори-ядя ишлайдиган олимни илинтиридим. Улар юрагига қўл солиб кўрдим. Одатий саволлар: фикрингизча, марсликлар мавжудми...»

Хотиним майна қилиб, гапимни бўлди: «Улар сен-га қайси кўз билан қарашганликларини тасаввур қиляпман!»

Мен фақат кулиб қўйдим. «Ҳечқиси йўқ, ташвишланма. Ҳозир бу ерда сувдаги балиқдекман. Ими-жи-мида иш тутяпман, мендан шубҳаланишмайди». Хотиним менга тикилиб қаради. «Сен бирор нарса қи-дингми», – сўради у мендан. «Бизнинг ишимизда ўта эҳтиёткорлик зарур. Ҳатто сен ҳам хавф остидасан

ва сени ҳам тузоқлар күтәпти. Бизга жуда мураккаб топшириқ берилган».

Хотиним лабини тишлади ва ташвишланиб қовоқ уйди. «Сен нима деяётганилгингни яхши тушунмаяпман».

Таажжуб, ўйладим мен. Хавотирланишга түздим. «Нимани тушунмайсан? Сенга мамлакатдаги барча касалхоналарни текшириб чиқиш ва асаб хасталигига учраб, ўзларини марслеклар деб ҳисоблаган беморлар ҳақида маълумот түплаш топшириғи берилган. Айтганча, бир неча кундан бери шунчалик бетоқат кутаётган мактуб нима түғрисида?»

Хотинимнинг юзи ваҳимадан ўзгариб кетди «Сенга нима бўлди? – деди у. – Биз суурита агентларимиз-ку...»

«Суурита агентлари?!» – қичқириб юбордим мен. Ва тилемни тишладим. Гапиришга сўз йўқ эди. Шундай қилиб, ерликлар хасталигининг заҳарли тили охир-оқибат бизгача етди. Эҳ, бечора хотингинам! Сен бизнинг ерликлар хасталигига чалингандарни қидириб, топа олмадинг ва мана, ўзинг бетоб бўлиб қолдинг!

«Атебити курибити қуритабари кути!»

Бироқ мен деворга гапирадим, даъватим фақат хотинимнинг лабларини музлатганди. Оҳ, хотингинам, наҳотки олган топшириғингни унугланган бўлсанг? Ўз қадрдон сайёранг, қизил қумликлар сайёрасини унугланган бўлсанг? Наҳотки сени касалхонадан олиб келгандан кейин тун бўйи сухбатлашганимиз – «Вакил саноси» хотирангдан кўтарилган бўлса? Мени кечир, шунчалик ёлғиз эканлигингни мутлақо билмас эканман!

Онт ичаман, азоб-уқубатларинг бесамар кетмайди. Ерликлар хасталиги зарбасига кўксингни қалқон қилиб, топшириғингни аъло даражада бажардинг. Ерликлар касаллигига чалингтан тирик намуна сифатида сен ўзингни Марс маданияти равнақи йўли-

да қурбон қилдинг. О, Марс! Асрлар узра қадрдон рафиқамнинг изтироби руҳини шон-шарафларга бурка!

Ха, сен қанчалик ёлғиз эканлигингни билмасдим. Сени телбалар уйининг зимистон хонасида асаб қасаллиги оёқдан йиқитганийткайтган ийүқ, ийүқ, ерликлар хасталиги билан шундай ёлғизликдан ҳам бедаво бўлиб қолиш мумкин! Хотингинам, қасамёд қиласман, бугун сенинг ёлғизлигинг тугади. Мен сенинг қулинг бўламан, бундан буён сен ёлғиз бўлмаслигинг учун қулинг бўламан. Ерликлар хасталиги сенга яқинлашганда қоқилиши учун роботга айланаман. Агар қайсиdir муттаҳамнинг калласини иккита қилиш керак бўлса, менга буюр! Агар қайсиdir муттаҳамни нимтанимта қилиш керак бўлса, менга буюр. Оҳ, хотингинам. Бир оз сабр қил. Сен ўз топшириғингни аъло даражада бажардинг, мен ҳам ўз топшириғимни бажариш учун кучимни аямайман. Ўшанда иккаلامиз Марсга қайтамиз. Вақт туйнуги бизни бир онда қадрдон Марсимизга элтиб қўяди. Биз бу «худди дўзахдек»ни ортда қолдирамиз ва алвидо – «топологик асаб қасаллиги!»

Унинг бурни учидан бир томчи тер қўлёзмага тушди. У шошилиб енги билан бу жойни артди ва менга зимдан тикилиб деди:

– Энди тушунгандирсиз? Мен ҳеч кимнинг хотинимни ҳақорат қилишига йўл қўймайман.

– Қўйсангиз-чи, қанақа ҳақорат!

– Ҳеч ким унинг гапини иккита қила олмайди... Сэнсэй, сиз ҳам, бошқалар ҳам... Зоро, у жаҳаннам азобини сўнгги томчисигача шимирди.

– Бу кундалигингиз бўйича тасаввур қилишимча, рафиқангиз жуда мантиқий телба. Агар «Худди одамдек» қоидаси олиб ташланса, афтидан, хасталикнинг бирор алоҳида аломатлари ийүқ.

Меҳмоним бош иргади ва ўйчан деди:

– Пировард натижада... Бошқача айтганда... Яъни, сиз хотиним, эҳтимол, соппа-соғ демоқчимисиз?

– Худди шундай. Билсангиз, агар шундай бўлса, хуносага келиш...

– Аниқроқ қилиб айтинг. Агар хотиним телба деб тахмин қилинса, унда мен ақди расо бўлиб чиқаман. Шундай экан, Марс вакили лавозимидан воз кечишиңгизга жиддий асос бўлиши мумкин эмас. Мана буниси ажойиб... Ўта хурсандман, албатта... Шу билан барча ишларим тугайди ва мен хотиним билан топшириқни уddaлаганимиз тўла ҳисси билан вақт туйнугига кирамиз. Битим матнини тайёрлаб қўйганман, имзо чексангиз бўлди...

– Йўқ-йўқ, афсуски, менга рафиқангиз соппа-соғ эканлиги тусмоли маъқулроқ.

– Бу ҳолда, сэнсэй, нимадан хавсираяпсиз? Агар у оддий ерлик аёл бўлса, нимадан қўрқасиз? Ёки бошингиздан бирор жуда азоб-уқубатли нарсани ўтказганимисиз?..

– Ҳеч нарсадан қўрқмайман.

– Унда кетдикми?

– Бўпти. Кетдик.

## 19

Хуллас, афтидан, иш охирлаб қолганди. Айни пайтда мен ўз иш хонам остонасидан ғалати одам билан ҳатлаб ўтдим ва шу дақиқадан бошлаб тақдирим тўппа-тўғри телбалик судига олиб келган қиялиқдан пастга шиддат билан думалаб кетди.

Сиз, афтидан, уларнинг тузоги қандай эканлигини тушуниб етган бўлсангиз керак... Қопқонни ишга туширадиган асосий мурват бу сирли расмнинг қайси жойида яширинган ва нима учун тузокдан қочиб қутула олмадим экан...

Дейишадики, катта ёлгонни яширишнинг энг яхши йўли – уни митти алдовлар булути билан қоплашдир. Афтидан, мен худди шу қармоқقا тушиб қолдим... Йўл икки соат вақтни ҳам олмади, лекин

у тўкилган ёлрон япроқлари билан тўшалганди. Мен эса сўнгги дақиқагача ўзимни четда турган кузатувчининг хавфсиз жойини эгаллаб тургандек ҳисоблаётгандим... саҳнадаги ёлғонни кўриб туардим, бу томоша учун нархи қанча бўлса шунча тўлайман деб ўйлардим... Ўзимни эса ўз қўлларим билан қопқоннинг бош муврати бўлган саҳна тўғрисидаги ўриндиққа чирмаб ташлагандим...

Кириш йўлакчасидан ҳатлашим билан менга кундузги мўл ёруғлик, ҳақиқий воқелик, кундалик хаёллар, кундалик хуноблик ёпирилди. Бўғма хасталигига чалинган беморнинг ва тутқуннинг макони бўлган ўз иш хонамдан кейин заҳ, бадбўй йўлак, зинапоя ҳам худди аччиқ қаҳвадек мени тетиклантириб юборди. Деярли ўзимга келган ва кинони томоша қилгандан сўнг сайр қилаётгандек бепарво кайфиятда эдим. Ҳозир мен кўтарилаётган зинапоялар бошқа дунёга олиб бораётганлигини ва улардан орқага қайтиб тушмаслигимни тасаввур ҳам қилмасдим.

Ҳозир ҳам бу аниқ-равшан ёдимда. Зинапоя майдончасидаги тўртбурчак деразадан тушаётган, сариқ ойнасимон қоятошга ўхшаш ёфду, унда акс этаётган мураккаб шаклли соялар ёдимда. Меҳмоним олдимда зинадан-зинага қатъиятсизлик билан кўтариilar экан, шимидағи фижимлар тахланиб ва чўзилиб бораётганлиги ёдимда... Ҳақиқий дунёning мен учун сўнгги номсиз белгилари...

Шундан кейин учинчи қаватдаги «В» ҳарфи ёзилган оқ, шунчаки оқ эмас, балки оқ бўёқдагига ўхшаш яшил тус қўшилган оқ эшик. Бу эшик энди номсиз белги эмасди. Кўнфироққа жавобан занжир жаранглади, тутқич гирчиллаб бурилди... Ва аёл чехраси... Кўзни қамашибтирадиган даражадаги, болаларникидек мусаффо аёл кўзлари... Мушукдек уятни билмайдиган, балоғатга етмаган, бироқ одатдаги катта ёшдаги одамдан уч карра катта ёшдаги аёл... У меҳмоним менга гапириб берган ва қўлёзмада таъ-

рифланган аёлдан шу қадар кескин фарқ қиласы әдікі, аввалига у билан қандай мұомалада бўлишни билмадим.

Айни пайтда нигоҳим кириш йўлакчасида хотинимнинг пойабзалини изларди. Менга пойабзалнинг ўзи кифоя қиласарди. Бу хотинимнинг шу ерда эканлиги белгиси бўларди. Аммо пойабзал кўринмасди...

– Бунчалар ҳаяллаб кетдинг... У сизга халақит берганга ўхшайди... – гап бошлади у бир йўла иккимизга мурожаат қилас экан.

Унинг овозининг жарангдор оҳанги хотиним тўғрисидаги хавотирга сира мос тушмаётганди ва мен, ростини айтганда, воқеалар ўз оқими бўйича оқаверишига изн бериб, ҳамма нарсага қўл силтадим. Бу аёл осмондан оёқдарини осилтириб тушганлар тоифасидан эди. У кислотага қарши ишқор, ишқорга қарши кислота бўладиган даф этувчи аёл бўлиб, инсондаги ҳар қандай ҳисни инерт газига айлантиради. Афтидан, меҳмонимнинг бирор масалада хотинининг гапини иккита қиласлик ҳақидағи бўлмағур эслатишлари ёдимдан кўтарилишидан хавфсирамасам бўларди.

Айтганча, мени меҳмонхонага олиб киришлари билан... Агар мендан нимага орқамга ўтирилиб, чиқиб кетмаганимни сўрашса, чиқиб кетишга сабаб йўқ эди деган жавобни берган бўлардим. Факт бир фалати нарса зийраклантирди.

Аёл менга дзабутонни<sup>1</sup> таклиф қилиб, вентиляторни мен томонга йўналтириди ва ёқди, кейин эрига деди:

– Ҳаммаси жойида, душга тушаверишинг мумкин.

Шу вақтда меҳмоним яширинча бармоғини лабига қўйиб, менга ўз шеригидек кўз қисди. Мен яна оғзимда платмасса шириналикнинг қўланса таъмини сездим. Аммо аёл эрини нигоҳи билан кузатиб, маинингина жилмайди.

<sup>1</sup> Дзабутон – японларда тагига солиб ўтириш учун мўлжалланган квадрат шаклидаги ёстиқча.

– У, афтидан, бактерияни юқтиришдан хавфсиралаш хасталигига чинакамига чалинганга ўхшайди, – деди у. – Уйга келгач, қўлини ювмагунча ўзини қўйгани жой топа олмайди.

Мезбон ва меҳмон ўрниларини алмаштиришган эди. Шабада ва ёргулик билан лиммо-лим бу меҳмонхонада хавф ва тасодиф абжирларига ўрин йўқ эди, бу ерда қофоздан ясалган қўғирчоқлар салтана-ти ҳукм сурарди. Афтидан, аёл қўғирчоқлар билан овунарди. Хонанинг ҳамма жойида осилиб, сочилиб ётган, рақсга тушаётган анойи, беўхшов бўялган бу ўйинчоқлар фақат унинг учун қадрли эди. Менга, мана, энди меҳмонимнинг бутун абжирлиги ту-тун каби тарқаб кетиб, у паришон ва худди қофоздан ясалган одамдек ҳеч вақога арзимайдиган бўлиб қолган, бечора аёл эса олтин балиқчалар ўрнига бу зерикарли қофоздан ясалган одамчаларни ушлаб тур-гандек туюла бошлаганди.

– Яхна ичимлик олиб келайми?.. – деди аёл ўрнидан тураётиб, лекин мен унинг гапини бўлдим:

– Эрингиз бизникида узоқ вақт ушланиб қолган-лиги ҳеч нарса эмас. Бунинг аҳамияти йўқ. Бироқ менинг хотиним сизни безор қилмадими? Ҳар ҳолда қирқ ёки эллик дақиқа...

– Хотинингиз шундай дилбарки... – Аёл кулиб-яши-наб кетди ва чапак чалди. – Сиз ҳам жуда меҳрдил-сиз, сэнсэй, бир-бирингизга шунчалик моссизларки.

– Демак у ҳузурингизда бўлибди-да?

– Сиз мендан хафамисиз, сэнсэй? Сиз менинг тўғримда яхши фикрда эмассиз, албатта... Ўттиз дақиқадан кейин келаман дегандим...

– Алладингиз. Ҳеч қачон сиз бундай аҳмоқгарчи-лик билан шугулланасиз деб ўйламаган бўлардим. Умуман бу бўлмағурликларни нима мақсадда қилиб юрибсиз?

– Рафиқангиз эса буни жуда яхши тушунди. Нима ҳам дердим, барча хотинларнинг ташвишлари бир

хил. Биласизми, эримга мутлақо ишониб бўлмайди, аммо у ит эмас-ку, ташлаб кета олмайман-ку. Бунинг устига бирга яшаётган эканмиз, ҳар ҳолда аёлман, уни яхши кўраман...

– Илтимос, аниқ қилиб айтинг. Нима мақсадда мени алдадингиз?

– Чунки унга ачинаман.

– Ачинаман?

– Унга ошна керак. Ким бўлса ҳам. Унга ҳамсуҳбат керак.

– Майли ошна бўла қолсин.

– Бироқ сиз, сэнсэй, у билан гаплашмаганингизда, суҳбатдоши бўла олмасдингиз...

Яrim қия эшикдан душдан оқаётган сувнинг шариллаши эшитилди. Бу аёлдаги либос фалати романтик бичимда эди, бу асабни худди бормашина<sup>1</sup> милк-ларга теккандек тимдаларди.

– Нимага бу билан бевосита мен шуғулланишим керак?

– Бу ҳақда кўпам ўйламаганман. Шунчаки у бугун эрталаб ракета ҳақидаги хабарни эшишиб, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди. Менимча, барча орзулари чил-парчин бўлишидан қўрқиб кетган. Ахир у одамку, ким биландир гаплашгиси келган. Унга ким бўлишидан қатъий назар ошна керак бўлган. Масалан, бола ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаса, йиглашга тушади.

– Хотиним бу гапларингизнинг ҳаммасига қўшилдими?

– Ҳа, сал бўлмаса иккимиз йиглашга тушаёзгандик.

– Сафсата! Сиз қуюшқондан чиқиб кетяпсиз.

– Биргаликда йиглаш ҳақида бир оз ошириб юборган бўлишим мумкин.

– У қаёққа кетди?

– Буни менга айтгани йўқ... У фақат эрим сизникида экан, бечора бир оз кўнглини бўшатиб олгунига қадар сайр қилмоқчилигини айтди, холос.

<sup>1</sup> Бормашина – тиш шифокорларининг даволаш асбоби.

– Бўлмаган гап! Ким-кимни, аммо хотинимнинг феълини яхши биламан. У оч инсонга қараганда, оч кучукка жони ачийдиган даражада икки юзламачи эмас.

– Кучукчамасдир... Лекин аёл қалби билан ҳамиша аёллигича қолади.

– Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз, хоним, – дедим мен. Кучайиб бораётган ғазаб оғзимда худди йўтал дорисидек тиқиларди. – Ҳа, ҳеч нарсани тушунмайсиз... Эрингиз сиз айтаётгандек бечорами, билмайман, аммо у ғалати одам. Агар билмоқчи бўлсангиз, у олий даражада ўзига бино қўйган ва ўжар. У – ажойиб софист ва бу, қўшилаверинг, томи кетганлик билан қовушмайди.

– Лекин у шунчалар ёлғизки.

– Хоним, сиз топология нималигини биласизми?

– Сув қўнғизларидан тайёрланадиган қандайдир дори бўлгувчиди...

– Мутлақо. Топология – даврий геометрия, эрингиз ҳатто бу соҳадан ҳам хабардор. Бундай одамга ачиниш кулгили. Сизнинг, хоним, шундай қудратли мияга ачинишингиз бемаънилик.

– Ахир у гўё марслик эканига жиддий ишонади.

– Жуда ажойиб! Агар сизда бундай эмаслигини иккиласмасдан тасдиқлашингиз учун асосларингиз бўлса, албатта... Фақат қуруқ гап бўлмасин... Рости ни айтганда, эрингиз марслик хасталигига дучор бўлган ерликми ёки сиз ерликлар хасталигига чалинган марслик аёлмисиз – ҳал қилиш осон эмас...

– Касалхонада берилган диагнозда кўрга ҳасса қилиб эрим беморлиги ёзиб қўйилган.

– Нима қипти? Касалхонада эрингизни ерлик деб билишган, шунинг учун у телба деган қарорга келишган. Ўзига хос хато фикр.

– Ахир у одам-ку...

– Қўшиламан, «Худди одамдек»... Аммо у марслик эмаслигининг далили ҳам йўқ-ку!

– Бу – аҳмоқгарчилик...

Унинг балиқдарникидек юмалоқ, тор қорачиқли кўзлари нажот илтижо қилаётгандек кенгайиб кетди ва бошқа ҳамма нарса жайдари орсизлиги билан бирга бир лаҳзада сўлиб қолди ва қалтирашга тушди. Душдан тушаётган сув бир маромда шовулларди. Даҳшатли зўриқищдан гувиллаётган бошим билан ваҳшиёна шавқ оқимиға отилдим.

– Дунёдаги ҳамма нарса тўғрисида ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмайди-ку. Агар ибтидоий одамга кит – балиқ эмас дейилса, у сизга телбага қарагандек қараган бўларди.

– Бу нима деганингиз, сэнсэй... Сизнинг-ча, мен ҳам, эҳтимол марслик аёлдирман...

– Жуда ҳам бўлиши мумкин. Ёки сизда, хоним, шундай эмаслиги тўғрисида тош босадиган далилларингиз борми? Билмадим. Шунинг учун далиллар бўлмаса, ҳамиша имконият сақланиб қолади.

– Нақадар ажабланарли. Бу ҳолда сиз ҳам ерликлар хасталигига чалинган марслик эмаслигининг тасдиқлай олмайсиз.

– Бу – табиий. Амалда менда марслик эмаслигим тўғрисида бирор далилим йўқ.

– Етар... Сизни тинглашнинг ўзи даҳшат.

– Сиз жуда бетоқатсиз, хоним. Тағин марсликнинг рафиқаси!

Тўсатдан у қаддини тик қилди, қўлларини кўкраги олдида сиқиб, мушукдек увиллашга тушди. Буни кутмаганимдан уни жазавага тушди деб ўйлагандим, бироқ шу заҳоти чинқириқ қаҳқаҳага айланди ва ниҳоят миямга: ўзгалар эмас, бевосита мен ўзим томонидан айтилган – ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмаслиги ҳақидағи сўзларимни яхшилаб ҳазм қилишим кераклиги фикри урилди.

– Қандай ажойиб... бундай... бундай англай олиш, сэнсэй... – деди у кулаги билан узилиб турган чинқириқли товушда. Кейин орқамга, қаергадир қараб деди: – Ҳаммаси хамирдан қил сугургандек ўтди. Демак, нималаргадир умид қилсак бўлади.

– Бўлмасам-чи. Мўлжалим хато кетиши мумкин эмасди.

Таажубланиб ўгирилдим. Ваннахонада бўлиши ва душда чўмилиши керак бўлган меҳмоним эски брэзент жомадонга ўхшаш нарса устида орқаси билан деворга суюнган ва қўлларини тиззасига қўйган ҳолда ўтиради. Аммо сувнинг товуши ҳали ҳам эшитилиб турарди. Мен уларнинг икковини ҳам нигоҳимдан қочирмайдиган эшик томон ўз-ўзимдан сурилдим, ўрнимдан турдим ва дедим:

– Нима гап? Нега ҳаддингиздан ошяпсиз?

Эркак киши фақат кўзини қисиб кулди, лекин жавоб қайтармади. Аёл унга сархуш овоз билан мурожаат қилди:

– Суҳбатни тасмага ёзиб олдингми?

– Буни бой бериб бўладими.

– Ҳозирча таассурот бешга бешми?

– Энди еттига уч бўлиб қолар.

– Тўла муваффақият! Вақтида улгурдик.

– Ҳа, улгурганимиз аниқ.

Икки мияси айнигар ўртасида қолган ҳозирги вақтда ўйимда бир нарса – бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаш керак деган фикр ўтди.

– Хўш, – дедим мен, – ижозатингиз билан хайрлашсан. Қиладиган ишларим кўп, ўта бандман... Ҳали замон уйга вакил келиши керак... Умуман квартирани эгасиз қолдириш ярамайди.

– Энди буларнинг ҳаммасининг аҳамияти йўқ, сэнсэй. Сиз марсликсиз, сэнсэй! – худди тенинчиликни руҳлантираётгандек қувноқдик билан хитоб қилди аёл.

– Энди у сэнсэй эмас, – секин қўшиб қўйди эркак.

– У бизнинг бечора ошнамиз.

– Сиз тушлар оламида дафн этилган, «ерликлар хасталиги»га чалинган марсликсиз...

– Сиз ўзингизни радио эшиттирувларининг аянчли муаллифи деб ҳисоблайсиз, амалда эса бу ниқоб остида Марс вакили яширинган...

– Сизга шунча ҳикоя қилиб беришди, наҳотки ҳалигача ҳеч нарсани эслай олмаяпсиз?

– Афтидан, ўзини эҳтиёт құлмоқчи. Ҳа, майли. Уни шу ҳолида олиб боришга түғри келади.

Бутун кучим билан полдан итарилиб, сакраб турдим. Шу лаҳзадаёқ эркак қўлидан пичоқ отилди, аёл эса этчилик билан уни илиб олди. Мен орқага тисарилдим, эркак остидаги эски жомадонга ўхаш нарсани олиб менга ташланди. Чап бериш учун бир сония ҳам вақтим бўлмади, тўқнашишимизни қутиб букчайдим, шу ондаёқ эркак қўлидаги нарсасини бошимга кийгизди. Энди қўлимни ҳам, оёғимни ҳам қўмирилата олмасдим. Бу тутқаноги тутган телбаларга кийгизиладиган кўйлак эди.

– Бемазагарчилик! – бақирдим мен. Ҳаяжонланганимдан норозилигимни ифода этиш учун сўз тополмасдан, қаҳрда фақат бир сийқаси чиққан гапнинг устига бошқаларини қалаштирардим. – Бу – bemazagarchiлик! Бемазагарчилик! Ахир бу bemazagarchiлик эмасми!.. Ахир мен бусиз ҳам, эҳтимол, битимни имзолардим... Бундай зўравонлик билан фақат ўзингизга жабр қиляпсиз...

– Бу жуда беҳузурлик, – бардам товушда деди аёл.  
– Агар у ер-бу ерингиз қичишадиган бўлса, дарров айтинг. Уялманг. Мен қашлаб қўяман.

– Биз вақт туйнугига киргунга қадар бир оз сабр қилиб туришга түғри келади... – ташвишланиброқ деди эркак. – Ахир сизни топгунча биз ҳам роса қийналдик. Айтганча, сиз – тўққизинчисиз. Сизгача биз яна саккизтасининг изига тушгандик. Уларнинг учтаси келиш вақтида аварияга учради. Улар портлаб кетди. Биз ёнгинни ўчириш бошқармасидан сўраб-суриштиргандик, бу ҳодиса уларда номаълум сабабларга кўра портлаш сифатида рўйхатга олинган экан. Қолган бешовлоннинг ҳаммаси телбалар касалхонасига равона бўлишди. Афтидан, улар марслик эканликларини эълон қилишга жуда шошилган

күрина дилар... Ҳукумат билан бевосита музокараларга киришишга уриндилар, парламент аъзоларининг олдига киришга тиқилинч қилдилар, ҳатто кўчаларда нутқ ҳам сўзладилар шекилли... Телбалар касалхонасида эса уларнинг ҳаммаси ақддан озишиди... Ўшанда уларни согайди ҳисоблаб, касалхонадан чиқариб юборишиди. Улар эса ғойиб бўлди, саҳрода сочиб юборилган қум зарралариdek йўқолиб кетди. Биз куну тун ҳақиқий овчи итларидек ҳамма ёқларни искаб юрдик.

– Одамни кўряпсанми – марслик деб ўйла...

– Кейин, икки йилу саккиз ойда ниҳоят сизнинг изингизга тушдик...

– Биз атайин сизнинг устингизда жойлашдик...

– Биз сизга соянгиздек эргашиб юрдик, сўраб-сурштиридик...

– Энди, ниҳоят, заҳматларимиз мукофотини олдик.

Тутқаноғи тутгандар кўйлагида қоққан қозикдек туриб, томомим қуриб кетганидан бўғилиб, дедим:

– Яхши, тушундим. Вакилингиз бўлишга розиман.

Мен имзо чекаман ва товон пулинин тўлайман. Агар керак бўлса, буни ҳозироқ қилишга тайёрман.

– Нима деяпсиз. Тағин марслик эмиш...

– Мен инсонман!

– Ҳа, «Худди одамдек».

– Вақт тифиз, – деди эркак соатга қараб ва аёлни шошилтира бошлади. Улар кўйлагимнинг икки томонида осилиб турган тутқичларни тутишди. – Кетдик.

– Мени қаёққа олиб кетяпсизлар?

Агар буни билганимда ҳам қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Тутқичлар тортилди, мен қийшайган ҳолда беҳол осилиб қолдим ва улар мени судраб кетишиди. Меҳмонхонадан чиқишиди, йўлакдан ўтишиди, ошхонадаги стол ёнидан қисилишиб ўтишиди... ортида сув шовуллаётган оқ эшик... Ваннахона.

– Чўмилиш вақти келди, – ҳазиломуз оҳангда деди аёл.

Қаршилик кўрсатишининг сўнгги умидида оёқларимни тираб олдим.

- Хотинимга нима бўлди?
- Уни эсадан чиқарганингиз маъқул.
- У билан биз шуғулланаётганимиз йўқ, шунинг учун анигини билмаймиз.
- У сизга катта ёрдам кўрсатди, шунинг учун у билан бирор кўнгилсизлик бўлмаса керак.

Аёл асов отни тинчлантироқчи бўлгандек, бир қўли билан кўкрагимга оҳиста қоқиб қўйди, иккинчиси билан эшикни ланг очди. Шу вақтнинг ўзида эркак орқамдан тиззаси билан туртди ва мен кутилмаганда ваннахонага кириб қолдим.

Чапда – ванна, ўнгда – қўл ювадиган жой, олдиндаги деворда душ тутқичи... оддийгина, худди квартирамдагидек. Йўқ, қачонлардир менинг квартирамда бўлганидек... Бу жой бошқа ваннахоналардан фарқ қиласди. Фақат бир нарса билан... Ҳар ҳолда фарқ қилиши керак... Душдан совуқ сув ҳам эмас, иссиқ сув ҳам эмас, балки тутун ёки оқиши-яшил тусдаги нейлон ипларига ўхшаш нарса тушарди. Ва ўткир озон<sup>1</sup> иси тарқаларди.

Бу яшил тус тутунни кўриб, озонга тўйинган лаҳзада хотирам, гўё унга ўткир пичноқ тортганлариdek, узииди.

Кўзимни очганимда шу ерда эдим.

Телба судда гувоҳлик қилганлар тиқишиган қийшиқ кўзгулар хонасида эдим. Оддий тилда айтганда руҳий bemорлар касалхонасида. Мен фақат бу ерда оддий тилда гаплашишадими-йўқми билмайман.

Ҳар ҳолда кунига, муайян вақтда мени кўргани врач келади. Унинг юзининг ранги менга сув пуфагини ёдга солади. Унга тиббий ҳамшира ҳамроҳлик қиласди. Ҳамширанинг лунжи етилган шафтолига

<sup>1</sup> Озон (юононча «ozon» – «ис таратувчи» сўзидан) – яшил тусли, ўткир ҳидали газ, Ердан 10-50 километр юқорида озон қатлами мавжуд.

үхшайды. Врач менга ҳар куни бир хил саволларни бергани киради. Ҳамшира ҳароратим ва юрагим уришини ўлчар экан, врач семиз құлларини сиқиб ва бўшатиб, сўроқни бошлайди.

– Бу ерга қандай келиб қолдинг?

Фақат биринчи сафар унга бошимдан нима кечганини бутун тафсилотлари билан гапириб беришга ҳаракат қилдим. Ҳамма нарсани – тушунганимни ҳам, тушунмаганимни ҳам яширмасдан баён қилишга уриндим. Аммо врач йигирма дақиқага ҳам сабри чидамасдан, бирор ифодасиз бош иргади ва дарҳол навбатдаги саволга ўтди.

– Нима деб ўйлайсан, ҳозир қаердасан? Ердами? Ёки Марсдами?

Ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Лекин ҳали «ҳақиқат» сўзининг қадрига шубҳам йўқ эди ва ростини айтдим.

– Ақдимга ишонадиган бўлсам, мен – Ердаман.

Бу гал ҳам врач бетидаги бирор мушак қимир этмади. Фақат ҳамшира касбий табассуми билан на мойишкорона кулди.

Сўнг учинчи савол.

– Сен кимсан? Одаммисан? Марсликмисан?

Бу ётига жавоб бера олмасдим. Шубҳа қурти бирдан тужумдан чиқиб, қалбимни сўришга тушди... Агар бу врачнинг ўзи «топологик» асаб касалигига чалинган бўлса-чи? Бу ҳолда унга асло бу жой Марс эмаслигини айтиб бўлмайди. Чунки Марс Ерда ҳам ажойиб ҳолда бўлиши мумкин... Худди шу сабабга кўра Ер томонидан босиб олинган Марс...

Ва, ниҳоят, сўнгги савол.

– Сенинг-ча мен кимман? Марсликманми? Ёки ерликманми?

Менга фақат сукут сақлаш қолади. Ҳамшира вақт ўлчагичи билан сукут сақдашим давомийлигини ўлчайди. Улар нигоҳида сукут сақлашнинг ўзи муайян белги ва жавоб ҳисобланади. Мен буни тушунаман,

бироқ сукут сақлашдан бошқа жавоб ўйлаб топа ол-майман.

Ҳар куни муайян вақтда олдимга врач ва тиббий ҳамшира киради. Врач бир хил саволларини такрорлады. Мен сукут сақлайман ва ҳамшира сукутим да-вомийлигини асбоби билан ўлчайды.

Сиз менинг ўрнимда бўлганингизда жавоб берса олардингизми? Врач мамнун бўлиши учун қандай жавоб бериш талаб қилиниши, балким, сизларга маълумдир? Агар маълум бўлса, менга ўргатинглар. Чунки сукут сақлаш менга ёқиши учун индамаётганим йўқ...

Ва мен нима қилиб бўлса ҳам шуни билмоқчиман. Менинг воқелигим – ўзи нима нарса? Ҳақиқийликнинг хаёлийлик устидан ғолиб чиқишими? Ёки хаёлийликнинг ҳақиқийлик устидан ғолиб чиқишими? Мен телба суд суд қилмаган сиздан сўрайпман: сиз қаердасиз? Ҳақиқий дунёдами ёки хаёлий дунёдами?

## **КОБО АБЭ ҲИКМАТЛАРИ**

Бевосита шаклга жуда мойиллик тескари натижа-га – воқеликдан чекланишга олиб келади. Жуда ўх-шаш нусха ишонарсиздир.

\*\*\*

Уят ҳиссини уйғотадиган нарса кўпинча фийбат-нинг манбаи бўлади.

\*\*\*

Ёмғирдан ўзгаларнинг тими остида бир умр яши-риниб бўлмайди.

\*\*\*

Шунчаки у бурчакдан бу бурчакка юриб, наҳотки топа олмайдиган жумбоқ бўлади?

\*\*\*

Очарчилик, жавобсиз севги, ишсизлик, хасталик, касодга учраш, табиий офат, фош этилган жиноят-дан бошқа қайгуларни ўзгалар билан баҳам кўра ол-майсан.

\*\*\*

Бахтсизлигим ҳамиша ўзим билан қолади ва уни ҳеч ким билан бўлиша олмайман.

\*\*\*

Ҳаётда кийимини қанча бўлса, шунча ечишга тай-ёр, лекин ўз юзини сидириб таштай оладиган бирор-та артистни топа олмайсиз. Бундан ташқари у бутун ижро маҳорати бетида мужассамланганига мутлақ ишончи комил.

\*\*\*

Ўзингдан ўзинг қоча олмаслигинг – маҳкумлик-нинг бутун даҳшати худди шундадир.

\*\*\*

Ишнинг ниҳоясига етганидан иш натижаси учун бирор масъулияти йўқ кимсалар ҳаммадан кўп қувонади.

\*\*\*

Мурдага уни кўмишлари ёки ёқиб кул қилишлари-нинг фарқи йўқ,

\*\*\*

Ўзингни айбдор сифатида тутадиган бўлсанг, бевосита сендан гумон қилишади.

\*\*\*

Ўзини ўзи яхши кўрмайдиган одам дўст топа олмайди.

\*\*\*

Ақли ожиз итга товон сифатида исни ўта сезиш ато этилган.

\*\*\*

Биз яқин кишингни душмандан ажратиб турадиган аниқ чегара ўрнатиб бўлмайдиган даврда яшаяпмиз. Тиқилинч поездда беҳисоб душманларинг ҳар қандай энг яқин кишинга қараганда сени ўраб туради. Уйингга мактублар сифатида суқилиб кирадиган душманлар бор. Радио тўлқинларига айланиб, вужудингнинг ҳар бир тўқимасига заҳмат етказадиган душманлар мавжуд. Ана шундай шароитда ўзингни душманлар ўраб туриши одатий ҳол бўлиб қолди, энг яқин кишинг эса сомон ичидаги йўқотилган игна сингари кўзга ташланмайди.

\*\*\*

Ёзиш – далиллар ўрнига шунчаки ҳарфларни қўйиб чиқиши эмас, ёзиш – хавфли саёҳатга отланиш деган гап.

\*\*\*

Худбинлик, қанчалик ажабланарли бўлмасин, уятсизлик билан бемалол ёнма-ён яшайверади.

\*\*\*

Рашқдан оқилликни излашнинг маъниси йўқ.

\*\*\*

Инсоний муносабатлар фақатгина инсоний меҳнатнинг қуирӯғидир.

\*\*\*

Муҳаббат ниқобларни юлқиб ташлайди, шунинг учун суюкли одамингга атаб ниқоб тақиб олишга ҳаракат қилиш керак. Зоро, ниқоб бўлмаса, уни юлқиб олиш қувончи ҳам бўлмайди.

\*\*\*

Афтидан, ҳеч нарса содир бўлмагандага ёзишни бошлиш лозим.

\*\*\*

Қадим замонларда «Агар омад ухлаётган бўлса – кут», деб жуда тўғри гапиришган.

\*\*\*

Ёзувчи бўлиш истаги – одатий худбинлиқдир. Бу қўғирчоқ ўйнатувчи бўлиш ва бу билан ўзини бошқа қўғирчоқлардан ажратиб кўрсатишга интилишдир. Аёллар худди шу мақсадда пардоздан фойдаланишади.

\*\*\*

Темир дарвозалар, баланд ва қалин деворлар эмас, балки маҳбус хонасидағи ўрнатилган

кичкина күзча инсонга маҳқумлигини ҳаммасидан равшанроқ ёдга солади.

\*\*\*

Мағлубият ўйинни ютқиздим, деган хаёл келиши заҳотиёқ бошланади.

\*\*\*

Ёлғизлик – орзунинг қондирилмаган чанқоғидир.

\*\*\*

Қармоқдан тушиб кетган балиқ ҳамиша ушланганига қараганда йирикроқ кўринади.

\*\*\*

Буюм қанчалик қаттиқ бўлса, шунча осон бўлакларга парчаланади – қонуният шундай.

\*\*\*

Ўзини пайқашларини хоҳдамаганнинг бошқага қараш нияти ҳам йўқ. Қарашни истаётганни ўзимиз кўриб турибмиз.

\*\*\*

Харажатлар, биринчи навбатда, мижоз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўланади, ҳақиқатни аниқлаш эса – иккинчи даражали масаладир.

\*\*\*

Айбизлигининг исботига ўзга одамнинг баҳтсизлигини кузатиш истагидан табиийроқ нарса йўқ.

\*\*\*

Энг ақдли ўғри ўзини ўғри урган, деб кўрсатади.

\*\*\*

Хиёнат қилувчилар ўзларини сотишлари мумкинлигидан ҳамиша хавфсирайди – бу мантиқий.

\*\*\*

Қочоқнинг кетидан қувиши ҳамиша ҳам оқилона бўлавермайди. Баъзан унинг яширинишига қўмаклашиш керак.

\*\*\*

Одам қилмишини тан олаётган пайтда гапига суқилиш билан уни янги ёлғонни тўқишига туртки бўлиш мумкин.

\*\*\*

Дунё нечта устунга таянишини билмайман, бироқ улардан камида учтаси – бу, эҳтимол, жаҳолат, но-донлик ва бефаҳмликдир.

\*\*\*

Сиёsat – ўргимчак тўрига ўхшайди: ундан қанчалик кўп қутулишни истасанг, шунчалик чигал ўрала-шасан.

\*\*\*

Тоф чўққисидан энг жўшқин денгиз ҳам сокин кўринади.

\*\*\*

Барча даврларда ҳамма янги нарсалар қуллардан туғилган.

\*\*\*

Кўпинча бенаволар энг разабнок танқидчи бўлади.

\*\*\*

Бирор нарса олишни истасанг – унга ҳақ тўлашга тайёр тур.

\*\*\*

Қизиқ, вайсащданми ёки уни тинглашданми тезроқ чарчайсан?

\*\*\*

Инсон ҳаёти – сочиб юборилган қофоз парчалари  
эмас. У ёпиқ, қунт билан тикилган кундалиқдир.

\*\*\*

Ирkit иш қилаётганингда, бунга қараб турған-  
ларни ҳам ифлос қиласан.

\*\*\*

Жазо хавфисиз қочишнинг қувончи бўлмайди.

\*\*\*

Мени ҳамиша айрим ёзувларнинг қиймати бўм-  
бўш жойникидек эканлиги ажаблантиради.

\*\*\*

Ичидагиси номаъум қути – қизиқиш деб аталади-  
ган пилта уланган портловчи моддадир.

\*\*\*

Агар бу дунёда фақат қўлдан бой беришга ачина-  
диган нарсаларгина бўлса, воқелик тегиниш даҳшат-  
ли шиша буюмга айланарди.

\*\*\*

Қайғу чойни тотлироқ қиласди.

\*\*\*

Тўсатдан қабул қилинган қарорларнинг узоқ вақт  
ўйланадиган ва тарозига солиб кўриладиганларга  
нисбатан кўпроқ муваффақият қозониши имкония-  
ти бор.

\*\*\*

Дунёдаги энг беозор қурол – уч қарич сайроқи тил.

\*\*\*

Одам одам эканлиги аввал бошдан исбот талаб  
қилмайдиган нарса.

\*\*\*

Теореманинг аксиомадан фарқи шундаки, уни исботлаб бўлмайди.

\*\*\*

Суд телба, лекин шу қадар муросасоз эмаски, гуноҳини фақат оғизда инкор этгани учунгина айбизз деб эътироф қилсин.

\*\*\*

Судьяларни фақат қўл билан ушлаб кўрса бўладиган далиллар ишонтира олиши мумкин.

\*\*\*

Одатда одамлар чеҳрасида касбий манфаатдорлик ўз аксини топади.

\*\*\*

Уйғонган хавотирни тинчлантириш осон эмас.

\*\*\*

Одамлар ўртасида ҳазилни тушунмайдиганлардан ҳам аянчлироқлари ва бечорароқлари топилмайди.

\*\*\*

Ишончни йўқотган хотинга нисбатан ишончни йўқотган эр уч карра бахтсизроқдир.

\*\*\*

Альпинизмнинг сири ҳеч қачон пастга қарамасликда.

\*\*\*

Телба билан суҳбатлашиш ақлли одамларнинг иши эмас.

\*\*\*

Европача чой – энг алдамчи ва ичимликларнинг беозори.

\*\*\*

Фирт ёлғон қўполлиқдан бошқа нарса эмас.

\*\*\*

Далиллар – қайсар нарса.

\*\*\*

Ҳаётда романлардагига қараганда ҳам шубҳали далиллар бўлади

\*\*\*

Ҳақиқий воқеликда чинакамига ларзага солувчи нарсалар бисёр.

\*\*\*

Ноодатийликка йўл одатийлик орқали ўтади.

\*\*\*

Дунёда фақат оқ билан қора мавжуд эмас, қандайдир ўртаси ҳам бўлади.

\*\*\*

Жиддий суҳбат руҳ учун ажойиб машқ ҳисобланади.

\*\*\*

Далилларсиз эътироф этиш ақида билан баробар.

\*\*\*

Бизнинг бебурд асримизда қўрқоқлик, эҳтимол, энг олий истеъдод, энг олий фазилат бўлса керак...

\*\*\*

Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади!

\*\*\*

Биринчи таассурот ҳамма нарсани ҳал қиласди.

\*\*\*

Типирчилайдиган гадойга кам садақа беришади.

\*\*\*

Хар қандай давлат – унинг шиорлари қанчалик баландпарвоз бўлмасин – энг очкўз ва зиқна хусусий тадбиркордан юз карра амалиётчироқдир.

\*\*\*

Ёвузлик яратиш ҳаракатида эзгулик яратаман.

\*\*\*

Хар ким ўзига ёққан нарсага ишонади.

\*\*\*

Одамга ишониш осон. Бошқа одамни сенга ишонишига мажбур қилиш эса анчайин қийин.

\*\*\*

Биз ҳамсұхбатимизни ўз қаричимиз билан ўлчашга одатланиб қолғанмиз ва бундан асло тортингаймиз.

\*\*\*

Шубҳаланмаётган одамдан шубҳаланмасликни сўраш – ундан шубҳаланишни сўраш билан баробар.

\*\*\*

Ҳаётни сугурталашнинг шарти – жисмоний саломатлиқдир.

\*\*\*

Ишонадиган одам учун вақт – ҳамиша лаҳза. У бир неча йил бўладими ёки ўнлаб йилларми – муҳим эмас.

\*\*\*

Шубҳа – ҳақиқат сари эшик.

\*\*\*

Мана, сизга боши берк кўча – уни ўзингиз яратасиз.

\*\*\*

Синчковлик – фақат одамларга хос бўлган хислат дейишиди.

\*\*\*

Тиллар айнанлаштиришга мойил, дум кўзга ташла-на қолсин, асосийси – бошнинг пинҳонлиги.

\*\*\*

Фарб – бу Фарб, Шарқ – бу Шарқ.

\*\*\*

Эшик оғасининг хорижий ҳукумат вакилини дўп-послагани дипломатик муносабатларни узиш учун кифоя қиласди.

\*\*\*

Аҳмоқ қилиш санъати ҳар ҳолда баъзи қўникмаларни талаб этади.

\*\*\*

Кундалик зарурат буюмлари қанчалар оддий бўл-масин, уларда буларни яратгандар маданияти белги-си қолади.

\*\*\*

Катта ёлғонни яширишнинг энг яхши йўли – уни митти алдовлар булути билан қоплашдир.

\*\*\*

Барча хотинларнинг ташвишлари бир хил.

\*\*\*

Ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаса, йиглашга тушишади.

\*\*\*

Дунёдаги ҳамма нарса тўғрисида ташқи кўрини-шига қараб баҳо бериб бўлмайди.

## **КОБО АБЭНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ САНАЛАРИ**

1924 йил 7 март – Кобо Абэ Токио яқинидаги Кита шаҳрида дунёга келди.

1931 йил – отаси ишлайдиган Манчжуриянинг Мукден шаҳридаги мактабнинг бошланғич босқичига ўқишга киради.

1940 йил – Японияга қайтиб келади ва Сёдзе шаҳридаги мактабнинг олий босқичига ўқишга киради.

1943 йил – Токио император университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради.

1747 йил – биринчи «Номсиз шеърлар» тўпламини ўзи чоп этади.

1747 йил – «Пахса деворлар» асари нашр этилади.

1747 йил – рассом Матега уйланади.

1948 йил – Токио император университетини туғаллайди.

1948 йил – биринчи – «Йўл охиридаги кўрсаткич» романи нашр этилади.

1950 йил – Хироси Тэсигахара ва Синъити Сэге билан «Аср» ижодий уюшмасини ташкил этади.

1950 йил – «Қизил пилла» ҳикояси иккинчи жаҳон урушидан кейинги адабиёт учун таъсис этилган мукофотга сазовор бўлади.

1951 йил – «Девор». S.Карма жинояти» қиссасига Япониянинг адабиёт соҳасидаги олий – Ақутагава мукофоти берилади.

1958 йил – «Шарпа» пьесасига Кисида мукофоти берилади.

1959 йил – «Тўртингчи муз даври» романи нашр этилади.

1962 йил – «Қумдаги хотин» романи чиқади.

1963 йил – «Құмдаги хотин» романы Йомиури мұкофоти билан тақдирланади.

1964 йил – «Бегона юз» романы чоп этилади.

1967 йил – «Дүстлар» пьесасыга Таниздзаки мұкофоти берилади.

1967 йил – «Ёқиб юборилған харита» романы нашр этилади.

1967 йил – «Худди одамдек» романы чиқади.

1968 йил – «Құмдаги хотин» романы Францияда чет эллик муаллифға әнг буюқ бадий асар учун бериладиган мұкофотта сазовор бўлади.

1969 йил – «Таёққа айланған одам» пьесаси чоп этилади.

1973 йил – «Кобо Абэ студияси» театри ташкил этилади.

1973 йил – «Одам – қути» романы чиқади.

1974 йил – «Кўк пайпоқ» пьесасыга Йомиури мұкофоти берилади.

1975 йил 13 май – АҚШдаги Колумбия университетининг фахрий фан доктори илмий даражасини олади.

1977 йил – «Махфий учрашув» романы нашр этилади.

1977 йил – Америка санъат ва фан академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланади.

1984 йил – «Сакура» нажот кемаси» романы чоп этилади.

1986 йил – ихтирочиларнинг 10-халқаро кўргазмасида автомобилсозликдаги ихтироси учун кумуш медаль билан тақдирланади.

1992 йил 25 декабрь – Кобо Абэ навбатдаги асарини ёзаётган пайтда ҳушидан кетиб, касалхонага ётқизилади.

1993 йил 22 январь – Кобо Абэ вафот этади.

1977 йил – Японияда Кобо Абэнинг 30 жилдлик тўла асарлар тўплами нашр этилади.

## **МУНДАРИЖА**

КОБО АБЭ: АДАБИЁТ ЧҮЛҚУВАРИ .....	3
ҚУМДАГИ ХОТИН ( <i>Роман</i> ) .....	24
ХУДДИ ОДАМДЕК .....	213
КОБО АБЭ ҲИКМАТЛАРИ .....	337
КОБО АБЭНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ САНАЛАРИ.....	347

*Адабий-бадиий нашр*

КОБО АБЭ

ҚУМДАГИ ХОТИН

Мұхаррір  
Мағмұра ҚҰТЛИЕВА

Бадиий мұхаррір  
Үйғун СОЛИХОВ

Мусаққыз  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.

Босиши 2016 йил 15.04.да рұхсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 22,0 Шартли босма табоги 36,96

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 78.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72.

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14.

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ  
«Камолот кутубхонаси» рукнида  
қўйидаги янги китобларни нашр этди:**

**Лев Толстой  
«УРУШ ВА ТИНЧЛИК» 1-2-китоблар  
Бичими 84x108 1/32, 976 бетдан  
Қаттиқ муқова**

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови – одамлар қисмати, уларнинг тақдиди, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнга муносабати китобхон эътиборидан четда қолмайди. Қолаверса, мутолаа жараёнида қалбингизга яқин бўлиб қолган ёхуд жамиятда қандай мавқега эга бўлишдан қатъи назар урушни ўзининг тақдиди билан боғлаган ва бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдираётган қаҳрамонлар қисмати сизга фавқулодда ҳодиса эмас, балки ўз эрки, ўз номуси учун курашаётган тимсол сифатида гавдаланади.

Андрей Болконский, Пьер Безухов, Николай Ростов, Наташа, Соня, Мари – улар билан узоқ муддат ўзингизни ҳамфирк, йўлдош, ҳамсухбатдек ҳис қиласиз...

**Теодор Драйзер  
«АМЕРИКА ФОЖИАСИ» 1-2-китоблар  
Бичими 84x108 1/32,  
1-китоб – 624 ва 2-китоб 688 бет  
Қаттиқ муқова**

Теодор Драйзернинг эътиборингизга ҳавола этилаётган икки қисмдан иборат йирик «Америка фожиаси» романи ҳамиша бутун дунёни ўз фојлари атрофида бирлаштиришга уринган гигант давлат – Америкада ўша вақтларда юз берган воқе-

ликни кенг қамраб олганлиги, воқеаларнинг изчилиги билан ҳамиша китобхонлар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Асарнинг бош қаҳрамони Клайд Грифитс камбағал оиласда туғилиб-ўсган йигит. Унинг бойлик орттириш йўлида қилган ножӯя хатти-ҳаракатлари, бу йўлда ҳеч қандай қингир ишлардан қайтмаслиги ва уни шундай ишларни қилишга қўйиб берган табиати – юзсизлиги, шафқатсизлиги кабилар бир қаҳрамон тимсоли орқали ўша давр Америка муҳити ҳақида ўқувчида яхлит тасаввур пайдо қилади.

**Оноре де Балзак  
«Даҳрийнинг ибодати»  
84x108 1/32, 208 бет  
Юмшоқ муқова**

Оноре де Балзак асалари Европа адабиётининг гултожи саналади. Гобсек, Деплен, Горио Ота, Луи Ламбер – уларнинг ҳеч бири бир-бирини такрорламайди, улар қалбидаги муштарак мақсад, ички зиддиятлар, орзулар, борингки, адабиётнинг инсониятга кўрсатадиган хизмати нуқтаи назаридан бир-бирига жуда яқин. Мана шу ички кечинмаларни юракдан ҳис этган Балзак ўз асаларидан бирида шундай ёзади: «Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг фикр-асори, унинг баҳтсизлиги, унинг ҳаяжонига шерик бўлиш керак».

Қадрли китобхон! Агар Балзак қаҳрамонларининг ички кечинмаларини тушунмоқчи бўлсангиз, албаттат, ушбу асар мутолаасига шошилинг.